

А. Н. ДАДАМУҲАМЕДОВ, Ш.Э. ОМОНОВ

БОЛАЛАР ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯСИ

*5720200-«Педиатрия иши» йўналишида таълим олаётган
талабалар учун дарслик*

*Қайта ишланган ва тўлдирилган
иккинчи нацири*

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

2005

57.33

Д 15

Тақризчи: I Тошкент Давлат тиббиёт институти оториноларингология кафедраси маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қ.Ж. Миразизов

Д 15 Дадамуҳамедов А.Н., Омонов Э.

Болалар оториноларингологияси: 5720200—«Педиатрия иши» йўналишида таълим олаётган талабалар учун дарслик.—2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри /А.Н.Дадамуҳамедов, Ш.Э.Омонов; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.—Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.—264 б.


I. Муаллифдоши.

10 31255
393

ББК 57.33я 73

Дарсликда юқори нафас йўллари аъзолари ва қулоқнинг клиник анатомияси, физиологияси ва уларни текшириш усуллари баён этилган. Болаларда ЛОР аъзолари туғма ва орттирилган хасталикларининг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг намоён бўлиши, даволаш ва бу касалликларнинг олдини олиш чоралари замонавий илм- фан ютуқларига асосланган ҳолда ёритилган, қўшимча маълумотлар билан бойитилган.

Дарслик тиббиёт институтлари педиатрия факультетлари талабалари учун амалдаги намунавий ўқув дастурига мувофиқ ёзилган.



Д 4108170000
358 — 2005

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2005

СҮЗ БОШИ

Ўзбек тилида ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув кўлланмалар яратиш заруриятидан келиб чиқиб мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тиббиёт институтлари талabalari учун дарслик сифатида тавсия этилди.

Тиббиётнинг бошқа соҳалари каби оториноларингология (ЛОР) ҳам жадал ривожланди, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, шунингдек, асбоб-ускуналар ҳамда дори воситалари ишлаб чиқилди. Бу ЛОР касалликларини ўз вақтида даволаш ва олдини олиш имконини беради. Шуни инобатта олган ҳолда мазкур дарсликни яна қайта ишлаб ва тўлдириб нашр этишга эҳтиёж туғилди. Уни тайёрлашда олдинги нашрда билдирилган фикр ва мулоҳазалар эътиборга олинди.

Дарслик жузъий хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун муаллифлар дарслик ҳақидаги танқидий фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилиб, китобхонларга олдиндан чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

ҚУЛОҚНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Қулоқ одамнинг эшитиш ва мувозанат аъзоси, унинг анатомик тузилиши ва бажарадиган ўзига хос вазифалари жуда мураккаб. Мазкур аъзонинг мураккаб тузилишини, вазифаларини яхши ўрганиб олган талабагина қулоқ касалликлари патогенезини, клиникасини тўғри тушунади, унга тўғри ташҳис қўяди ва даволаш режасини тузади.

Қулоқ ташқи, ўрта ва ички қулоққа ажратилади.

Ташқи қулоқ (*Auris externa*) — қулоқ супраси ва ташқи эшитув ўйлидан иборат. Қулоқ супраси биринчи жабра ёригини ўраб турган мезенхима тўқимаси билан қопланган. Эмбрион ривожланишининг иккинчи ойи давомида қулоқ супраси соҳасида олтита дўмбоқча ҳосил бўлади. Дўмбоқчалар ўртасидаги чукурча ичкарига қараб ўрта қулоққа ўсиб киради ва ташқи қулоқ йўлини ҳосил қиласди. Қулоқ дўмбоқчаларининг ривожланиши ва уларнинг бирлашиб кетиши натижасида қулоқ супраси юзага келади. Қулоқ супраси калла суюгининг пастки жағ бўғими ва сўргичсимон ўсиқчанинг ўртасида жойлашган.

Қулоқ супраси усти тери билан қопланган эластик тогайдан тузилган. Унинг орқа сатҳи бир текисда силлиқ, ботиқ сатҳи олдинга қараган, ярим ой шаклидаги тери бурмалари ва улар орасида ҳосил бўлган чукурчалардан иборат. У ёш болаларда жуда юмшоқ ва қайишқоқ бўлади.

Қулоқ супраси тогайининг чети қайрилиб, бу супра бурмаси — *helix* ни ҳосил қиласди. У олдинги ва юқори томондаги қулоқ чукурчаси (тешиги) соҳасида бурманинг оёғи — *crus helix* дан бошланиб, олдин юқорига ва орқа томонга, сўнгра пастта ва олдинги томонга қараб қайрилиб, қулоқ супраси юмшоги (солинчак — мочка) — *lobulus auriculae* гача давом этади. Бунда тогай бўлмайди. Буни билиш — қулоқ супраси тогай қисмининг яллиғланиши ва сарамас касаллиги билан қиёслашда ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Қулоқ супрасининг четки қийифи — *helix* га параллел (ўзаро ёндош) йўналган бўртма бўлиб, у *antihelix* дейилади. Юқори томонда икки оёқча — *crus antihelix* га ажралади, пастки томонда — *antitragus* деб аталувчи дўмбоқ билан тугайди.

Helix билан antihelix орасида ариқча (scapha) бор. Қулоқ тешиги олд томонда tragus деб аталувчи дүмбоқ билан чегараланган.

Қулоқ супрасининг ҳаракатга келтирувчи мушаклари бўлиб (m.m.auricularis superior, anterior et posterior), улар рудимент ҳолда сақланиб қолган (1-расм).

Қулоқ супрасини – a. temporalis, superficialis ва a. auriculari posterior лар қон билан таъминлайди.

Лимфа тутунлари қўйидагилардан иборат:

1. Jnn. mastoidei – қулоқ супрасининг орқа томонида сўрғичсизмон ўсиқ соҳасида жойлашган лимфа тутунлари бўлиб, уларга чакка, энса ва қулоқнинг орқа томонидан келувчи лимфа томирлари келиб кўшилади.

2. Jnn. parotidei – қулоқ олди бези соҳасида жойлашган лимфа тутунлари.

Қулоқ супрасини асосан: n. auricula temporalis (уч шохли нерв тармоғи) ва n. auricularis magnus (бўйин чигали) нерв билан таъминлайди.

Ташқи эшитув йўли – meatus acusticus externus.

Қулоқнинг ташқи тешиги билан ноғора парда оралиғида жойлашган «S» симон йўл бўлиб, унинг узунлиги ёш болаларда 20–25 мм (2-расм). Канал охирида қулоқ пардаси, яъни ноғора парда жойлашган, у ташқи қулоқни ўрта қулоқдан ажратиб туради. Чақалоқ ва ёш болаларда ташқи қулоқ йўлининг суюк қисми ривожланмаган, фақатгина annulus tympanicus бўлади, шу сабабли унинг юқори ва пастки девори бир-бирига деярли тегиб туради. Бола улғайган сари ташқи қулоқ йўли кенгайиб, унинг суюк қисми ривожлана боради.

Ташқи эшитув йўли ташқи тоғай (2/3 қисми) ва ички суюк (1/3 қисми) қисмлардан иборат бўлади. Ташқи қулоқ йўлининг олд ва пастки қисмida тоғай бўлиб, унинг орқа ва юқори девори фиброз – қўшимча тўқимадан ташкил топган.

Ташқи эшитув йўли тери қавати тоғай қисмida бирмунча қалинроқ, суюк қисмida жуда юпқа бўлади. Тоғай ва суюк қисмлари ўзаро ўтмас бурчак ҳосил қилиб туташади, шу ерда эшитув йўли бироз тораяди, буни бўйин (isthmus) дейилади. Бола улғайган сари ташқи эшитув



1-расм. Қулоқ супраси. 1 – tragus; 2 – lobulus auriculae; 3 – helix; 4 – antihelix; 5 – antitragus; 6 – crus helicis.



2-расм. 1 – санторин ёриқчалари; 2 – ташқи эши туыв йўли; 3 – ногора парда.

Бу ёриқчалар орқали яллигланиш жараёни ташқи эши туыв йўлидан қулоқ олди безига ва аксинча, қулоқ олди безидан ташқи эши туыв йўлига ўтиши мумкин.

Ташқи эши туыв йўлининг устки (чакка суюгининг тангачасимон қисми билан чегараланган), олдинги (пастки жағнинг бўғим бошчаси билан чегараланган), орқа (сўргичсимон ўсиқнинг олд девори билан чегараланган) ва пастки (қулоқ олди бези билан чегараланган) деворлари фарқланади.

Ташқи қулоқ ташқи уйқу артерияси тармоқлари, яъни a. temporalis, a. auricularis posterior, a. auricularis profundaлар орқали қон билан таъминланади. Вена қони v. auricularis profunda, plexus pterygoidea лар орқали v. jugularis interna га қуйилади.

Сезувчи нервларга уч шохли нерв тармоқлари (толалари) билан бир қаторда, алашган нервнинг қулоққа келадиган тармоғи (г. auricularis n. vagi) ҳам қатнашади. Бу тармоқ ташқи эши туыв йўлининг орқа деворида майдо тармоқларга бўлиниб кетади. Шу сабабли ташқи эши туыв йўлининг терисини қитиқлаганда ёки қаттиқ босганда, беморда кўпинча беихтиёр йўтал пайдо бўлади. Эши туыв йўли деворларининг лимфа томирлари қулоқ супрасининг олд томонида, сўргичсимон ўсиқ устида, шунингдек, эши туыв йўлининг пастки деворларида жойлашган лимфа тутунлари орқали truncus jugularis га қуйилади. Ташқи эши туыв йўли яллигланганда, кўпинча шу лимфа тутунлари шишади ва уларда оғриқ пайдо бўлади.

Йўли яссиланиб, унинг узунлиги ва шакли 10–12 ёшга бориб катталарапникiga тенглашади.

Ташқи эши туыв йўз йўналишида горизонтал (ётиқ) ва фронтал параллел текисликларда букилмалар ҳосил қиласи. Бу ногора пардани кўриша бирмунча қийинчилик туғдирали.

Эши туыв йўлининг тогай қисмини сертуқ тери қоплаган бўлиб, у қулоқ чиркини ишлаб чиқаради. Эши туыв йўли тогай қисмининг олд ва пастки деворида бир нечта ёриқчалар бор, улар санторин ёриқчалари деб юритилади.

НОФОРА ПАРДА

Нофора парда (*membrana tympani*) — ташқи эшиитув йўлини ўрта кулоқ бўшлиғидан ажратиб туради. Ташқи эшиитув йўлининг сүяқ қисми *sulcus tympanicus* деб аталувчи айланга шаклидаги тарновча билан тутайди, ногора парданинг чети шу тарновчага жойлашади.

Парда юпқа, болаларда доира, катталарда овал (ясси) шаклда бўлади. Ҷақалоқ кулоқ пардасининг юза эпидермис қавати қалин бўлиб, ёш улғайтан сари аста-секин ногора пардаси зичлашади (таранглашади) ва жуда юпқалашиб қолади. Ногора парда катталиги 9x8 мм, қалинлиги 0,1 мм га тент. У 100 мм симоб устуни босимиға чидайди (3-расм).


Юқорида айтиб ўтилганидек парданинг кўп қисми сүяқ ҳалқанинг тарновчасига жойлашган бўлади ва шунинг учун ҳам таранг тортилган қисм дейилади (*pars tensa*). Парданинг оз, тепа қисми Ривини ўймасига (*incisura Rivini*) жойлашган бўлиб, бўш салқи қисми (*pars flaccida*) дейилади, яна бу қисмни *Шрапнелл пардаси* деб ҳам атайдилар.

Нофора парда уч қаватдан иборат. 1.

Ташқи тери (эпидермис) қавати — эшиитув йўли терисининг давоми. 2. **Ўрта** — фиброз (толали) қавати, у кўшувчи тўқимадан иборат бўлиб, фиброз қават толаларининг бири айланма ва иккин-

чиси шуъласимон ҳолда жойлашган. 3. **Ички қават** — шиллиқ қават ҳисобланиб, бу қават ногора бўшлиғи шиллиқ пардасининг давоми, кубсимон эпителийдан тузилган. Шуни айтиб ўтиш керакки, парда қаватлари, унинг барча юзасида бир хил жойлашмаган. Масалан, парданинг юқори қисмida ўрта қават (фиброз қават) бўлмайди. Бу ерда парда фақат ташқи тери ва ички шиллиқ қаватлардан ташкил топган, шу сабабли ногора парданинг бу қисми бўйпроқ тортилган бўлади.

Агар ногора пардага эшиитув йўли томонидан қаралса, унинг марказида даҳансимон ботиқлик кўринади, унинг энг чукур жойи — ногора парда киндиги дейилади. Киндикдан олдинги ва юқори қисмida ногора парданинг фиброз қавати билан қўшилиб кетган болғача дастаси жойлашган. Дастанинг пастки учи киндикка ёпишган. Даста юқорига кўтарилиб, у калта ўсиқча деб аталадиган дўмбоқча билан тутайди. Калта ўсиқчадан олд ва орқа томонга тортилган қат-қат бурмача бор,



3-расм. Ногора парда. 1— болғачанинг калта ўсиғи; 2— болғача дастаси; 3— киндик; 4— нурнинг қайтиши (акси).


бу ногора парданинг юқорида зикр этилган бўш ва таранг қисмлари ўртасидаги чегарадир. Парда гўдак болаларда ётиқроқ, худди ташқи қулоқ йўли юқори деворининг давомидек кўринади, бола катталашган сайин парда тикроқ ҳолатни эгаллайди. Ташқи эши тув йўлини ёритиб қаралганда, ногора парда оч пушти рангда кўринади.

Ногора пардадаги ўзгаришларни аниқлаш ва тушунтириш осон

бўлиши учун уни шартли равиша 4 бўлак ёки квадратга бўламиз. Бунинг учун бир чизиқни даста бўйлаб тўғри, иккинчи чизиқни эса киндик бўйлаб, унга нисбатан тик ўтказиш лозим (4-расм).

Шундай қилиб, ногора парда: орқа-юқори, орқа-пастки, олд-юқори ва олд-пастки қисмларга бўлинади.

Ташқи қулоқни а. carotis externa дан чиқувчи а. temporalis superficialis ва auricularis posterior, ногора пардан эса а. maxillaris дан чиқувчи а. auricularis profunda лар қон билан таъминлайди. Веналар v. auricularis profunda, plexus pterigoideus орқали v. jugularis interna га куйлади. Лимфа томирлари қулоқ олди, сўрғичсимон ва бўйиннинг чуқур лимфа тугунлари орқали ductus lymphaticus dexter га куйлади.



4-расм. Ногора парданинг шартли 4 бўлимга бўлинниши.
1 – орқа юқори; 2 – орқа пастки;
3 – олд-пастки;
4 – олд-юқори бўлимлар.

ЎРТА ҚУЛОҚ

Ўрта қулоқ бир-бири билан бевосита туташган ногора бўшлиғи, сўрғичсимон ўсиқ ва ҳалқум билан ногора бўшлигини қўшиб турувчи эши тув найдан ташкил топган.

Ногора бўшлиғи ва эши тув найдан биринчи жабра чуқурчаси ҳисобига ривожланган. Ўрта қулоқ бўшлиғи чакка суяги тошсимон ўсиғининг ичилда жойлашган бўлиб, эмбрион ривожланаётган даврда у суюқлик билан тўлган бўлади. Бола туғилиб, бир неча соат нафас олгандан сўнг, у суюқлик ҳаво билан алмашинади.

НОГОРА БЎШЛИГИ

Ногора бўшлиғи қулоқ пардаси билан лабиринт ўртасида жойлашган, ҳажми 1 см^3 га тенг.

Ногора бўшлигининг олти девори тафовут қилинади:

1. Юқори девор — ногора бўшлигининг томи юпқа суяк қатламидан иборат бўлиб, у ногора бўшлигини калла тубининг ўрта чуқурчасидан ажратиб туради ва устидан миянинг чакка бўлагини қоплаб ётган қаттиқ мия пардаси билан ёпилган бўлади.

Ёш болаларда юқори деворда тиркиш (ёриқ — fissura petrosquamosa) бўлиб, у чакка суягининг тангачасимон пластинкаси ва тоғисимон қисми ўртасида жойлашган. Шу жойда қон томирчалар ногора бўшлиғига ўтади. Бу ёш болаларда ўрта қулоқ ўткир йирингли яллиғланганида, йиринг шу ёриқдан ўтиб, мия қаттиқ пардасига таъсир этиши, натижада менингизм ҳолати келиб чиқиши мумкин.

2. Пастки девор ёки бўйинтуруқ венасига қараган девор — *paries jugularis* ногора бўшлигининг тубини ташкил қилади. Ёш болаларда бу деворнинг суяк қисми юпқа бўлади.

Ногора бўшлиғи йирингли яллиғланганди, йиринг шу соҳада тўпланади, суякнинг чириши натижасида бўйинтуруқ венасига ўтиб, турли хил асоратлар бериши мумкин.

3. Олдинги девор (*paries caroticus interna*) нинг юқори қисмida эши тувайнинг тешиги, ундан пастроқда эса ички йўқу артерияси ва уни ўраб олган вена чигалларини чегаралаб турувчи суяк пластинкаси жойлашган.

4. Орқа девор сўргичсимон ўсиққа қараган *paries mastoideus* деворидир. Ногора бўшлигининг бу девори юқоридан *aditus ad antrum* билан туташади, бу йўл сўргичсимон ўсиқчадаги доимий катта фор (*antrum*) билан боғланган. *Aditus ad antrum* остида сандонча суякчасининг калта ўсиғи, ундан пастроқда интичка йўл бўлиб, у ерда узанги мушагининг пай қисми жойлашган. Ундан пастроқда ногора тешиги бўлиб, ундан ногора бўшлиғига ногора торлари (*chorda tympani*) ўтади.

5. Ногора бўшлигининг ички (медиал) девори ички қулоққа қараганлиги учун лабиринт девори деб аталади. Бу девор ички қулоқни ўрта қулоқ бўшлиғидан ажратиб туради. Деворнинг қоқ ўртасида бўртиб чиққан дўнглик бор, бу (*promontorium*) деб юритилади. У ички қулоқ чиганоги (*cochlea*) нинт туртиб чиқишидан ҳосил бўлади. Дўнгликнинг орқа ва пастки қисмida чиганоққа кирадиган юмалоқ (овал) дарча (*fenestra cochlea*) ногора парда (*membrana tympani secundaria*) билан копланган.


Дўнгликдан (*promontorium*) юқорироқда, орқа лабиринтга олиб киравчи ясси иккинчи дарча — *fenestra vestibuli* жойлашган. Бу дарчани учинчи эши тувайнинг суякчаси — узанги ёпади.

Юмалоқ дарча чиганоқ бўшлиғига, ясси дарча лабиринт даҳлизига олиб киради. Ясси дарчанинг юқорироғидан юз нерви канали — *canalis facialis* ўтади. Бу каналнинг девори жуда юпқа бўлиб, баъзан ундан юз

нерви күриниб туради. Канал сүргичсимон ўсиқ ғори (*antrum*) га етмай пастга қараб бурилади ва юз нервнинг вертикал (тик) каналини ҳосил қиласиди, сўнгра бу нерв ташқи эшиитув йўлининг орқа девори бўйлаб ўтиб (**Фаллопий канали**), бигизсимон ўсиқ олдидаги тешик (*foramen stylomastoideum*) орқали ташқарига (кулоқ олди безига) чиқади.

6. Ўрта қулоқнинг ташқи ёки латерал (*paries membranaceus*) девори ташқи қулоқ йўли ва ноғора бўшлигини ажратиб турувчи қулоқ пардасидан иборат.

Ноғора бўшлигига болғача, сандонча ва узанги деб аталадиган учта эшиитув суюкчаси жойлашган (5–6-расмлар). Бу суюкчалар пай ва бўғимлар ёрдамида бир-бири билан бирикиб, ноғора парда билан яssi дарчани бирлаштирадиган туташ ва тез ҳаракатлантирувчи занжирни ҳосил қиласиди.



5-расм. Ноғора бўшлиғи. 1 – юқори бўлим (аттик); 2 – ўрта бўлим; 3 – пастки бўлим.



6-расм. Эшиитув суюкчалари.
1 – болғача; 2 – сандонча; 3 – узанги.

Болғача дастаси қулоқ пардага тегиб, уни ташқи қулоқ томонга бироз бўрттириб туради. Болғачанинг юмалоқ боши иккинчи эшиитув суюги – сандончага, унинг узун оёқчаси учинчи эшиитув суюги – узангичага тегиб туради.

Шундай қилиб, учала эшиитув суюклари ташқи қулоқ билан ички қулоқ орасида занжирга ўхшаш бирикиб жойлашган. Ноғора бўшлигига куйидаги мушаклар бор:

1. Қулоқ пардасини таранг қилувчи мушак. Бу мушак эшиитув наийи устидаги суюк тарновчасидан бошланиб болғача дастасига ёпишади (*m. tensor tympani*).

2. Узанги мушаги (*m. stapedius*). Ноғора бўшлигининг орқа деворидан бошланиб, ингичка пай билан узанги бошчасига ёпишади.

Биринчи мушакни уч шохли нерв тармоғи, иккинчисини эса юз нерви тармоғи таъминлаб туради (*n. stapedius*).

Ногора бўшлиғи шиллиқ парда билан ўралган бўлиб, юқорида айтиб ўтганимиздек эшитув найи орқали ютқин билан, *aditus ad antrum* ёрдамида антрум (фор) ва сўргичсимон ўсиқчанинг бутун катакларини бирлаштириб туради. Ногора бўшлиғи уч бўлим (қават)дан иборат. Унинг юқори қисми – аттик (*epitympanum*), ўрта қисми – *mesotympanum* (бу қисм ногора парданинг таранг қисмига тўғри келади), пастки қисми эса ногора пардадан пастроқ жойлашган қисми (*hypotympanum*) ҳисобланади.


ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ ҚОН ВА НЕРВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Ўрта қулоқни асосан – *a. tympanica superior* (*a. maxillaris* дан), *a. auricularis posterior* (*a. stylomastoidea* дан), *a. tympanica inferior* (*a. pharyngea ascendens* дан) қон билан таъминлайди. Веналар артериялар билан бирга шу артериялар номи билан аталиб, *plexus pharyngeus*, *v. meningeae mediae* ва *v. auricularis profunda* ларга, лимфа томирлари эса ютқин атрофи ва қулоқ орқасидаги лимфатик түгунларга қуйилади.

Ўрта қулоқ бўшлиғининг шиллиқ қавати ва эшитув найи ҳаракатчан толаларни сезувчи толалар, юз нерви ҳамда тил-ютқин нервидан чиқувчи – *n. tympanicus* дан олади (7-расм).

7-расм. Ногора бўшлиғидаги қон томирлари ва нерв толалари.

1–антрум; 2– ён ярим ҳалқасимон канал дўнглиги; 3– юз нерви; 4– юз нервининг ётиқ тиззаси; 5 ва 9– катта тошсимон юза нерв; 6– катта тошсимон юза нервининг кичик қисми билан бириқиши; 7– ногора пардани таранг қилувчи мушакнинг суюк тарновчаси; 8– кичик тошсимон юза нерв; 10– қулоқ тутуни билан боғланиш; 11– уйку симпатик тармоғининг ўралган қисми; 12,13– ногора нерви билан боғланиш; 14– ички уйқу артерияси; 15– симпатик нервининг ички уйқу артерияси билан боғланган қисми; 16– тил-ютқин нервининг тошсимон қисми; 17– бўртиб чиқсан дўнглик; 18– ногора нерви; 19– юз нервидан ажралган ногора тори; 20– узанги мушаги нерв толаси; 21– узанги мушаги қоринчаси; 22– узангининг олдинги қисми.




ЭШИТУВ НАЙИ

Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, у ногора бўшлиғини ҳалқум билан бирлаштириб туради, унинг узунлиги 3–3,5 см га teng. Найнинг ўрта қулоқ бўшлиғи томонга очилган 1/3 қисми суяқдан, ҳалқум бўшлиғига очилган 2/3 қисми эса парда – тогайдан иборат. Найнинг шиллик пардаси ҳилпилловчи эпителий билан қопланган бўлиб, унинг тукчалари ҳалқум томонга қараб ҳаракат қиласди. Эшитув найи одатда пучайган (ёпик) ҳолатда бўлади. Унинг ҳар гал ютиш ҳаракати вақтида, унга ёпишган юмшоқ танглай мушакларининг қисқариши натижасида очилишидан ўрта қулоқнинг ногора бўшлиғига ҳаво ўтади (8-расм).

Ёш болаларда найнинг узунлиги катталарага нисбатан калта (20–22 мм) ва кенгроқдир, у горизонтал текисликда ётади. Найнинг ҳалқумга очилган қисми, ҳалқумнинг ён деворларида жойлашган – розенмюллар чукурлигига бўлади.

Найнинг ўрта қулоқ ва ҳалқумга очиладиган тарафлари кенг, суяқ қисмининг тогай қисми билан бирлашиш жойи эса жуда тор бўлади, шунинг учун ҳам баъзилар эшитув найини кум соатига ўхшатишади.



8-расм. Эшитув найи. 1—ташки эшитув йўлининг тогай қисми; 2—ташки эшитув йўлининг суяқ қисми; 3—ногора бўшлиғининг юқори эпитимпанал қисми; 4—болгача бошчаси; 5—кулоқ пардасини таранг қиливчи мушакнинг пайи; 6—ногора парда; 7—ногора бўшлиғи; 8—ногора пардасини таранг қиливчи мушак; 9—ногора бўшлиғининг юқори суяқ қисми; 10—эшитув найининг суяқ қисми; 11—эшитув найи тогай қисмининг суякка бирлашган жойи; 12—togay; 13—эшитув найининг тогай қисми; 14—ютқин суяги; 15—ютқинни қисувчи юқори мушак; 16—юмшоқ танглайни ҳаракатлантирувчи мушак; 17—бигизсимон суяқ ўсимта; 18—чакка суягининг ногора бўшлиғи қисми; 19—сурғичсимон ўсиқча; 20—ташки эшитув йўлининг тогай қисми; 21—кулоқ тешиги олди дўмбоқчаси; 22—кулоқ супрасиди; 23—чакка суяқ қисми.

Янги туғилған чақалоқ ёки ёш болаларда калта ҳамда кенг най күпинча ўрта қулоқнинг турли хил яллиғланишларига олиб келади, чунки ҳалқумдаги турли микроблар бу най орқали осонлик билан ўрта қулоққа ўтади (катталарга нисбатан). Агар турли сабабларга кўра эшиитув найи ҳавони яхши ўтказа олмаса, унда ўрта қулоқнинг ноғора бўшлиғида ҳаво босими пасайиб, қулоқ парда ноғора бўшлиғига бўртиб киради, натижада эшиитув қобилияти бузилади.

Эшиитув найининг ҳалқумга очилган тешиги атрофида лимфоид түқималар бўлиб, улар *glandulae tubariae* деб юритилади.

ЧАККА СУЯГИ

Чакка саяги бир жуфт бўлиб, жуда мураккаб тузилтан. Бу сук калла бўшлиғининг ёнбош деворини, унинг тубини ҳосил қилишда қатнашади. У ўз ичидаги одам учун муҳим аҳамиятга эга бўлган эшиитув ва мувозанат сақлаш аъзоларини ҳам сақлаб туради. Чакка саяги тўрт қисмдан иборат:

1. Палла (танга) қисми – *pars squamosa*
2. Ноғора қисми – *pars tympanica*
3. Тошсимон қисми – *pars petrosa*
4. Сўргичсимон қисми – *pars mastoidea*

Сўргичсимон қисми ривожланиш даврида алоҳида сукланиш нуқтаси бўлмаслигидан тошсимон қисми билан бирга ривожланганлиги учун кўпинча тошсимон қисмига қўшилиб ўсган. Шунинг учун ҳам эмадиган болаларда бу бўлаклар – *pars petromastoidea* деб аталади.

Ана шу тўртта қисм эмадиган болаларда алоҳида бўлиб, бир ёшдан бошлаб сукланиб бирлашади ва битта чакка саягини ҳосил қиласади.

Чакка саягининг алоҳида қисмлари бирлашган жойларида ёриклири бўлиб, улар умр бўйи сақланиб қолади, жумладан *pars squamosa* билан *pars petrosa* ўртасида *fissura petrosquamosa* ва ташқи эшиитув йўлининг орқасида *fissura tympanosquamosa* кўриниб туради. Бу анатомик ҳолат ўрта қулоқдаги баъзи бир йирингли яллиғланишларда юз берадиган асоратларни клиник нуқтаи назардан белгилашда ва аниқлашда катта аҳамиятта эга (айниқса ёш болаларда).

Чакка саягининг тангасимон қисми (палласи) – *pars squamosa* калла саяги қопқоғининг икки ёнбош деворини ҳосил қилишда қатнашади. У ярим доира шаклидати вертикал (тиқ) тангача – юпқа қатламдан иборат. Бу сукнинг ички юзаси мия пушталарининг излари ва а. *meningea media* жойлашадиган эгатчага эга. Унинг ташқи юзаси силлиқ бўлиб, чакка чуқури ҳосил бўлишида иштирок этади. Чакка юзасидан ёноқ ўсиги – *processus zygomaticus* чиқади ва ёноқ саяги билан бирлашади.

Ёш болаларда ўрта қулоқнинг ўткир йирингли отитида шу ёноқ ўсиғи ҳам яллиғланиси мумкин. Чунки ёноқ ўсиғида қўпгина катақлар бўлиб, улар осонлик билан яллиғланади ва йирингли отитнинг асорати хисобланади.

Ногора қисми – pars tympanica чакка суяқ ташқи эши тув йўлини олдинги-пастки ва қисман орқа томонидан чегаралаб туради. Бу қисм ён томондан сўрғичсимон ўсиқ ва медиал (ичкари) томондан тошсимон қисмлар билан қўшилиб турса, пастки томондан бигизсимон ўсиқ (*processus styloideus*) нинг илдизини ўраб, қин ҳосил қиласди. Юқорида айтиб ўтилганидек ташқи эши тув йўли анча калта бўлиб, ички ва қисман олдинги томонга йўналиб, ногора бўшлиғига очилади, тепа ҳамда орқа томондан pars squamosa ва қолган томонлардан pars tympanica билан чегараланиб туради.

Эмадиган болаларда суякнинг ногора қисми (*pars tympanica*) унчалик ривожланмаган «тақа» шаклидаги ҳалқа – *apnus tympanicus* дан иборат бўлиб, ташқи эши тув йўлининг суяқ қисми ривожланмаган бўлади. Ёш болаларда 1 ёшдан бошлаб 2–3 ёшгача (*pars tympanica*) тўла ҳалқа бўлиб, суякланиб етилади.

Тошсимон қисми – pars petrosa чакка суягининг бошқа қисмларига нисбатан қаттиқроқ тузилган, шунинг учун бу бўлакни тошсимон ёки шаклига қараб (уч томонли пирамидага ўхшайди) пирамида деб аталади.

Бу суякда нозик тузилишга эга бўлган эши тув ва мувозанат сақлаш аъзолари жойлашган, тошсимон суякнинг бу қисми уларни ҳар хил ташқи таъсиротлардан, шикастланишлардан сақлаб туради. Суякнинг орқа қисмida ички эши тув тешиги – *rotus acousticus internus* бўлиб, у қисқа йўл – *meatus acousticus internus* га олиб киради. Бу йўл орқали юз, эши тув, мувозанатни сақлаш нервлари (асаб) ва қон томирлари ўтади. Ички эши тув тешигидан пастроқда ва ён томонда даҳлиз сув йўлининг ташқи тешиги жойлашган, бу тешик орқали парда лабиринтнинг (ички қулоқнинг – *ductus endolymphaticus* деб аталувчи) йўли чиқади ва халтacha – *sacculus endolymphaticus* ни ҳосил қилиб тутгайди.

Пирамиданинг пастки юзаси калланинг тубига қараган, у ердан бигизсимон ўсиқ кўриниб туради (*processus styloideus*). У билан сўрғичсимон ўсиқ орасида бигизсимон – сўрғичсимон тешик жойлашган (*foramen stylomastoideum*), ана шу тешик орқали юз нерви калла бўшлиғидан ташқарига чиқади.

Бигизсимон ўсиқнинг медиал (ичкари) томонида бўйинтуруқ чуқурча – *fossa jugularis* бор. Бу чуқурча энса суягига жойлашган чуқурча билан қўшилиб, бўйинтуруқ тешигини ҳосил қиласди (*foramen jugularis*). Бўйинтуруқ чуқурчасининг олдинги томонида ички уйқу қон томирининг тешиги бўлиб, бу тешик бўйинтуруқ вена қон томири

ұтадиган тешикдан юпқа сүяқ қатлами билан ажралиб туради. Ще болаларда, баъзан кattаларда бу юпқа сүяқ қатлами бўлмасдан, фақат шиллиқ парда орқали уйқу ва бўйинтуруқ вена қон томирлари ажралиб туради.

Сўргичсимон ўсиқча – processus mastoideus ташқи эшитув йўлининг орқасида жойлашган. M. sternocleidomastoidus (тўш-ўмров мушаги) ана шу ўсиқча ёпишиб туради.


Сўргичсимон ўсиқча бола туғилганидан сўнг юқоридаги мушак ёрдамида катталашиб ривожланади. Унинг катакчалари 2–3 ёшдан бошлаб 5–6 ёшгача ривожланади. Сўргичсимон ўсиқчанинг ташқи юзасида текис учбурчак шаклидаги бўлакча бўлиб, унинг олдинги томонида кичкина сүяқ ўсиқчаси (spina supramastoidum – Генле) бор. Бу ўсиқчанинг устки чегараси чакка чизиги – linea temporalis бўлиб, бу ёноқ ўсиғининг орқага қараб давом этган чизигидир, унинг орқа томонида силлиқ учбурчакли (Шипо) чуқурча бор. Сўргичсимон ўсиқчанинг олдинги девори ташқи эшитув йўлининг орқадаги сүяқ деворини ташкил қиласи (9,10-расмлар).


Ташқи эшитув йўли устки сүяқ ўсиқчаси ва чакка чизиги ўрта қулоқ операцияларда муҳим аҳамиятга эга бўлган мўлжал (белги) ҳисобланади.

Силлиқ чуқурча – fossa mastoidea нинг остида ётган сўргичсимон ўсиқчанинг ичидаги катта fop (antrum) бор, шуни операция вақтида аниқ очишда юқорида айтиб ўтилган белгилар катта аҳамиятга эга.

Сўргичсимон ўсиқчанинг қоплаб турган тери жуда юпқа. Қулоқ супраси яқинида ҳамда тери ости ёф қисми орасида лимфатик тугунлар ҳам бўлади.

9-расм. Чакка суюгининг ташқи тузилиши.
 1 – палла (тантга) суюги; 2 – пастки жағ бошчасининг жойлашадиган чуқурчаси; 3 – ногора суюгининг пастки ўсиқчаси; 4 – ёноқ ўсиғи; 5 – пастки жағ бўғим чуқурчасининг олд ўсиқчаси; 6 – тошсимон ва тантанча суюклар оралигидаги ёриқча; 7 – тошсимон ва ногора суюклари оралигидаги ёриқча; 8 – чакка суюгининг ногора қисми; 9 – бигизсимон ўсиқча; 10 – ташқи эшитув йўли; 11 – сўргичсимон ўсиқча; 12 – сўргичсимон ўсиқча ва ногора бўшлиғи орасидаги ёриқча; 13 – сўргичсимон ўсиқчадаги тешик; 14 – сүяқ ўсиқча; 15 – ўрта қулоқни чакка бўлакдан ажратиб турувчи йўл; 16 – тепа қирра ва сўргичсимон ўсиқ билан бурчак соҳасидаги зотчалар; 17 – пастки жағ бўғими – дўнги; 18 – ўрта чакка артериясининг ўтадиган йўли.





10-расм. Чакка суяги тошсимон (пирамида) қисмининг олдинги юзаси. 1—юз нерви канали; 2—тошсимон ва тангача суклари оралигидаги ёриқча; 3—чакка суягини бошқа калла суклари билан бирлаштирувчи ёриқчалар; 4—дўймоқча; 5—сигмасимон синуснинг жойлашадиган жойи; 6—сўрғичсимон ўсиқчадаги тешик; 7—тошсимон сукдаги эгатча; 8—бош мия учлик нерва тутуннинг чуқур изи; 9—ички уйқу артерияси тешиги; 10—п. petrosi minor ўтадиган тешик; 11—sulcus п. petrosi superfisialis ўтадиган йўл; 12—VIII нерв толалари ўтадиган тешиги.

Сўрғичсимон ўсиқчанинг орқа қисмида бир нечта тешиклар бўлади (foramen mastoideum). Улардан майдан вена қон томирлари ўтиб, улар энса атрофидаги юза жойлашган вена қон томирлари билан қўшилади ва сигмасимон синусга ўтади. Йирингли яллигланинг майдан вена қон томирлари ўтадиган тешиклар орқали орқа миядан мия суягини ўраб турувчи ташқи мия пардасига ўтиши мумкин.

Сўрғичсимон ўсиқчанинг орқа ва ички томонида орқа мияга яқин ариқча (эгатча) бўлиб, у ерда сигмасимон синус жойлашган, бўйинтуруқ венаси унинг давоми ҳисобланади. Ўрта қулоқ йирингли яллигланганда, сўрғичсимон ўсиқчанинг суяги чириши натижасида яллигланиш сигмасимон синуста ўтиб, турли оғир асоратлар бериши мумкин.

Сўрғичсимон ўсиқча кўргина катаклардан иборат, бу катакларга ҳаво ўтиб туради. Сўрғичсимон ўсиқча ичиди (унинг юқорироқ қисмида) катта фор (antrum) жойлашган. У олд томондан ўрта қулоқ бўшлиғи, бошқа томонлардан эса сўрғичсимон ўсиқчанинг ҳаволи катакчалари билан туташади.

Ён болаларда антрум (фор) каттароқ бўлиб, сўрғичсимон ўсиқчанинг ташқи сатҳидан 0,5 см пастроқда жойлашган.

Ўсмирлар ва катта ёшдагиларда унинг узунлиги 9–15 мм, кентлиги 5–8,5 мм, баландлиги 4–18 мм бўлади. Форнинг шакли нотўғри бўлиб, у шиллик парда билан қопланган.

Антрум (фор) қисқа (калта) 3–4 мм ва жуда ҳам кенг 2,5–3 мм, у канал (aditus) ёрдамида ногора бўшлигининг юқори қисми билан туташади.

Антрумнинг юқори девори — tegmen tympani нинг давоми ҳисбланиб, у форни калла суяги ўрта чукурчасининг остки чегарасидан ажратиб туради. Унинг орқа девори сигмасимон синус, орқа мия чукурчаси ва мияча (кичик мия) билан чегарадош. Шунинг учун антрумни операция вақтида очишда синусни шикастлантирумасликка ҳаракат қилиши лозим.

Кўпинча сигмасимон синуснинг меъёр (норма) дан четга чиқдан яъни у форга жуда яқин ҳолатда жойлашганини кўриш мумкин. Бу ўрта қулоқда операция ўтказишни мураккаблаштиради.

Операция қилишдан олдин сўргичсимон ўсиқча, антрум (фор) ва синуснинг қандай жойлашганини, фақат чакка суюгини рентген қилиб аниқласа бўлади.

Антрумнинг пастки деворидан сўргичсимон ўсиқчанинг катаклари бошланади. Шу фор олдидаги сўргичсимон бўлимда йўл бор, бу ердан юз нерви тик йўналишида ўтади. Антрумни очиш мақсадида қилинаётган операция вақтида қўполликка йўл қўймаслик, шунингдек, юз нервининг шу ердан ўтишини эсдан чиқармаслик лозим, акс ҳолда уни жароҳатлантириб қўйиш мумкин.

Сўргичсимон ўсиқча йирик катакли (яъни пневматик ёки диплоэтик), катаксиз ёки катаклари зич ҳолда тузилган, улар бир-биридан юпқа суяқ тўсиқлар орқали бўлинниб туради.

Диплоэтик турдаги сўргичсимон ўсиқча катаклари жуда майда, кўпинча сўргичсимон ўсиқча катаклари аралаш тузилган бўлиб, бунда йирик катаклар билан бирга майдалари ҳам бўлгали. Зич ҳолда тузилган катаклар жуда кам учрайди ёки умуман бўлмаслини ҳам мумкин.

Рахит (ширзада), ўрта қулоқ касаллиги билан оғриган ва моддалар алмашинуви издан чиқдан беморларда сўргичсимон ўсиқ катакларининг ривожланиши бузилади.

Катакларнинг сийрак бўлиши ёки бутунлай бўлмаслиги беморнинг сурункали йирингли отит билан оғриланлигидан далолат беради.

ИЧКИ ҚУЛОҚ

Ички қулоқ ёки лабиринт чакка суюгининг тошсимон қисми ичида жойлашга бўлиб, ташқи томондан суяқдан, ички томондан эса уни такрорловчи парда лабиринтидан иборат. Лабиринт уч қисмга: даҳлиз (vestibulum), ярим ҳалқасимон каналлар (canalis semicircularis) ва чиганоқقا (cochlea) бўлинади.


Суяқ ва парда лабиринт ўртаси перилимфа суюқлиги билан тўла, перилимфа орқа мия суюқлигидир.

Лабиринт узунлиги – 15 мм, кенглиги – 8 мм, баландлиги – 10 мм дир.


СУЯҚ ЛАБИРИНТ

Суяқ лабиринт даҳлизининг узунлиги 6 мм, кенглиги 3,5 мм ва баландлиги 5–6 мм.

Лабиринт даҳлизига 2–3 томчи суюқлик сифади. У ташқи томондан ўрта қулоққа қаратан бўлиб, юмалоқ ва ясси дарчалар орқали ўрта



кулоқнинг нофора бўшлиғига туташади. Орқа томондан бешта тешик ёрдамида учта ярим доира шаклидаги ҳалқа бўшлиғи билан бирлашган. Лабиринт даҳлизи олд томонга нисбатан катттароқ тешик орқали чиганоққа ўтиб кетади. Лабиринт даҳлизининг 8 та тешиги бор, 5 таси ярим доирасимон ҳалқаларга, иккитаси ўрта кулоқ бўшлиғига ва биттаси чиганоққа очилади (11—12-расмлар).



11-расм. Ички қулоқ. 1—ташқи ярим ҳалқасимон канал; 2—юқори ярим ҳалқасимон канал; 3—даҳлиз дарчаси; 4—чиганоқ дарчаси; 5—даҳлиз; 6—чиганоқ; 7—орқа ярим ҳалқасимон канал.

Crista vestibuli деб аталувчи қирра, лабиринт даҳлизининг ички томонида жойлашган бўлиб, у даҳлиз ичини чуқурчага: орқадаги ярим доира каналлар очиладиган чуқурча – recessus ellipticus ва олдинги чиганоқ тешиги очиладиган чуқурча – recessus sphericus – га бўлиб юборади. Орқадаги чуқурча даҳлиз сув йўли aqueductus vestibuli га очилади. Даҳлиз суюқлик йўли, лабиринт бўшлиғига жойлашган перилимфа суюқлигини миянинг қаттиқ пўстлоғи остидаги бўшлиққа куяди.

12-расм. Ўнг суюқ лабиринт. 1—canalis semicircularis superior; 2—ampulla ossea lateralis; 3—crus commune; 4—canalis semicircularis lateralis; 5—canalis semicircularis posterior; 6—crus commune; 7—ampulla ossea posterior; 8—apertura interna aquaeductus vestibuli; 9—macula cribrosa inferior; 10—recessus cochlearis; 11—apertura interna canaliculi cochlearis; 12—lamina spiralis secundaria; 13—scala vestibuli; 14—scala tympani; 15—canalis spiralis cochleae; 16—recessus sphaericus; 17—cupula cochleae; 18—cochlea; 19—macula cribrosa; 20—crista vestibuli; 21—macula cribrosa superior; 22—recessus ellipticus; 23—ampulla ossea superior.



ЯРИМ ҲАЛҚАСИМОН СУЯК КАНАЛЛАРИ

Бу каналлар учта: горизонтал, фронтал, сагиттал ярим ҳалқасимон каналлардир. Улар ўзаро бир-бирига тик жойлашган. Ярим доира каналлардан ҳар бирининг иккита оёқчаси бўлиб: бири кенгайган оёқча (ампула), иккинчиси оддий ёки силлиқ оёқчадир (оддий).

Юқори ярим ҳалқасимон канал чакка сүякнинг пирамидал ўсиғи ўқига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилиб тик жойлашган. Бу каналнинг олдинги оёғи (қисми) олдинги ярим ҳалқасимон каналнинг орқадаги оёғи билан биргаликда даҳлизга, иккинчи оёғи лабиринт даҳлизига ўзи алоҳида очилади. Шунинг учун ҳам уча ярим ҳалқасимон каналларда олтига оёқ бўлишига қарамай, улар лабиринт даҳлизига бешта тешик билан очилади. Бирга очилган умумий оёқ — *crus osseum communae* дейилади.

Ташқи ярим ҳалқасимон канал — юқорида ва орқа каналларга нисбатан ташқарироқда жойлашган бўлиб, горизонтал текисликда ётади. Бу канал қолган каналларга нисбатан калтароқ ва бирмунча йўғонроқ бўлиб, оёқчалари лабиринт даҳлизининг ён деворига очилади. Юз нервининг каналидан бирмунча юқорида бу каналнинг кенгайтган оёғи ногора бўшлиғининг ичкари деворини бўртиб туртиб туради. Ўрта кулоқда операция қилиш даврида буни ҳисобга олиш лозим (юз нервини ва ташқи ярим ҳалқасимон канални жароҳатламаслик учун).

Бола 7 ёшта киргунча ярим ҳалқасимон каналларнинг деворлари жуда юпқа ва нозик бўлади, 7 ёшдан кейин эса улар 2–3 марта қалинлайша бошлайди.

Даҳлиз ярим ҳалқасимон сүяк каналлар ва чифаноқ ўртасида жойлашган, у ички кулоқнинг марказий қисми ҳисобланади. Унинг ташқи сатҳи (девори), ногора бўшлиғининг ички (медиал) деворининг бир қисмига тўғри келиб, унинг кўп қисмини даҳлиз дарчаси эгаллайди, ички девори эса ички эшитув йўлининг тубига тўғри келади.

ЧИФАНОҚ

Чифаноқ сүяк каналдан иборат бўлиб, тик ўққа икки ярим марта гажак ҳосил қилиб ўралган, унинг ташқи кўриниши худди чифаноқни (шиллиқ курт) эслатади.

Лабиринт даҳлизининг пастки қисмидан бошланган чифаноқ ичкарига бурилиб, сўнг юқори томонга йўналади. Айланни ўқи *modiolus* атрофида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам унинг остки биринчи айланаси катта (кенг) диаметрга эга бўлганидан, чифаноқ эзилган конус шаклида бўлади.

Чифаноқ ўқи — *modiolus* дан чифаноқ бўшлиғи ичига спирал сүяк пластинкаси (юпқа тангасимон) буралиб, айланма ҳолида *lamina spiralis ossea* га чиқади. Бу пластинка чифаноқ бўшлиғини иккига, яъни даҳлизга олиб киравчи даҳлиз нарвони — *scala vestibuli* ва чифаноқ тешиги орқали ногора бўшлиғига олиб киравчи нарвон — *scala tympani* га бўлиб туради. Спирал (бурма) сүяк пластинкаси билан *modiolus* орасида *canalis spiralis*

modioli бўлиб, ана шу каналда gang. spirali жойлашган. Gang. spirali дан чиқувчи p. cochlearis нинг периферик толалари сякдан иборат спирал (бурама) пластинкадаги майда тор каналчалар орқали ўтиб, Кортий аъзосига бориб тўхтайди.

Scala tympani тешиги яқинида майда тешикчалар бор, булар чиганоқ сув йўли – aqueductus cochlea нинг ички тешигидир. Чиганоқ сув йўлининг ташки тешиги чакка сяяги пирамидасимон ўсиғининг остки юзасида жойлашган.

ПАРДА ЛАБИРИНТ

Парда лабиринт – девори бириктирувчи тўқима пардадан тузилган бўшлиқ ва каналлардан иборат. У сяк лабиринт ичиди, ана шу лабиринт шаклини қайтариб, бўшлигини кўш қават қилиб ётади. Парда лабиринт ичидаги суюқликни эндолимфа дейилади.

Парда лабиринт ички қулоқ даҳлизи соҳасида иккита бўшлиқ; бачадонча – utricleus ва қопча – sacculus ларни ҳосил қиласи.

Қопча чўзиқроқ бўлиб, даҳлизнинг ичкари деворида чиганоқ томонга қараб жойлашган. Шунинг учун ҳам utricleus ичи 5 та пардадан иборат, яъни ҳалқасимон каналлар очиладиган тешиклар ва битта sacculus га туташган ductus utriculosaccularis. Бу йўл орқали utricleus билан sacculus алоқа қилиб туради.

Бачадонча билан қопча орасидаги йўлдан бош сяяк ичига ўтиб турувчи эндолимфа йўли – ductus endolymphaticus шохлаб чиқади. Sacculus бўшлиғи пардадан иборат чиганоқ бўшлиғи (ductus endolymphaticus) билан ductus reuniens орқали алоқала бўлади.

Пардадан тузилган ярим ҳалқасимон каналлар шаклан ярим сяяк ҳалқасимон каналларга ўхшаса ҳам улардан уч марта торроқ. Ярим ҳалқасимон каналлар оёқларининг кенгайган қисмида пардали ярим ҳалқасимон каналлар ҳам кенгайган, бу ернинг ички юзаларида ампула қирраси (тароқсимон – crista ampullaris) бўлиб, бу қирралар соҳасида таянчли ва унда нейроэпителиал қилсимон (туксимон) ҳужайралар жойлашган.

Бачадонча ва қопча соҳаларининг ич томонида оқ доғлар бор, булар ясси эпителийдан вужудга келган. Оқ доғлар юзаси шиллиқсимон модда (отолит парда) билан қопланган ва унинг таркибида майда оҳак заррачалари мавжуд. Улар олти қиррали шаклда бўлиб, кальший ва магний тузларидан тузилган отолитлар дейилади (13-расм).

Пардадан иборат чиганоқ, сяяк чиганоқнинг 1/4 қисмини ташкил қилиб, бошланишда боши берк (туташ) бўлади. У сяяк чиганоқнинг йўлини такрорлайди, яъни икки ярим айлана ҳосил қиласи ва боши берк ҳолда чиганоқ чўққисида тутайди.

Чиганоқ соҳасида эндолимфа даҳлиз ва чиганоқ нарвонлари орасида бўлади. Даҳлиз нарвони даҳлиздан бошланиб, парда чиганоқнинг учига боргандада ногора нарвони – scala tympani га кўшилади, бу helicotrema деб юритилади.


Пардадан тузилган чиганоқ йўли – ductus cochlearis суюк чиганоқ ичида жойлашган бўлиб, ичида эшитув аъзолари жойлашгандир.

Arap ductus cochlearis ни кўндалангига кесиб қаралса, унинг учбурчак шаклида эканлигини кўриш мумкин.


Суюк спирал (бурама) канал ичидаги парда спирал канал билан бирга айланиб, парда чиганоқнинг ташқи девори, суюк каналининг ташқи деворига бориб қўшилиб кетганини учун парда чиганоқ остки томонда суюк спирал каналга тегиб ётади, бинобарин ductus cochlearis остки томонда scala tympani, юқори томонда – scala vestibuli лар билан чегараланган.

Учбурчак шаклига эга бўлган каналнинг юқори (даҳлиз нарвонига қараган) томони – membrana vestibularis (Reissneri) билан, остки томони асосий пластинка – membrana basilaris билан чегараланган бўлиб, бу девор бағрида эшитиш аппарати – Кортий аъзоси жойлашган. Membrana basilaris да бир неча минг фиброзли толалар тортилган, булар турли хил товушларни турлича резонанслаш (янгратиб бериш) вазифасини бажаради. Бу торлар устида Кортий аъзосининг эпителиял ҳужайралари жойлашган, булар орасида эшитув ҳужайралари бор (14-расм).

Эшитув аъзоси – қулоқнинг тузилиши билан танишиб бўлганимиздан сўнг, товуш ўтказиш ва эшитиш қандай рўй бериши ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз. Қулоқни эшитиш вазифаси жиҳатидан, асосан икки қисмга бўлиш мумкин.



13 расм. Ярим ҳалқасимон канал (ампула) қисми ва даҳлизининг тасвири. 1 – эндолимфа; 2 – тароқсимон ўсиқча; 3 – охирги тўплам; 4 – ампула (кенгайлан) қисми; 5 – перилимфа; 6 – даҳлиз; 7 – отолит парда (мембрана); 8,9 – ампула ва бачадончанинг нерв (асаб) шохчаси.



14-расм. Чиганоқнинг кўндалангига кўрининши. 1 – рейснер пардаси; 2 – даҳлиз нарвони; 3 – қоплов пардаси; 4 – томирлар йўли; 5 – чиганоқ йўли; 6 – ногора нарвони; 7 – чиганоқнинг ногора девори йўли; 8 – махсус таянч ҳужайралари; 9 – спирал нерв ҳужайрасининг чиганоқдаги тутунчаси.

1. Қулоқнинг товуш ўтказувчи қисми, бунга ташқи, ўрта ҳамда ички қулоқ суюқликлари киради.

2. Қулоқнинг товушни сезиш (қабул қилиш) қисми, бунга чиганоқ ичидаги Кортий аъзоси киради.

Ҳаводаги товуш тұлқинлари қулоқ супрасига урилиб, ташқи эши тувшылық орқали қулоқ пардасига бориб уни тебратади. Қулоқ пардаси ўз тебранишларини эши тувшы суяклари занжирига ўтказади. Аввал болғача, сүнгра сандонча, ниҳоят узанги тебранади. Бу эши тувшы суякчалари, шу суяклар орасидаги бойламлар ва т. stapediusни тебратади. Қулоқ пардасининг кучли ёки күчсиз тебраниши шу парданы тарапнаб турувчи мушак – т. tensor түтрапі нинг қисқаришига боғлиқ. Узанги тебранар экан, унинг асоси ясси дарчани қоплаб турувчи пардага туташганлиги сабабли, эши тувшы суякларыда юзага келган тебраниши ана шу парда орқали scala vestibuli га ўтади ва бу ердаги перилимфа суюқлигини тебрантириб ҳаракатта көлтиради.

Перилимфа суюқлигининг тебраниши helicotrema орқали scala tympani га ўтади ва дахлиз томон қайтиб келиб, membrana tympani secundaria ни тебратади. Перилимфа тебраниши Рейснер пардаси орқали эндолимфага ўтади. Натижада товуш тұлқини эндолимфа суюқлигини тебратади. Эндолимфа тебраниши Кортий аъзосининг эши тувшы торларига урилади, бу ерда эса эши тувшы анализаторининг периферик учи жойлашган. Қабул қилинган таъсирот, эши тувшы ўтказувчи нерв йўли орқали марказий нерв системасига токи эши тувшы марказининг мия пўстлоғидаги хужайраларига қадар боради.

Эши тувшынинг ўтказувчи йўлининг биринчи нейрони ganglion spirale соҳасидан бошланиб, унинг периферик учи Кортий аъзосига қараган бўлса, марказий учи p. cochlearis таркибида узунчоқ миянинг ромбсимон чукурчаси соҳасида жойлашган nucleus ventralis да тугайди. Ана шу ядролар (ўзаклар)дан бошланган иккинчи нейрон аксонлари юқоридаги олива соҳасида қарама-қарши томондан келаётган худди шундай толалар билан кесишиб, ташқи қовузлоқ – lemniscus lateralis таркибида кўшилади. Эши тувшы йўлининг дорзал ядроси (ўзаги) дан келаётган толалар fossa rhomboidea да stria acustica чизикларини ҳосил қилиб, Варолий кўпргигига киради ва у ерда трапециясимон тана толалари билан биргаликда қарама-қарши томоннинг ташқи қовузлоғи таркибида кўшилиб кетади. Эши тувшы йўли толалари тўрт дўмбоқчанинг остки дўмбоқчаларидаги ва corpus geniculatum mediali да жойлашган учинчи нейрон хужайраларига тугайди. Тўрт дўмбоқчанинг остки дўмбоқчаларидаги ва corpus geniculatum mediale дан бошланган учинчи нейрон аксонлари ички капсула таркибида эши тувшы йўлининг мия пўстлоғидаги марказий gyrus temporalis superior да тугайди.

Демак, эшитув анализаторининг марказий аксони миянинг юқори чакка этагида жойлашган. Ички қулоқни қон билан ассий артерия – a. basillari dan чиқувчи a. labyrinthi таъминлайди. Бу артерия ўз навбатида a. cochleae, a. vestibularis, a. cochleae vestibularis ларга бўлинади.

КУЛОҚНИНГ ВАЗИФАСИ

Кулоқ сезги аъзоларидан бири, одамни ташқи муҳит билан алоқа қилиш воситасидир.

Эшитиш анализаторининг ўзига хос қўзғатувчиси – товушдир. Товуш – бу бизни ўраб олган муҳитдаги тўлқинларнинг ҳаракатлантирувчи заррачаларидир.

Товуш ташқи энергиянинг қўзғатувчанлик таъсири остида тезкорлик билан тебраниши натижасида ҳосил бўлади, уни тебраткич дейилади. Энг содда ва антиқа тебраткичта камертон киради. Тебранувчи камертон ўраб олган муҳитдаги ҳавонинг бир қисмини ҳаракатга келтириб, кейинчалик унинг зичланиши ва сийракланиши оқибатида товуш тўлқинини вужудга келтиради.

Товуш тўлқинларининг тарқалиш тезлиги муҳитнинг зичлигига боғлиқ. Масалан: ҳавода бу тезлик 1 секундда 332 метрга, сувда 1450 метрга, пўлатда 5000 метрга тенг. Товуш тезлиги (жадаллиги) децибелл билан белгиланади.

Товуш анализатори товушларни жарангли, жарангсиз ва ёқимли хилларга ажратади.

Юқори товуш жисмнинг тебраниш тезлигини аниқлаш билан ўлчанади ва у гери (ГЦ) билан белгиланади.

Одам 16 дан то 20 000 Гц гача бўлган товушни қабул қила олади. У 16 ГЦ дан паст (инфратовуш) ва 20 000 Гц дан юқори бўлган тебранишларни қабул қила олмайди (ультратовуш).

Кучуклар товушни 30 000 Гц гача, мушуклар эса 40 000 Гц гача қабул қила олади.

Товуш анализаторининг товушга бўлган сезувчанлиги бир хил эмас.

Одам қулоғининг товушларга бўлган энг сезувчанлик чегараси 1000–4000 Гц гачадир.

Товушнинг қаердан келаётганлигини аниқлаш қобилияти «ототопика» деб аталиб, бу иккала қулоқнинг эшитиш қобилиятига боғлиқ. Бир қулоғи кар одамда бу фаолият бузилади, шу сабабли у товуш чиққан жойни аниқлаш учун соғ қулоғи билан турли томонга айланишга мажбур бўлади. Соғлом одамлар эса товуш чиққан жойни осонлик билан топадилар.

Товуш келаётган жой марказий нерв системаси томонидан аниқланади. Эшитиш анализаторининг турли товушларга сезувчанлиги

ошиши ёки пасайишининг физиологик (жисмоний) мувофиқланиши – **адаптация** деб юритилади. Қаттиқ товуш эшитиш сезувчанлигини пасайтиради, паст товуш эса (жимжитлик) уни оширади. Ҳаддан ташқари эшитиш анализаторини қўзғатиш, унинг чарчашига олиб келади.

Бир товуш оқимини иккинчи бир товуш оқими таъсири натижасида эшитишнинг бузилиши ёки эшитмайдиган ҳолатга тушиш – **маскировка** дейилади.

Агар товуш бир томондан эшитилса, у қарама-қарши томондаги қулоққа бирмунча кечикиб келади. Бу ҳолат товушнинг қай томондан келаётганини аниқлаш имконини беради.

Эшитув вазифаси амалга ошишида икки бўлимни фарқлаш шартдир:

а) товушни рецептор аппаратга етказиб берувчи, яъни товуш ўтказувчи;

б) товушни қабул қилиб оловчичи бўлим.

Товушни ўтказиб берувчи бўлимга: қулоқ пардаси, ногора бўшлиғидаги суяқчалар ҳамда ички қулоқ ичидаги суюқликлар (перилимфа, эндолимфа) киради. Демак, ташқи ва ўрта қулоқ товуш ўтказадиган бўлим ҳисобланиб, ички қулоқ, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда Кортий аъзо, товушни қабул қилувчи – сезувчи бўлимдир.

Одамнинг қулоқ супраси ҳайвонларнидек муҳим вазифани бажармайди, бироқ товуш тўлқинларини тутиб олиш ва уларнинг қай томондан келаётганини аниқлашда унинг ўз ўрни бор.

Ташқи эшитув йўли товушларни ташқи муҳитдан қулоқ пардасига ўтказиб беради. Эшитув йўлининг тор ёки кенглиги эшитиш даражасига таъсири қилмайди, аммо унинг **бекилиб кетиши** ёки бутунлай **тиқилиб қолиши** товуш тўлқинларининг ўтишини қийинлаштиради, натижада қулоқ ёмон эшитади.

Қулоқ пардасига етган товуш тўлқинлари уни тебрантиради. Қулоқ пардасининг бу тебраниши қулоқ пардасига болғача ластаси ёпишиб кетганлиги туфайли эшитувчи суяқчаларга узатилади. Шундай қилиб, у ясси дарчани гоҳ босади, гоҳ ундан узоқлашади. Узанги пластинкасининг бу ҳаракати перилимфани ҳам шундай тебранишга мажбур қиласди. Бу тебранишлар асосий мембрана ва унинг устида жойлашган Кортий аъзога ўтади.

Асосий мембрана тебраниши туфайли Кортий аъзонинг тукли хужайралари буларнинг тепасида жойлашган ёпгич мембрана билан тўқнашади. Бунда тебранишнинг физик энергияси нерв қўзғалишининг физиологик жараёнига айланади. Бу эшитув нервининг жуда ингичка охирги учларига, ундан кейин узунчоқ миядаги эшитув нерви марказлари (ўзаги)га ўтади. Шундан сўнг, бу қўзғалиш ўзининг маълум йўллари орқали бош миянинг чакка бўлаклари пўстлоғидаги эшитув

марказига бориб етади, мана шу ерда нерв күзғалиши товуш сезгисига айланади.

Товушлар нормал ўтиши учун қулоқ пардаси ва эшитув сүякчалари тараңг тортилган бўлиши, бунинг учун эса ўрта қулоқ бўшлифи мушаклари биргаликда ишлаши лозим. Бундан ташқари ногора бўшлиғидаги ҳаво босими доимо ташқи муҳитдаги ҳаво босими билан мувозанатда бўлиши зарур. Бу мувозанат ютиш ҳаракатлари ёрдамида ҳавонинг эшитув найи орқали ўрта қулоқ бўшлиғига кириши натижасида ҳосил бўлади. Агар ногора бўшлиғига ҳаво ўтмай қолса, у ердаги бор ҳаво шимилиб кетиб, қулоқ пардаси ичига тортилиб кетади, натижада эшитиш қобилияти пасайиб боради.

Ногора бўшлиғидаги мушаклар ҳимоя вазифасини бажаради. Қулоққа кучли товуш берилганда бу мушаклар қисқариши натижасида тебраниш ҳолати камайиб, товуш кам куч (амплитуда) билан қулоқ парда ва товуш сүякчаларига берилади.

Товушлар қулоққа ҳаво орқали ва бошқа йўл билан ҳам ўтиши мумкин (калла сүяклари орқали, бу сүяк ўтказувчанлик деб юритилади). Айниқса баланд товушлар калла сүяклари орқали ўтади.

Ҳар хил товушларни қабул қилиш тўғрисида турли хил назариялар мавжуд.

Бу назариялардан бири – Гельмгольц томонидан 1863 йилда тавсия этилган бўлиб, бу резонанс назарияси деб юритилади.

Бунга кўра, асосий мембрана толалари товушларга худди баъзи бир мусиқа асбоблари (торли)нинг торлари сингари акс садо беради. Мусиқа асбобларининг торига ўхшаш чиганоқнинг асосий гажагида жойлашган парданинг қисқа ва бирмунча тараңг тортилган толалари юқори тонлар (оҳанглар)га баравар тебранади – акс садо беради. Гажакнинг устки қисмидаги узуунроқ ва унчалик тортилмаган толалар паст тонларга акс садо беради.

Бу назарий физиологик жараён бўлганлиги сабабли, товушларнинг сезиш қобилиятини юзаки тушунтириб, унга фақат физик қонунлар асосида ёндошади ва товуш анализаторининг барча хусусиятлари ҳақида яхлит тушунча бермайди. Бироқ, шуни айтиш керакки, резонанс назариясининг асоси бўлмиш – чиганоқнинг ҳар бир қисми муайян бир товушни қабул қилиши учун мужассамланган (асосий гажак – юқори товушлар учун, устки гажак пастки товушлар учун) деган фикр тажрибала ва клиник кузатишларда ҳам тўла тасдиқланган.

Баландлиги ҳар хил бўлган товушларнинг чиганоқнинг турли қисмларида қабул қилиниши биринчи марта Л.А.Андреевнинг шартли рефлекслар устида ўтказган тажрибаларида жуда яққол исботланган. Тажрибалар паст, ўрта ва юқори товуш тонларига сўлак ажратувчи (шартли рефлекс пайдо бўлган) итларда ўтказилган. Шартли рефлекс тўла равишда ўзлаштирилиб бўлгандан сўнг, бир томондаги чиганоқ

бутунлай бузиб ташланган, бироқ, бунда иккинчи чиғаноқда ўша товушларга хос бўлган шартли рефлекс сақланиб қолган.

Сўнгра чиғаноқнинг турли қисмларини қисман бузиб кўриш устида тажрибалар ўтказилган.

Шундай қилиб, чиғаноқнинг учини емирганда паст оҳангларга ҳосил бўлган шартли рефлекс йўқолган, чиғаноқнинг асосини емирганда эса юқори оҳангларга ҳосил қилинган рефлекс йўқолган. Бу тажрибалар шуни кўрсатадики, чиғаноқ устки гажагининг бузилиши паст товушларни эшитиш хусусиятидан маҳрум қиласа, асосий гажакнинг бузилиши – юқори товуш оҳангларини эшитмасликка олиб келади. И.П.Павлов ва унинг шогирдлари таълимотига мувофиқ эшитув анализаторининг периферик рецептори товушнинг физик энергиясини нерв қўзғалишининг физиологик жараёнига айлантириб, товушнинг бирламчи таҳлилини ҳосил қиласи. Ўтказувчи йўллар бу қўзғалишни бош мия пўстлоғининг марказига узатади ва ниҳоят нерв қўзғалиши бош мия пўстлоғида товуш сезгисига айланади.

Қаттиқ товуш билан таъсир қилинганда, кўз қовоқларининг юмилиши (В.М.Бехтерев рефлекс) ва кўз қорашибининг кентайишини (Н.А.Шуригин рефлекс) кўриш мумкин.

ВЕСТИБУЛЯР АНАЛИЗATORИ (МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ) ФАОЛИЯТИ

Гавда ва унинг айрим қисмларининг бўшлиқдаги ҳолати бир қанча рецепторларнинг биргаликда ва келишиб ишлашининг натижаси асосида аниқланади. Гавда ва унинг айрим қисмларининг ҳолати қўздан ташқари, яна тери, мушаклар, бўғим ва пайларда жойлашган рецепторлар орқали ҳам сезилади.

Гавда ҳолатини аниқлашда, шунингдек унинг тинч ҳолати ва ҳаракати вақтида мувозанатни сақлашда, юқорида айтилган рецепторлардан ташқари, мияча ва айниқса мувозанатни сақлаш аъзоси катта аҳамиятга эга. Мувозанатни сақлаш – отолит ва ампуляр аппаратли ярим доира каналлардан иборат. Буларда мувозанат анализаторининг энг бошланғич толалари жойлашган.

Мувозанат анализаторининг бошланғич толалари одам танасининг бўшлиқда ҳаракат қилиниши натижасида қўзғалади, бунинг учун гавдан тўғри чизиқ ва бурчак остида ёки айланма ҳаракатлантириш зарур. Тўғри чизиқли ҳаракатлар отолитларнинг сурилиши ва даҳлиз халтачасида жойлашган отолит рецепторларининг қўзғалишига сабаб бўлади. Бурчакли ёки айланма ҳаракатлар эса ярим доира каналлардаги эндолимфа суюқлигининг сурилиши ва ярим доира канал ампуляр қисмидаги рецепторларнинг қўзғалишига олиб келади (15-расм).

Мувозанат йўли биринчи нейроннинг периферик учи даҳлиз соҳасидан бошланади ва n. vestibularis таркибида парда лабиринтига йўналиб, у ердаги рецепторларда тугайди. Мувозанат йўлининг марказий учи мувозанат нерви таркибида узунчоқ мияга боради.

Унинг бир қисми узунчоқ миянинг даҳлиз ядролари (магизлар)да тугаб, иккинчи нейронга уланса, бошқа қисми узунчоқ мияда узилмасдан миячанинг nucleus fastigii ядро-сигача давом этади. Шунинг учун ҳам мияча ичидаги бу ядро мувозанатни сақлашда муҳим ўрин тутади.

Миячанинг чўққи ядроси ёрдамида узунчоқ мия орқа ва ўрта мия билан алоқада бўлади.

Мувозанат марказларининг кескин таъсиrlаниши организмнинг бутун ҳолатига таъсиr этиб, бош айланини, кўнгил айнини, ҳатто қайт қилишга олиб келади. Шунинг учун мувозанат анализатори заиф одамлар самолёт, пароход, автобусга (яъни чайқаладиган ҳолатларда) чиқсанда безовталанади.

Мувозанат анализаторининг рецепторлари қатор рефлектор реакциялар (таъсиrlаниши) билан бирга қўзгалади. Бу таъсиrlаниши, яъни тананинг ташқи таъсирига жавоби гавда, қўл, оёқ, бўйин ва кўзнинг айрим мушак гурухлари фаолиятининг ўзгаринига олиб келади, натижада гавда ўз ҳолатини ўзгартириб, мувозанатини сақлаб қолади.

Ярим доира каналларни қўзғатиш натижасида содир бўладиган шартсиз рефлекслардан бири – кўз нистагмидир. Бу кўз соққаларининг бирор томонга қараб бир маромда ҳаракатланишидир.

Кўз нистагми, кўзнинг маълум бир вазиятида, масалан, тўғрига қараганда, кўз соққаси ён томонга қараганда аниқланиши мумкин.

Амалиётда кўз нистагмини кузатиш орқали мувозанат аппаратининг қўзғалиш реакцияси (таъсиrlаниши) аниқланади.



15-расм. Беморни ўриндиқ курсида вайлантириш.

Мувозанат аппаратининг нормал вазифасидан четга чиққани, айниңса унинг фаолияти бузилганда маълум бўлади. Бундай ҳолатни бир қанча касалликларда учратамиз. Бунда беморнинг мувозанати ва ҳаракати умуман бузилади, у юриш, ўтириш ва тик туриш фаолиятини йўқотади, бунда ўз-ўзидан нистагм пайдо бўлади. Шу билан бирга бош айланishi, кўнгли айниши ва қусиш ҳоллари кузатилади.

Маълум муддат ўтгач (3–4 ҳафтадан кейин), марказий нерв системаси ҳисобига мувозанат бирқадар аввалги ҳолига келади (компенсация – бузилган мувозанатнинг бирмунча тикланиши) ва юқорида айтиб ўтилган аломатлар аста-секин барҳам топади.

Мувозанат аъзога унинг ўзиға хос – специфик (адекват ёки мос) қитиқловчи билан таъсир этганда ҳосил бўладиган реакциянинг кучли ёки кучсиз бўлиши, марказий нерв системаси, хусусан унинг олий қисми бош мия ярим шарлари пўстлогининг ҳолатига боғлиқ.

Эндолимфа суюқлигининг ярим доира каналларида йўналишига қараб турли қатор реакциялар қўзғатилади. Буни Эвалъд ўз назарияси ва тажрибаси билан тасдиқлайди.

Эвалъд каптарларда пардали ярим доира каналини очиб, уни оддий тана (оёғи) томонидан маҳкамлаб тамғалаб қўяди. Шу каналнинг кенгайган (ампула) қисмига яқин ерда тешик ҳосил қилиб насос (ҳаво юборгич) ўрнатади.

Насос орқали ҳаво юборилганда эндолимфа суюқлиги ампула томонга, ҳаво тортилганда эса суюқлик ампула томондан оддий тана (оёғи) томонга йўналади.

Агар эндолимфа суюқлиги ампула томонга йўналса (ампулопетал оқим) ёки ампуладан оддий тана томонга (ампулофугал оқим) силжиса, турли хил ва турли йўналишида рефлекслар содир бўлишини кўрсатади.

Ампулопетал оқим натижасида кучли нистагм кузатилиб, у ўша кулоқ томон йўналади. Ампулофугал оқимда пайдо бўлган кучсиз нистагм эса қарама-қарши томонга йўналади.

Беморни курсида айлантирганда эндолимфа суюқлиги ярим доира канал бўйича силжийди.

Тезланиш (жадалланиш) ижобий (айлантириш бошида ва уни тезлаштирганда) ёки салбий (айлантириш секинлаштирилганда ва тўхташдан сўнг) бўлиши мумкин.

Айлантириш бошида (ижобий тезланиш) эндолимфа суюқлиги каналларда бир оз орқада қолади, айлантириш тўхтатилганда (салбий тезланиш) эндолимфа суюқлиги ўзининг силжишини давом эттиради.

Биз юқорида айтиб ўтгандек эндолимфа суюқлигини ҳаракатта келтирганимизда қатор рефлектор таъсиrlанишлар содир бўлиши мумкин. Улар қуидагилардан иборат бўлади.

1. Кўз мушакларидағи рефлексс. Эндолимфа суюқлиги силжиганда (ярим доира каналларда) кўз соққаси суст ҳаракатланади ва у тезда аввалги ҳолига қайтади, бу *вестибуляр нистагм* деб юритилади.

Кўз соққасининг суст ҳаракати рефлектор – беихтиёр бўлиб, кучли ҳаракат эса шу суст ҳаракатга жавобан рефлекс ҳисобланади, бу юқори мия фаолиятига боғлиқ. Нистагмнинг йўналиши, кўз соққаси тез йўналган томонига қараб белгиланади.

2. Тана, қўл, оёқ ва бўйин мушакларидағи рефлекслар. Ўнг лабиринт тананинг чап, чап лабиринт эса тананинг ўнг томонини ҳаракатта келтирувчи мушаклар қувватини ошириб туради. Табиий ҳолатда иккала лабиринт баравар ва бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қиласи, шунинг учун ҳам тана мушаклари фаолиятни бир хил мувозанатда сақлаб туради.

Масалан: агар биз чап лабиринтни қўзғатсак, гавданинг ўнг томонини ҳаракатта келтирувчи мушаклар фаолияти ошиб кетади ва натижада тана, қўл, оёқ ўнг томонга оға бошлайди, ўнг лабиринтни қўзғатсак, унинг акси бўлади.

Чап лабиринт шикастланиш натижасида ўз вазифасини бажара олмаса, ўнг лабиринт фаолияти кучайиб, тананинг чап томонидаги мушаклар фаолиятини ошириб юборади, натижада бемор чап томонга оғиб боради.

Агар ўнг лабиринт фаолияти бузилса, гавда ўнг томонга оғиб боради. Демак, гавда, қўл ва оёқ кўз соққасининг суст йўналган томонига қараб оғади (яъни нистагм йўналган томоннинг қарама-қарши томонига).

3. Вегетатив рефлекслар. Ярим доира каналлари қўзғатилганда, турилихил – вегетатив нерв (асаб) системасининг рефлекслари пайдо бўлиши мумкин (муздек тер чиқиши, гавда терисининг ғудда-ғудда бўлиши, қон босимининг ошиши, юрак фаолиятининг издан чиқиши, нафас олишнинг бузилиши). Кўпроқ қўнгил айниши ва қайт қилиш кузатилади.

4. Қулоқ лабиринти бошланиш қисмининг (лабиринт даҳлизи) нинг фаолияти. Отолит аппаратидан юбориладиган ҳаракат миқдори (импульслар) тана мушакларининг фаолияти (тонуси) ни нормал ҳолатда ушлаб туришда, фазода мувозанатни сақлашда катта аҳамиятга эга. Отолит аппаратига доимо куч оғирлиги ёки ернинг тортиш кучи таъсири этиб туради.

Даҳлиз халтачасида жойлашган отолит рецепторларини қўзғатиш учун киши гавдасини тўғри чизикли ҳаракатга солиш лозим.

Киши бошини олдинга ёки орқага эгса отолит аппарати ўз ҳолатини ўзгартиради. Бош чап ёки ўнгга бурилса отолитнинг ўрни ўзгаради. Тўғри чизиқли ҳаракат транспортда, юқорига кўтарилиганда ва пастга тушганда, самолёт юқорига кўтарилиганда ёки пастлаганда кузатилади.

Отолит аппаратидаги (сезги нерв толаларидаги) босим кўпайиб боради (юқорига кўтарилиганда), пастга тушганда эса камайиб боради.

Агар отолит аппаратини узоқ вақт қўзғатилса, турли касалликлар келиб чиқади (дэнгиз ва ҳаво касаллиги).

ҚУЛОҚНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Беморни текшираётганда (ёш болаларда бу ҳақда фақат ота-онасидан маълумот олиш мумкин) қулоқдаги оғриқ, эшитиш қобилиятининг пастлиги, йиринг оқиши, ҳароратнинг чиқиши, бош айланиши, кўнгил айниши ва кусиш, чақалоқларда уйқуда ёки кўкракни эмганда бирдан бақириш, ёстиққа қулогини ишқалаш, ич кетиши ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар олинади. Сўнгра ташқи текшириш ўтказилади. Бунда қулоқ супраси, унинг орқа қисми (сўрғичсимон ўсиқча атрофи), қулоқ атрофи, бўйиннинг юқори қисми, лимфа тугунчаларининг ҳолати кўздан кечирилади.

Қулоқ йўли, пардаси ва ногора бўшлиқларидаги ўзгаришларни (агар қулоқ пардаси тешилган бўлса) аниқлаш учун сунъий ёргулук манбай ва ботик рефлектордан фойдаланилади. Бу отоскопия деб аталади (16-расм).

Отоскопия вақтида иккала кўз билан қаралади, бироқ чап кўз билан албатта ботик рефлектор тешигидан қараш шартлир. Қулоққа воронкани киритишдан олдин (бунинг учун мос воронка ишлатилади) ташқи эшитив йўлини кўздан кечириб, унинг кенглигига аниқланади.

Қулоқ воронкаси кенг қисмининг четидан бош ва кўрсатгич бармоқлар билан ушланади. Уни бурама ҳаракатлар билан аста-секин ташқи эшитив йўлига, иложи борича суюк қисмита тегизмасдан ичкарига киритилади.

Гўдак ва ёш болаларни отоскопия усулида текшириш бирмунча қийин бўлиб, текширишдан олдин болани яхшилаб йўргаклаб ушлаб туриш зарур. Одатда bemорни ўтирган ҳолатда текшириш лозим. Ёш болаларда эшитив йўлини бир қадар тўғрилаш учун қулоқ супраси орқага ва пастга тортилади, катталарда эса орқага ва юқорига кўтарилади.

Ташқи эшитив йўлини текширгандага унинг тузилишига, тор ёки кенглигига, қулоқ кири, ёт жисм бор ёки йўқлигига эътибор берилади.

Қулоқ пардаси нормал ҳолда ясси шаклда, кўкиш-садаф рангда. У қуйидаги белгиларга эга:



16-расм. Отоскопия.

1) қулоқ пардасининг олдинги-юқори қисмида түтногич бошчасидек келадиган оқ-сарғиши бўртма – болғачанинг калта ўсиғи бор.

2) болғачанинг катта ўсиғи олдинга ва орқага кетган олдинги ҳамда орқа бурмаларга эта. Бу ерда 2 та бурма бўлиб, у қулоқ пардасини устки (*par_s schrapnelli*) ва пастдаги таранг тортилган қисм (*par_s tensa*)га бўлиб туради.

3) калта ўсиқдан пастга ва бир оз орқага йўналган бўртма – болғачанинг дастаси бўлиб, оқиши-сарғиши тусда, унинг кенгайтан пастки учи қулоқ пардасини ички томондан тортиб туради. Натижада чукурча-киндик (*umbro*) ҳосил бўлиб, у яққол кўзга ташланади. Бу киндикдан қулоқ пардасининг олдинги – пастки чеккасига қараб рефлектордан тушиган нурнинг қайтиши (акси) кўринади. Кўпинча гўлак болалар қулоқ пардасини кўриш мушкул, улар кўп йиглаши сабабли уларнинг қулоқ пардаси бир оз қизарган бўлиши мумкин.

Қулоқ пардасидаги ўзгаришлар ёки тешикларни аниқлаш ва тўғри кўрсатиш учун уни шартли равища тўрт квадратга (бўлакка) бўламиз.

Қулоқ пардасидаги ўзгаришларни аниқроқ билиш учун микроскопия усули ҳам қўлланилади (отомикроскопия). Қулоқ пардасининг ҳаракатлантирувчанлик қобилиятини аниқлаш учун Зиглянинг пневматик воронкасидан фойдаланилади.



17-расм. Қулоққа ҳаво юбориш –
Полицер усули.

Ноғора пардаси шикастланмаганда эшитув найининг нормал ўтказувчанлигини тиклаш ва аниқлаш учун қулоққа ҳаво юбориш зарур (Полицер усули). Бунда оливани буруннинг битта тешигига киритилади ва чап қўл билан бурун катагининг қанотлари қисиб турилади. Бемор оғзига бир қултум сувни олиб уни «бир, икки, уч» дегандага ютади. Шу вақтда баллон қисилади ва ҳаво ўзига хос товуш билан эшитув найларига ўтади. Чунки сувни ютиш пайтида ёки баъзи бир унли ва ундош товушларни талаффуз қилганда юмшоқ танглай кўтарилади ва оғиздан ҳалқумга ўтиш йўлини бутунлай бекитади, шунда баллон қисилса, бурун бўшлиғидаги ҳаво иккала эшитув найи томон йўналади. Бу отоскоп (яъни қулоқ аускультацияси) ёрдамида текширилади. У икки учига биттадан олива ўрнатилган ингичка резина найдан иборат бўлиб, асбобнинг бир учи bemor қулоғига, иккинчиси эса текшираётган шифокор қулоғига тиқиб кўйилади.

Ҳавони сув ичирмасдан ҳам юбориш мумкин, фақат бунда bemor «бир, икки, уч» деб санайди.

Полицер усулда ҳаво юбориш мумкин бўлмаган ҳолларда ёки бир қулоққа ҳаво юбориш зарур бўлганда эшитув найи катетерланади (17,


Ёш болаларнинг ташқи эшитув йўлида кўпинча турли ажратмалар бўлади, бунда албатта ташқи қулоқ йўлини тозалаш лозим. Бунинг учун маҳсус ингичка қулоқ зондига пахта ўраб, эҳтиёткорлик билан бурама ҳаракат қилиб қулоқ тозаланади, уни жуда ичкарига киритиш ярамайди, чунки ноғора пардани жароҳатлаб қўйиш мумкин. Зарур ҳолларда, ташқи эшитув йўлини ювиб тозаланади. Бунда ташқи қулоқ йўлини шикастлантириб қўймаслик лозим.

Эшитув найини текшириш учун бурун бўшлиғига ҳаво юбориш, пневмография, эшитув найини рентген қилиш, уни катетерлаш ва қулоқни манометрлаш каби усуллар қўлланилади.

18, 19-расмлар). Бунинг учун бурун бүшлигі шиллиқ пардасига (сезув-чанлик қобилятиини камайтириш ёки вақтингчалык йүқотиш, оғриқ бұлмаслиги учун) дори суртилади (2 % ли лидокаин эритмаси). Катетерни юборищдан олдин махсус резина баллон ёрдамида бурун бүшлигидаги ажралмани сүриб олиш (ёки bemorға бурун қоқтириш) мақсадта мувофиқ.

Катетер учини пастта қараттан ҳолда пастки бурун йүлидан ҳалқумгача юборилади, сұнгра катетер пастдан бурун түсіғи томонға айлантирилади ва бу түсікінгө орқа қиррасига теккунга қадар олдга тортилади, катетер тушигуини 180° ташқарига айлантириб, уни эшитув найи оғзига туширилади, шундан кейин баллон ёрдамида катетер орқали ұаво юборилади.

Катетерни әхтиёткорлик билан юбориш зарур. Ноғора бүшлигінде ұаво үтгандығини отоскоп орқали билиш мүмкін. Ҳавони ҳам әхтиёткорлик билан юбориш лозим, акс ҳолда бурундан қон кетиши еки ҳавони күчли босым билан юбориш ёки катетер учі эшитув найи оғзіде бұлмаслигидан, уннан атрофидаги түқималар жароҳатланиши – эмфизема пайдо бўлиши (ұаво тўпланиши) мүмкін.



18-расм. Эшитув найини катетерлаш.
1 – ююри; 2 – ўрта; 3 – пастки чиганоқтар; 4 – катетер танглай; 5 – эшитув найининг ютқынға очилған тешиги; 6 – Розенмюлдер чуқурчаси; 7 – бурун-ютқын орқа девори; 8 – юмшоқ танглай.



19-расм. Катетерлашдан сұнг ұаво юборим.

Эшитув найининг ўтказувчанлигини Вальсальва усулида ҳам текшириш мумкин. Бунда бемор чукур нафас олади, оғзи ва бурнини беркитган ҳолда кучли кучанади, натижада ҳаво ногора бўшлиғига ўтиб, ногора пардани ташқарига дўппайтиради.

Эшитув найининг дренажлаш ёки чиқариш фаолиятини аниқлаша да қўйидаги синама тавсия этилади: ногора пардада тешик бўлган ташқи эшитув йўлига 3 %ли колларгол эритмаси (рангли синама) томизилади. бунда бемор калласини олдинга ва қарама-қарши томонга бироз эгип туриши керак, кейин фарингоскопияда суюқликни ютгандан сўнг уни бурун-ютқиннинг ён деворидан оқиб тушишини кўриш мумкин.

ҚУЛОҚНИ РЕНТГЕН ОРҚАЛИ ТЕКШИРИШ

Бу усул ўрта қулоқдаги ўткир ва сурункали яллиғланишларни, шикастланиш, туғма нуқсон ва бошқа патологик ўзгаришларни аниқлаша да муҳим аҳамиятга эга. Рентген орқали ўрта қулоқдаги бутун ўзгаришларни, сўрғичсимон ўсиқча катакчаларининг қайдаражада «S» симон синуснинг жойлашганлигини, холестеатомалар борлигини аниқлаш мумкин. Ёш болаларни ухлатиб қўйиб (седуксен ёки реланиумни мушакка юбориб, хлоралгидрат билан ҳуқна қилиб) рентген қилиш яхши самара беради.

Рентген хулосасига қараб, bemор консерватив ёки жарроҳлик йўли билан даволанади.

Бундан ташқари, рентген ёрдамида чакка суюк пирамидал қисмининг жароҳатланганлигини ҳам кўриш мумкин.

Кўпчилик bemорларда чакка суюги Шуллер усулида рентген қилинади. Бу ўрта қулоқдаги ўзгаришларни кўришда қулай бўлиб, у сўрғичсимон ўсиқчалардаги ва антрумдаги патологик жараённи аниқ қўрсатиб беради. Бундан ташқари, Шумский, Майер, Стенверс усуллари билан ҳам чакка суюги соҳасидаги ўзгаришларни аниқласа бўлади. Майер усулида ногора бўшлиғи, антрумаг (фор)га ўтиш йўли, фор атроф катакчалари яққол кўринади. Стенверс усули билан чакка суюгининг пирамидал қисми ва ички қулоқ йўлидаги ўзгаришлар аниқланади. Бу усуллар орқали олинган маълумотлар бир-бирини тўлдиради.

Чакка суюгини электрорентгенография йўли билан ҳам текшириш мумкин. Бу йўл билан рентген ўтказиш қулай бўлиб, у тезда бажарилади (расм оддий қоғозга туширилади).

Бироқ, сўнгги йилларда фан ва техника жадал ривожланаётганлиги боис, тиббиётга ҳам янги технологиялар кириб келмоқда. Бунга

компьютерли ва магнит-резонансли томография усулларини кўрсатиш мумкин. Бунда чакка суягини яхлит ёки ҳар бир қисмини алоҳида ўрганиш мумкин (ваҳоланки оддий рентген усули қўл келмайди).

ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ

Эшитиш қобилияти текширилганда эшитиш анализаторининг товуш ўтказувчи ёки товуш қабул қилувчи қисмидаги бузилишлар ҳамда патологик ўзгаришларнинг ўрни аниқланади.

Чақалоқлар ва кичик ёшдаги (1–3 ёш) болаларда эшитиш анализаторининг функционал ҳолатини аниқлаш анча қийин.

Ёш болаларда эшитиш қобилиятини аниқлаш учун шартсиз (беихтиёр) кўрсатилган реакция орқали (рефлекс) бемор боланинг орқа томонидан товуш берилади. Бунда бола товуш қайси томондан келаётганини кўрмаслиги керак.

Бундан ташқари, ёш болаларда эшитиш қобилиятини шартли рефлекс йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Кейинги пайтларда электроэнцефалография ва плетизмография йўли билан ҳам эшитиш қобилиятини текширилади. Ёш болалар эшитиш қобилиятини объектив усуллар ёрдамида аниқлаш лозим. Буларга: импедансометрия (тимпанометрия), отоакустик эмиссия ва чақирилувчи потенциалларни рўйхатдан ўтқазиш ёки қайд қилиш усуллари киради.

Ёш болаларда ўйинчоқ ўрнатилган аудиометрия билан ҳам эшитиш қобилияти аниқланади. Агар болани эшитиш қобилияти йўқолмаган бўлса, у кнопкани босиб электр лампочкасини ёқади, шунингдек, турли расмларни кўрсата олади.

Ўсмирларни эшитиш қобилияти ҳам катталарникидек текширилади (шивирлаш, сўзлашиб нутқи, камертонлар ва аудиометр ёрдамида).

Эшитиш қобилиятини текшириш учун тинч ва етарли даражада катта хона бўлиши, текширганда ҳар бир қулоқнинг эшитиш қобилиятини алоҳида-алоҳида синаб кўриш, бунда иккинчи қулоқни бармоқ билан беркитиб туриш лозим. Текшириладиган қулоқ текширувчи томонга қаратилган бўлиши, bemorning кўзи эса текширувчига тушмаслиги шарт.

Шивирлашнинг кучи доимо бир хил бўлиши, бунинг учун тинч ҳолатда нафас чиқариб сўзни талаффуз қилишда факат ўпкадаги қолдиқ ҳаводан фойдаланиш лозим.

Эшитиш қобилияти бузилмаган киши шивирлаган сўзни 5–6 м масофадан эшитади ва уни тўғри қайтаради.

Лаб ва танглай ундошларидан тузилган сўзлар шивирлаганда б м ва ундан узоқроқ масофадан, таркибидан шивирловчи ва сизифириувчи товушлар кўп бўлган (баланд) сўзлар эса 20 м гача бўлган масофада эшитилиди. Бунинг учун маҳсус паст ва баланд товушли сўзлар жадвалидан фойдаланилади (К.А. Агзамов) (1-жадвал).

K.A.Агзамов жадвали

| Шивирлаганда эшитиш қобилияти нормал бўлган қулоқнинг тахминан 6 м масофадан эшитадиган сўзлари | | Шивирлаганда эшитиш қобилияти нормал бўлган қулоқнинг 20 м масофадан эшитадиган сўзлари | |
|---|-------|---|-------|
| ўн | нон | ая | арча |
| ун | нор | соя | азиза |
| ўр | омор | зия | ариза |
| ур | осмон | яна | жизза |
| нур | ўрмон | яра | жийда |
| умр | унвон | яса | жой |
| унум | ўров | яша | чой |
| умум | ўмров | шиша | сой |
| мум | ўрин | ака | ишли |
| ном | урин | сирка | ясси |

Агар бемор шивирлашни умуман эшитмаса, унда сўзлаш нутқи билан текширилади. Уни ҳам қабул қиласа, унда эшитиш қобилияти бақириб гапириш ёки ҳуштак чалиш орқали текширилади. Бунинг учун қулоқ тартараги билан эшитадиган қулоқни вақтинчалик беркитиш лозим бўлади.

Соф қулоқни тартарак ишлатмай, бошқа усувлар билан ҳам вақtingча «кар» қилиб туриш мумкин, бунда қулоқ супрасини кафт билан маҳкам қисиб ишқалаш ёки эшитув йўлига бармоқ тиқиб титратиш яхши натижа беради.

КАМЕРТОНЛАР ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ

Товуш ўтказувчи ва товуш қабул қилувчи бўлимлар касалликларини бир-биридан ажратиш (фарқлаш), шунингдек эшитиш даражасини тўликроқ аниқлаш учун камертонлар қўлланилади.

Камертонлар соф товуш (оҳанг) беради. Одам қулоги секундига 16 тадан то 20 000 тагача тебранадиган товушларни қабул қилиб, бир-биридан фарқлай олади. Камертон тўплами ёрдамида эшитишни турлича



20-расм. Ҳаво орқали товуш ўтказувчанлигини аниқлаш.

паст ва баланд товушлар билан текшириш мумкин. Камертонлар ёрдамида ҳаво ва суяк орқали товуш ўтказувчанлигини аниқлаш учун эшитув йўли тешигига садо чиқариб турган камертонни (C_{128}) яқинлаштирилади.

Суяк орқали ўтказувчанликни аниқлаш учун садо бериб турган камертон (C_{128}) оёғини бош ёки сўрғичсизмон ўсиқ устига қўйиб турилади (20,21-а, б расмлар).

Кундалик турмушда ҳаво ва суяк орқали ўтказувчанликни текшириш учун икки хил камертон (C_{128} , C_{2048})дан фойдаланилади. Қулоқ нормал эшигадиган бўлса, ҳаво ўтказувчанлиги суяк ўтказувчанлигидан икки баровар узокроқ бўлади.

Куйидаги тажрибалар ёрдамида товуш ўтказувчи ва қабул қилувчи бўлимлар касалликларини аниқлаш мумкин.

ВЕБЕР ТАЖРИБАСИ

Бу тажриба орқали товушнинг ўнг ёки чап қулоқقا оғиши аниқланади. Садо бериб турган камертон (C_{128}) оёғини бемор бошининг тепасига қўйиб турилади ва ундан товуш қайси қулоғида яхши эшитилаётганлиги сўралади. Товуш ўтказувчи аппарат заарланганда камертон товуши касал қулоқда, товуш қабул қилувчи аппарат заарланганда эса соғ қулоқда яхшироқ эшитилади.

РИННЕ ТАЖРИБАСИ

Бу тажриба ёрдамида сүяк ва ҳаво ўтказувчанлиги таққосланади.

Садо бериб турган камертон (C_{128}) сүрғицсимон ўсиққа қўйиб турилади ва эшитиш тугагач, уни кулоққа (ташқи эшитув йўлига)

яқинлаштирилади. Бунда товушнинг сүядан кўра ҳаво орқали узоқроқ ўтиши (эшитилиши) аниқланади. Бундай ҳолларда Ринне тажрибаси ижобий (Ринне +) дейилади. Ижобий Ринне тажрибаси қулоғи нормал эшитадиган, бироқ товуш қабул қилиш аппарати бузилган беморларда ҳам кузатилади. Товуш ўтказувчи аппарат заараланган тақдирда сүяк орқали эшитиш муддати ҳаво ўтказувчанлиги билан бир хилда ёки ундан анчагина узайган ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда Ринне тажрибаси салбий (Ринне -) ҳисобланади.



а

21-расм, а, б. Сүяк орқали товуш ўтказувчанлигини текшириш.



б



ШВАБАХ ТАЖРИБАСИ

Бу тажрибада бемордаги сүяк ўтказувчанлиги (тепа сүяк ёки сўрғичсимон ўсиқдан) текширув ўтказаётган ходимдаги сүяк ўтказувчанлиги солиштирилади (агар текширувчиникида эшитиш қобилияти нормал бўлса). Товуш ўтказувчи аппарат бузилганда сүяк ўтказувчанлиги узайган бўлади, товуш қабул қилувчи аппарат заарланган тақдирда эса қисқаради.

Камертон C_4 (2048 марта тебранадиган) қулоқнинг товушларни эшитиш қобилияти текширилади.

Эшитишни текшириш учун маҳсус асбоб – аудиометр ишлатилади. Аппарат орқали эшитиш даражасининг барча диапазони (чегараси, доираси)ни текшириш мумкин. Бу эшитиш ҳақида тўғри холоса беришда амалий аҳамиятга эга.

ЖЕЛЕ ТАЖРИБАСИ

Бу тажриба ёрдамида ички қулоқ дарчалари пардасининг ҳаракатчанглиги текширилади.

Бунинг учун ташқи қулоқ йўлида (бармоқ билан босиб) ҳаво босимини кўпайтириб, камайтирилади (бармоқни олиб). Камертонни сўрғичсимон ёки тепа сүякка кўйгандан сўнг у орқали эшитишни бир зўрайиб, бир пастлашади (Желе +). Агар ички қулоқ дарчалари пардасининг ҳаракатчанглиги йўқолган бўлса, Желе (–) салбий деб юритилади. Ушбу ҳолат асосан отосклероз касаллитида кузатилади.

БИНГ ТАЖРИБАСИ

Бу тажриба орқали товушнинг сүяк орқали нисбий ва тўлиқ ўтказувчанлиги аниқланади.

Бунинг учун камертон (C_{128}) садо бериб турган пайтида сўрғичсимон ўсиқчага кўйилади ва ташқи қулоқ йўлини очиқ ёки ёпик ҳолатда текшириб кўрилади. Эшитиш қобилиятини йўқотмаган беморларда, нофора бўшлиғидаги эшитиш сүякчаларининг тебраниш ҳаракатлари бузилмагани сабабли, қулоқ йўлини кўл билан беркитганда сүяк орқали камертон қабул қилиниши зўрайди ва бу узокроқ муддатга чўзилади.

ФЕДЕРИЧЧИ ТАЖРИБАСИ

Бу тажриба ҳам садо бериб турган камертон (C_{128}) ёрдамида олиб борилади. Камертон олдин сўрғичсимон ўсиқчага кўйилиб, у ерда тебраниш (эшитиш) тутагач, уни ташқи эшитув йўлига олиб келинади.

Соғлом беморларда камертонни эшитув йўлига яқинлаштирганда эшитиш қобилияти давом этаверади, бу нормал ҳолат ҳисобланади. Вақт-вақти билан камертонни қулоқдан узоқлаштириб туриш керак (адаптация бўлмаслиги учун).

Эшитиш қобилиятини текширишда жуда аниқ ва тўғри маълумот берадиган ва кам вақт талаб қиласидиган махсус асбоблар – аудиометрлардан фойдаланилади. Аудиометр билан эшитиш даражасининг барча диапазони (ҳажми ёки чегараси)ни текшириш мумкин. Бундай асбоблар ёрдамида эшитиш ҳақида тўғри маълумот олиб, тўғри хулоса чиқариш мумкин.

Сўнгги йилларда нутқли сўзлаш (речевой) аудиометрия асбоби кўпроқ ишлатилмоқда. Бунда магнитофонга ёзиб олинган матнлар ва диксия (талаффуз) орқали текширилади.

Ўқитувчи микрофон орқали гапириб вольтметр кўрсатгичига таянади. Эшитиш қобилияти децибеллар билан баҳоланади. Бундан ташқари аудиометрияning бошқа тури – надпороговая, ёш болаларда эса товушли-ўйинчоқли (игровая) аудиометрия кент қўлланади.

БОШ ВА ГАВДА МУВОЗАНАТИНИ ИДОРА ҚИЛАДИГАН АЪЗОНИ ТЕКШИРИШ (ВЕСТИБУЛЯР АППАРАТ)

Вестибуляр аппаратни текшириш учун дастлаб беморга савол берилади ва уни кўздан кечирилади.

Одатда бу аъзо касалланганда bemor бош айланиши, гандираклаш, кўнгил айниб, қусишлиш шикоят қиласиди.

Бемор текшириб кўрилганда, унда спонтан нистагм (кўз соққасининг беихтиёр ўйнаб туриши) ни кўриш мумкин. Бу мувозонатни сақлаш анализаторининг нормал хизмат қилиш ҳолати бузилганлигидан далолат беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мувозонатни сақлаш аппарати кўзғатилганда ёки ҳаракатланиш натижасида пайдо бўладиган нистагм, яъни кўз соққасининг ҳаракати икки таркибий қисмдан, яъни тез (илдам, жадал) ва секин (суст) тебранишдан ташкил топган.

Секинлик билан юзага келадиган нистагм ички қулоқнинг мувозонатни сақлаш аъзосига, тез нистагмнинг ҳосил бўлиши эса марказий нерв системасига боғлиқ бўлади.

Орқа мия (кичик мия) жароҳатланишидан келиб чиқадиган нистагм, ички қулоқнинг мувозонатни сақлаш фаолияти бузилишидан вужудга келадиган нистагмдан фарқ қиласиди. Кўпинча бу бир томонлама бўлиб, муттасил рўй бериб туради. Бундан ташқари, bemor бошининг вазиятини ўзгартирганда нистагм кучаяди.

Мувозанат аъзосининг ҳолатини текшириш учун маҳсус асбоблар ва усуллар кўлланади. Бундай текшириш усуллари мувозанат анализатори рецептори (сезувчи нерв толаларининг охирги қабул қилувчи қисми)ни сунъий равишда қўзғатиш ва нистагм ҳосил қилишга асосланган (айлентириш, калорик ва прессор синовилар).

Айлентириш синовида гавда ўз ўқи атрофида айлентирилганда ярим айлана каналларидаги эндолимфа суюқлиги чайқалиб, бир томонга суриласди ва натижада рецепторлар қўзғалади, шу туфайли кўз соққаси ҳаракатланиб нистагм вужудга келади.

Горизонтал ярим доира канални текширишда бемор болани катта ёшлаги одам билан суянчиқли курсига ўтқазилади, сўнгра беморнинг калласини 30° га эгиб, икки кўзи юмилган ҳолатда айлентирилади (20 секунд ичida 10 марта). Ўнг томонга айлентирилган курси тўхтатилганда беморнинг чал томонида, чал томонга айлентирилган курси тўхтатилганда беморнинг ўнг томонида нистагм пайдо бўлади. Нистагм йўналишини аниқлаш учун бемор текширувчининг бармоғига қараб туриши керак. Текширувчининг бармоғи беморнинг кўз косасидан 30 см масофада бўлади. Нормал ҳолда нистагм ўрта ҳисобда 25–30 секундгача давом этади. Бу усулининг камчилиги шундаки, бундай айлентирилганда ҳар иккала лабиринт гарчи иккиси бир текис қўзғалмасада, бир вақтда қўзғатилади.

Беморни курсида айлентиргандан сўнг нистагмнинг пайдо бўлишини қўйидагича тушунтириш мумкин.

Беморни чапдан ўнгга, яъни соат мили стрелкаси бўйича айлентирилганда ярим доира каналлари қўзғатилади, айлентириш бошида эндолимфа ўз ҳаракати (турғунлиги)ни сақлаши туфайли, суяқ канали деворининг айланишидан бирмунча қолиб кетади, яъни у қарама-қарши томонга ҳаракат қиласди. Чап қулоқ каналида эндолимфа ампула қисмидан силлиқ томонга қараб ҳаракат қиласди, ўнг томонда эса силлиқ томондан ампула томонга йўналади.

Эвалъд тажрибасига биноан кўз соққаси (nistagm) айлентирилган томонга (ўнг томонга) ҳаракат қиласди.

Айлентиришнинг ўрталари ва охирида эндолимфа ва суяқ канали бир хил йўналишда бўлади, шунинг учун бу даврда нистагм бўлмайди. Айлентириш тўхтатилганда ярим доира суяқ каналлари ҳаракатлизланиб, эндолимфа ўзининг каналлари ҳаракатини давом эттиради. Чап қулоқдаги каналда суюқлик ампула томонга, ўнг қулоқдаги каналда эса ампуладан силлиқ томонга қараб йўналади. Эвалъд тажрибасига биноан нистагм қарама-қарши томонга, яъни бемор соат мили бўйича айлентирилганда, чап

томонга, соат милининг аксига айлантириб тұхтатилғанда эса ўнгга йўналади.

Мувозанатни сақлаш аппаратининг фаолияти бузилғанда беморнинг режали ҳаракатлари издан чиқади, у секин-секин ҳаракатланувчи нистагм томонга йиқилади, чунки гавданинг қарама-қарши томонидаги мушаклар фаолияти кучаяди.

Мисол учун, агар беморнинг ўнг мувозанатни сақлаш аппаратини күзғатсак у чап томонга оғиб йиқила бошлайди. Бунда нистагм ўнг томонга, секин компонент эса чап томонга йўналади. Мушаклар фаолиятининг кучайиши чап томонда кузатилади (22-расм).



22-расм. Ички қулоқдаги эндолимфа суюқлигининг силжиши (беморни ўнг томонга айлантирганда): 1— беморни айлантириш бошида нистагм (унг томонга); 2— айлантириш ўртасида нистагм йўқ; 3— айлантиришдан сўнг нистагм чап томонда.

ИЧКИ ҚУЛОҚ ДАҲЛИЗ ҚИСМИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ АНИҚЛАШ

Ички қулоқнинг даҳлиз қисми (отолит) ҳам мувозанатни идора қилувчи аъзога киради. Бу ерда жойлашган периферик нерв толаларини күзғатиш ер тортиш кучига асосланган бўлиб, бунда беморни тўғри чизик бўйлаб ўнгдан чапга, пастдан юқорига ҳаракатлантириш керак бўлади.

ОТОЛИТ АППАРАТИНИ ТЕКШИРИШ ВОЯЧЕК ТАЖРИБАСИ

Ички қулоқнинг даҳлиз қисмидаги отолит аппаратини күзғатиш учун беморни Барапи креслосига ўтқазиб, боши ва гавдасини 90° пастга эгиб, 5 марта (10 секунд ичida) айлантирилади. Айлантириш тұхтатилғандан 5 секунд ўтгач, бемор боши ва гавдасини тўғрилаши шарт. Шу пайтда бемор организмининг турлича таъсиrlанишини кўрамиз, яъни бемор бошини тўғрилайди (ўрта чизикқа).

Агар отолит аппарати кучли реакцияга (таъсиrlанишга) эга бўлса, бемор йиқилиб, кўл ва оёқлари билан ҳаракатлар қиласи, унинг ранги ўчуб, терлаш ва бошқа ҳолатлар юз бериши мумкин.

Отолит аппаратини яна маҳсус аргимчоқда ҳам тебрантириб текшириш мумкин (Хилов тажрибаси).

КАЛОРИК УСУЛ

Бу усулда ярим доира каналидаги эндолимфани сунъий равиша иситиш ёки совутиш йўли билан ҳаракатга келтириш мумкин. Усул жуда осон бўлиб, бунда ҳар бир лабиринт алоҳида-алоҳида текширилади. Агар қулоққа совуқ сув юборилса, эшитув йўли, ногора парда бўшлиғи, ички қулоқ бўлимлари ва эндолимфа совиб боради. Эндолимфа совуши билан унинг заррачалари пастга қараб ҳаракат қиласи, иссиқ сув қўйилганда юқорига кўтарилади.


Ҳар бир қулоққа галма-галдан катта шприц (Жанэ шприци) ёрдамида сув юборилади. Ўнг қулоққа ($16\text{--}22^{\circ}$) совуқ сув қўйилганда олдинги лабиринт ярим доира канали қўзғатилади ва Эвалъд тажриба қонунига биноан нистагм чап томонга, иссиқ сув ($40\text{--}45^{\circ}$) қўйилса, ўнг томонга йўналади (23-расм).

Нормада қулоққа $30\text{--}50$ мл сув қўйилганда нистагм пайдо бўлиб, у 2 минутгача давом этиши мумкин. Оз миқдорда ($10,0\text{--}15,0$) сув юборилганда нистагм пайдо бўла бошласа, бу лабиринт қўзғалувчанлигининг ошганидан, кўп миқдорда ($100,0\text{--}200,0$) сув қўйилганда нистагмнинг секин-аста пайдо бўлиши эса унинг қўзғалувчанлигининг пасайганидан далолат беради. Калорик усулда нистагм пайдо бўлмаса ($500,0$ сув қўйилгандан сўнг), мувозанатни сақлаш аппаратининг қўзғалувчанлиги йўқолганлигини, яъни унинг бутунлай ишдан чиққанлигини кўрсатади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўрта қулоқда сурункали яллигланиш бўлганда, қулоқ пардасидаги тешик калорик усулнинг тезлашиши ёки ногора бўшлиғидаги тўқималарда ўзгариш бўлиши ёки ўсимталар ўсиши унинг пасайишига олиб келиши мумкин. Чунки бундай ҳолларда ички қулоқ ва эндолимфани совутиш ёки иситиш тезлашиши ҳамда пасайиши кузатилади.

ПРЕССОР (ИСКАНЖАЛАШ) ТАЖРИБАСИ

Лабиринтнинг баъзи патологик ҳолатлари борки, унда ташқи эшитув йўлидаги ҳавони зичлаштириб – сийраклаштириб, нистагм ҳосил қилиш мумкин.



23-расм. Калорик усул. 1 – қулоққа совуқ сув қўйилганда; 2 – қулоққа иссиқ сув қўйилганда.

Агар лабиринт деворида (ташқи ярим доира каналда) ногора бўшлиғи емирилиб, унинг суяқ қисмида (ички қулоқ лабиринт) чириш нуқсони бўлса, бу ҳолда эшитур йўлига ҳаво юборилса, нистагм шу томонда, агар ҳавони сийраклаштирилса, қарама-қарши томонда ҳосил бўлади. Бу ҳодиса фистул (тешик) симптоми (аломати) дейилади. Соғ ички қулоқда бундай ҳолат кузатилмайди.

ТАШҚИ ҚУЛОҚНИНГ ТУҒМА НУҚСОНИ

Сўнгги йилларда ташқи қулоқнинг туғма нуқсони билан туғилган чақалоқлар сони кўпайиб бормоқда. Дунё бўйича бундай нуқсон билан туғилган болалар сони ўртача 1–2% ни ташкил қилади. 40 ёшдан ошган аёллардан туғилган болаларда туғма нуқсон кўпроқ учраб туради. Чунки ҳомиладор аёлларнинг ёши қанча катта бўлса, улар ташқи мухитнинг зарарли (жисмоний, кимёвий, биологик) таъсирига кўпроқ чалинади. Бундан ташқари, соғлом аёлларга қарагандা туғма нуқсонли онадан туғма нуқсонли бола туғилиш ҳоллари 15 марта кўп учрайди. Кўпинча туғма нуқсон билан туғилишга ирсият ва ташқи мухитнинг интеграция жараёни бузилишидан ҳужайралар метаболизми (моддалар алмашинуви – кимёвий ўзгаришлар мажмуасининг) бузилиши сабаб бўлади, натижада турли морфологик ўзгаришлар юз беради.

Организмга тератоген таъсир этувчи сабаблар жуда кўп ва турличадир. Лекин бу сабабларни икки: ташқи ва ички гуруҳга бўлиш мумкин.

Ташқи мухитдан зарарланишга кўпроқ ионлар радиацияси (нурланиши) сабаб бўлади (ультрабинафша нурлар, майда тўлқинли ультратовушлар). Шунингдек, ҳаддан ташқари иссиқлик, турли юқумли агентлар (омиллар), кимёвий таъсиirlар асосий ўринни эгаллайди. Туғма нуқсон билан туғилишга, онанинг ҳомиладор пайтида кўп миқдорда турли антибиотиклар қабул қилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ташқи қулоқнинг туғма нуқсонига қўйидагилар киради:

1. Қулоқ супрасининг бутунлай бўлмаслиги (анотия).

Қулоқ супраси ўрнида чукурча бўлиб, бунда ташқи эшитур йўли ҳам бўлмайди. Бундан ташқари, бундай болаларда юз суягининг ҳам яхши ривожланмаганини кўрамиз.

2. Қулоқ супраси ривожланмай, фақат унинг айрим бўлаклари бўлиши (микротия). Микротия 1, 2, 3-даражали бўлиши мумкин. Биринчи даражали микротияда қулоқ супрасининг юқори қисми ривожланмаган, иккинчисида қулоқ супрасининг шакли, ҳажми ҳаддан ташқари ўзгарган, юқори жағ яхши ривожланмаган бўлади. Учинчи даражали микротияда қулоқ супраси бутунлай бўлмай, фақат солинчак (мочка) сақланади. Ташқи қулоқ йўли бутунлай йўқ, юқори ёки пастки жағлар бир ёки икки томонлама ривожланмаган, чайнов ва ишора мушакларининг фаолияти бузилган бўлади.

3. Қулоқ супрасининг ҳаддан ташқари катта бўлиши (макротия ёки шаллангқулоқ). Бундан ташқари, қулоқ супрасининг турли нуқсонлари учраши мумкин. Буларга қулоқ супраси ёки унинг юмшоқ қисми (солинчак) даги ўзгаришлар, қулоқ супраси атрофидаги катта-кичик ўсимталар (Дарвин ўсимтаси) ва бошқалар киради (24-расм, а, б).

Нуқсонлар фақат жарроҳлик йўли билан бартараф этилади.

Қулоқ супраси ривожланмаганда ёки бутунлай бўлмаганда уни жарроҳлик усулида тикланади.



а



б

24-расм. Қулоқ супрасининг туғма нуқсонлари. а – микротия; б – анотия.

Бунда тоғай қисмини тиклаш учун аъзонинг турли тоғайларидан (қовурға ёки ўлган кишининг қулоқ супраси тоғайидан) олинади. Тери қисмини тиклаш учун эса шу қулоқ супраси атрофидаги тери ёки гавданинг туксиз тери қисмидан олинади (Филатов усули билан).

ТАШҚИ ЭШИТУВ ЙЎЛИНИНГ НУҚСОНИ

Ташқи эшитув йўли бутунлай ривожланмаган ёки у жуда тор бўлиши мумкин. Кўпинча бу нуқсон қулоқ супраси нуқсони билан бирга учрайди. Бундай ҳолларда албатта ўрта ва ички қулоқни ҳам текшириб кўриши лозим (чакка суякни рентген тасвирга олиб).

Даволаш фақат жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Жарроҳликнинг турли йўллари мавжуд. Мақсад ташқи қулоқ йўлини очиш ва тиклашдан иборат. Баъзан ташқи эшитув йўлидаги юмшоқ тўқима олингандан сўнг маҳсус асбоб ёрдамида бу йўлнинг суяқ қисми кенгайтирилади ва унинг олдинги деворига қулоқ супраси супачасининг турли қисмидан юмшоқ тўқима қўйилади. Ташқи эшитув йўлини тиклаш учун қулоқ супрасини орқасидан кесиб, тери ва юмшоқ тўқимани бир оз четроққа тортиб, исканасимон асбоб ёрдамида ташқи қулоқнинг суяқ қисми кенгайтирилади, чандиқлар олиб ташланади ва қулоқ супрасининг орқа томонидаги теридан қийқим (парча) олиб, ташқи эшитув йўлига қўйилади. Бироқ, ташқи эшитув йўлининг анатомик ҳолатини тиклаш жуда қийин, чунки унда доимо торайишга мойиллик бўлади.

ТАШҚИ ҚУЛОҚДАГИ ТҮФМА ОҚМА

Қулоқнинг туғма оқмалари асосан жабра тешикларининг бола туғилгунича бекилмасдан қолганлиги сабабли келиб чиқади. Оқма (тешик) бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин, у худди нуқтага ўхшаш бўлиб, унинг атрофини сиққанда тешикдан кўпинча йиринг чиқа бошлайди. Оқма яра бўйинда учрайдиган оқма тешик билан бирлашган бўлиши ҳам мумкин. Оқма яра илдизи баъзан жуда чукур жойлашган бўлиб, у ноғора бўшлиғигача боради.

Оқма болани умуман безовта қилмаслиги мумкин. Бироқ, кўп ҳолларда оқма ичida микроблар йиғилиши ёки унинг яллигланини сабабли қулоқ атрофи тўқималарида йирингли қайталанувчи ҳолатлар кузатилади.

Яра жарроҳлик йўли билан даволанади. Бунинг учун оқма тешиги атрофида тери думалоқ шаклда кесилади, унинг масофаси ва чукурлигини аниқлаш учун асталик билан игна орқали 10% ли бриллиант яшили эритмаси юборилади. Аста-секин яра атрофидаги соғ тўқималардан ажратилиб, илдизи билан олиб ташланади.

ЎРТА ВА ИЧКИ ҚУЛОҚНИНГ ТҮФМА НУҚСОНИ

Ўрта ва ички қулоқнинг туғма нуқсонлари ҳам қулоқ супраси ҳамда ташқи эшитув йўли нуқсонлари билан бирга учраб туради.

Бу нуқсонлар турлича бўлади. Баъзан товуш ўтказувчи бўлимнинг думалоқ ва яssi дарчалари, эшитув суяқчалари бўғимларининг ҳаракатсизланиши – қотиб қолиши (анкилоз) ёки бирор эшитув суяқасининг бўлмаслиги ёки ривожланмаганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ноғора бўшлиғи ёки ноғора парда яхши ривожланмаган ҳоллари ҳам кузатилади.

ЭШИТУВ АЪЗОСИ РИВОЖЛАНИШИННИГ БУЗИЛИШИ

Бунда эшитув аъзосининг нотўғри ривожланганилиги қузатилади, яъни аъзонинг шакли, тузилиши ўзгаради. Бу уч хил турда бўлади.

1. Оғир турида – ташқи қулоқнинг тогай қисми пастга ва қўпроқ олд томонга йўналган бўлади, бундан ташқари ташқи қулоқнинг суяқ қисми, ноғора бўшлиғи, ундаги суяқчалар ва эшитув найи бутунлай бўлмаслиги мумкин.

2. Ўртача турида – ташқи эшитув йўли олд томонда жойлашган бўлиб, унинг суяқ қисми йўқ бўлиши мумкин. Ноғора бўшлиғи кичик болғача, сандонча суяқчалар яхши ривожланмай, бир-бiri билан ёпишган ҳолда бўлади.

3. Енгил турида – ташқи эшитув йўлининг суяқ қисми жуда тор, қулоқ парда кичик, хира кўринади. Ички қулоқда ҳам турли хил түфма нуқсонлар бўлиши мумкин. Бу тўрида турлича фикрлар ва усувлар бор. Эшитиш қобилиятини яхшилаш мақсадида жарроҳлик усулидан фойдаланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ташқи, ўрта ва ички қулоқнинг түфма нуқсонлари мустақил ёки бошқа аъзоларнинг түфма нуқсонлари юз нерви фалажи, пастки жағнинг ривожланмай қолиши, бронхоэктаз ва ҳоказолар билан бирга учраши мумкин.

ҚУЛОҚНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ

Болаларда қулоқ қўпроқ механик равишда совуқ ва иссиқ (термик) таъсирида, шунингдек, товуш (акустик) ва босим (баро) ошиши ёки камайиши натижасида шикастланади. Механик шикастланиш турли ўткир ва ўтмас буюмлар билан қулоқни тозалаганда, турли спорт машгулотларини бажариш вақтида келиб чиқади.

Кўпинча ташқи қулоқ супраси жароҳатланиб, унинг бутунлай ёки бир қисми узилиши ва қаттиқ эзилиши мумкин (қаттиқ зарб билан урилса, йиқилса, тишлаб олса). Шикастланганда қулоқ супрасининг тогай қисми дарз кетиб синади.

Баъзан қиз болалар қулоқ супрасининг юмшоқ (солинчак) қисми тешилганда (зирак тақиши учун), у ерда фиброма (бириктирувчи тўқимали хавфсиз ўсма), келлоид (чандиқ тўқиманинг ҳаддан ортиқ ўсиши) ривожланиши мумкин. Қулоқ супраси шикастланганда зудлик билан ярани спирт ёки йод эритмаси ёрдамида тозаланади, қон кетиши тўхтагандан сўнг, яра тикилади. Тикиш пайтида тогайни шикастлантирмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Агар қулоқ супрасининг бирор қисми узилиб кетган бўлса, уни зудлик билан ўз ўрнига қўйиб тикиш керак. Шундан сўнг беморга турли антибиотиклар ва сульфаниламидлар бериб турилади.

ҰРАБ ОЛУВЧИ ІКИ БЕЛБОҒСИМОН УЧУҚ

Бунда қулоқ супрасининг тери қисмida кичик ҳажмда майда қизил түсдаги тугунчалар ҳосил бўлиб, бош ҳамда қулоқ супрасида кучли оғриқ кузатилади. Тугунчалар кейинчалик пуфакчаларга айланиб, қулоқ супрасида турлича тарқалади. Кўп ўтмасдан пуфакчалар ёрилиб, қурийди, қатқалоқланиб, кейин тушиб кетади. Беморнинг гавда ҳарорати кўтарилиб, оёқ-қўллари зирқираб оғрийди.

Бу касалликда кўпинча bemorning юз, уч шохли ва эшиитув неврлари жароҳатланади.

Пуфакчалар ёрилганда турли малҳамли дорилар лидокаин ёки новокаин эритмалари билан аралаштириб суртилади. Антибиотиклар, вируста, заҳарланишга қарши воситалар сульфаниламиллар тавсия этилади.

ҚУЛОҚ СУПРАСИДА ҚОН ЙИГИЛИШИ (ОТОГЕМАТОМА)

Қулоқ супраси шикастланиши ёки узоқ эзилиши, шунингдек, қон томирлари ёрилиши оқибатида тоғай билан тоғай устки қатлами орасида қон йигилиб қолади. Бу касаллик кўпроқ спорт билан шуғулланувчи ёш болаларда ҳамда қон томирларининг ўтказувчанлик фаолияти бузилганда кузатилади. Қон кўпроқ қулоқ супрасининг юқори-олдинги қисмida йигилади. Бунда қулоқ супраси катталашиб, шиш пайдо бўлади, тери қорамтир-кўкиш тусга кириб, пайпаслаб кўрилганда юмшоқ ва бирор суюқлик бордек сезилади, айтарли оғриқ бўлмайди, гавда ҳарорати кўтариilmайди. Фақат bemor ўзини қулоқ супраси осилиб тушаётгандек ҳис қиласди.

Кўпинча унчалик катта ҳажмда тўпланмаган қон бир неча кундан сўнг ўз-ўзидан сўрилиб кетиши мумкин. Бунда шишган ерга спирт ёки йод эритмасидан суртиб, қаттиқ сиқиб боғлаб юриш керак. Айрим ҳолларда итна санчиб, у ердаги қонни сўриб олиб, турли антибиотик ёки 5% ли спиртли йод эритмасидан юбориб, боғлаб қўйилади. Агар бу тадбирлар ёрдам бермаса, унда жарроҳлик усули қўлланади (кесиб ёриш). Чунки тоғай узоқ муддат қон томирлар орқали озуқа олмаса, ўлиши ва чириши мумкин. Бунда қулоқ супраси буришиб, ўз косметик ҳолатини йўқотади. Агар тоғай синган бўлса, уни тўғрилаб, ўз ўрнига қўйиб, қаттиқ сиқиб боғлаш лозим.

Қулоқ супрасига қон қўйилганда итна санчиб даволаш даврида жароҳатга бирор инфекция (микроб) тушиб қолса, унда қулоқ супрасининг тоғай қисми йиринглаб яллиғланиши мумкин. Бунда bemorning гавда ҳарорати кўтарилади, қулоғида оғриқ, қизиш аломатлари пайдо бўлади. Ўз вақтида хасталикнинг олди олинмаса, яллиғланиш зўрайиб, қулоқ супраси катталашади, тери қизариб, шиш

пайдо бўлади. Пайпаслаб кўрилганда оғриқ зўраяди. Игна санчиб кўрилганда йиринг чиқади. Бундай ҳолларда, тўпланган йиринг туфайли тоғайнинг йирингли яллиғланиб, чиришига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун зудлик билан фасодни ёриш зарур (25-расм). Баъзан, бу касалликни қулоқ супрасида учрайдиган юқумли, яъни сарамас касаллиги билан таққослаб ажрата билиш лозим.

Кулоқ супраси йирингли яллиғланганда, фақат унинг тоғайли қисми заарланиб, тоғайсиз пастки қисми – солинчак (юмшоқ қисми) яллиғланмайди.

ТАШҚИ ҚУЛОҚ ЙЎЛИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ

Бундай шикастланиш учли, ўткир нарсалар (гугурт чўпи, тўғноғич ва ҳ.к.) орқали, шунингдек, бошқа жараёнларда қулоқни ювиш вақтида ёки ёт жисмларни олиш пайтида) юз бериши мумкин. Ёш болаларда йиқилганда, бирор нарса билан қулоққа урганда кузатилади. Кўпинча ташқи қулоқ йўлининг шикастланиши пастки жағ бўғими ёки сўргичсимон ўсимта ёки қулоқ пардаси ва ноғора бўшлиғининг шикастланиши билан бирга учрайди.

Ташқи қулоқ йўли шикастланганда бемор қаттиқ оғриқдан, қулоқдан қон кетишидан шикоят қиласди. Бундай ҳолларда дастлаб қон кетишини тўхтатиш, оғриқни камайтириш ҳамда ташқи эшитув йўли торайиб қолмаслигининг олдини олиш шарт. Шу мақсадда ташқи эшитув йўлига тампон қўйилади (мойли дорилар билан).

Кулоқ пардаси шикастланганда қон қўйилиши, қонталаш ёки қулоқ пардасининг ёрилиши кузатилади. Бундан ташқари, чакка суяқ пирамидал қисмининг узунасига дарз кетиши натижасида қулоқ пардаси ёрилади.

Кулоқ пардаси ёрилиши натижасида қон кетганда уни тозалаб бўлмайди, чунки тозалаш пайтида бирор инфекция кириб ўрта қулоқда йирингли яллиғланиш бошланиши мумкин. Шунинг учун ташқи қулоққа тоза пахта ёки бинтдан тайёрланган тоза тампон қўйилади.

Чакка суякнинг пирамидал қисми узунасига шикастланганда қулоқ пардаси ёрилишидан ташқари, баъзан қулоқдан орқа мия суюқлифи оқиб туриши, юз нерви фалажланиши, эшитиш қобилияти бузилиши, бош айланиши, кўнгил айниши каби ҳолатлар кузатилиши мумкин. Чакка суякнинг пирамидал қисми кўндалангига синганда, қулоқ пардаси шикастланмайди. Бунда бемор оғир аҳволда бўлиб, эшитув ва мувозанатини сақловчи нервлар шикастланади, натижада эшитиш қобилияти, мувозанатни сақлаш бузилади, юз нерви фалажи қайд этилади. Чакка суяқ пирамидал қисмининг синганини фақат рентген орқали билиш мумкин.

ҚУЛОҚ СУПРАСИНИ СОВУҚ ОЛИШИ

Бизнинг шароитимиизда бундай хасталик бошқа совуқ иқлимли республикаларга нисбатан кам учрайди. Бу хил шикастланиш болаларда ҳам учраб туради. Хасталик бошланишида бемор қулоқ супраси терисининг ранги оқариб, қичииди ва ачишиб туради. Кейинчалик унинг сезувчанлик қобилияти пасайиб боради (I даражада). Бундан ташқари пуфакчалар пайдо бўлади (II даражада), қулоқ супраси қорайиши (III даражада), тўқима ва тоғай ўлиши мумкин (IV даражада).

Даволаш. Зудлик билан қулоқ супрасида қон айланишини тиклаш ва яхшилаш лозим. Бунинг учун қулоқ супрасини токи у қизаргунча ишқалаш, сўнгра унга ароқ ёки спирт суртиш ва жароҳатни тоза бинт билан боғлаб қўйиш зарур. Агар қулоқ супрасида пуфакчалар бўлса, уларни ёриш лозим, сўнгра УВЧ ёки ультрабинафша нурлар берилади ва турли малҳам дорилар билан боғлаб қўйилади.

ҚУЛОҚ СУПРАСИННИГ КУЙИШИ

Қулоқ супраси куйишининг тўрт даражаси бўлиб, кўпинча хасталик куйиш, қуёш нури, қайноқ сув ёки унинг буфининг таъсирида келиб чиқиши мумкин.

Қулоқ супрасида қизариш (I даражада), шиш ва пуфакчалар пайдо бўлиши (II даражада), қулоқ супраси тўқималари (III даражада), қулоқ супраси тоғай қисмининг ўлиши ва қорайиб қовжираб кетиши (IV даражада) кузатилади.

Даволаш. Қулоқ супраси куйишини даволашда дастлаб бемор болани руҳий таъсиrlанишдан, яъни шок ҳолатидан чиқариш лозим. Қулоқ супрасини турли малҳамлар ва 1–2% ли танин эритмаси билан боғлаш зарур.

I ва II даражали куйишда пуфакчалар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик зарур. Бунинг учун қулоқ супрасини совутиш (совуқ сув ёки ях билан), уни босиб бойлаш ва тоғай қисмини жароҳатланишдан сақлаш керак.

III ва IV даражали куйишда жароҳатга қуруқ тоза боғлов қўйилади. Қулоқ супраси турли кислоталар ва ишқорлар билан куйган бўлса, уни кўп миқдорда тоза сув билан ювиш лозим.

ЭКЗЕМА

Бу хасталик юқмайди; тугунчалар, тангачалар, йиринг ҳосил қиласи ва қичима билан ўтади. Кўпинча у қулоқ супрасининг орқа томонида, яъни сўргичсимон ўсиқчага ўтиш чегарасида бошланиб, атрофга тарқалади. Қаттиқ қичима бўлиши сабабли бола безовталаниб, уйқуси бузилади. Ҳ.з. алиқ ўрта қулоқдан йиринг оқиб, ташқи қулоқ йўлини қитиқлап таштасида келиб тикиди. Бундан ташқари, йод эритмасидан,

символи малхамдан ҳам юз бериб, күпроқ ширзада (мечкай, қанд касаллиги, диатез) билан оғриган болаларда учрайди.

Экзема нам, яъни пуфакчали, тангачали (қызил тангачалар ва пўстлар ҳосил бўлиши) ва улардан суюқлик чиқадиган бўлиши мумкин.

Даволаш. Яллиғланган жой тоза мой билан артилади, 5% ли резорцин эритмаси ёки бура суюқлигини суртиб, боғлаб кўйилади. Бундан ташқари, УВЧ ёки ультрабинафша нурлар билан нурлантирилади. Сўнгги пайтларда лазер билан нурлантириш, гидрокортизон, оксикорт, мойли дорилар ҳам яхши натижга бермоқда. Беморга витаминга бой овқатлар бериш, бромли эритмалар ичириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

АКУСТИК ШИКАСТЛАНИШ

Бундай шикастланиш узоқ муддат давомида қулоққа шовқин таъсир этиши натижасида келиб чиқади. У ўткир, сурункали бўлиши мумкин.

Ўткир шикастланиш қисқа вақт ичida кучли акустик таъсир натижасида юз беради. Бунда bemor қулогидаги қаттиқ оғриқдан шикоят қиласди.

Сурункали акустик шикастланиш аксарият катталар орасида (кўпинча кучли шовқинли цехларда, бўлимларда ишловчи кишиларда) учрайди. Узоқ муддат қучли шовқин таъсир этиши натижасида Кортий аъзосидаги эшиитув нерви толаларининг нобуд бўлишидан гаранглик ёки карлик келиб чиқади.

Касаллик bemornинг шикояти, ишлаш жойи ва эшитиш қобилиятини текшириш (камертонлар ва аудиометр) орқали аниқланади.

Даволаш ва шикастланишининг олдини олиш. Агар bemor бундай шикастланиши келтириб чиқарадиган мұхитда ишласа, уни шовқинсиз цехларга, бўлимларга ўтказиш керак, бундан ташқари шовқинни камайтирувчи ва ундан сақланувчи турли тадбирларни кўллаш зарур.

Bemorga турли витамин гурухлари (B_1 , B_6 , B_{12} , A ва E)ни қабул қилиш буюрилади. Bu витаминлар қон айланишини ва танада оксидланиш жараёнини яхшилайди. Касалликнинг олдини олиш учун турли шовқинли цехларда ишловчиларни вақт-вақти билан текширувдан ўтказиб туриш, уларга товуш ўтказмайдиган маҳсус бош кийим бериш лозим.

ВИБРО (ТЕБРАНИШ) ШИКАСТЛАНИШ

Бундай шикастланиш кўп тебраниш, титраш, чайқалиш натижасида келиб чиқади. Хасталик кўпроқ катта ёшдагиларда учрайди. Хасталикни аниқлаш учун ҳайвонларда тажриба ўтказилган, яъни бунда бир гурух маълум ҳайвонларни узоқ муддат чайқалтирилган, шундан сўнг,

уларнинг ички қулоқ чиганоқлари текширилганда эшитув нерви жойлашган ерда катта ўзгаришлар қайд этилган.

Демак, узоқ муддат тебраниш, титраш, чайқалиш натижасида одамларда ҳам шундай ўзгаришлар кузатилади, натижада эшитиш қобилияти бузилиб, карлик келиб чиқиши мумкин. Бундай шикастланишнинг олдини олиш учун худди акустик шикастланишдаги тадбирларни қўллаш лозим.

БАРО ШИКАСТЛANIШ

Ҳаво босимининг кескин ўзгариши натижасида ривожланадиган қулоқ хасталиги бўлиб, кўпроқ катталарда кузатилади. Болаларда фақат эшитув найининг ҳаво ўтказувчанилиги бузилишидан келиб чиқади. Бундай шикастланиш икки гурӯхга бўлинади.

Биринчи гурӯҳ. Бунда фақат ташқи қулоқ йўли шикастланади, яъни хасталик ташқи қулоқ йўлидан ҳаво ўтишининг бузилиши ёки эшитув найи орқали ногора бўшлиғига катта босимда ҳаво юбориш натижасида келиб чиқади.

Иккинчи гурӯҳ. Бундай шикастланиш ногора бўшлиғи ичидаги босим билан ташқи муҳитдаги босимнинг фарқ қилиши (масалан, самолётда учиш даврида ёки водолазларда) натижасида юз беради. Бундан ташқари, бу шикастланиш замбараклар отишмаси даврида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бемор қулогини текширганда, қулоқ пардаси қизарганини, қонталашларни, баъзан қулоқ пардасининг йиртилганини, қонни кўриш мумкин (26-расм).

Бемор қулоқда шовқин, шанғиллаш, эшитиш қобилияти пасайишидан, бош айланишидан, кўнгли айниб кусишидан шикоят қиласиди. Баъзан у хушидан кетиб қолиши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун эшитув найининг ўтказувчанилигига катта эътибор бериш лозим. Шахта ишчилари ёки учувчиларни ишга олишдан олдин уларни яхшилаб текшириш зарур. Бундай шикастланишда қулоқ пардаси ёрилиб, қон кетса, дастлаб жароҳат тоза пахта (спирт билан намланган бўлиши шарт) билан эҳтиёт қилиб тозаланади. Кейин унга турли дорилар пуркалади ва тоза пахта қўйилади. Агар мувозанат ўзгарган бўлса, бир неча кун юрмасдан ётилади. Яллигланишга қарши турли дори-дармонлар берилади.

ТАШҚИ ҚУЛОҚ ЙЎЛИДАГИ ёТ ЖИСМЛАР

Болаларда ташқи қулоқ йўлида ёт жисмлар учраб туради. Бу кўпинча кўлга тушган майда ёт жисмлар (олча данагини, нўхат, майда тугмачалар, гугурт чўпининг синиб қолган қисми, пахта ва бошқа жисмлар)ни оғизга ёки қулоққа тиқишига одатланган болаларда

кузатилади. Бундан ташқари, қулоққа чивин, пашша, тахтакана, суварак каби ҳашаротлар ҳам кириб кетиши мумкин.


Ёт жисмлар күпинча ташқи эшитув йўлининг тофай қисмидаги ёки тофай қисмининг суюк бўлимига ўтиш жойида тиқилиб қолади.

Ёши болалар ташқи қулоқ йўлида ёт жисм борлигини билмайдилар ёки билсалар ҳам ота-оналарига айтмайдилар (безовта қилмагани учун). Агар ёт жисм ташқи қулоқ йўлида тиқилиб турса, бир оз оғриқ, қулоқда шовқин бўлиши ва эшитиш қобилияти пасайиши мумкин. Баъзан йўтал, кўнгил айниши кузатилади. Қулоққа кириб қолган ҳашаротлар ўзининг ҳаракати билан қулоқда шангиллаш, қитиклаш ва оғриқ чақиради. Ёт жисм учли ва ўткир бўлса, оғриқ пайдо қилади. Турли мева ва ўсимлик уруғлари ташқи қулоқда узоқ муддат туриб қолиши сабабли аста-секин шишиб, катталашиб боради. Натижада ташқи эшитув йўли беркилиб, эшитиш қобилияти пасаяди ёки бутунлай йўқолади. Бундан ташқари, шишиган ёт жисм ташқи қулоқ деворларини эзиши натижасида қаттиқ оғриқ беради.

Даволаш. Дастрлаб ҳар қандай ёт жисмни олиб ташлаш зарур. Бирор тадбирни қўллашдан олдин бемордан илгари қулоғидан йиринг оққан ёки оқмаганилиги сўралади. Ёт жисмни олишдан олдин унинг қандай жойланигани, ҳажми аниқланади. Ёт жисмни олишда турли илмоқли ёки қисқиҳимон асбоблар ишлатилади. Бундан ташқари қулоқни маҳсус шприц ёрдамида ювиш мумкин (27-расм).

Думалоқ шаклдаги ёт жисмларни қисқичли асбоб (пинцет) билан олиш мумкин эмас, чунки уларни ичкарига итариб юбориш мумкин. Баъзан қулоқ пардаси йиртилиб, ноғора бўшлиғига тушиши сабабли йирингли яллиғланиш кузатилади.

Агар ташқи қулоқ йўлига тушган турли ўсимликлар уруги шишиб катталашиб, уни бутунлай зич беркитиб қўйган бўлса, уни олишдан аввал қулоққа бир неча кун тоза спирт томизилади. Шундан сўнг ёт жисмнинг ҳажми кичиклашади ва уни олиб ташлаш осон бўлади.



27-расм. Ташқи қулоқ йўлидан ёт жисмни чиқариб олиш.

Кулоқдати ҳашаротларни олишдан олдин кулоққа турли тоза эритмалар қуйилади, шунда жонли ёт жисмлар ҳаво олиш учун ташқарига интилади ёки ўлади. Шундан сўнг уни ювиб олиш мумкин.

Агар ёт жисм ташқи кулоқ йўлининг торайган, яъни тоғай қисмидан суяқ қисмига (думалоқ ва қаттиқ ёт жисмлар) ёки кулоқ пардасини тешиб, ноғора бўшлиғига ўтиб кетса, бундай ҳолларда уни жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Оғриқни қолдирувчи турли доридармонларни қилгандан сўнг, кулоқ супрасининг орқа томонидан кесиб ташқи кулоқ йўли кенгайтирилади. Шунда ёт жисмни олиш осонлашади ва у турли асбоблар ёрдамида олинади.

ТАШҚИ КУЛОҚ ЙЎЛИДА ЧИРК (СЕРА)НИНГ ЙИФИЛИШИ

Ташқи кулоқ йўлининг кириш қисмida безлар бўлиб, улар кулоқ чиркини ишлаб чиқаради. Баъзан шу безлар фаолияти ошиб, кўп миқдорда чирк чиқара бошлайди ва ташқи эшитув йўлида тиқин ёки чирк тўплами ҳосил бўлади.

Нормал шароитда сера безлари ишлаб чиқарган маҳсулот майдаланиб ва қуриб ташқарига чиқади (пастки жағнинг ҳаракати натижасида). Кулоқ чиркининг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши ва йиғилиб қолишига қўйидагилар сабаб бўлади:

- а) ташқи эшитув йўли терисига кўп таъсир қилиш (ҳаддан ташқари кўп тозалашга ҳаракат қилиш);
- б) ташқи эшитув йўлининг туғма ингичка ва тор бўлиши;
- в) кулоқ чирки таркибида ўзига хос моддалар бўлиши (айниқса чанг, ифлос иш шароитлари).
- г) жағ тишларида кариеслар бўлиши (жағнинг ҳаракати қисман чекланади).

Кулоқ кири ташқи эшитув йўлиқ бекитмагунча кўп ҳолларда беморни безовта қилмайди. Бироқ кулоққа сув кирганда (бош ювганда, чўмилганда) тиқинма бўкиб катталашади, кулоқда шовқин бўлади ва у эшитишга халақит бера бошлайди. Агар кир қаттиқ (тошсимон) бўлса ва адашган нерв толасини қитиқласа, у рефлектор тарзда йўтал ва юрак санчигига сабаб бўлиши мумкин.

Кулоқ кири отоскопияда аниқланади. Бунда ташқи эшитув йўлида қизил-кўнғир ёки тўқ жигар рангли кир кўринади.

Даволаш. Кўпинча қулоқ кири илиқ эритмалар (сув, антисептикклар) билан маҳсус шприц ёрдамида ювиб, тозаланади. Қулоқни ювишдан олдин бемор анамнезини ўрганиш керак. Агар ювилиши лозим бўлган қулоқдан илгари йиринг оққан бўлса, ноғора пардада тешик қолган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда кир маҳсус илтаклар ёки қошиқчалар билан олинади.

Ювиш даврида ташқи эши тув йўли ва ногора пардан шикастлантирмаслик учун чап кўл билан қулоқ супрасини тортиб, шпризни ўрта бармоқса тираб, суюқликни ташқи эши тув йўлининг орқа-тепа деворига йўналтириш керак. Суюқликнинг босим кучи етарли бўлганда, кир отилиб чиқади.

Агар қулоқни қайта-қайта ювичиришга мувоффақ бўлинмаса, 2–3 кун давомида қулоқса ишқор ёки ёф томизиб, кир юмшатилади, сўнгра ювилади. Ушбу томчилар таъсирида кир катталашиб, эшишиш янада пасаяди, бу ҳақда беморни огоҳлантириш керак.

Ташқи эши тув йўли териси касалликларида эпидермис кўп пўстлоқланади ва бунда қаттиқ, зич, қаватма-қават эпидермисдан ташкил топган кир ҳосил бўлади. Бу кир ташқи эши тув йўлининг деворларига мустаҳкам тегиб туради. Уни бир неча кун давомида турли эритмалар билан юмшатиб ёки маҳсус илгаклар билан олинади.

ОТОМИКОЗ

Ташқи ва ўрта қулоқнинг турли хил замбуруғлар (*Aspergillus*, *Penicillium*, *Candida*) таъсирида ривожланадиган хасталиги.

Отомикоз келиб чиқишига қуйидаги омиллар: замбуруғли хасталиклар (тери-таносил аъзоларида), гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, маҳаллий ва умумий аллергик ҳолатлар, моддалар алмашинувининг бузилиши, ҳаддан ташқари кўп антибиотиклар қабул қилиши сабаб бўлади.

Аломатлари — мөғор замбуруғлари қуюқ, бир-бирига туташган ажралмани ҳосил қиласи, бунга *мицелия* дейилади. Биринчи навбатда ташқи қулоқ йўлида қаттиқ қичишиш пайдо бўлади ва унинг сезувчанлиги ошиб кетади, қулоқ битиб тўлиб қолгандек бўлиб, бемор шовқиндан шикоят қиласи.

Отоскопияда ташқи эши тув йўли бирмунча торайган, териси қизарган бўлади, ажралма худди ивитган босма қофоз кўринишида, унинг ранги турлича (қорароқ, сарғишроқ, қўкимтир, оппоқ ва ҳ.к.) бўлади.

Даволаш. Замбуруғларнинг турига қараб нигрофунгин, нистатин, леворин, лютенурин, клотrimазол, ламизил каби дори воситалари турли хил шаклда кўлланади.

Ташқи қулоқ йўлини ажралмалардан тозалаш мақсадида уни 3% ли борат кислотаси, 2–4 % ли салицилат спирти билан ювиш, шунингдек, аллергияга қарши дорилар (кальций глюканат ёки кальций хлорид, супрастин, тавегил, димедрол, кларитин, аналлэрген) тавсия қилинади.

ТАШҚИ ЭШИТУВ ЙЎЛИНИНГ ТАРҚОҚ (ДИФФУЗ) ЯЛЛИГЛАНИШИ

Болаларда кўп учрайди, одатда бундай яллигланиш ўрта қулоқнинг ўткир ёки сурункали йирингли яллигланишларини охиригача даволамаслик оқибатида келиб чиқади. Бу хасталик қандли диабет билан оғриган, сил ва аллергияга чалинган кишиларда кузатилади. Касаллик асосан ташқи эшитув йўли тери қаватининг шикастланиши сабабли ривожланади.

Эшитув йўли териси тарқоқ яллигланиши оқибатида унинг барча деворлари қизариб шишиди, ҳажми тораяди. Торайган эшитув йўли кўчиб тушган тери қатлами ва йиринг билан тўлиб туради.

Касалликнинг бошланиш даврида, қулоққа қўл теккизилса бемор қаттиқ оғриқ сезади. Кейинчалик оғриқ камайиб, эшитиш қобилияти пасяди. Баъзан гавда ҳарорати кўтарилади.

Отоскопияда ташқи қулоқ йўли барча қисмларининг териси қизарган, шишиган бўлади. Яллигланиши ногора пардага ҳам тарқалади. Қулоқ супраси атрофидаги лимфа безлари катталашиб, оғриқли бўлиши мумкин.

Даволаш. Ташқи эшитув йўли борат кислотасининг илиқ эритмаси билан ювилиб, сўнгра паҳта ўралган зонд билан артилади. Ташқи қулоқ йўлига 10% ли бура суюқлиги шимдирилган тампон қўйилади (у ҳар икки соатда алмаштириб турилади). Маҳаллий антибиотик ва гормонли малҳамларни, 1 % ли бриллиант кўки эритмасини ҳам қўлласа бўлади. Шунингдек, УВЧ, ультрабинафша ва лазер нурларидан фойдаланиш мақсадта мувофиқдир.

ТАШҚИ ЭШИТУВ ЙЎЛИ ЧИПҚОНИ

Ташқи эшитув йўлида ривожланадиган чипқон, асосан, болаларда кузатилади. Кўпинча терининг юза жароҳатланиши (бармоқ, гугурт чўпи ва бошқа нарсалар билан қулоқни тозалаш)дан келиб чиқади. Шунингдек, ташқи қулоқ йўлидаги тери шилиниб, соч (тук) халтаси ва ёғ безларига турли хил микроблар тушиши натижасида ҳам чипқон чиқиши мумкин.

Эшитув йўли чилла яраси (экзема), шунингдек моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган касалликлар (айниқса қанд касаллиги) чипқон чиқиши учун қулай шароит ҳисобланади.

Ташқи эшитув йўли чипқонида болалар қаттиқ оғриқдан шикоят қиласидилар, оғриқ айниқса қулоқ супрасининг олдинги томонидаги дўмбоқ (*tragus*) ни босилганда, қулоқ супрасини тортганда ёки пастки жағни ҳаракатта келтирганда (чайнаганда) зўрайади. Гавда ҳарорати кўтарилиб, қулоқ олди лимфа тутунлари катталашибади. Натижада ёш болалар безовта бўлиб, яхши ухламайдилар.

Ташқи қулоқ йўли кўздан кечирилганда (чиқон чиқиши даврида) унинг торайғанлигини, терининг бўртганини кўриш мумкин. Баъзан, ноғора пардани кўриш имконияти бўлмайди. Бунда қулоқ йўлидаги бўртмани пайпаслаб кўрилганда бўртма қаттиқ бўлиб, оғриқ зўрайди. Агар бемор вақтида даволанмаса, хасталик авж олиб, 4–5 кундан сўнг чиқоннинг уни бир оз оқаради, кейинчалик шиш юмшайди.

Бу ҳолат чиқоннинг фасодланиш, яъни «пишиб» етилишидан далолат беради. Бунда чиқон ўз-ўзидан ёрилиши ёки уни ёриш мумкин.

Даволаш. Дастлаб ташқи эшитув йўлига 3% ли борат спирт шимдирилган тампон тиқиб қўйилади. Иситувчи компресслар қилиш, УВЧ, ультрабинафша нур ёки лазер билан нурлантириш, оғриқни қолдириш учун соллюкс лампаси билан даволаш мақсадга мувофиқдир. Кўпинча оғриқни қолдириш, даволаш мақсадида чиқон атрофига 1–2% ли 2 мл новокайн эритмасини пенициллин ёки линкомицин аралашмаси билан юбориш ҳам яхши натижа беради.

Ташқи қулоқ йўли чиқонини мастоидитдан фарқлай билиш зарур. Бунда эшитув йўлининг тоғай қисми, мастоидитда эса суяқ қисми торайған бўлади. Мастоидитда эшитиш қобилияти пасаяди, ташқи қулоқ чиқонида эса сақланган бўлади. Ўрта қулоқни рентген қилганда сўрғичсимон ўсиқчада ўзгаришлар аниқланади. Чиқонни етилган («пишган») даврида ёриш керак.

Юқорида кўрсатилган тадбирлардан ташқари беморга турли антибиотиклар, сульфаниламидлар ва оғриқ қолдирувчи дорилар ҳам бериш зарур.

ЎРТА ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўрта қулоқнинг ўтқир касаллиги ёш болаларда кўп учрайди. У турли асоратлар бериб, сурункали отитга ўтиши мумкин. Яллиғланиш бурун-ютқундан, эшитув наий орқали ўрта қулоққа ўтади.

Маълумки, ёш болаларда эшитув наий қисқа ва кенг бўлади. Ёш ва гўдак болаларда ўрта қулоқнинг ўтқир яллиғланиши бирмунча бошқачароқ кечади, шунинг учун даволашда буни эътиборга олиш керак.

Касалликнинг ривожланишига ва келиб чиқишига грипп, нафас йўллари касалликлари ва болаларда кечадиган баъзи юқумли касалликлар сабаб бўлади.

Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида стафилококк, стрептококк, турли вируслар, организмнинг аллергик ҳолати ва бошқалар ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўрта қулоқнинг яллиғланиши икки хил: катарал ва йирингли бўлиши мумкин.

ҮРТА ҚУЛОҚНИНГ КАТАРАЛ ОТИТИ

Касаллик ривожланишига эшитув найининг бекилиши, яъни ўтказувчанлик хусусиятининг бузилиши сабаб бўлади. Маълумки, нормал вазиятда эшитув найидан (ютиниш даврида) ҳаво ўтиб туриши натижасида ноғора бўшлиғида нормал босим бўлади. Агар эшитув найидан ҳаво ўтиши бузилса, бунда ноғора бўшлиғида ҳаво босими камайиб, бор ҳаво сўрилиб кетади ва қулоқ пардаси ичкари томон бир оз тортилади. Натижада ноғора бўшлиғи шиллик қаватидаги қон томирлар деворининг ўтказувчанлик хусусияти бузилади, шиллик қаватдаги безлар кўп шира чиқариб, ноғора бўшлиғида суюқлик (микроблардан холи) йиғилади. Баъзилар бу ҳолатни экссудатли, серозли отит деб юритадилар. Бошқалар туботимпанит, отосальпингит деб атайдилар.

Касаллик аломатлари. Бемор аҳволида айтарли ўзгариш бўлмайди, гавда ҳарорати ўзгармайди, қулоқда оғриқ сезилмайди. У фақат қулоқ битишидан, эшитиш қобилияти пасайтанидан, озгина шовқиндан ва ўз овозининг касал қулоқда кўпроқ эшитилиши (аутофония)дан шикоят қиласди. Ёши каттароқ bemorлар калласини ҳар томонга қимиirlatganda, баъзан эшитиш қобилияти яхшиланиси ва баъзи бир ҳолатда ёмоналашишидан пикоят қиладилар. Бу ҳолатни қуийдагича тушунтириш мумкин. Баъзи пайтларда каллани ҳар томонга бурганда ноғора бўшлиғидаги суюқлик ички қулоқ дарчалари томон қуийламаслиги натижасида у ерда босим бўлмайди ва bemor яхши эшитади. Демак, суюқлик ноғора бўшлиғидаги суяқчалар ва қулоқ пардасининг ҳаракатчанлигига тўсқинлик қилмаса, эшитиш қобилияти бузилмайди ёки яхшиланади.

Бемор қулогини текширганда қулоқ пардаси ичкарига букилган, ранги бир оз сарғиши ёки кўкимтири бўлади. Болгача дастаси қисқарган бўлиб, кичик ўсиқчалик ташқарига қараб бўртиб чиқиб туради. Кундузи лампа ёруғида конус (рефлекс) аниқ кўринмайди. Баъзан қулоқ пардасидан ноғора бўшлиғидаги суюқлик сатҳини кўриш мумкин.

Ноғора бўшлиғидаги зардоб, баъзан бурун қоққандада, эснаганда эпилитув найи орқали бурун-ҳалқумга ўтиши мумкин, бунда bemor яхши эшитади. Агар бу касалликни ўз вақтида даволанмаса, яъни эшитув найининг ўтказувчанлик хусусияти яхшиланмаса, тикланмаса, касаллик сурункали тус олиши ёки бирор микроб аралашиши натижасида йирингли отит ривожланиши мумкин. Касаллик bemor шикояти асосида ҳамда қулоқ ва эшитиш хусусиятини текшириш орқали аниқланади.

Даволаш. Бурун, унинг ёндош бўшлиқлари, бурун тўсиги ҳамда бурун-ютқин атрофидаги касалликларни бартараф этиш билан бир қаторда, эшитув найининг ўтказувчанлик хусусиятини тиклаш, ноғора бўшлиғида йиғилган зарлобни олиб ташлаш зарур. Бурун бўшлиғига

қон томирларни торайтирувчи ва шиллиқ қават шишини камайтирувчи дорилар ($0,05\text{--}0,1\%$ ли нафтизин, адреналин 1:1000) томизилади ёки пахтага шимдирилган ҳолда күйилади, 5 минут үтгач 1% ли протаргол ёки колларгол эритмаси томизилади. Бундан ташқари, иситувчи компресс, соллюкс, инфрақизил нурлар буюрилади. Кейинги пайтларда лазер билан нурлантириш ҳам яхши натижада.

Касалликнинг ривожланиши даврида эшитув найи орқали ҳаво юбориш, бурунни тез-тез қоқиши мумкин эмас, чунки ногора бўшлиғига микроб ўтиши мумкин. Фақат бурунда яллиғланиш камайиб, тузалии аломатлари аниқлангандан кейин ҳаво юбориш мумкин.

Баъзан ногора бўшлиғига йигилган зардобларни тез йўқотиш ёки улар қуолиб қолмаслиги учун қулоқ пардасини игна билан тешиб, йигилмани сўриб олиш зарур. Сўнгра ногора бўшлиғига трипсин, химотрипсин эритмалари юборилади.

Касаллик сурункали турга ўтиб кетмаслиги ёки қайта-қайта қўзғалмаслиги учун юқори нафас йўлидаги касалликларни даволаш, зарур бўлса, жарроҳлик йўли билан бартараф этиш лозим.

ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛANIШI

Ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланиши болаларда кўп учрайдиган хасталик ҳисобланади.

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари турлича. Асосан, ўрта қулоқнинг шиллиқ қаватига микроб ёки вирусларнинг тушиши натижасида кузатилади.

Умумий сабабларга бутун организмни иммун ҳолатини ўзгартиришга олиб келувчи касалликлар (трипп, қизамиқ, қизилча, сув чечак, сил, қанд касалликлари ва бошқ.) киради. Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари, ютқиннинг ўткир ва сурункали яллиғланишлари ва шунга ўхшаш жараёнлар ҳам ўткир йирингли отит ривожланишининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Ёш болаларда эшитув найи кенг, калта ва горизонтал жойлаштанлиги сабабли инфекциянинг ўрта қулоққа ўтиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Шу билан бир қаторда, инфекция камдан-кам ҳолларда ташқи эшитув йўли орқали ногора парда жароҳатларида ўрта қулоққа тушиши мумкин.

Ўрта қулоқда яллиғланиш ривожланишида шиллиқ қават ҳолати, унинг микроблар таъсирига қарши курашиш хусусияти қай даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўткир йирингли отитни асосан, стафилококк, пневмококк, стрептококк микроблари кўзғатади.

Патогенез. Ўткир йирингли отитнинг ривожланиши, бу бола организми билан микроорганизмларнинг ўзаро курашуви натижасига

боғлиқ. Болаларнинг аллергияга мойиллиги, уларда моддалар алмашинувининг бузилиш ва иммун қаршиликнинг пасайиши ўрта қулоқда касаллик жараёнининг ривожланишига шароит туғидиради.

Сўнгги йилларда чоп этилаётган мақолалар шуни таъкидламоқдаки, ўткир йирингли отитда иммуноглобулинлар (А,М,Г гурӯҳлари) нинг қондаги умумий миқдори кескин ўзгарар экан. Маълумки, ўрта қулоқнинг шиллиқ қавати ҳам муҳофаза қилиш хусусиятига эга, бироқ у ўткир яллиғланганда иммуноглобулин А секретор шаклининг миқдори шиллиқ қават юзасида камайиб кетар экан.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўткир йирингли отитнинг этиопатогенези хилма-хилдири.

Ўрта ўткир отит таснифи (классификацияси)

Ўрта ўткир отитнинг клиник кечиши турлича. Амалиётда енгил ва оғир шаклларда кечади. Ҳозиргача ушбу касаллик учун қабул қилинган ягона тасниф йўқ. Кўпчилик олимлар (Е.А. Евдошченко, 1983; М.Я. Козлов, 1986 йил ва б.) ўз таснифларини таклиф этганлар.

Е.А. Евдошченко ўткир отитни қўйидагича таснифлайди:

- 1) ўрта ўткир тубоотит (салъпинтоотит);
- 2) яққол ўткир отит;
- 3) яширин кечувчи ўткир отит;
- 4) қайталанувчи ўрта ўткир отит;
- 5) шикастланишдан сўнг ривожланган отит.

Ўз наъбатида яққол ўткир ўрта отит қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) серозли; 2) йирингли; 3) йирингли-фиброзли (толали); 4) геморрагик; 5) ярали-некрозли.

Кечиши бўйича: енгил, ўрта оғир ва ўта оғир.

Кўпгина ўқув адабиётларида ўрта ўткир йирингли отитнинг клиник кечиши 3 босқиччага ажратилади:

- 1) ногора парда тешилгунгача бўлган давр;
- 2) ногора парда тешилиб, йиринг оқиш даври;
- 3) ногора парда тешигининг ёпилиш ёки тикланиш даври.


Ўткир йирингли ўрта отитни ўз вақтида аниқлаш, айниқса у атипик (кам белгили) кўринишда кечганини билиш мураккаб бўлиб, асосан, ота-онадан бола касалланишининг анамнестик далилларини йиғишига асосланади.

Касалликнинг аломатлари. Касалликнинг ривожланиш даври ва тезлигига қараб, унинг аломатлари (клиникаси) турлича бўлади. Қулоқда оғриқ пайдо бўлиб, у чакка ёки бўйин соҳасига тарқалиши мумкин. Оғриқ бошда, жағда ва тишлар соҳасида ҳам бўлиши мумкин. Ноғора бўшлиғида босим ошиб борган сари, эмадиган болалар кўли

билин қулогини ушлашга интилади ёки ёстиққа касал қулогини ишқай бошлайды. Қулоқдаги оғриқ аксирганда, йүтәлганды, ютинганды зұрайды. Гавда ҳарорати аста-секин күтарилиб боради, уйқу бузилади, бола инжиқланиб, онани эммай қүяди. Кичик ёшдаги болаларнинг қулоқ тұмтоқчасини (козелок) босилғанда чинқириб йиғлайды. Катта ёшдаги болалар эса қулоги битиб қолишидан ва шанғиллапидан, әшитишининг пасайганидан шикоят қиладилар.

Отоскопия – үткір ўрта отитни аниқлашыла мұхим үрин тутады. Ноғора бүшлиғида кечадиган яллиғланишнинг барча ривожланиш босқычлари ноғора пардасыда худди күзгудек акс этади.

Яллиғланиш белгилари ноғора парданинг бир оз қизаришидан бошланади. Дастанлаб болғача дастанаси атрофика жойлашып қон томирлары кенгаяди ва парда четидеги қон томирлар марказға томон радиар шактда тарқалиб, қизаради. Ноғора парда қалинлашиб боради, үз күренишини йүқтәди ва ташқарига бўрта бошлайды (28, 29, 30-расмлар). Ноғора бўшлиғида йиғилган яллиғланиш суюқлиги (тиник, оқсилли суюқлик) дастанлаб серозли бўлиб, кейинчалик йирингтә ўтиб, бутунлай ноғора




31-расм. Парентез игналари:
а – игналар түри; б – игнаны ушлаш усули.

бүшлигини тұлдиради, сүнгра антрум ва сүрғичсімөн үсимтә катакчаларига тарқалади. Яллигланиш шиллик қаватдан шиллик остки ва сүяк түқималарига ҳам тарқалиши мүмкін.

Ногора бүшлигидаги суюқлик күпайиб бориб, ногора пардани юпқалаштиради ва у тешилади. Агар тешилмай қолса, *парацентез* (пардани сұнъий равишида кесиб, йириңгни чиқарып юборыш) қилиш лозим. Бунинг учун махсус асбоб – парапентез иғнасидан фойдаланилади ва парда, ассосан, орқа квадратларда кесилади (31, 32-расмлар).

Парацентез ўтказишдан олдин, ташқи қулоқ йўли спирт билан тозаланади. Уч ёшгача бўлган болаларда ушбу муолажани оғриқ-сизлантирувчи дориларни томизмасдан қилиш мүмкін. Катта ёшдагиларга ташқи қулоқ йўлига турли оғриқ ва ногора парданинг сезувчанлигини камайтирувчи дорилар томизиб, сүнгра парда тешилади (беморни ётқизилган ҳолатда). Шундан сўнг, ташқи қулоқ йўлига тоза



a



1



2



3

b

32-расм. Ногора пардани кесиш (парацентез): *a* – ногора пардани кесиш даври; *b* – ногора пардани кесишдан кейинги кўриниш.

докали турунда құйилади (адреналин ёки рух адреналин эритмаси билан). Баъзан парданинг тешилган жойи жуда тез битиб кетиши мүмкін, бундай ҳолларда уни қайтадан кесишігә түгри келади.

Ноғора парда тешилгүнча, гавда ҳарорати юқори бўлади, эшитиш қобилияти текширилганда, одатда эшитишнинг товуш ўтказувчи қисмининг зааралангани аниқданади. Агар ноғора парда ўзича ёрilmаса ёки ўз вақтида парацентез қилинмаса, беморнинг аҳволи оғирлашиб, баъзан кўнгил айниши, қусиши, менингеал аломатлар кузатилиши мүмкін (*менингизм* ҳолати). Бундан ташқари, антрум ёки сўргичсимон ўсиқча соҳаси йиринглаши мүмкін.

Ноғора парда ёрилиб, йиринг оқиши билан бемор аҳволи аста-секин яхшиланиб боради, бош ва қулоқдаги оғриқлар камаяди, гавда ҳарорати меъёрга қайтади.

Кўпчилик беморларда қулоқдан йиринг оқиши тўхташи билан ноғора пардадаги тенник бекилиб, эшитиш қобилияти аввалги ҳолга қайтади ва бемор бутунлай соғайиб кетади. Айрим ҳолларда, хасталик яна қайталанади.

Юқумли ва сил касалликларидан кейин бошланган ўткир ўрта отит кўпинча сурункали шаклга ўтиши мүмкін, бунда йиринг оқиши тўхтамайди ва ноғора пардадаги тешик турғун ҳолатда қолади.

Баъзан ўткир отит чакка суюги соҳасига ёки калла ичига асоратлар бериши ҳам мүмкін.

Даволаш. Биринчи навбатда зътиборни бурундаги мавжуд касалликларни даволаш, нафас олишини тикилаш ва эшитув найининг фаолиятини тиклашга қаратиш лозим. Бурун бўшлиғидаги шишни қайтариш мақсадида томир торайтирувчи дорилар (нафтазин, галазолин, адреналин) томизиб, бурундаги ажралмалар резинали баллон ёки электросўргич билан сўриб олинади ва антибиотик ҳамда гидрокортизон аралашмаси билан ювилади.

Кулоқдаги оғриқни камайтириш учун, ташқи эшитув йўлига пахта пилиги ёки дока парчасини 70° ли этил спиртига шимдириб қўйиш (кунига 3–4 марта) ёки карбол кислота ва глицерин аралашмасини томизиши керак. Кулоққа илитувчи компресслар, соллюкс ва УВЧ яхши ёрдам беради.

Булар билан бир қаторда антибиотиклар, сульфаниламидлар, асабни тинчлантирувчи воситаларни (0,5 % ли натрий бромид 1 чой қошиқдан) тавсия қилинади.

Ноғора парда ёрилганидан сўнг йирингнинг ташқи эшитув йўлига бемалол чиқишига имкон яратиш лозим. Бунинг учун кулоқни тез-тез тозалаш ёки илиқ антисептиклар билан ювиш ксрак (йиринг жана кўп бўлганда). Бунда таркибида спирт бўлган эритмаларни қўллаш мүмкін

эмас, чунки спирт ногора бўшлигининг яллиғланган шиллик қаватини куйдириб, кучли оғриқ беради.

Бемор қулоғига софрадекс, отипакс, отомицин, метрогил ва бошқалар томизилади.

Ўткир йирингли ўрта отитни кўпинча стафилококк қўзғатишини инобатга олиб, унга қарши плазма ёки анатоксинни маҳаллий қўллаш мумкин. Беморларга аллергия ва шишга қарши воситалар ҳам тавсия қилинади.

Сўнгги йилларда ушбу хасталикни даволашда антибиотикларни қулоқ орқасига (сўргичсимон ўсимтага) лимфотроп юбориш юқори самара бермоқда. Агар касаллик оғир шаклда кечса, унда вена ичига 10–20 % ли глюкоза, 0,9 % ли натрий хлорид, гемодез, реополиглюкин эритмаларини юбориш зарур.

Ўрта ўткир отитнинг олдини олиш. Юқори нафас йўллари, айниқса бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари, ҳалқум касалликларини ўз вақтида даволаш, организмни чиниқтириш, юқумли касалликлар эпидемияси вақтида витаминлар истеъмол қилиш ўрта ўткир отитнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

БАЪЗИ БИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР САБАБЛИ ЎРТА ҚУЛОҚДА ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ОТИТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА КЕЧИШИ

Баъзи бир юқумли касалликларга дучор бўлган болаларда ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланиши – отити оғир кечиб, турли асоратлар бериши мумкин.

Скарлатина билан оғриган болаларда ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланиши юқумли касалликнинг бошланиш даврида ёки иккинчи ҳафтасининг охирида ва ундан кечроқ бошланиши мумкин. Кўпинча иккала қулоқ яллиғланади. Бунда ўрта қулоқда ва ногора пардада яллиғланиш кўпроқ ва чуқурроқ бўлиб, у шиллик қават, унинг пастки қаватига эса кўпроқ асорат беради. Йирингда аксарият стрептококк микробини аниқлаш мумкин. Ўткир йирингли отитда йиринг ҳидли бўлади. Ноғора пардадаги тешик катта ҳажмда бўлиб, эшитиш суякчалари ҳам чириган бўлиши мумкин.

Баъзан, яллиғланиш ички қулоққа ҳам ўтиб, унда ҳам йирингли яллиғланиш кузатилади.

Қизамиқ, кўййутал ва бўғма билан оғриган болаларда ҳам ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланиши қайд этилади. Бу отит ҳам худди юқорида айтиб ўтилган отитта ўхшаб оғир ва турли хил асоратлар билан кечади.

Грипп касаллиги даврида, кўпинча ўрта қулоқ йирингли яллиғланиши мумкин. Бунда отит жуда оғир кечади. Ноғора пардада пуфакчалар пайдо



25-расм. Қулоқ супраси төғай қисми-
нинг йирингли яллиғланиши.




26-расм. Ноғора парданинг ёрилиши.



28-расм. Ўтқир отитнинг бошданиш
даври.



29-расм. Ўтқир отитнинг авжга
чиққан даври.



30-расм. Грипп касаллигида ногора пардасининг яллигланиши (парла устида – буллалар).



41-расм. Сурункали мезотимпанит.




42-расм. Сурункали эпитимпанит.



62-расм. Бурун тусифининг қийша-йиши.



63-расм. Бурун-жалқуннинг орқа риноскопияда күріниши (нормада).



64-расм. Пастки бурун чиганоқтари орқа қисмінің катталашғанлығы.



68-расм. Озена (олдинги риноскопия).



69-расм. Ўнг томонлама синуит, чап томонда бурун бұшлагидағы қосила – полиплар (олдинги риноскопия).



72-расм. Хоанадаги полип.




90-расм. Катталашган аденоидни аденотом асбоби ёрдамида жаррохлик усулида кесиб олиш.




92-расм. Ўткир фарингитнинг куриниши.



93-расм. Катарал ангина.




94—95-расмлар. Фолликуляр ангина (чапда), лакунар ангина (унгда).




96—97-расмлар. Мұртак абсцесси (үнг томонда).



102-расм. Ҳалқум бүғмаси.



116-расм. Ўткир ларингит.



117-расм. Сохта бўғма.



121-расм. Ҳиқилдоқнинг аллергик шиши.



122-расм. Ҳиқилдоқнинг ўтқир тарқоқ йирингли яллғланиши.



123-расм. Ҳиқилдоқнинг ҳақиқий бүтмаси (дифтерия).



124-расм. Ҳиқилдоқнинг чап томонига қон қўйилиши.



125-расм. Ҳиқилдоқнинг товуш бойламларига қон қўйилиши.



126-расм. Гиперпластик ларингит (ашулачилар тугунчаси).



127-расм. Гиперпластик ларингиттинг бир тури (паидермия).



132-расм. Ҳиқилдоқнинг ўнг товуш бойламидаги фиброма.



133-расм. Ҳиқилдоқ папилломатози.

бұлади, бундай пуфакчалар ташқи қулоқнинг сүяқ қисмидә ҳам бўлиши мумкин. Ташқи қулоқда қонли, зардобга ўхшаган ажралма бўлиб, ногора парда миста ўхшаб қизарган бўлади. Бундай отитда асоратлар кўп учрайди (менингит, ички қулоқнинг йирингли яллиғланиши ва б.).

Яллиғланиш тезда сўргичсизон ва юз нервига ўтиб, натижада у фалажланади. Грипп касаллигидан ривожланган ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида юз берадиган асоратларда, қулоқни операция қилишга шошилиш керак эмас, чунки бу яхши натижা бермайди.

ТАШҚИ ВА ЎРТА ҚУЛОҚ ШИКАСТЛАНИШИ НАТИЖАСИДА РИВОЖЛАНАДИГАН ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛANIШI

Ташқи ва ўрта қулоқ шикастланиши (кўл билан қулоққа урганда, йиқилгандан сўнг, чакка суяги пирамидал қисмининг узунасига дарз кетиши) натижасида қулоқ пардаси жароҳатланиб, йиртилиши мумкин. Бунда бемор қулогидан қон оқиши, юзининг қийшайиб қолганлиги ёки эшитиш ва мувозанатни сақлаш хусусиятлари бузилганидан шикоят қиласди.

Қулоқ пардаси тешилганда (йиртилганда), бирор инфекция тушиши натижасида ўрта қулоқда ўткир йирингли яллиғланиш бошланиши мумкин. Даволаш юқорида айтиб ўтилган тарзда олиб борилади.

ЎРТА ҚУЛОҚ СИЛИ

Коҳ сил таёқчаларини топмасдан 30 йил аввал Wilde оддий отитларга бир оз ўхшайдиган, оғриқсиз бошланадиган, клиник кечиши ва ногора пардадаги ўзгаришлари ўзига хос бўлган йирингли отитларни аниқлаган. Олим бундай отитларни ўрта қулоқ сили деб таърифлаган. Коҳ сил таёқчаларини топгандан сўнг бир йил ўтгач, Wilde 1883 йилда сил таёқчаларини бемор қулогидан олинган йирингдан топди. 1885 йили Habegtmann ўрта қулоқнинг шиллиқ қаватидан олиб, уни текшириш (гистологик) натижасида, унинг таркибида сил касаллигига хос ўзгаришларни аниқлади (катта ҳужайралар ва сил таёқчалари мавжудлиги). Сил касаллигини қўзғатувчи инфекция (таёқчалар) ўрта қулоқ бўшлигига эшитув найи орқали кириш ёки қон орқали ўтиши мумкин. Айниқса, бу ўпка силни билан оғриган ва балғам билан сил таёқчаларини ажратиб турувчи bemорларда кўп учрайди. Чунки, бундай bemорлар аксирганда, йўталганда, ютинганда балғам билан сил таёқчалари эшитув найи орқали ўрта қулоққа тушиб, у ерда касаллик ривожланишига сабаб бўлади (айниқса болаларда). Беморларда ўрта қулоқда йирингли отит бўлган даврда сил таёқчалари ўрта қулоққа ташқи эшитув йўли орқали ҳам ўтиши мумкин.

Касаллик аломатлари. Ўрта қулоқ сили аломатларининг клиник кўринишлари организмнинг курашувчанлик қобилияти, ўрта қулоқдаги яллиғланиш жараёнининг тарқалиши ва бошқаларга боғлиқ. Баъзи беморларда ўрта қулоқ сили сезиларсиз бошланса, баъзиларда бирдан ўткир ва шиддатли бошланади.

Ўрта қулоқ силини аниқлашда хасталикнинг фақат клиник кечишининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун албатта йириングни текшириш (бактериоскопик, бактериологик), шиллиқ қаватнинг бир қисмини микроскоп орқали кўриш (гистологик) ва ҳайвонларда (биологик) тажриба ўтказиш лозим.

Энг муҳим белгиларидан бири – қулоқда оғриқ бўлиб, қулоқ пардаси катта тешилган бўлади. Баъзан пардада бир неча тешик бўлиши ва чакка суяги тез чириши мумкин. Шундан сўнг, сўргичсимон ўсиқчада ёки ташқи эшитув йўлиниңг суюқ қисмидаги чириш аниқланиб, оқма яра ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ташқи қулоқ йўлида ўсимталар (грануляция) ни кўриш мумкин. Қулоқ супраси атрофидаги жағ ости ва бўйин атрофидаги безлар катталашган бўлиб, юз нерви фалажи кўп учраб туради.

Ўрта қулоқ силида учрайдиган асоратлар. Ички қулоқ, мия асоратлари, яъни оддий отитда учрайдиган барча асоратларни учратиш мумкин.

Даволаш. Қулоқ силини даволашда умумий қувватлантирувчи воситалардан ташқари, маҳаллий даво чоралари ҳам қўлланади. Умумий даволашда сил касаллигига қарши дорилар (стрептомицин, фтивазид, этамбутол, тиоцетазон, солютизон ва б. берилади. Қулоқ сили маҳаллий, юқорида кўрсатилган дорилар билан даволанади.

Хасталик турли асоратлар билан кечса, унда жарроҳлик усули қўлланади, бунга ҳеч қандай тўсқинлик бўлиши мумкин эмас.

ЭМАДИГАН БОЛАЛАРДА ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланиши эмадиган болаларда кўпроқ учрайди. Уларда ушбу касаллик ўзига хос кечади. Чақалоқликнинг дастлабки ойларида нерв системаси ўзига хос функционал ва морфологик хусусиятларга эга бўлиб, боланинг таниқи муҳит шароитига мослашиш ёки адаптация қобилияти етарлича ривожланмаган бўлади. Яллиғланишга шароит яратадиган асосий омиллардан бири уларда касалликка қаршилик кўрсатиш қобилияти, яъни орттирилган иммунитетнинг деярли йўқлигидир.

Шу билан бир қаторда гўлак болаларда эшитув найи қисқа ва кенг бўлиб, унинг оғзи ҳар доим очиқ бўлади. Шунинг учун бурун бўшлиғидаги ва бурун-ютқиндаги микроблар осонлик билан эшитув

найи орқали ўрта қулоққа, яъни ногора бўшлиғига ўтади ва яллигланишини келтириб чиқаради. Янги туғилган болаларнинг ўрта қулоғида эмбрион миксоид тўқималар бўлиб, улар шу микроблар ривожланиши учун яхши восита ёки озуқа ҳисобланади. Эмадиган болалар кўпинча қайт қиласади, бунинг натижасида ўрта қулоққа турли нарсалар тушиши мумкин.

Бундан ташқари чақалоқнинг доимо чалқанча ётиши, бурун ҳамда ҳалқумда йиғиладиган балғамни чиқариш рефлексининг яхши бўлмаслиги ҳам инфекцияларнинг эшитув найи орқали ўрта қулоққа ўтиши учун қулай шароит туғдиради.

Касалликнинг аломатлари. Эмадиган болаларда кўпроқ учрашига моддалар алмашинувининг бузилиши ва сунъий овқатланиш ҳам сабаб бўлади.

Касалликнинг аломатлари. Эмадиган болалар уйқуси бузилиб, кўп безовталанади, айниқса кечаси кўп йиғлайди. Ҳар доим бошини чайқатиб, қўли билан қулогини ушлайди ёки касал қулогини иссиқроқ жойга қўйиб ётади ва шунда бир оз тинчланади. Ҳасталикнинг бошланиш даврида гавда ҳарорати бир оз, кейинчалик юқори даражагача кўтарилади. Бола она кўкрагини эма туриб, бирданига қичқириб йиғлаб, эмишдан тўхтайди (сўриш ва ютиш даврида қулоқда оғриқ зўрайишидан). Чунки сўриш ва ютиш даврида ногора бўшлиғида босим ошиб кетади. Юмшоқ танглай мушакларининг қисқариши натижасида эшитув найининг кириш оғзи очилиб ёпилади. Бемор боланинг қулоқ супрасидаги қулоқ тешигининг олдинги томонидаги дўмбоги (tragus) ни босганда ўрта қулоқда оғриқ зўрайишидан у йиғлайди. Чунки чақалоқларда ташқи эшитув йўлининг суяқ қисми бўлмай, у фақат тогайдан ташкил топган, tragus га босилганда босим яллигланган ногора пардага тўғридан-тўғри ўтиб, натижада оғриқ зўраяди. Ўрта қулоқдаги қон томирлар бош мия қон томирлари билан боғланган бўлиб, чакка суяклар яхши ривожланмаганлиги, бир-бири билан тўлиқ бирлашмаганлиги (катта ёшдагиларга ўхшаб) учун мия пўстлоғини қитиқлаб кўзғатиши натижасида менингизм кузатилади. Болаларда қусиш, тиришиш қайд этилади. Эмадиган болаларда ўрта қулоқ ўтқир йирингли яллигланганда овқат ҳазм қилиш йўли бузилиши (ич кетиш, қусиш) мумкин, натижада бола организми сувсизланади ва ўз вазнини йўқотади.

Касалликни аниқлаш. Эмадиган болаларда касалликни аниқлаш жуда қийин, чунки уларда катта болалардек маҳаллий аломатлар яхши ривожланмаган бўлади. Бундан ташқари, ёш болалар турли касалликлар билан оғриши туфайли, уларга кўп миқдорда турли антибиотиклар юборилади, натижада йирингли отитнинг кечиши ўзгаради (яхши ривожланмаган бўлади). Қон текширилганда деярли ўзгаришлар бўлмайди. Шунинг учун bemor болани шошмасдан, синчиклаб текшириб

күриш керак. Қулоқни күришдан олдин ташқи қулоқни яхшилаб тозалаш зарур.

Үрта қулоқ үткір яллиғланганда ногора парда қизарған бўлиб, бўртиб чиқади (кўпроқ орқа-юқори қисми). Бундай ҳолда парацентез қилиш лозим. Баъзи бир ҳолларда, ногора парда бир оз хидалашган ёки сарғишроқ бўлади.

Баъзан ногора парда кучли қизармаган ва бўртмаганда қулоқ супраси орқасида шиш бўлиб, антрит, зигоматишит ва мастоидит ҳам ривожланиши мумкин.

Даволаш беморнинг аҳволига қараб буюрилади. Касаллик оғир кечган ҳолларда кўпроқ суюқлик (Рингер суюқлиги, реополиглюкин, 5% ли глюкоза – 200 мл, қон зардоби – 100 мл) юбориш лозим. Бундан ташқари, кўп миқдорда турли кучли антибиотиклар ва сульфаниламиidlар, 1% ли кофеин эритмаси берилади.

Кулоқдаги оғриқни қолдириш учун қулоқни иссиқ тутиш (компресс), УВЧ ёки соллюкс лампаси, лазер билан нурлантириш яхши натижа беради. Ташқи қулоқ эшитув йўлига спирт эритмаси қўйилади. Бундан ташқари, бурун бўшлиғи яллиғланнишини даволаш шарт. Зарур бўлганда қулоқ пардасининг ўзича тешилишини кутмасдан уни олдинроқ ёриш (парацентез) шарт. Шундан сўнг боланинг аҳволи аста-секин яхшиланиб боради, яъни қулоқдаги оғриқ камайиб, йиринг оқиши йўқолиб, қулоқ пардаси ўз ҳолига қайтади, гавда ҳарорати нормаллашиб, бола соғая бошлайди. Үрта қулоқнинг үткір йирингли яллиғланниши асоратлари (антрит, мастоидит, зигоматишит) да жарроҳлик усули қўлланади.

АНТРИТ

Ёш болаларда ўрта қулоқ үткір йирингли яллиғланнишининг антрит асорати билан кечиши кўп учрайди. Янги туғилган болаларда сўрғиҳимон ўсиқ ривожланмаган бўлади, у 2–3 ёшдан бошлаб ривожлана боради. Шунинг учун үткір йирингли яллиғланнишнинг гўдак болалардаги асорати – антрит деб аталади.

Антрит кўпроқ организмнинг курашувчанлик хусусияти пасайиб кетган гўдак болаларда учрайди. Ногора бўшлиғи шиллик қаватидаги йирингли яллиғланиш катта ғор (antrum)га ўтади ва унинг атрофидаги сукларнинг чиришига сабаб бўлади.

Касаллик белгилари. Умумий белгилар маҳаллий белгиларга нисбатан яхши ривожланган бўлади. Қулоқ пардаси бир оз хидалашган бўлиб, ундағи белгилар аниқ кўринмайди. Парданинг юқори-орқа қисми кўпроқ қизарған бўлиб, бўртиб чиқиб туради. Кўп миқдорда ва узоқ муддаттacha ташқи қулоқ йўлида йиринг ажралмаси бўлади.

Үрта қулоқни ренттеген нури билан текширганда касалланган томонда антрум бүшлигининг хиралашганини күриш мүмкін (соғ томон билан таққослаганда). Умумий белгиларга ғавда ҳароратининг күтарилиши, дармонсизлик, күп йиғлаб безовталаниш, уйқусизлик ва иштаха йүқлиги киради. Бундан ташқари, овқат ҳазм қилиш йұллари бузилиб, баъзан ич кетиши мүмкін. Қон таҳлилида лейкоцитлар миқдори ва ЭЧТ юқори бўлади.

Ёш болаларда қулоқ орқасида шиш пайдо бўлиб, қулоқ супраси олд томонга әгилган бўлади. Тери қизарған ва таранглашган, пайпаслаб кўрилганда бирор суюқлик борлигини сезиш мүмкін, яъни фасод борлиги аниқланади (33, 34-расмлар).

Даволаш. Антрумга игна санчиб, йириңг сўриб олинади ва у ерга турли антибиотик эритмалар юборилади (бироқ бу усулда айрим асоратлар келиб чиқиши мүмкін).

Антритни жарроҳлик усули билан даволаш кўпинча яхши натижага беради. Операциядан ярим соат олдин беморга оғриқ қолдирувчи турли дорилар юборилади. Қулоқ орқасига 0,5% ли новокаин эритмасини юбориб, сўнгра тери қулоқ супраси бурмаси бўйича



33-расм. Мастоидит – ўнг қулоқ орқаси шиши (ёш болаларда).



34-расм. Мастоидит (ўсмирларда).

кесилади, кейин йиғилган йириңг чиқарилиб, антрум (бўшлиқ) очилади. Шуни эсда тутиш керакки, катталарга нисбатан ёш болаларда антрум бир оз юқоририқда ва катта ҳажмда бўлади. Антрумдаги ўзгарган шиллик қават олиб ташланади ва унинг атрофидаги чириган сүяқ қисмлари аста-секин чўмичсимон асбоб ёрдамида қириб олинади. Шундан сўнг қулоқ орқасидаги яра ва антрумга турли антибиотикларга шимдирилган тампон қўйиб, боғлаб қўйилади. Ташқи қулоқ йўли торайиб қолмаслиги учун унга ҳам тампон қўйиш лозим. Операциядан кейинги даволаш усуллари тўғри бўлиши шарт.

МАСТОИДИТ

Ёни болаларда ўткир йириңгли отитда мастоидит, яъни сўргичсимон ўсиқчанинг йириңгли яллигланиши кўпроқ учраб туради (асосан 2 ёшдан бошлаб). Бунда антрум ва сўргичсимон ўсиқчадаги шиллик пардалар қаттиқ яллигланади, лекин сүяқ қисми жароҳатланиши учун маълум вақт ва шароит бўлиши лозим.

Касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши сабаблари. Бунда отитнинг келиб чиқишига сабаб бўлган микроблар катта ўрин тутади. Мастоидитга ногора бўшлиғида йириңг тўпланиши сабаб бўлади.

Бундай ҳодиса сўргичсимон ўсиқчадаги катакларда ҳам кузатилади. Айни вақтда ногора бўшлиғида узоқ муддат йириңг йиғилиб қолиб, унинг ташқарига оқиб чиқиши секинлашади. Эшитурмай иштади. Йиғилиб қолиши ҳам катта ўрин эгаллайди. Бу шиллик пардаларнинг яллигланиши шишиши, ҳажмининг катталашини натижасида келиб чиқади. Мастоидит ўрта қулоқнинг яллигланиши давридан бошлаб, 3–4 ҳафта ичida тўлиқ ривожланади.

Патологик-анатомик ўзгаришлар. Ногора бўшлиғидаги шиллик қават яллигланиши натижасида, унинг ҳажми катталашиб, шишиб, ногора бўшлиғини антрумдан, антрумни сўргичсимон ўсиқча катакларидан

ажратиб құяды. Шу сабабли сүргічсімон ўсиқчадаги катакларни бир-бираидан ажратиб турувчи сүяқ түсиқчалари емирилади, натижада яхлит бүшлиқ ҳосил бўлиб йиринг билан тўлиб туради.

Кейинчалик йиринг сүргічсімон ўсиқчанинг устки сүяқ қисмини чиритиб, юмшоқ тұқима оралығига ўтади ва қулоқ супрасининг юқори-олдинги томонида шиш, фасод пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, йиринг сүргічсімон ўсиқча чўққи (уч) қисмининг ички девор сатҳидан кўкрак-ўмров мушаклар тагига оқиб (силжиб) тушса, Беңзольд мастоидитини, агар йиринг сүргічсімон ўсиқча чўққи қисмининг устки томонидан бўйин томонга силжиб тушса, мастоидитнинг Орлеанск турини келтириб чиқаради.

Касаллик аломатлари. Бемор қулоқ ва унинг атрофидаги оғриқдан шикоят қиласди. Бу оғриқ сүргічсімон ўсиқчада ҳам бўлиши мумкин. Кўпинча оғриқ зўрлигидан бола кечалари уйғониб, инграйди. Гавда ҳарорати 39–40° ва ундан ҳам юқорига кўтарилиши мумкин. Баъзан қулоқда ва қулоқ орқасида яллигланиш ривожланмаган бўлиб, гавда ҳарорати унчалик кўтарилмайди, касал бола бўшашган ҳолда бўлади. Қонни текшириб кўрганда лейкоцитлар сони ва ЭЧТ бир оз ошган бўлади. Та什қи эшигитув йўлида йиринг кўриниши мумкин. Қулоқ пардаси атрофида сақланиб қолган парда бўлаги қизарган, қалинлашган бўлади. Пардадаги тешикдан йиринг босим билан чиқа бошлийди. Қулоқ супрасининг орқа томонида, яъни сүргічсімон ўсиқчада шиш, тери қизарганини ва қалинлашганини кўриш мумкин. Пайпаслаб кўрилганда оғриқ зўрайиб, эшитиш қобилияти пасаяди.

Чакка сиягини рентген қилганда, сүргічсімон ўсиқча катакларининг хидалашгани ёки унинг катақчалари девори чегарасининг чириганлиги (бузилганлиги)ни кўриш мумкин.


Касалликни аниқлаш. Мастоидитни аниқлаш учун bemорни кўздан кечириш, рентген қилиш лозим. Шу билан бирга, баъзи бир касаллик (масалан, ташқи эшигитув йўли чипқони) билан таққослаш керак. Чипқонда тақиқи эшигитув йўлининг тогай қисми, мастоидитда сүяқ қисми торайтан бўлади. Mastoидитда эшитиш қобилияти пасайган бўлиб, рентгенда сүргічсімон ўсиқчада ўзгаришлар кўринади.

Даволаш консерватив ва жарроҳлик йўли билан олиб борилади.

Турли антибиотик ва сульфаниламид препаратларини бериш билан бир қаторда, ташқи қулоқдан йирингнинг кўп микдорда оқиб чиқишини яхшилаш лозим. Агар қулоқ пардаси ёрilmаган бўлса, уни зудлик билан ёриш зарур.

Кўп ҳолларда жарроҳлик усули кўлланади (мастоидэктомия). Бунда антрум билан бирга сүргічсімон ўсиқчадаги катақчалар ҳам очилади, мақсад бутун патологик ўзарган (чириган) сүякни соғ қисмигача олиб ташлаш. Антрумдан нофора бўшлиғидаги йиринг бемалол оқиб чиқиши учун уни кенгайтириб очиш зарур.

Операция маҳаллий оғриқ қолдирувчи дорилар билан олиб борилади. Қулоқ супрасини асбоб ёрдамида юмшоқ түкима ва сүяк усти парласи билан биргаликта олдинга ва орқа томонга силжитилади. Сүргичсизмон ўсиқчанинг ташқи юзасидаги текис учбурчак бўлакчадан махсус асбоб ёрдамида катта for (антрум) очилади. Бутун чириган ва патологик ўзгарган түкималар ва сүяклар аста-секин қириб олиб ташланади. Жарроҳликда эҳтиёткорлик зарур, чунки антрумга яқин юқорида ўрта мия қаттиқ парласи, орқада сигмасимон синус, олдинги деворида юз нерви жойлашган, уларга шикаст етказмаслик керак. Баъзи жарроҳлар операциядан сўнг қулоқ орқасидаги ярани тикиб кўядилар. Кўпинча яра тикилмайди, чунки у ўз-ўзидан битиб кетади (35, 36, 37, 38, 39-расмлар).




35-расм. Қулоқ орқаси қирқилгандан сунг сүргичсизмон ўсиқчани очини.
1—чакка мушаги; 2—чакка суюги
чизиги; 3—сүяк ўсиқчаси; 4—ташқи
эшитув йўли; 5—тўш-ўмров,
сүргичсизмон ўсиқ мушаги.



36-расм. Антрумни очиш учун
қилинган думалоқ белти.



37-расм. В.И. Воячек исканаси билан антрумни очиш.



38-расм. Антрумнинг очилиши.
1—антрум; 2—сүяк ўсикчаси;
3—ташқи эшигүү йүли.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб сүргичсизмон ўсикчада бажарилган операциялар оқибатида ҳосил бўладиган бўшлиқларни тўлдириш, яъни реконструкция ёки пластика қилиш амалиётда кенг кўлланмоқда. *Мастоидопластика* шулар жумласидандир.

Мастоидопластика учун турли биологик ва нобиологик материаллар тақлиф қилинган. Ушбу йўналишда бизнинг клиникамизда ўрта қулоқдаги жарроҳликдан сўнг сүргичсизмон ўсикчада ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдириш (облитерация) учун қўзичноқнинг минерал-сизлантирилган сүяк тўқимасини қўллаш жуда яхши натижга бермоқда (профессорлар С.А. Ҳасанов ва Ш.Э. Омоновлар томонидан биринчи бўлиб ишлаб чиқилган ҳамда амалиёт учун тақлиф этилган). Бу усулнинг кундалик амалиётга татбиқ қилиниши беморларнинг қулоқ операцияларидан кейин шифохонада даволаниш мuddатини 10–12 кунга қисқартириш имконини берди.

МАСТОИДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС (АЛОХИДА) ТУРИ

Бу тур мастоидит ноғора бўшлигининг йирингли яллиғланишисиз кечади, яъни инфекция қон орқали ёки сўрғичсимон ўсиқчанинг латейиши, унинг бирламчи йирингли яллиғланиши натижасида ривожланади.

Баъзан ноғора бўшлиғида ва ўрта қулоқнинг бошқа қисмларида йирингли яллиғланиш яхши ривожланмаган бўлса ҳам, лекин сўрғичсимон ўсиқчада яллиғланиш авж олган бўлади. Баъзи ҳолларда бирламчи мастоидитни қулоқ пардасининг ўзгармаган ҳолатида ҳам учратиш мумкин.

Бирламчи мастоидит рентген орқали олинган расмни таққослаш билан аниқланади. Бунда иккала сўрғичсимон ўсиқча таққосланади.

Даволаш. Бирламчи мастоидит жарроҳлик усулида даволанади.

Зигоматицит — чакка суюги ёноқ ўсиқласининг йиринглари. Ёш болаларда бу ўсиқчада катакчалар ҳам ривожланган бўлади. Бунда антрум атрофида ва қулоқ супрасининг юқори-олд томонида шиш, тери қизаргани қайд этилади. Шу билан бир қаторда, кўз қовоғи атрофида, юзнинг юқори қисмida ҳам шиш ва оғриқ пайдо бўлади. Даволашда жарроҳлик усули кўлланади.

Петрозит — болаларда кам учрайди ва бунда инфекция ноғора бўшлиғидан чакка суюгининг пирамидал қисмидаги

39-расм. Антрум ва сўрғичсимон ўсиқчада жарроҳликнинг охирги босқичи (операциянинг тутятилиши). 1 — сигмасимои бўшлиқ (синус) чегараси; 2 — антрум.

катакчаларга тарқалади. Хасталикда уч шохли нерв тармоқлари бўйлаб қаттиқ оғриқ, узоқлантирувчи нерв (VI нерв) фалажи кузатилади. Беморнинг боши қаттиқ оғриб, оғриқ юқори жағ ва кўз косаси атрофига ҳам тарқалиши мумкин. Баъзан юз нерви ҳам шикастланади.

Даволаш. Жарроҳлик усули кўлланади, бунда чакка суюги пирамидал ўсиқласининг уни томонига боришга ҳаракат қилинади. Бунинг учун қулоқда радикал жарроҳлик қилиниб, ташқи қулоқ йўли ва ноғора бўшлигининг юқори суюк девори олинади ва қаттиқ мия пардаси

очилади. Қаттиқ мия пардасини юқорига күттарғанда пирамидал сұякнинг учи күринади, сүнгра ўткір қошиқсімон асбоб билан чириган сұяклар қириб олинади.

ЮЗ НЕРВИ ПАРЕЗИ ВА ФАЛАЖИ

Үрта қулоқнинг ўткір ва сурункали йириングли отити, ички эшитув йўли яллиғланиши, калла сұяги асоси синиши ёки дарз кетиши, ўрта қулоқда турли жарроҳлик, қулоқ олди сўлак бези касалликлари ва бошқалар сабабли юз нерви парези ёки фалажи келиб чиқиши мумкин.

Ўткір йириングли отитда, кўпинча йириングли яллиғланиш юз нерви атрофига тарқалиб, унинг парезига сабаб бўлади. Сурункали йириングли отитда ўрта қулоқ сұяқ қисмининг чириши ва емирилиши, холестеатома ёки грануляция тўқималари билан юз нерви жароҳатланиши ёки эзилиши натижасида унинг парези, кўпинча фалажи кузатилади. Юз нерви парези ёки фалажининг клиник аломатлари (белгилари) турлича бўлади. Бу нервнинг айрим толалари жароҳатланганда ўша тола билан таъминланган мушаклар ҳаракатчанлиги йўқолади, натижада пешона ёки юзнинг имо-ишора вазифаси бузилади.

Уч шохли нерв фалажида бурун-лаб бурчак бурмаси ифодаланмайди, оғиз бурчаги осилиб қолган, пешона қисми тиришган, кўз юмилган бўлади. Бундан ташқари, бемор қуриш, таъм билиш сезгилари бузилганидан ва бошқалардан шикоят қиласи. Юз нервининг икки томонлама жароҳатланиши камдан-кам ҳолларда учрайди. Юз нервининг шикастланиш сабабини зудлик билан аниқлаб, даволашни бошлаш зарур. Кўпинча ўрта қулоқда жарроҳлик усули қўлланади. Агар юз нерви бутунлай фалажланса ёки жарроҳлик пайтида бутунлай қирқиб юборилса, нерв фаолиятини қайта тиклаш жуда қийин бўлади. Бундай ҳолларда кесилган нервнинг иккала учини бирлаштириб тикилади (регенерация тикланиши мумкин).

Консерватив усулда даволаганда турли витаминлар гуруҳи (В гуруҳ), антибиотиклар, массаж, физиотерапевтик усуллар (фарадизация, гальванизация ва б.) қўлланади.

Бундан ташқари, қон томирига 20–40 % ли глюкоза юбориш, прозерин эритмасини қўллаш (30 кун давомида), сўргичсімон ўсиқча соҳасига электрофорез қилиш (витаминлар, биостимулловчи дорилар билан) мақсадга мувофиқдир.

Агар консерватив даволар ёрдам бермаса, жарроҳлик тадбири қўлланади. Бунда юз нерви канали очилиб, унга шикаст етказган сұяқ парчалари, грануляциялар олиб ташланади (декомпрессия).

ЎТКИР ОТИТНИ ДАВОЛАШДА ҚҰЛЛАНАДИГАН БАЪЗИ БИР АНТИБИОТИКЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Турли антибиотикларни күп құллаш натижасыда ўткир отит ва унинг асоратлари: антрит, мастоидит ва бошқалар кам учрашига қарамасдан, баъзан хасталик ва унинг асоратларининг клиник аломатлари ўзига хос, аниқ, одатдагидей кечмайди.

Антибиотикларни нотұғри ишлатиш натижасыда баъзи болаларда ўткир отит суст, яъни «яширин» ҳолда кечади. Бу антибиотикларнинг салбий таъсири күйидагилардан иборат: биринчидан, ўткир отит бошланғандан сұнг антибиотикларни кечикиб тайинлаш; иккінчидан, уларни оз миқдорда юбориш; учинчидан, бир вақтнинг ўзіда иккі хил антибиотикларни буюриш; уларнинг иккаласи ҳам буйрак ва эшлиши нервига заҳарли таъсир этади, тұрткынчидан, бемордан бутунлай соғайиб кетмасдан антибиотикларни олишни бекор қилиш ва бошқалар.

Антибиотикларнинг иккі хил кенг таъсирга эга турларини буюриш ва уларни құшимча сульфаниламидлар билан биргаликта құллаш мақсаддағы мувофиқдир. Антибиотиклар миқдори ва уларни кундалик қабул қилиш режасини хасталикдан тузалмагунча ўзгартыриш тавсия этилмайди. Баъзан, болаларга ногора парданы ёргандан сұнг турли антибиотиклар тавсия этилади. Күпчилик буюрилған антибиотиклар ўрта қулоқдагы яллиғланиш жараёни бутунлай тугамасдан туриб бекор қилинади (бала гавда қароратининг тушиши, қулоқдагы оғриқнинг камайиши ёки йүқолиши сабабли).

Юқорида күрсатылған сабаблар ўткир отит асоратлари: антрит, мастоидит ва бошқа (огир асорат) ларнинг ҳам «яширин» ҳолда кечиши ва уларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли даволаш чораларини құллашға имкон бермайди.

БОЛАЛАРДА ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТНИНГ ҚАЙТАЛАНИШЫ

Кейинги вақтларда ёш болаларда йириングли ўрта отитнинг тез-тез такрорланиши (25–30% гача) қайд этилмоқда. Бир йил давомида 5–7 марта, баъзан ундан ортиқроқ күзатылади. Қулоқ пардасидаги чандиқланған тешик, отитнинг такрорланиши даврида яна тешилади. Бундай отит, кейинчалик сурункали йириングли отитта ўтиши мүмкін ёки ўрта қулоқда чандиқли ўзгаришлар юзага келиб, бемор болада эшлиши қобилятигининг пасайиб кетишига ёки бутунлай гарангликка олиб келади.

Ўрта қулоқдагы йириングли отитнинг қайталанишига, (айниқса ёш болаларда, яъни 2–3 ёшдагиларда), уларда күп учрайдиган шамоллаш, турли вирусли касалліклар, организмнинг аллергик ҳолати, мечкай касаллиги, бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари, бурун-ютқин касалліклари ва бошқалар сабаб бўлади.

Касаллик аломатлари. Кўпчилик болаларда йирингли отит худди ўтириш йирингли отитга ўхшаб қайталанади, лекин хасталик кўпинча қулоқда оғриқсиз, гавда ҳароратининг кўтарилемаслиги билан бошланади. Ота-оналар боланинг касаллигини қулоқдан йиринг келишидан пайқаб қоладилар.

Отоскопия қилиб кўрилганда, кўпчилик болаларда нофора парда тешигини аниқлаш қийин бўлади, чунки қулоқ парда яллигланиб, бирмунча қалинлашган бўлади, эшитиш қобилияти пасайиб боради. Кўп қайталанадиган йирингли отитда фақат ўрта қулоқни текширмай, балки албатта бурун ва унинг ёндош бўшлиқларини, бурун-ютқинни, у ердаги лимфоид тўқималар ҳолатини ҳам синчиклаб текшириш, керак бўлса ренттenga тушириш зарур.

Баъзан, ёш болаларда бурун-ҳалқум орқа деворининг хоаналарга яқин жойлашганини кўриш мумкин. Танглай муртакларига, эшитив найининг кириш қисмидаги лимфоид тўқималарга, оғиз-ютқин ён деворидаги шиллиқ қаватнинг яллигланишига катта эътибор бериш зарур. Кўпинча ёш болаларда фалвирсисмон бўшлиқ катакчаларининг яширин йирингли яллигланиши бўлиши мумкин. Бунда, албатта, бўшлиқни ренттенда текшириш керак.

Даволаш. Тез-тез такрорланадиган йирингли отитни даволашда қўлланадиган антибиотикларнинг кўпи ҳозирги даврда яхши натижа бермаяпти. Даволашдан олдин ўрта қулоқдаги йирингни экиш усули билан текшириб, аниқланган микробларнинг турли антибиотиклар ва сульфаниламид дориларга сезувчанлигини текшириш мақсадга мувофиқидир. Ҳозирги пайтда 10% ли метилглюкаминнинг тузли эритмаси – сульфанилометоксинни гидрокортизонга кўшиб қулоқка томизиш яхши натижа бермоқда. Ташқи қулоқ йўлини, нофора бўшлигини йирингдан тозалаш, уларни турли эритмалар билан ювиш шарт.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, 0,1% ли хинозол, 0,2% ли сангивинарин ва 5–10% ли асалари елимининг спиртдаги эритмасини, трипсин, химопсин ҳамда лидазаларни кўллаш ҳам яхши натижалар беради. Бурун бўшлиғи, эшитив найи шиллиқ қаватининг шишини қайтарувчи санорин, нафтозин, шунингдек протаргол ва колларгол эритмаларини бурунга томизиш тавсия этилади.

Қайталовчи йирингли отитда кўпинча замбуруғларни кўриниши мумкин. Бундай ҳолларда нистатин, леворин, декамин, кастеллан эритмаси, 0,2% ли сангивинарин, 0,1% ли хинозиол, нитрофунгиннинг спиртдаги эритмаси ишлатилади. Баъзан турли гормонларни кўллаш ҳам яхши натижка беради.

Бола организмининг курашувчанлик қобилиятини яхшилаш учун глобулин, қон зардобини қўйиш ҳам мумкин. Организмда гистаминларнинг йиғилишини камайтирадиган дорилар ҳамда уларга

қарши димедрол, пипольфен, дипразин, супрастин, диазолин ва бошқалар буюрилади. Бундан ташқари, стрептококк, стафилококк аллергенларидан 0,1 мл дан тери остига ҳар 3 кунда юборилади.

Физиотерапевтик даволаш усуллардан – УВЧ, УФО, лазер, соллюкс лампаси яхши фойда беради.

Консерватив усуллар ёрдам бермаган тақдирда, жарроҳлик усулини кўллаш мумкин.

ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТИ

Ўрта қулоқ сурункали йирингли яллиғланганида, қулоқдан вақти-вақти билан ёки мунтазам равишда йиринг оқади. Бунда қулоқ пардасида турғун тешик бўлиб, эшитиш қобилияти пасаяди. Сурункали йирингли ўрта отит ўткир йирингли отитнинг давоми ҳисобланади. Бунга кўйидагилар:

1) ўрта қулоқ ўткир яллиғланганида унинг шиллик, шиллик ости қаватининг кўпроқ қизамиқ, кўййутал, қизилча ва бошқа юқумли касалликлар заминида катта ҳажмда ҳамда чуқур яллиғланиши;

2) хасталикни даволашни охиригача етказмаслик ёки тўғри даволамаслик;

3) ўткир йирингли отитни даволашда юқори нафас йўлларидағи касалликлар (аденоидлар, бурун ва унинг ёндош бўшлиқларининг ўткир ёки сурункали касалликлари, сурункали тонзиллит, бурун тўсифидаги ўзгаришлар ва б.)ни даволамаслик;

4) ўрта қулоқдаги микробларнинг ҳаддан ташқари заҳарли (вирулент) бўлиши;

5) ёш болалар организмининг бирор инфекцияга ва касалликка қарши курашувчанлик қобилиятининг пасайиши ва улардаги аллергик ҳолат сабаб бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда ўрта қулоқнинг сурункали йирингли отитида микрофлоранинг ўзгариши ҳам ушбу хасталикнинг ривожланишида муҳим ўрин эгалламоқда. Қулоқ йирингидан, асосан, грамманфий ва анаэроб микроблар кўп учраб, уларнинг аксарияти антибиотикларга чидамли бўлмоқда.

Сурункали йирингли ўрта отит болаларда (катталарга нисбатан) ўзига хос кечади. Сурункали йирингли ўрта отит беморни бир неча йил безовта қилмасдан, яширин ҳолда кечиши мумкин. Кўпинча bemорлар бир қулогидаги касалликка, унинг оқибатида ривожланадиган эшитишининг пастлигига деярли эътибор бермайдилар. Аксарият bemорлар қулогидан жуда кўп йиринг келганда ёки турли асоратлар бўлгандагина шифокорга мурожаат қиласидилар.

Патологик ўзгаришлар. Ноғора парда қалинлашиб, ташқи қават юмшаган, шилинган ҳолда бўлади. Ноғора парда тешигидан кўриниб турадиган ноғора бўшлиғининг шиллик қавати қизарган, баъзан оқиши

рангда бўлиб, қалинлашган бўлиши мумкин. Шиллиқ қаватдан ташқари, унинг ости қаватлари (эпителиал ости, ҳилпилловчи қавати)да ҳам ўзгаришлар юз беради. Баъзан шиллиқ қаватга йирингли ва улар заҳарли маҳсулотларининг узоқ муддат таъсирида, у ерда ҳосила (полип) ёки ёш донали тўқималар (грануляция) пайдо бўлади, натижада эшитив суюкчалари, ўрта қулоқ суюги деворлари чириши мумкин.

Ногора бўшлиғидаги суюкчалар қон билан яхши таъминлангани туфайли сурункали йирингли ўрта отитда улар тез чиримайди.

Хасталикда сўргичсимон ўсиқчада унчалик ўзгариш кузатилмайди (гарчи унинг катакчаларининг шиллиқ қавати яллигланиб, йиринг билан тўлган бўлишига қарамасдан). Сўргичсимон ўсиқча катакчаларидаги йиринг аттиқ орқали қулоқ пардаси тешигидан ташқи қулоқ йўлига чиқади. Ўрта қулоқнинг сурункали йирингли яллигланиши уч хил кўринишда кечади (мезотимпанит, эпитимпанит, эпимезотимпанит).

СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ МЕЗОТИМПАНИТ

Отитнинг бу турида, асосан, ногора парданинг шиллиқ қавати яллигланиб, у кўпинча хатарсиз кечади. Йирингли мезотимпанитда парда тешиги фақат унинг тараңг қисмида, турли катталикда ва кўринишда бўлади. Бемор қулоғидан тўхтовсиз йиринг оқиши, эшитив қобилияти пасайганидан, баъзан қулоқнинг шанғиллаши ва бошқалардан шикоят қиласди. Одатда, қулоқ оғримайди.

Текшириш натижасида ташқи қулоқ йўлида йиринг аниқланиб, кўпинча у ҳидсиз, сероз ёки шиллиқ аралашган бўлади. Ногора парданинг тараңг қисмида турли катталикдаги тешикни кўриш мумкин, бу тешикнинг чет қисми қалинлашган бўлади. Ногора бўшлиғининг шиллиқ қавати қизарган, қалинлашган бўлиши мумкин. Эшитиш қобилияти турли усууллар билан текширилганда, асосан, товуш ўтказувчаник бўлими (қисми)нинг бузилганлиги аниқланади.

Сурункали йирингли мезотимпанитда, бир неча йил давомида bemорни ҳеч нарса безовта қилмайди. Лекин баъзан вақт-вақти билан қулоқда оғриқ бўлиб, гавда ҳарорати бир оз кўтарилиши, яъни касаллик авж олиб, кескин зўрайиши мумкин (зўрайиш ёки хурж даври). Бундай ҳолат кўпинча bemор шамоллагандан, грипп билан оғригандан ёки қулоғига сув тушганда қайд этилади (40, 41-расмлар).



40-расм. Сурункали мезотимпанит.

Эшитув найи орқали нофора бўшлиғига доимий шиллик йирингнинг ўтиб туриши натижасида, қулоқдан йиринг келиши тўхтамайди ва бу қулоқ пардасидаги кичкина тешикнинг битишига йўл қўймайди.

Касалликни аниқлашда, унинг кечиши тарихи, bemор шикоятлари, отоскопиядан олинган маълумотларга суюнлади. Сурункали йирингли мезотимпанит қуйидагича кечиши мумкин:

1) хасталикда йиринг бир неча йил оқиши ва турли хил асоратларга олиб келиши мумкин;

2) бу хасталикда йиринг оқиши тўхтаб, нофора пардада турғун тешик қолиши мумкин;

3) нофора пардадаги тешик бекилиб, чандиқланиш қайд этилиши мумкин.

СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЭПИТИМПАНИТ

Бу нофора парда тешигининг юқори, яъни бўшашган ёки салқи (шрапнел) қисмida бўлади. Тешикнинг ҳажми турлича бўлиши мумкин. Бундай отит бирмунча жиддий касаллик ҳисобланади. Чунки яллиғланиш нофора бўшлиғининг юқори бўлимларига тарқалиб, унинг устки ва ташқи деворини чиритиб – емириб боради. Суяк чиришидан ташқари, нофора бўшлиғида ҳосилалар (грануляция ва полиплар) ҳамда холестеатомани кўриш мумкин.

Суяк емирилиши яъни органик моддалар парчаланиши ва турли хил ҳидга сабаб бўлувчи моддалар (индол, скатол, сульфидводород) ажралиб чиқиши сабабли эпитимпанитда ажралма қўланса ҳидли бўлади. Бунда эшитиш қобилияти ва умумий аҳволда ўзгариш бўлмайди. Агар bemор грипп ёки юқори нафас йўллари касалликлари билан оғриса, унда хасталик кучайиши натижасида қулогидан кўп микдорда шиллиқли йиринг оқиб, гавда ҳарорати бир оз кўтарилиши, боши оғриши мумкин. Нофора парда тешигидан ташқари, унинг сақланиб қолган қисми қизарган ва бир оз қалинлашган бўлади.

Эпитимпанитда ташқи эшитув йўли эпидермиси нофора парданинг юқори қисмидаги тешик орқали нофора бўшлиғига кириши мумкин, бунда холестеатома ҳосил бўлади. Эпидермис (тери қатлами) ҳужайраларининг тўхтовсиз равища кўчиб тушиши (пўст ташлаши) ва уларнинг ўрта қулоқ бўшлиқларида йиғилиб қолиши холестеатома ривожланишига олиб келади. Холестеатома тўхтовсиз катталашиб бориш хусусиятига эга. Шунинг учун у атрофидаги суяк деворларини эзиб емиради. Бундай емирилиш сўргичсимон ўсиқчадаги катта бўшлиқقا (антрумга) ёки сўргичсимон ўсиқча катақчаларига, ундан калла суюги бўшлиғи, яъни унинг орқа ва ўрта чуқурчаларидаги мия қаттиқ пардасига ва сигмасимон бўшлиқчача бориб ёйлади. Бу чакка суюги ва

калла суяги бўшлиғида турли оғир, ҳаёт учун хавфли асоратлар келтириб чиқариши мумкин. Кўпинча бемор бош оғриғидан, кўнгли айниб, боши айланишидан шикоят қиласди.

Холестеатома ёғ кислоталари, холестерин, оқсил, сув, микроблар ва уларнинг маҳсулотларидан иборат. Унинг ўз қобиғи яъни матрикси бўлади. Холестеатома фақат ўз босими ёки кенгайиб бориши билан суякларни емирмасдан, балки ўз ферментлари (коллагеназа) ёрдамида ҳам ўрта қулоқнинг суяқ деворларини емира борали.

Холестеатома микроблар учун жуда яхши озиқ ҳисобланади. Сурункали йирингли эпитимпанитда йиринг кўпинча сассик, кўланса ҳидли бўлади. Эшитиш қобилиятигининг пасайиши кучлироқ бўлиб, кўпинча эшитишни ўтказувчи ва қабул қилувчи бўлимларнинг бузилиши кузатилиши мумкин.

Сурункали эпитимпанитда кўпроқ холестеатомадан ташқари, грануляция ёки полипни кўриш мумкин. Полип ва грануляциялар ногора бўшлиғи шиллиқ қаватининг узоқ муддат йиринг билан қитиқланиши натижасида ривожланади. Полип оқиш ёки оқиш-кўкимтири рангда бўлади. Баъзан у ташқи қулоқ йўлини бутунлай тўлдириб туради ва ногора бўшлиғидан йирингнинг ташқи қулоқ йўлига оқиб чиқишига халақит беради. Бунинг натижасида ногора бўшлиғида йиринг йигилиб, болаларда бош оғриғи кузатилади. Шу билан бирга эшитиш қобилияти янада пасаяди.

Агар ташқи қулоқ йўлида ногора бўшлиғидан ўсиб чиқсан грануляциялар бўлса, кўпинча йиринг қон аралаш оқади.

СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЭПИМЕЗОТИМПАНИТ

Бунда ногора пардадаги тешик таранг ва бўшашибган қисмларда бўлади. Кўпинча унинг кечиши, берадиган асорати сурункали эпитимпанитга ўхшаб кетади. Бемор узоқ муддат давомида қулоғидан йиринг келишидан (йиринг кўпчилик bemорларда ҳидли бўлади), эшитиш қобилиятигининг пасайишидан шикоят қиласди.

Отоскопияда ногора парданинг таранг ва бўшашибган қисмida турли шакл ва ҳажмдати тешикни кўриш мумкин. Бу тешик орқали ногора бўшлиғи шиллиқ қаватининг бир оз қизаргани, шишгани ёки сурункали йирингли эпитимпанитдагидек холестеатома, грануляция ёки полипни кўриш мумкин (42, 43- расм).

СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТНИ ДАВОЛАШ

Даволаш усулини танлашдан олдин, албатта ўрта қулоқни рентгенда текшириш ва у ердаги ўзгаришларни аниқлаш шарт. Бундан ташқари, қулоқ йирингини экиш (посев) йўли билан текшириб, у ерда қандай



43- расм. Сурункали йирингли эпимезотимпанит.

уни турли дорилар эритмаси билан ювиш ҳам ижобий натижа беради. Қулоқ йирингини бактериологик текшириб, микробларнинг антибиотикларга сезгиригини аниқлаш зарур. Қулоққа турли дорилар (борат кислотанинг 3% ли ёки рух сульфатнинг 1% ли эритмаси, софрадекс, отипакс ва б.) томизилади. Кўпинча 1% ли диоксидин, 0,05% ли хлоргексидин, калонхоэнинг спиртли эритмаси, прополис, эвкалипт, 1% ли хлорофиллипт, мўмиё, метрогил эритмаси ва бошқалар қўлланади. Левомицетиннинг 1% ли спиртдаги эритмаси ҳам яхши фойда беради.

Ноғора парладаги тешик ҳажми катта бўлса, турли антибиотиклар кукунини пуркаш яхши ёрдам беради, бундан ташқари, ўрта қулоққа кортизон ва гидрокортизон юбориш ҳам ижобий натижа беради.

Кейинги йилларда отитни даволашда кўп олимлар иммун ҳолатни кўтарувчи воситалар (тимоптин, тимоген, тималин, иммуномодулин, интерферон ва б.)ни кенг тавсия қилишмоқда.

Баъзан, физиотерапевтик йўл (УФО, лазер нури) билан даволаш мумкин. Агар ноғора бўшлигининг шиллиқ қавати яллигланиб, ҳажми катталашиб грануляция ривожланса, уни 30 ёки 20% ли кумуш нитрат (ляпис), хромли ёки уч хлорсиркали кислоталар билан куйдириш керак.

Хасталикни даволашда юқорида кўрсатилган тадбирлар ва даволаш усусларига қўшимча равища қуидагиларни қўллаш мумкин. Ноғора бўшлиғида холестеатома бўлса, уни юмшатиш ва эритиш учун ферментлардан трипсин ёки химотрипсин томизилади. Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти томонидан яратилган кукумазин ферментини ишлатиш яхши самара бермоқда.

Ноғора бўшлигини холестеатома ва йирингдан тозалаш учун маҳсус асбоб ёрдамида (Гартман канюласи) арақ ёки спирт эритмаси билан

микроблар борлигини ва шу микробларнинг турли антибиотик дориларга берилувчанлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Қулоқдан йиринг оқишини тўхтатиш усусларидан бири, юқори нафас йўлларидаги патологик ўзгаришлар ёки касалликларни бартараф этиш ёки даволашдан бошланади.

Кўпинча, ёш болаларда аденоилларни жарроҳлик йўли билан олишга тўғри келади. Ёши катта болаларда ноғора бўшлиғи эшитув найига ҳаво юбориб йирингдан тозаланади. Ташқи қулоқни йирингдан тозалаш учун

ювиш керак (44-расм). Грануляция ёки полиплар махсус асбоблар ёрдамида олинади.


Кўпинча сурункали йирингли эпитимпанит ёки эпимезотипманинти даволашда жарроҳлик усули қўлланади. Бу қўйидаги ҳолларда тавсия этилади:

- 1) консерватив йўл билан даволаш наф бермагандан;
- 2) ўрта қулоқда холестеатома натижасида суякларда чукур емирилиш (чириш) бўлгандан;
- 3) чакка суяги соҳаси ва бош мия асоратларида.

Сурункали йирингли ўрта отит, айниқса, унинг эпитимпанит турида, юқорида биз айтиб ўтган консерватив усувлар ёрдам бермаса, унда турли жарроҳлик усувларидан фойдаланилади.

Ўрта қулоқ суяклари ва ногора бўшлиғидаги суякчалар айтарли чиримаган бўлса, бундай ҳолларда кичик жарроҳлик ўтказилади (аттик билан антрум очилади).

Агар сурункали йирингли эпитимпанит ёки эпимезотипманинти турили оғир асоратлар берса, унда радикал жарроҳлик усули қўлланади. Бундай усул катталарга нисбатан болаларда камроқ ўтказилади.



44-расм. Ногора бўшлиғининг юқори қисмини ювишда ишлатиладиган найча (Гартман канюласи).

РАДИКАЛ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИ

Радикал жарроҳликнинг моҳияти шундаки, бунда ногора бўшлиғи, сўргичсимон ўсиқнинг барча катаклари билан бирга антрум ва ташқи эшигитув йўли бирлаштирилиб, битта ягона умумий бўшлиқ ҳосил қилинади. Бутун чириган суяклар соғ қатламигача олиниб, холестеатомалар қириб олиб ташланади. Дастваб сўргичсимон ўсиқча суяклари олиниб, антрум очилади, сўнгра ташқи эшигитув йўли суяқ қисмининг устки қисми ва ногора пардадан юқорида жойлашган суяқ қисмининг ташқи девори олинади. Жарроҳликдан ҳосил бўлган бўшлиқ тагидан, яъни ташқи қулоқ йўли орқа суяқ деворининг остидан юз нерви ўтади, уни зааралантираслик учун жуда эҳтиётлик билан ишлаш ва ногора бўшлиғини патологик қолдиқлардан тозалаш зарур.

Эшигитув суякчалари чириган бўлса, узангидан бошқа барчаси олиб ташланади. Жарроҳликдан сўнг ҳосил бўлган умумий бўшлиқни кейинчалик тери билан қоплаш учун ташқи қулоқнинг орқа деворидаги тери ва унинг юмшоқ қисмлари «Т» ҳолатда қирқилиб, ўша бўшлиқни юқори ва пастки қисмга ётқизилади (пластика). Мана шу икки парча тери бўшлиқни бутунлай қоплаши керак. Қулоқ орқасидаги тери

тикилади, агар мияда асоратлар бўлса, унда қулоқ орқа яраси тикилмай очиқ қолдирилади.

Жарроҳликдан кейинги даврдаги парвариш ва даволашга катта аҳамият бёриш зарур. Бу даврда боланинг иммун ҳолатини тиклаш (узоқ муддат витаминалар истеъмол қилиш, иммуномодуляторларни қўллаш) ушбу хасталикдан батамом қутилишда муҳимdir.

ХАСТАЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА АСОРАТЛАР КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ТАДБИРЛАРИ

Бунинг учун ўткир йирингли отитни тўғри ва ўз вақтида даволаш лозим.

Сурункали йирингли ўрта отит асоратларининг олдини олиш учун беморни ҳар томонлама дикқат билан синчилаб текшириб, керакли (маҳаллий ва умумий) тадбирларни қўллаб, йирингни тұхтатиш зарур. Қулоқнинг эшлиши қобилиятини сақлаб қолиш учун барча керакли воситаларни қўллаш керак.

Бундан ташқари, сурункали йирингли отитли bemorlar чўмилганда ёки бошини ювганда қулоққа сув киргизмасликлари лозим. Бунинг учун бир парча пахтага бирорта мой ёки вазелинни суртиб, ташқи қулоқ йўлига тиқиб қўйилади. Акс ҳолда, сув тушиши натижасида сурункали отит зўрайиши мумкин. Об-ҳаво бузилганда, қаттиқ шамол эстанда ҳам ташқи қулоқ йўлига пахта тиқиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ўткир ва сурункали тумовда бурун қоқишида эҳтиёт бўлиш керак, яъни буруннинг иккала катагини беркитиб бурун қоқиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, касалликда, айниқса унинг эпитимпанит турида bemorlar узоқ вақт шифокор назоратида бўлишлари шарт. Хасталикни текшириш натижасида сүякнинг чириганлиги аниқланса, асоратлар ривожланишини кутмасдан, ўз вақтида жарроҳлик усулини қўллаш лозим.

ИЧКИ ҚУЛОҚНИНГ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ (ЛАБИРИНТИТ)

Йирингли отитнинг ўткир, айниқса сурункали турларида ички қулоқ яллиғланиши мумкин ва бу отитнинг оғир асоратларидан ҳисобланади. Бу ўрта қулоқдан микроблар, йиринг ёки заҳарли моддаларнинг ички қулоққа ўтиши, шунингдек тўғридан-тўғри ички қулоқ сүяк деворининг емирилиши (чириши) сабабли юз беради. Кўпинча ташқи ярим доира найи (канали)да оқма яра ҳосил бўлиб, яллиғланиш ривожланади (айниқса ногора бўшлиғида холестеатоманинг кўп миқдорда йигилиши натижасида). Бундан ташқари, ички қулоқ мия томондан ёки қон томирлари орқали ҳам яллиғланиши мумкин.

Ички қулоқнинг ўрта қулоқ касалликлари сабабли яллиғланиши кўп учрайди. Ички қулоқнинг яллиғланиши умумий (тарқалган) ва маҳаллий, яъни чегараланган, чекланган бўлиши мумкин. Ўрта қулоқнинг ўткир йирингли отитида кўпинча тарқалган, сурункали отитда эса чегараланган ёки чекланган лабиринтит қайд этилади.

Ички қулоқ яллиғланганда ундаги қон томирлар кенгайиб, қон оқиши бир оз секинлашади. Қон томир деворининг ўтказувчанилиги бузилиб, ички қулоқда қоннинг баъзи бир туркумлари ва оқсил моддалари йигилади. Натижада ички қулоқда босим ошиб кетади.

Ички қулоқнинг ёйилган (тарқалган) яллиғланиши икки турда бўлади: серозли (оқсили суюқлик) ва йирингли. Бунда ички қулоқнинг парда қисми ҳам жароҳатланиб, бутун нерв толалари (мувозанатни сақловчи ва эшлишини қабул қилувчи) нобуд бўлади. Йиринг ички қулоқдан чиганоқ сув йўли орқали (водопровод улитки) субарахноидал бўшилиққа ўтади, натижада менингит ёки мияча абсцесси ривожланади. Ички қулоқнинг чегараланган яллиғланиши бора-бора ёйилган (тарқалган) шаклга ўтиши мумкин.

ТАРҚАЛГАН СЕРОЗЛИ ЛАБИРИНТИТ

Ёш болаларда ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишида эшлиш қобилиятининг бузилиши билан бир қаторда, бош айланиши, кўнгил айниши ва қусиши кузатилади. Кўз соққалари касал қулоқ томон ҳаракат қиласи. Бунда ички қулоқда босим ошиб кетади. Бола кўпинча соғ қулоқ томони билан кўзини юмиб ётади.

Бемор кўз олдида тури нарсалар айлангандек бўлиб, кўпинча бу соғ қулоқ томон йўналган бўлади. Гавдаси ҳам кўпроқ соғ томонга оға бошлайди. Эшлиш қобилияти текширилганда, унинг жуда ҳам пасайғанлигини аниқлаш мумкин (эшлишини қабул қилиб олувчи бўлим шикастланиши натижасида). Нерв толаларини қўзғатиш ёки ички қулоқقا заҳарли моддалар шимилиши тўхтагандан сўнг, юқорида кўрсатилган ўзгаришлар йўқолиб боради.

ИЧКИ ҚУЛОҚНИНГ ТАРҚАЛГАН ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛANIШИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу хасталик ички қулоқقا микроблар ўтиши натижасида келиб чиқади. Касаллик тўсатдан бошланиб, bemor мувозанати ва эшлиш қобилияти бутунлай бузилганидан шикоят қиласи. Унинг боши айланади, кўнгли айнийди, қайт қиласи. Текшириб кўрилганда кўз соққаларининг тебраниши (нистагм) соғ қулоқ томон йўналган бўлади. Демак, ички қулоқнинг ёйилган йирингли яллиғланишида унинг вазифаси бутунлай ва турғун бузилади.

ИЧКИ ҚУЛОҚНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН (ЧЕКЛАНГАН) ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Бу касаллик ёйилган яллиғланишга нисбатан күп учраб, бир оз енгил кечади. Чегараланган лабиринт, күпинча сурункали Йирингли отитнинг холестеатома билан кечадиган турларида күп кузатилади ва ички қулоқнинг суюк қатлами (ярим доира най-канал девори) емирилиб, оқма яра ҳосил бўлиши натижасида келиб чиқади.

Болаларда вақт-вақти билан бош айланиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш кузатилади. Агар боланинг қулоқ супачасини босилса, босим ошиши натижасида ташқи эшиитув йўлида кўз соққаси тебраниши кузатилади (**прессор нистагм** – касал қулоқ томон), кўнгил айниши, бош айланиши бошланади. Агар, босим тўхтатилса, нистагм соғ қулоқ томонга йўналади. Чунки ташқи қулоқ йўлида ҳаво зичлашганда, ҳаво ногора бўшлиғидан ички қулоқдаги оқма яра орқали ўтиб, ички қулоқда босимни оширади ва у ердаги мувозанат нерв толаларини кўзгатади. Юқоридаги алломатлар bemor кучанганида, боши билан кескин ҳаракат қилганида, бурун катакларини беркитиб бурун қоққанида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолат ички қулоқнинг ярим доира най деворида нуқсон борлигидан далолат беради.

Лабиринтитни бошқа касалликлар билан таққослаш лозим. Бош айланиши, мувозанатнинг бузилиши, қайт қилиш ва нистагм қуидаги касалликларда: марказий нерв системаси касалликлари, кўриш анализаторидаги ўзгаришлар (оптик нистагм) ва мияча ҳўппозида ҳам кузатилиши мумкин.

Лабиринт нистагми ўзига хос жиҳатлари билан бошқа нистагмлардан фарқ қиласди. Бунда нистагм бир текис (бир маромда) йўналтан бўлиб, кичик ёки ўрта кўламли (амплитудали) дир. Кўз соққасининг тебраниши 2 хил таркибий қисм ёки компонент (тез ёки секин орқага қайтиш)дан иборат бўлади. Лабиринт нистагми дастлаб касал томонга, касаллик ривожланиб касал лабиринт ўз фаолиятини батамом йўқотганда соғ томонга (деструкция нистагми) йўналган бўлади.

Мияча абсцессида нистагм касал томонда бўлиб, у йирик кўламли ва муттасил бир йўналишда бўлади, нистагм узоқ давом этиб, унинг кучи зўрайиб боради (дастлаб 1-, кейинчалик 2- ва 3- даражали).

Лабиринтитда bemor секин компонет томон йиқилади ёки Ромберг ҳолатида оғади ва бошни у ёки бу томонга айлантирганда йиқилиш томони ўзгарамади. Мияча ҳўппозида эса bemor фақат касал томонга оғади ва бошни айлантириш оғиш йўналишини ўзгартирмайди.

Бундан ташқари, мияча ҳўппозида bemorda координатор, яъни ҳаракатнинг аниқлигини кўрсатувчи синамалар бузилиб, *адиодохокинез* сипатоми пайдо бўлади (bemor супинация ва пронация, яъни кафтини юқорига ва пастга айлантирганда), касал томон орқада қолади.

ИЧКИ ҚУЛОҚ ЯЛЛИГЛАНИШИНИ ДАВОЛАШ

Калла суяги ичи асоратига шубҳа бўлмаса, бундай лабиринтитларни консерватив йўл билан даволаб кўрилади. Бунда биринчидан, қимирамай ётиш, кучли антибиотиклар қабул қилиш, оз-оздан енгил ҳазм бўладиган овқатлар истеъмол қилиш зарур. Ўрта қулоқдаги йирингни тез-тез тозалаб туриш керак. Юқорида кўрсатилган даволаш усуслари ёрдам бермаса ва ички қулоқнинг йирингли яллигланишидан ташқари, чакка суякда ва мия бўшлиғида бирорта асорат белгилари аниқланса, унда хасталикнинг турига қараб антrotомия, мастоидоэктомия ёки радикал жарроҳлик усули кўлланади.

ЙИРИНГЛИ ОТИТЛАРНИНГ КАЛЛА СУЯГИ ИЧИГА БЕРАДИГАН АСОРАТЛАРИ

Ҳозир бундай асоратлар бирмунча кам учрамоқда. Улар ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали яллигланишида қайд этилиши мумкин. Кўпинча сурункали йирингли ўрта отитда кузатилади.

Амалиётда кенг таъсир доирасига эга бўлган турли хил антибиотикларниң кенг қўлланилиши сабабли кўпчилик беморларда калла суяги ичи асоратлари ўзига хос бўлмаган ёки яширин клиник аломатлар билан кечмоқда.

Микроблар – инфекция калла суяги ичига бевосита ўрта қулоқдан кариес ёки суяк емирилиши натижасида ўтали (контакт йўл билан инфекция кириши). Бу ногора бўшлиғи томида, антрутум ва сўрғичсимон ўсиқчанинг юқори ва орқа деворларида, ички қулоқ суяк деворларининг емирилиши (чириши) натижасида ривожланади. Бундан ташқари, инфекция калла суяги ичига қон томирлар орқали (гематоген), мавжуд йўллар (преформирланган, периваскуляр ва периневрал, ички эшигув йўли), лабиринт орқали, ҳамда туғма тирқишилар орқали кириши мумкин.

КАЛЛА СУЯГИ ИЧИ АСОРАТЛАРИ

ЭКСТРАДУРАЛ АБСЦЕСС

Калла суяги ичи асоратлари орасида энг кўп учрайдигани *экстрадурал абсцессdir*. Бунда чакка суягининг ички юзаси билан мияни қоплаб турган қаттиқ парда ўртасида йиринг тўпланади. Агар йиринг «S» симон синус бўшлиқ деворининг ташқарисида жойлашган бўлса, уни синус атрофи абсцесси (перисинуоз абсцесси) деб юритилади. Бу абсцесс кичик ва катта ҳажмда бўлиши мумкин. Миянинг қаттиқ пардаси яллигланиш натижасида қалинлашади, қизаради, баъзан йирингли караш билан

қолланган бўлади. Агар ўрта кулоқдаги йиринг ташқи эшитув йўлидан ҳеч қандай қаршиликсиз бемалол оқиб чиқиб турса, узоқ вақтгача мия пардасига ёйилмаса, bemор унчалик безовталашибди. Агар йиринг бирор сабабларга кўра қулоқдан оқмаса ёки унинг оқиши камайиб борса, унда у суяқ билан мия қаттиқ пардаси орасида кўплаб йифилиб, bemорни безовта қиласди. Беморда бош оғриғи (айниқса касал қулоқ томонда), кўнгил айниши, гавда ҳароратининг бироз кўтарилиши кузатилади. Айниқса, ёш болаларда бундай аломатлар жуда ривожланган бўлади. Кўпинча мия пардаси атрофидаги бундай ўзгаришлар жарроҳлик пайтидагина аниқланади.

Агар йиринг – фасол қаттиқ мия пардасини ёриб, ичкари томон йўналса, яъни мия қаттиқ ва юмшоқ пардаси оралиғида йифилса, у *субдурал абсцесси ёки ички паҳименингит* деб аталади. Бу асорат ёш болалар орасида жуда кам кузатилади. Мия қаттиқ пардаси (қобиги)нинг ички девори қизарган бўлиб, бирмунча қалинлашади. Бунда bemор қаттиқ бош оғриғи, кўнгил айниши, кусиш, тана ҳароратининг кўтарилишидан шикоят қиласди.

Юқорида кўрсатилган асоратлар белгиси аниқланса, зудлик билан жарроҳлик қилишга тўғри келади.

Жарроҳликдан сўнг, bemorga кўп микдорда турли кучли антибиотиклар ва сульфаниламид дорилардан бериб турилади.

СИГМАСИМОН СИНУСДА ҚОН ИВИШИ (СИНУСТРОМБОЗ) ВА ҚОН ОРҚАЛИ ЙИРИНГНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАРҚАЛИШИ (СЕПТИКОПИЕМИЯ)

Сигмасимон бўшлиқда қоннинг ивиши ва кейинчалик инфекциянинг бутун аъзога тарқалиши катта ёшдаги болаларда қўпроқ қайд этилади. Сўргичсимон ўсиқчанинг орқа деворида жойлашган бу бўшлиқдаги яллиғланиш, суяқ чириши ёки ўрта кулоқ вена қон томирларининг синусга инфекцияли қонни қўйиши натижасида ривожланиши мумкин. Йирингли яллиғланиш бўшлиқнинг олдинги деворидан бошланиши натижасида унинг девори қизариб қалинлашади, яъни синус олди, кейин синус девори яллиғланади (перифлебит, эндофлебит). Яллиғланиш синус деворида ўзгаришлар содир этади. Натижада шу ерда қон оқиб ўтиши бир оз сустлашади ва айрим қон элементлари яллиғланган деворда чўка (ўтира) бошлайди. Шундан сўнг қоннинг ивиши хусусиятлари бир оз кучаяди. Шу даврда хасталикнинг олди олинмаса, яллиғланиш билан бирга бутун бўшлиқ ивиган қон билан битиб (тўлиб) қолади. Бу юқори ва пастга томон тарқалиб бориши мумкин. Синус (бўшлиқ) ичидаги ивиган қон таркибида микроблар ва уларнинг заҳарли моддалари бўлиши сабабли ивиган қон йиринглаб, фасодга айланади, синус

деворлари чирийди ва унинг бутунлиги бузилади. Микроблар, ивиган қоннинг майда бўлаклари катта ва кичик қон айланиш доираси орқали ўпкага, юракка ва бошқа ички аъзолар ҳамда бутун гавдага тарқалиб, янги, оғир асоратларни бериб, беморни ўлимга олиб келади.

Вена қон томирлари орқали бактериялар ва улар заҳарли моддаларининг гавдага тарқалиши *пиемия* деб аталади. Баъзан қоннинг заҳарланиши ва пиемия бирга учрайди, бу *септикопиемия* деб юритилади.

Пилемияда гавда ҳарорати бирданига жуда юқори кўтарилиб (39–40°), совук қотиш, титраш (эт увишиши) билан бошланади (0,5–4 соат орасида), сўнгра ҳарорат аста-секин пасаяди. Шунда бемор қаттиқ терлайди. Бу ҳолат бир кунда бир неча марта тақрорланиши мумкин. Ёш болаларда гавда ҳарорати кўтарилишидан олдин, эт увишиб, титраш кузатилади, иситма тушгандан сўнг, бемор терламаслиги ҳам мумкин. Беморнинг аҳволи оғир бўлиб, у заифлашади, териси қуриб, бироз сарғиш тус олади, тил усти караш билан қопланади, оғзидан сассиқ ҳид келади, кўнгли айнийди, кусади ва иштаҳаси бузилади. Бемор ҳолсизланган, кайфияти ёмон, атрофдагиларга эътиборсиз, баъзан эса ҳаяжонда бўлади.

Қонни текшириб кўрганда унда ЭЧТ ва лейкоцитларнинг оштани аниқланади. Кулок супрасининг орқа томонида, яъни сўрғичсимон ўсиқчанинг орқа қисми (синус бўшлиғи)да оғриқ, тери қизаргани ва шишганини кўриш мумкин. Бу оғриқ бўйиннинг юқори қисмидаги ҳам бўлиши мумкин, баъзан бу ерда шиш сезилади. Бемор бошини касал қулоқ томон этиб туради. Баъзан кўкрак қафасида оғриқ, санчик, нафас олишнинг қийинлашиши кузатилади. Бу шикоятларнинг ҳаммаси ўпкада содир бўладиган асоратлардан далолат беради (ўпка абсцесси). Агар йиринг ўпкадан уни ўраб турган парда (плевра)га ўтса, парданинг йирингли яллиғланиши бошланади.

Касалликни аниқлаш. Бош мия асоратларига нисбатан, бу асорат жуда кўп ўзига хос аломатлар, белгилар ва шикоятларга эга. Шунинг учун бу асоратни аниқлаш анча осон. Баъзан беморлар кўп миқдорда турли кучли антибиотиклар олганликлари сабабли, бу асоратларнинг баъзи белгилари билинар-билинмас енгил кечади.

Иситманинг қайта-қайта хуружи, худди сарамас, безгак, терлама, қорин терламаси ва бошқа юқумли касалликларда бўлганидек бўлади ва шу сабабли кўпинча беморлар юқумли касалликлар касалхонасига ётқизилади, 10–15 кундан сўнг, яъни юқумли касалликлар аниқланмаса, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўлимига оғир аҳволда ўтказилади.

Касалликни аниқлашда юқоридаги шикоят ва белгилардан ташқари, чакка суюгининг рентген ёки айниқса компьютер томография тасвири

мухим аҳамиятга эга. Бунда сигмасимон синус соҳасидаги барча ўзгаришларни аниқлаш имкони бўлади.

Даволаш. Ўрта кулоқда жарроҳлик қилингандан сўнг (антромия, мастоидитомия ёки радикал), албатта «S»-симон синус деворини очиб, унинг деворининг рангига, ўзгаришига эътибор берилади. Девор қизариб, қалинлашган ёки йиринг билан қопланган бўлса, албатта игна санчилади. Агар шприш поршенини тортганда йиринг чиқса, унда синус деворини кесиб, унинг ичидағи йиринг ёки ивиган қон (тромб) маҳсус асбоблар ёрдамида олиб ташланади (токи унинг юқори томонидан қон келгунга қадар). Жарроҳликдан сўнг беморни диққат билан парвариш қилиш, даволаш билан бир қаторда, юрак, ўпка ва буйрак фаолиятини кузатиб бориш лозим.

Беморга кўп миқдорда кучли антибиотиклар, сульфаниламиллар, турли витаминлар, қон қувиш, гемодез ва бошқалар буюрилади. Сўнгги йилларда bemорларга қон томир орқали метрогил эритмасидан ҳар 8 соатда юбориш яхши натижа бермоқда.

СЕРОЗЛИ МЕНИНГИТ

Йирингли отитнинг асосати бўлмиш серозли менингит (бош ва орқа мия пардасининг яллиғланиши) микроблардан ажralиб чиқадиган заҳарли моддалар таъсири остида ривожланади. Кўпинча ёш болаларда учрайди, чунки уларда чакка сүяк (ўрта кулоқ) анатомик тузилишига кўра, катталарнидан фарқ қиласи. Хасталик ривожланишида ўрта ва ички кулоқнинг йирингли яллиғланишидан ташқари, экстра ва субдурал ҳўппозлар ҳам катта ўрин эгаллади.

Бемор асосан қаттиқ бош оғриғи, кўнгил айниши, қусиши ва тутқаноқ тутиши кабиларга шикоят қиласи. Менингитда бўйин қотиб қолиши (бемор бошини этиб, иягини кўкрагига теккиза олмайди) ва Кернинг белгисини кўриш мумкин. Орқа мия суюқлиги текширилганда суюқлик юқори босим билан чиқишини ва тиниқ ҳолатда бўлишини аниқлаш мумкин.

ЙИРИНГЛИ ЛЕПТО МЕНИНГИТ

Беморнинг аҳволи анча оғир бўлиб, гавда ҳарорати юқори бўлади. Касалликнинг бошланиш даврида, айниқса ёш болаларда кўнгил айниш, қайт қилиш, бош оғриғи кузатилади. Биз юқорида айтиб ўтгандек, лепто менингит ривожланишига ўрта кулоқ ва ички кулоқнинг йирингли яллиғланиши, экстра ва субдурал абсцесс, мия абсцесси, «S»-симон синус тромбози (қон ивиши) сабаб бўлади. Бундан ташқари, микроблар қон орқали тарқалиши мумкин.

Беморда юрак уриши тезлашган, тартибсиз, лепто менингитта тааллуқли аломатлар ривожланган бўлади. Унда терининг сезувчанлик хусусияти ошиб боради, bemor ёруғикдан кўрқиб, ёруққа қарай олмайди. Бош мия ичи босими ошиши натижасида Бабинс, Оппенгейм, Гордон патологик рефлекслари пайдо бўлади. Конда катта ўзгаришлар юз берали, лейкоцитлар сони, асосан, нейтрофиллар ҳисобига 20 000 ва ундан ҳам ошиб кетади. Бемор безовталаниб, кўпинча бехуш ҳолатда бўлади. Люмбал пункцияда орқа мия суюқлиги лойқа бўлиб, юқори босим билан отилиб чиқади, унда жуда кўп ҳужайралар, баъзан турли микроблар бўлади. Оқсил моддалар кўпайиб, қанд моддаси ва хлоридлар камаяди.

Касалликни аниқлаш учун уни бошқа менингит турларидан ажратади билиш керак (айниқса сил касаллиги менингитидан). Сил касаллиги менингити аста-секин ривожланади, гавда ҳарорати унча юқори бўлмай, қон таркибида кам ўзгаришлар бўлади. Орқа мия суюқлигининг босими паст бўлади, у тиник, таркибида кўп миқдорда лимфоцитлар бўлади, оқсил, қанд ва хлоридлар миқдори жуда камайиб кетади. Орқа мия суюқлигини 24–48 соат ичидаги қўмирлатмай тиндириб кўйилса, унинг устки қисмida ялтироқ парда ҳосил бўлади. Агар шу пардалан ойначага суртиб, маҳсус бўяшдан сўнг, микроскоп остида қаралса, унинг 60–65% ида касалликни қўзғатувчи сил таёқчаси топилади.

Кулоқ касалликларидан келиб чиқадиган менингитни эпидемик менингококкли менингитдан фарқ қилиш зарур. Бунда bemornинг менингит билан оғриган bemor билан алоқада (контактда) бўлганлигини билиш муҳим. Шу билан бирга, менингококкли менингитда танага тошмалар тошади (менингококкцемия). Люмбал пункцияда лойқа, йирингли суюқлик юқори босимда чиқади ва бактериологик текширилганда унда менингококклар ўстворилади.

Даволаш. Ўрта ва ички қулоқдаги йиринг тезда жарроҳлик усули билан олиб ташланади ва bemorga кўп миқдорда антибиотиклар, сульфаниламидлар бериб турилади. Баъзан орқа мия суюқлигига антибиотиклар юборилади.

Бундан ташқари, метрогил эритмасидан ҳар 8 соатда қон томир орқали юбориш яхши наф беради. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, bemorni жарроҳликдан сўнг парвариш қилиш катта аҳамиятта эта.

МИЯ ВА МИЯЧА ҲЎППОЗИ (АБСЦЕСС)

Хасталик катталарга нисбатан ёш болаларда кам учрайди. Йирингли отитнинг сурункали тури (холестеатомали эпитимпанит)да кўп кузатилади.

Мияча абсцесси кўпинчча «S»-симон синус касаллигига ва ички қулоқнинг йирингли яллиғланишидан кейин ривожланади.

Аломатлари. Мия ва мияча абсцесси белгиларининг ривожланиши, унинг ҳажми ва жойлашишига боғлиқ. Хасталик ривожланиши ва кечишини 4 даврга бўлиш мумкин: бошланғич, яширин, рўйи рост ёки яққол ва охирги даври – ҳаёт билан ўлим ўртасидаги ҳолат (терминал ҳолат).

Бошланғич давр 1–2 ҳафта давом этиб, бунда бош оғриғи, дармонсизлик, кўп ухлаш, кўнгил айниши, қайт қилиш ва гавда ҳароратининг кўтарилиши ($37,5\text{--}38^{\circ}$) кузатилади.

Яширин давр – гавда ҳарорати ўзгармаган ёки бир оз кўтарилган бўлиши мумкин. Бу давр 3 ва ундан ортиқ ҳафта давом этиб, беморларда касалликка тегишли белгилар аниқланмайди.

Рўйи рост даврда абсцессга тегишли барча белгилар (қаттиқ бош оғриғи, ҳолсизлик, иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши) ривожланган бўлади. Кўпинчча кўз туви қон томирларида ўзгариш, қон томир уришининг пасайгани (бродикардия), бош мия босими ошиши натижасида адашган нервнинг сиқилиб қолиши кабилар кузатилиши мумкин.

Агар абсцесс мия бўшлигининг чап томонида жойлашган бўлса, амнестик, сенсор ва мотор афазия (ихтиёрий нутқнинг тўла ёки қисман бузилиши)ни кўриш мумкин. Амнестик афазияда бемор ҳар бир кўрсатилган нарсанинг нима учун ишлатилишини билса-да, лекин унинг номини айта олмайди. Бемор берилган саволларга дарҳол жавоб қайтармайди ёки қайтара олмайди. Сенсор афазияда бемор оғзаки нутқ ёки ўқиган асарини тушунмайди. Мотор афазияда эса бемор сўзларни бўғинларга ажратиб айтади ёки дудукланади. Шу билан бирга беморда гемианопсия (кўриш майдонида кўр доғларнинг пайдо бўлиши), тананинг ўнг ёки чап томонида марказий парез ёки фалажлар пайдо бўлганини кўриш мумкин. Агар абсцесс мия бўшлигининг ўнг томонида бўлса, бунда касалликка хос белгилар бўлмайди. Мияча абсцессида мувозанат бузилиши (касал қулоқ томонда) ва юришда ўзгариш кузатилади. Бунга миячадан бўладиган *атаксия* сабаб бўлади. Мияча абсцессида координатор синамалар бузилиши (адиодохикинез) аниқланиб, кўз соққасининг тебраниши (нистагм) пайдо бўлади, у касал томон йўналган бўлади.

Охирги давр бирданига, шиддатли бошланади. Бемор бехуш ҳолатда бўлиб, совуқ қотиш, қалтираш, гавда ҳароратининг бирдан кўтарилиши ($40\text{--}41^{\circ}$), нафас олиш ва юрак фаолиятининг чукур бузилиши, кўз қорачиги сезувчанлигининг йўқолиши кузатилади ва бу ҳолат бир неча дақиқадан сўнг ўлим билан тугайди.

Даволаш. Бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун шошилинч равишда операция қилиш (ўрта қулоқда) лозим. Абсцессни топиш учун мия

пардаси орқали игна санчиб кўрилади (3–4 см ичкарига). Йиринг олинган тақдирда, мия қаттиқ пардаси кесилади, сўнгра учи тўмтоқ асбоб ёрдамида кенгайтириб, йирингни кўп миқдорда чиқаришга ҳаракат қилинади. Шундан сўнг абсцесс бўшлиғига ингичка, ясси резина кўйилади (дренажлаш усули). Агар абсцесс қулоқдан бирмунча узоқда жойлашган бўлса, унда нейрохирурглар ёрдамида абсцесс олиб ташланади (абсцессэктомия). Беморга кучли таъсирга эга антибиотиклар, сульфаниламидлар ва витаминалар берилади. Бундан ташқари бош мияда босимни камайтирувчи турли дориларни бериш мақсаддага мувофиқдир.

ЙИРИНГЛИ ОТИДА БОШ ВА ОРҚА МИЯ ТЎРСИМОН ПАРДАСИННИГ ЯЛЛИГЛАНИШИ (АРАХНОИДИТ)

Қулоқнинг сурункали йирингли яллигланишида миянинг юмшоқ ва ўргимчак тўрсимон пардасининг сурункали серозли яллигланиши ривожланади. Сурункали арахноидитда, кўпинча мия суюқлигининг айланиб туриши бузилади ва натижада гидроцефалия (бош мия истисқоси – мия қоринчаларида орқа мия суюқлигининг кўпайиши) рўй беради. Касаллик кўпинча миянинг турли асоратлари билан бирга кечади ва ривожланади.

Хасталик турли инфекцион-заҳарли аллергик моддаларнинг ўрта қулоқдан қон ва нерв томирлари орқали (ёки ички қулоқ йўлидан) мия пардасига ўтиши натижасида келиб чиқади. Бемор мияда оғирлик сезиб, баъзан кўнгил айниши ва қусишдан шикоят қиласади. Бундан ташқари, у тез чарчаб, мадорсизланади, иш қобилияти пасаяди. Касаллик баъзан енгил, баъзан оғир кечади.

Арахноидитни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш жуда қийин, чунки унинг ўзига хос белгилари кам ёки умуман йўқ. Буни аниқлашда турли текшириш усуслари (пневмоэнцефалография, электроэнцефалография, КТ, МРТ, мия суюқлигини текшириш ва б.) дан кенг фойдаланилади.

Даволаш ўрта қулоқда жарроҳлик усулини қўллашдан иборат. Кейин яллигланишга, мия шишига қарши ва қон томирларини кенгайтирувчи дориларни бериб туриш лозим.

ҚУЛОҚНИНГ ЙИРИНГСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ СУРУНКАЛИ КАТАРИ (ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ ЧАНДИҚЛИ ОТИТИ)

Касаллик ўрта қулоқнинг ўтқир катарини ўз вақтида тўғри даволамаслик натижасида келиб чиқади.

Ўрта қулоқнинг ўтқир катари билан қайта-қайта касалланиш ногора бўшлиғи шиллиқ пардасининг қалинлашишига, парда ва ногора бўшлиғидаги суюкчалар оралиғида чандиқлар пайдо бўлишига, улар

ҳаракатининг чекланиб қолишига олиб келади. Эшитув найининг узоқ вақт бекилиб қолиши ва нофора бўшлиғидаги ҳаво босимининг камайиши натижасида қулоқ пардаси анча ичкарига тортилади, чунки ташқи ҳаво босимининг таъсири баъзан қулоқ пардаси нофора бўшлиғидаги тўқима билан ёпишиб қолади (чандиқлар ҳисобига). Бу сурункали катар ёки ўрта қулоқнинг чандиқли отити деб аталади.

Беморнинг шикояти. Бемор асосан эшитиш қобилиятынинг бузилиши ва шовқиндан (шанғиллаш ёки гувиллаш) шикоят қиласи. Унинг қулоги текширилганда бу касалликка хос ўзгаришларни кўриш мумкин.

Бунда ногора парда хира тортиб, ичкарига қараб қаттиқ ботган бўлади. Болгачанинг калта ўсиқчasi бўртиб чиқиб, унинг дастаси қисқарган ҳолатда кўринади, учбурчакли нур қисқарган ёки бутунлай бўлмайди. Баъзан ногора пардала юқорида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар бўлмай, у бир оз юпқалашган бўлиб, унда оқ доғлар кўриниши мумкин. Улар *петрификат* деб аталади (шиллиқ моддалар гузларининг ўтириб қолиши натижасида). Агар Зигл воронкаси билан отоскопия қилинса (ҳаво юбориб босимни оширилса ёки камайтирилса), қулоқ пардасининг тебраниши пасайган ёки мутглақо бўлмайди. Бурун бўшлиғи орқали эшитув найига ҳаво юбориб кўрганда (Политцер усули билан), най орқали ҳаво ўтмаслиги аниқланади. Бундай пайтда эшитув найига маҳсус темир най (катетер) орқали ҳаво юборилганда (шифокор резина найнинг бир учини bemornинг ташқи қулоги йўлига кўйиб, бир учини ўз қулогига кўяди) ҳаво ўтса, шифокор ўз қулогига ҳуштакка ўхшаш шовқин эшитади, ҳаво ўтиши бузилган бўлса, у ҳеч нарсани сезмайди.

Беморнинг эшитиши қобилияти текширилганда товуш ўтказувчи бўлимда ўзгариш борлиги қайд этилади.

Касалликни аниқлашда bemornинг шикояти, отоскопия ва эшитув найи ўтказувчанлигини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Даволаш. Биринчи навбатда, эшитув найи ўтказувчанлигини тиклаш, яъни бурун, унинг ёндош бўшлиқларидаги касалликларни бартараф этиш лозим. Кўпинча, шу тадбирлар ёрдамида эшитув найини очиб юборишга ва эшитишнинг бирмунча яхшиланишига эришиш мумкин.

Агар бурун ва ҳалқумдаги касалликларни бартараф этиш натижасида эшитиш қобилияти яхшиланмаса, бу ҳолда эшитув найи орқали ҳаво юбориш, вибромассаж қилишга тўғри келади. Қулоққа ҳавони оливали резина баллон ёки қулоқ катетери орқали юбориш мумкин. Олива орқали ҳаво юборилганда сувни ютиш пайтида ёки бაъзи сўзларни (параход, бир, икки, уч) талаффуз қилганда юмшоқ танглай кўтарилади ва оғиздан бурун-ҳалқумга ўтиш йўлини бутунлай бекитади. Агар шу пайтда баллон қисилса, бурун бўшлиғидаги ҳаво иккала эшитув найи томон йўналади.

Юқорида айтилган тадбир орқали ҳаво ўтмаса, унда катетер орқали ҳаво юборилади. Шу катетер орқали ногора бўшлиғига турли дориларни юбориш мумкин. Бундан ташқари, ногора бўшлиғидаги чандиқларни юмшатиш мақсадида қулоқ пардасига игна орқали санчиб, лизаза эритмаси юборилади. Лизазани электрофорез ва диатермия йўли билан ҳам юбориш мумкин.

Юқорида кўрсатилган даволаш усувлари ёрдам бермаса, жарроҳлик усули қўлланади. Ногора пардани кўтариб, ногора бўшлиғидаги бутун чандиқлар олиб ташланади (тимпанотомия).

ЭШИТУВ НЕРВИНинг ЯЛЛИҒЛАНИШИ (НЕВРИТ)

Эши тув нервининг яллиғланиши турли хил юқумли касалликлар, заҳарланишлар, жароҳатланишлар натижасида келиб чиқади. Бундай ҳолат эши тув нервининг марказий ва сиртқи (четки) бўлакларида қайд этилиши мумкин.

Баъзан эши тув нервининг ҳамма қисми, яъни эши тув нерви ҳужайраларидан бошлаб (чиганоқдаги) то мия пўстлоғи марказигача яллиғланиши мумкин. Айрим ҳолларда чиганоқ баъзи қисмларининг шикастланиши кузатилади. Эши тув нерви ички ва ташқи муҳит таъсирига тез бериувчан бўлади, яллиғланиш нерв толаларига тезда тарқалиб, унинг нобуд бўлишига олиб келади, натижада нерв тўқимаси қўшимча бириктирувчи тўқималар билан алмашади.

Бундан ташқари, яллиғланиш мия қон томирлари ва моддалар алмашинувининг издан чиқиши ва ўзгариши (бузилиши) натижасида ҳам кузатилади.

Инфекцияли невритлар қизилча, қизамиқ, бўғма, терлама, грипп, қулоқ олди бези тепкиси, менингококкли менингит, тошмали ва қайталама терлама ҳамда бошқа касалликлардан сўнг келиб чиқади.

Невритлар ички аъзолар хасталикларида (хафақон, жигар ва буйрак касалликлари, қандли диабет, моддалар алмашинуви бузилишларида) ҳам ривожланади.

Ички қулоққа жуда кучли товушларнинг мунтазам узоқ муддатли таъсиридан, чайқалишлардан ҳам неврит ривожланиши мумкин.

Неврит захм касаллигидан ҳам бўлиши мумкин. Бу касалликда бактериялар ва уларнинг заҳарли моддалари ички қулоққа ўтиб, чиганоқ ва эши тув нерви йўналишида ўзига хос ўзгаришларни вужудга келтиради.

Бемор асосан қулоқдаги шовқиндан, эшитиш қобилиятининг пасайганидан, сўзларнинг маъносини тушуна олмаётганидан шикоят қилади.

Неврит ўткир ва сурункали кечади.

Даволаш. Касалликнинг бошланиш даврида керакли даволаш усууларини қўллаш яхши натижа бериши мумкин. Агар эшитув нервида барқарор ўзгариш юз берса, даволаш кўпинча кутилган ижобий натижани бермайди.

Токсик невритлар. Турли дори-дармонлар (антибиотиклар, салицилат, хинин, турли кимёвий моддалар)нинг эшитув нервига таъсири натижасида у нобуд бўлиши мумкин.

Ёш болаларда, кўпроқ дори-дармонлар таъсирида ички қулоқ (айниқса эшитув аъзоси)нинг бузилиши кузатилади (мономицин, стрептомицин, гентамицин, неомицин, канамицин ва б.). Чунки уларда турли касалликларни даволашда юқорида қайд этилган дорилар кент қўлланади. Шуни унутмаслик керакки, ёш болалар организми бу антибиотикларга жуда сезгир бўлади. Улар эшитувнинг кескин пасайиши ёки ҳатто бутунлай кар бўлишга олиб келади.

Юқорида айтиб ўтилган дорилар ва кимёвий моддалар ички қулоқда ва буйракда тўпланиб, ушланиб қолиши натижасида ички қулоқда улар миқдори бошқа аъзолардагига нисбатан кўп бўлади.

Касалликнинг бошланиш даврида беморни қулоқдаги шовқин, шанғиллаш ва эшитиш қобилиятигининг пасайиши безовта қиласди. Айрим ҳолларда бош айланиши, кўнгил айниши ҳам мумкин. Шунингдек, икки томонлама нистагм кузатилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда зудлик билан антибиотиклар юборишини тўхтатиш керак.

Даволаш. Инфекцияли ва токсик невритларни даволаш жуда мушкул. Касалликнинг бошланиш, яъни ўткир даврида даволаниш яхши натижа беради. Лекин, афсуски кўпчилик ота-оналар шифокорга кеч мурожаат қиласдилар.

Беморга қон айланишини яхшиловчи (реополиглюкин, трентал), нейротроп (пирацетам, ноотропил), томир кенгайтирувчи (папаверин, кавинтон, шинаризин), синапсларда нерв импульси ўтишини яхшиловчи (прозерин, галантамин), витаминлар (А, В гуруҳ витаминлари), кокарбоксилаза, апилак, унитиол, АТФ ва бошқалар тавсия этилади. Булар билан бир қаторда, нина ва кислород билан даволаш (ГБО) ҳам яхши наф беради.

ОТОСКЛЕРОЗ

Отосклероз ички қулоқ суяқ қобигининг ўзига хос касаллиги бўлиб, ёшларда ҳам кўп учрайди ва эшитиш қобилиятигининг тобора пасайиб бориши билан ажralиб туради. Касаллик икки томонлама бўлади. Унинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар бор, лекин тўлиқ маълумот йўқ. Касаллик ёш аёллар орасида кўпроқ учраб, бу ҳомиладорлик ва

туғиши даврида әшитиши қобилиятининг кескин пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Касалликнинг бошланишида ички қулоқнинг суктук қисмида ўзгариш кузатилади, яъни қаттиқ суккнинг баъзи жойлари қалин спонгиоз тўқимага айланади. Бундай ҳолат кўпроқ ясси дарча соҳасида, сўнгра чиганоқ учиди ва ички әшитув йўли атрофида кузатилади. Ясси дарча атрофида пайдо бўладиган спонгиоз ўзгариш узангига ўтади ва охирида узангидан ясси дарчага ёпишиб, унинг ҳаракатини издан чиқаради.

Бемор әшитиши борган сари пасайиб бораётганидан ва қулоғи шанғиллашидан шикоят қиласади. Қулоқни текширганда ташқи әшитув йўли кенг, унда айтарли қулоқ кири бўлмайди ва ноғора парда ўзгармаган бўлади. Әшитиши қобилиятини текшириб кўрганда, дастлаб товуш ўтказувчи бўлимнинг бузилганини кўриш мумкин, кейинчалик касаллик ривожланиб, чиганоқда ҳам ўзгариш юз беради, бунда товуш қабул қилувчи бўлим ҳам бузилади.

Касалликнинг 3 хил: тимпанал, аралаш ва кохлеар шакли тафовут қилинади.

Камертонлар билан текширганда камертоннинг жарангли садоси ёмон әшитувчи қулоқ томон йўналтирилади. Ринне ва Желле тажрибаси салбий бўлади.

Касалликни аниқлаш қулоқни кўздан кечириш, әшитиши қобилиятини камертонлар ва аудиометрия билан текшириш орқали олиб борилади.

Даволаш. Дори-дармонлар билан даволаш яхши натижа бермайди. Жарроҳлик йўли билан әшитиши қобилиятини 80–90% тиклаш мумкин.

МЕНЬЕР КАСАЛЛИГИ

Бу касаллик ички қулоқнинг йирингизсиз хасталиги бўлиб, болалар орасида деярли учрамайди. Ушбу хасталикнинг симптомлари йифиндиши биринчи бўлиб француз олими Проспер Меньер томонидан таърифланган бўлиб, ҳозиргача унинг сабаблари охиригача ўрганилмаган. Бироқ, бу касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланишига оид турли хил фикр ва мулоҳазаларни адабиётларда ўқиш мумкин.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, бу касаллик ички қулоқда (эндолимфада) босимнинг ошиб кетиши, баъзилар эса ички қулоқ қон томирларининг кенгайиши ёки торайиши натижасида содир бўлади деб изоҳлайдилар. Баъзилар, бу хасталикка турли жароҳатлар ёки яллиғланишлар, токсик моддаларнинг таъсири, организмда витаминалар (В, PP- витаминалари) етишмаслиги, бўйин умуртқаларида бўладиган ўзгаришлар (тузлар йигилиши, суктук ўсиши) ҳам сабаб бўлиши мумкин, деб тахмин қиласидилар.

Касаллик қулоқнинг шанғиллаши, бош айланиши, күнгил айниши ва мувозанат бузилиши каби белгилар билан тұсатдан бошланади. Дастрлаб шовқин ва эшлишишнинг пастлиги бир томонлама бўлади.

Касаллик хуруж ва сўниш (ремиссия) босқичлари билан кечади. Хуруж даврида юқоридаги барча симптомлар билан бир қаторда нистагм ҳам кузатилади. Хуруж бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

Меньер касаллигининг енгил, ўрта оғир ва оғир кечадиган турлари тафовут қилинади.

Даволаш. Дастрлаб консерватив даво тадбирлари қўлланади. Хуруж белгиларини бартараф этиш мақсадида бемор тинч хонага ётқизилиб, 0,1% ли атропин сульфат 1 мл, 0,5%ли новокаин – 10 мл, 20–40 %ли глюкоза эритмаси венага юборилади, мушакка диуретиклар (верошпирон, лазикс, фуросемид) қилинади. Натрий бикарбонатнинг 5% ли эритмасини ҳар куни 50–200 мл миқдорда венага томчилаб юбориш яхши натижга беради. Бундан ташқари, пастки бурун чиғаноғига 1–2 % ли новокаин билан блокада қиласа бўлади. Беморга тузи кам, яъни кўп суюқлик талаб қилмайдиган овқатларни истеъмол қилиш буюрилади.

Консерватив чоралар ёрдам бермаган тақдирда жарроҳлик усуllibаридан (вестибуляр нервини қирқиши, бўйиндаги симпатик тугунларни олиб ташлаш, лабиринтэктомия, эндолимфатик қолчани шунтлаш ёки дренажлаш) фойдаланилади.

ҚУЛОҚ ОҒИРЛИГИ ВА КАРЛИК

Қулоқ оғирлигига эшлиши қобилияти икки томонлама шунчалик пасайиб борадики, бунда оддий гап ҳам эшишилмай, фақат бақириб гапиргандагина эшишилади. Қулоқ оғирлигига товуш ўтказувчи қисм бузилиб, бунга сурункали катар, сурункали йирингли ўрта отит, отосклероз ва бошқа касалликлар ҳам сабаб бўлади.

Карлик туғма бўлиши ёки бола туғилгандан сўнг ривожланиши мумкин. Бунда эшлиши қобилияти бутунлай бузилади. Туғма карликка ички қулоқ ривожланишидаги нуқсонлар, ҳомиладорлик даврида онанинг турли касалликларга чалиниши ёки бирор сабаб билан турли антибиотикларни қабул қилиши, боланинг асфиксия ҳолатида туғилиши ёки унинг бошига қисқич кўйиб туғдириш ва ҳоказолар.

Бола соғлом бўлиб туғилгандан сўнг келиб чиқадиган карлик, туғма карликка нисбатан кўпроқ учрайди ва аксарият ҳолларда турли юқумли касалликлардан сўнг, турли антибиотикларни қабул қилиш, жароҳатлар натижасида кузатилади.

Калла суяги жароҳатланганда ҳам одам кар бўлиб қолади. Туғма карликда, кўпинча кулоқ мувозанатни сақлаш қисмининг фаолияти бузилмайди.

КАР-СОҚОВЛИК

Кар-соқов бола товуш чиқариш қобилиятини йўқотмайди. Аммо у сўзлашув нутқини ўрганиб олишга қийналади. Кар-соқовларнини нутқи бир хил оҳангда бўлади. Гўдакларда кар-соқовликни аниқлаши жуда қийин. Бола кар бўлиб туғилса ёки гўдакларда карлик юзага келса, бола соқов бўлиб қолади, чунки у эшитмаслиги сабабли гапира олмайди. Боланинг эшитиш ёки эшитмаслигини билиш учун унинг ота-онасидан боланинг товушларга жавоб бериш ёки бермаслиги сўралади. Шунингдек, хуштак чалиб кўриш ва бошқа текшириш усуллари кўлланади.

Бундан ташқари, болада шартсиз рефлекслар (ауропальпебрал ва ауропупуляр рефлекслар)дан фойдаланилади. Боланинг орқасидан тўсатдан бирор шовқин берилса, эшитадиган боланинг қовоқ-киприклири пирпираб учади ва кўз қорачиги кенгаяди.

Кар-соқовларни даволаш шу вақтгача кам натижага бермоқда. Уларни биринчи галда оғзаки нутқقا ўргатиш йўли билан даволанилади. Бундай болалар маҳсус боғча ва мактабларда (интернат) ўқитилади. Ўқитишни бошлашдан олдин боланинг ёши, қанчалик эшитиш қобилиятига эгалиги, шунингдек, унинг ўзига хос бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади. Кўпчилик кар-соқовлар, фақат оғзаки нутқни ўрганган ҳолда, фан асосларини эгаллайдилар, олий ўқув юртларини ҳам тамомлайдилар. Еш болалар учун маҳсус боғчалар бўлиб, уларни маҳсус мактаб давригача оғзаки нутқقا ўргатилади (гапириш даврида лабларнинг қимирилаши орқали). Сўнгти йилларда радиоэлектроника ривожланиши сабабли эшитиш қобилиятини яхшилаш мақсадида кулоқ протези, яъни жуда ихчам эшитиш аппаратлари ишлаб чиқилмоқда. Болаларда бундай аппаратларни кўллашдан мақсад, нафақат эшитиш қобилиятини яхшиланти, балки сўзлашни тўғри шакллантириш (ривожлантириш) ва сўзланидаги нуқсонларни йўқотишдан иборат. Бундай аппаратларни болага ёшлигидан бошлаб кўллаш керак. Агар бемор болада эшитувнинг ўтказувчаник қисми бузилган бўлса, эшитиш аппаратининг суяқ орқали кучайтирувчи турини кўллаш мумкин. Болалар учун эшитиш аппаратини танланшида сурдолого пед хонасида маҳсус лаборатория хизмат қиласи.

ЎРТА ҚУЛОҚНИНГ СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИТИДА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛОВЧИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИ (ТИМПАНОПЛАСТИКА)

Эшитув анализаторининг товуш ўтказувчи қисми, одатда, сурункали йирингли отитда, ногора парда тешилганда ёки ногора бўшлигига ва унинг суяқчалари орасида чандиклар бўлганда бузилади. Эшитиш

қобилиятини тиклаш мақсадида қилинадиган жарроҳлик *тимпанопластика* деб аталади. Бундай операция махсус микроскоп ёрдамида олиб борилади. Операциядан мақсад, ўрта қулоқда йиринг оқишини тұхтатиши, ногора парда бутунлигини тиклаш ва товуш ўтказиш қобилиятини яхшилашдан иборат. Бунда, албатта әшитув найи ўтказувчанлиги яхши бўлиши ва ички қулоқ дарчаларида ўзгариш бўлмаслиги шарт.

Ногора парда тешиги куруқ бўлса, унда у тешикни бекитиш ҳам мумкин. Бу *мирингопластика* деб аталади. Агар, әшитув сүякчаларининг бир-бири билан боғланиши бузилган бўлса, бунда ногора бўшлиғида ясама ногора парда ҳосил қилинади, бунинг учун юпқа тери, сүяк уст пардаси, вена қон томири девори ёки мушак уст пардаси ишлатилади.

Ногора бўшлиғида, сүякчалар оралиғида ёки ички қулоқ дарчаларида, чандиқлар бўлса, уларни тозалаш, қирқиб олиш керак, шундагина товуш ўтказувчанлик фаолияти яхшилашади.

Тимпанопластика операцияси Вульштейн усулида олиб борилади. Бу усульнинг 5 та тури бор.

1. I тур тимпанопластика ногора пардада тешик бўлиб, әшитув сүякчалари шикастланмаган, ногора парда тешигини юпқа пахтани ёғга шимдириб беркитганимизда эшитиш қобилияти яхши бўлса, қилинади.

2. II тур тимпанопластика қўйидаги шароитларда қўлланади. Агар болғачанинг бирор қисми чириган, товуш ўтказувчанлик бузилган бўлса, янги парда парчаси ногора бўшлиғини беркитиши шарт (худди мириңгопластикнага ўхшаб), лекин тери парчасининг марказий қисми ичкариоқ қўйилади, яъни у болғачанинг қолган доирасига, сандон ва узантига тегиб туриши керак.

3. III тур тимпанопластика ногора парда ўрнига қўйиладиган ёки унинг тешилган жойини тўлдирувчи парда парчаси узантининг бошини қоплаб турадиган қилиб қўйилиши керак.

4. IV тур тимпанопластика бутун сүякчалар фаолияти бузилганда қўлланади. Бунда у товуш ўтказувчанлигини яхшилаш учун эмас, балки товушдан сақлаш учун қўйилади, яъни чиғаноқ дарchasига қўйилган парча тўсиқдек хизмат қиласи.

5. V тур тимпанопластика ички қулоқ даҳлизида янги дарча очишдан иборат. Бу фенестрация деб аталади. Фенестрация ётиқ (горизонтал) ярим доирада қилинади. Жарроҳликдан сўнг, албатта асталик билан әшитув найи орқали ҳаво юбориш керак (қўйилган парда ёпишиб қолмаслиги учун), у ҳаракатда бўлиши лозим.

ҚУЛОҚДАГИ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАР

Хавфсиз ўсмалардан қулоқда асосан ангиома, киста, фиброма, келоид, остеома ва бошқалар учрайди.

Фиброма. Күпроқ қулоқ супрасининг юмшоқ төғайсиз қисмida учрайди. У думалоқ шаклда, турли катталикда, пайпаслаб кўрилганда қаттиқроқ бўлади.

Фақат жарроҳлик йўли билан даволанади.

Атерома ёф ишлаб чиқарувчи безлар чиқарув йўлининг бекилиши натижасида ривожланади, уни киста деб ҳам аталади. Атеромани жарроҳлик йўли, бутун ўраб турган қопи билан олиб ташлаш керак.

Ангиома лимфа ва қон томирларидан тарақкий қилиб, кўпинча ногора бўшлиғида, сўрғичсимон ўсиқчада бўлади. Тез катталашиб, қулоққа оғриқ, шовқин беради, ёрилганда кўп қон кетиши мумкин. Ўсмани кичиклаштириш учун спирт юбориб, азот (киро) электролиз коагуляция йўли билан даволаш мумкин.

Остеома, асосан сўрғичсимон ўсиқчада бўлиб, рентген орқали аниқланади. Хасталик bemорни безовта қилтан тақдирда жарроҳлик усули қўлланади.

Келоид жарроҳлик натижасида тўқима ва терида ҳосил бўладиган ўсма. Кўпинча қизларда, асосан, зирақ тақиши учун қулоқ супраси тешилгандан сўнг унинг юмшоқ қисмida ривожланади. Жарроҳлик йўли билан даволанади.

ҚУЛОҚДАГИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАР

Карцинома болаларда жуда кам учрайди, уларда кўпинча саркома қайд этилади. Ўрта қулоқ саркомаси бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин.

Иккиламчи саркома қулоққа кўпинча бўйиндаги лимфа тутунларидан, қулоқ олди безидан ва танглай муртакларидан тарқалиши мумкин. Саркома тез ўсиб, ўрта ва ташқи қулоқнинг чириши, емирилишига олиб келади. Юз нерви жароҳатланиб, ўсма мияга ўтиши натижасида bemор ўлади.

Хасталик, асосан, рентген нури, турли кимёвий дорилар билан даволанади.

Рак. Ўрта қулоқда бирламчи рак кам учрайди. Кўпинча сурункали йирингли отит билан оғриган bemорларда кузатилади. Ўрта қулоқ ракини йирингли отитнинг грануляция ёки полип билан кечадиган туридан фарқ қилиш керак. Уни фақат гистологик усулда текшириш орқали аниқлаш мумкин.

Даволаш. Рентген нури ва турли кимёвий дорилар билан даволанилади.

БУРУН ВА УНИНГ ЁНДОШ БҮШЛИҚЛАРИНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Бурун – юқори нафас йўлларининг бошланғич қисми. У ташқи бурун, бурун бўшлиғи ва унинг ёндош бўшлиқларига бўлинади. Ташқи бурун суяқ, тогай ва юмшоқ қисмлардан иборат бўлиб, нотўғри шаклдаги уч қиррали пирамидага ўхшайди. Пешонадан бошланган буруннинг юқори тор учи бурун илдизи дейилади. Ундан пастга ва олдинга қараб чўзилган қисми бурун қирраси бўлиб, у буруннинг учи билан тугайди.

Ён томонлардаги ва харакатчан кериладиган юзаси бурун қанотлари ёки парраги дейилади, пастки бўш чеккалари бурун катаги ёки бурун тешикларини ҳосил қиласди (45-расм).

Ёш болаларда ташқи бурун қисқа, бирмунча ясси, бир оз юқорига кўтарилган, бурун катакларининг суяқ қисмлари тогай қисмига нисбатан яхши ривожланган бўлади. Кейинчалик бола ўстган сари буруннинг тогай қисми суяқ қисмига нисбатан тез ривожланади. Ёш катталашган сари ташқи буруннинг ўзгаришини кўрамиз, яъни қисқа бурун узунлашиб, унинг юқорига кўтарилиши йўқолиб боради.

Бурун устини қоплаган тери, айниқса бурун илдизи атрофида жуда юпқа бўлади. Бурун қирраси ва учи атрофида тери қалин бўлиб, бу ерда ёғ безлари кўп жойлашган.

45-расм. Ташқи бурун. 1 – бурун суяғи; 2 – учбурчакли ёнбош тогай; 3 – бурун қирраси тогайи; 4 – кичик қанот тогайи; 5 – катта қанот тогай; 6 – бурун катаги.

Тери ости тўқимасидан артерия, вена томирлари ва нервлар ўтади.

Бурун катаклари (тешиклари) атрофидаги тери тоғай қисмига ўтиб, бу ер айниқса катталарда кўп миқдорда туклар билан қопланган.

Буруннинг ташқи қисмida мимика (маъноли ҳаракатланувчи ёки имо-ишоралар берувчи) мушаклари (*m. nasalis*, *m. depressor nasi*) бўлиб, улар бурун катакларини кенгайтириб, торайтириб туради.

Ташқи бурун кўз қон томирларининг охирги тармоқлари (*a. dorsalis nasi*) ва юз артерияси тармоғи (*a. angularis*) билан таъминланган.

Вена қон томирлари ташқи бурундан юз венасининг бошланиши қисмига қўйилади (*v.angularis*). Одатда, юз венаси қони бўйинтуруқ венасига оқиб тушади. Шуни айтиб ўтиш керакки, юзнинг вена томирлари кўз вена томирлари билан бирлашган бўлиб, бу томирларнинг бир қисми тўғридан-тўғри қаттиқ мия пардасининг тик синусига қўшилиб кетади.

Ёш болаларда (катталарга нисбатан) юза ва чуқур жойлашган юз вена томирлари бир-бири билан бирлашиб, мия ичи вена синусларига қўшилади. Турли хил йирингли яллиғланиш ва ташқи бурун касалликларида инфекция юқорида айтиб ўтилган вена томирлари орқали ўтиб, кўз ва мияга асорат бериши мумкин.

Ташқи бурун сезувчан – уч шохли нервнинг биринчи ва иккинчи шохи орқали таъминланади (*n. etmoidalis anterioris*, *n. infratrochlearis*, *n. inferaorbitalis* дан).

БУРУН БЎШЛИГИ


Бурун бўшлиғи юқоридан калла суюги бўшлиғи, ён томонлардан кўз косаси ва пастдан оғиз бўшлиғи билан чегараланади. Бурун тўсиги бурун бўшлиғини иккига бўлади. Бурун бўшлиғи орқа томондан ҳалқумнинг юқори бўлими билан хоана деб аталағидан ясси, бир-бирига яқин жойлашган буруннинг иккита орқа тепигига тувашиди.

Ёш болаларда бурун бўшлиғи катталарга нисбатан қисқа ва пастроқда бўлади. Уларда шиллиқ қават остидаги қон томирлари яхши ривожланганлиги туфайли бурун бўшлиғи тор бўлади.

Калла суюги, жағ тишлари, юқори жағ ривожланиши натижасида бурун бўшлиғининг ҳажми катталаниб боради. Бурун тўсиги орқадан суяқ қисми – димоғ ва галвирсимон суякнинг тик плас-тинкаси ҳамда тўрт бурчакли тоғайдан ташкил топган (46-расм).

Чақалоқларда бурун тўсиги бирмунча пастроқ жойлашган ва қалин бўлиб, бурун тўсигининг тұрма үзгариши бўлиши мумкин (суяқ ёки тоғай қисмининг қийшайиши).

Бурун бўшлиғининг ташқи ёки ён девори, энг муҳим ва мурракаб қисм ҳисобланади. Унинг тузилишида ташқи бурундан бошлаб қуйидаги суяк-




46-расм. Бурун тўсиги. 1 – тўртбурчаксимон тоғай; 2 – галвирсимон суякнинг тик плас-тинкаси; 3 – суяқ қисм – димоғ суюги; 4 – пешона бўшлиғи; 5 – асосий суяқ бўшлиғи.

лар қатнашади: бурун саяги, юқори жағ саяги танасининг бурунга қараган томони ва унинг пешона ўсиғи, кўз ёши сякчаси, фалвирсимон лабиринт, танглай саяги ва асосий сякнинг қанотсимон ўсиқчалари.

Бурун бўшлигининг ташқи деворида учта чиганоқ бўлиб, улар юқори, ўрта ва пастки бурун йўлларини ҳосил қиласиди. Пастки чиганоқ мустақил сякдан, ўрта ва юқори чиганоқлар фалвирсимон лабиринтнинг сяк қўшимчаларидан ташкил топган.

Пастки чиганоқ остида, яъни пастки бурун йўлига бурун-кўз ёши йўлининг тешиги очилади. Ўрта бурун йўлининг ёнбош деворида ярим ойсимон тирқиш (*hiatus semilunaris*) бўлиб, шу тирқишининг олд томонига пешона саяги танасида жойлашган пешона бўшлигининг йўли, орқароқда юқори жағ ёндош бўшлиқлари, ундан юқори роқда фалвирсимон сяк бўшлигининг олдинги ва ўрта катаклари тешиги очилади. Юқори бурун йўлига фалвирсимон сяк бўшлигининг орқа катаклари ва асосий сяк бўшлиги очилади.

Бурун бўшлигининг юқори қисми ёки томини фалвирсимон сякнинг тўрсимон (элак тешикларига ўхшаш) қисми (*lamina cribrosa*) ташкил этади (47-расм).



47-расм. Бурун бўшлигининг ташқи девори. 1 – пастки чиганоқ; 2 – ўрта чиганоқ; 3 – пешона бўшлиғи; 4 – юқори чиганоқ; 5 – асосий сяк бўшлиғи; 6 – эшиитув наийининг ютқинга очилиш жойи; 7 – юмшоқ танглай; 8 – қаттиқ танглай; 9 – бурун бўшлиғига кириш қисми.

Бурун бўшлиғи туби олдинги бўлимда юқори жағ сягининг танглай ўсиқчаларидан, орқадаги қисми эса танглай сякчаларининг ётиқ пластинкаларидан ташкил топган. Бурун бўшлиғи кўп қаватли ҳилпилловчи цилиндрсимон киприкли эпителийдан иборат шиллиқ парда билан қопланган. Киприкли эпителийлар олинган ҳаво таркибидаги чангни ушлаб қолади ва уни бурун тешиклари орқали ташқарига чиқариб ташлайди. Бурунда шиллиқ безлар (*glandulae nasales*) бўлиб, уларда ишланиб чиққан шиллиқ суюқликлар ҳаво билан кирган чангни қамраб олади.

Шиллиқ қават остида қон томирлар (айниқса, вена чигаллари)га бой шиллиқ ости қавати бўлиб, пастки ва ўрта чиганоқнинг олдинги ярмида яхши ривожланган.

Чиганоқларнинг горсимон тўқимасидаги томирлар деворида силлиқ мушак ва эгилувчан (чўзилувчан) толалар жуда кўп.

Бурун бўшлиғи юқори қисмининг шиллиқ қаватида ҳид сезиш анализаторининг бошланғич қисми жойлашган бўлиб, бу ер ҳидлаш

(*regio olfactoria*) соҳаси дейилади. Бурундан кирган ҳаво юқори бурун йўлидан ўтар экан, ана шу ерда ҳидлов нерви охирларига урилади, натижада ҳид сезилади.

БУРУН БЎШЛИГИНИНГ ТОМИРЛАРИ

Асос – танглай артерияси бош артерия ҳисобланади. У юқори жағнинг ички артериясидан бошланади. A. sphenopalatina дан a. nasalis posterior, lateralis ва a. septi nasi лар ажралиб, бурун тўсиги ва бурун бўшлигининг ён деворини таъминлаб туради. Бундан ташқари a. sphenopalatina дан a. nasopalatina чиқиб, бурун тўсигининг пастки қисми, қаттиқ танглай ва юқори жағнинг альвеоляр пуфаклар ўсиқчаларини қон билан таъминлайди.


Бурун ён деворининг юқори қисми кўз косаси артерияси (a. ophthalmica) тармоқлари бўлган олд ва орқа галвирсимон артериялардан (aa. ethmoidales anterior et posterior) қон олади.

Бурун тўсигининг олдинги пастки қисми (тогай) жуда кўп қон томирлари билан таъминланган бўлиб, кўпинча қон шу ердан кетади. Шунинг учун ҳам бу жой қонаш доираси (*locus Kiesselbachii*), деб аталади (48-расм).

Бир қанча майда томирлар йиғилиб, йирик вена томирини ҳосил қиласи. Улар юзнинг олдинги ва кўз косаси веналаридир.

Буруннинг юқори бўлимидағи ва юқорида жойлашган бурун ёндош бўшлиқлари вена томирларининг бир қисми қонни тўғридан-тўғри мия қаттиқ пардаси синуси (говаксимон синус)га қуяди.

Бурун бўшлигининг орқа қисмидан, ютқиндаги эшинутув найи олдида лимфалар йиғилиб, бўйиннинг энг юқори ва чукур жойлашган лимфатик тугунларига (бўйинтуруқ венаси билан ёнма-ён), ташқи бурун ва бурун бўшлигининг олдинги бўлимидан жағости лимфатик тугунига қўйилади. Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати субдурал ва субарахноидал бўшлиқлари (cavum subarachnoidale) билан туташадиган энг лимфа томир тармоқларига ҳам жуда бой. Бу кўпинча бурун бўшлиғидаги турли инфекцияларнинг калла бўшлиғига тарқалиши ва оғир асоратлар бериши учун қулай шароит туғдиради.



48-расм. Бурун тўсиги тогай қисмининг қон билан таъминланиши. 1 – Киссельбах доираси; 2 – юқори ва пастки ички асосий танглай артерияси.

Бурун бўшлигининг сезувчи нервлари уч шохли нервнинг биринчи ва иккинчи тармоқларидан чиқади. *N.ethmoidalis anterior* сезувчи толаларнинг бурунга кириш қисмига, ташқи деворига ва бурун тўсигининг олдинги қисмига тармоқ беради. Бурун шиллиқ қаватининг кўп қисми *ganglion pterygopalatinum* толалари билан таъминланади. У симпатик ва парасимпатик нерв тармоқларини ҳам таъминлаб туради.

Ҳид сезиш анализатори тармоқлари бурун бўшлиғидан ипсимон ҳолатда (*filia olfactoria*) фалвирсимон сүякнинг тўрсимон пластинкаси тешиклари (коваклари) орқали мияга ўтиб, ҳид сезиш марказида тугайди.

БУРУН ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИ

Бурун бўшлиғи атрофига жойлашган пешона, юқори жағ, фалвирсимон ва асосий сүяклар ичидаги бўшлиқлар бўлиб, улар бурун бўшлиғига очилади. Сүяк коваклари ёки буруннинг ёрдамчи бўшлиғи деб шуларга айтилади. Бурун атрофига жойлашган сүяк коваклари ўша сүяк номи билан аталади.

1. *Sinus maxillaris* – гаймор ёки юқори жағ бўшлиғи;
2. *Sinus frontalis* – пешона сүяк бўшлиғи;
3. *Sinus ethmoidalis* – фалвирсимон сүяк бўшлиғи;
4. *Sinus sphenoidal* – понасимон сүяк бўшлиғи.

Чақалоқларда юқорида кўрсатилган барча бурун ёндош бўшлиқлари бўлади (пешона сүяк бўшлиғидан ташқари). Пешона сүяк бўшлиғи бу даврда бошланғич ҳолатда бўлади. Энг яхши ривожланган бўшлиқлар фалвирсимон сүяк ва юқори жағ бўшлиқлари ҳисобланади.

ЮҚОРИ (ГАЙМОР) ЖАҒ БЎШЛИГИ

Бу бўшлиқ бурун бўшлигининг ташқи девори орқасида жойлашган думалоқ чуқурликдир. Унинг баландлиги 5–10 мм, кенглиги 3–5 мм, узунлиги 7–14 мм.

Чақалоқларнинг кўпчилигига (50 %) бўшлиқнинг юқори-ички бурчаги катталашган бўлади. Бу юқори жағ бўшлигини фалвирсимон олди бўшлиғи, кўз ёши канали ва халтачасига яқинлаштиради, шу сабабли турли асоратлар келиб чиқади.

Юқори жағ бўшлигининг шиллиқ қавати бошқа ёндош бўшлиқларнига қараганда қалинроқ бўлади, улғайган сари худди бурун бўшлиғи шиллиқ қаватига ўхшаб юпқалашиб боради.

Юқори жағ бўшлиғи куйидаги деворлардан ташкил топган:

1) юқори девор – кўз девори. Бу девор жуда юпқа бўлиб, ёш болаларда тоғайдан тузилган кўз косасининг туб деворидир, бу ерда канал бўлиб (*canalis infraorbitalis*), ундан шу номли нерв ва қон томирлари ўтади;

2) ички девор – бурун бўшлиги билан чегараланиб, жуда юпқа. Бу деворга бурун чиганоқлари маҳкам тулашган. Ички деворнинг юқори қисми – *lamina pterygoidea* бўлиб, у кўз ёши халтачаси билан чегарадош. Деворда синуснинг чиқарув тешиги бор;

3) пастки девор юқори жағ тишилдизларига тўғри келади;

4) олдинги деворнинг юқори қисмида *regio infraorbitalis*, пастроқда чуқурча бўлиб, *fossa canina* деб аталади. Ушбу девор орқали бўшлиқда жарроҳлик ўтказилади;

5) орқа девор қанот танглай чуқурчасига тўғри келади.

Турли ёшдагиларда юқори жағ бўшлиғининг туви ўзгача бўлади. Масалан, 2 яшар болаларда бўшлиқнинг туви бурун бўшлиғидаги ўрта чиганоқдан юқорироқда бўлиб, 7–8 ёшдагиларда ўрта чиганоқ сатҳида, 9–10 ёшларда бурун бўшлиги ости билан баробарлашади ва 14–15 ёшларда ундан пастроқда бўлади. Буни болаларда юқори жағ бўшлиғини маҳсус иғна билан тешганда ҳисобга олиш лозим.

ФАЛВИРСИМОН БЎШЛИҚ

Бу бўшлиқ фалвирсимон сүяк ичида, фалвирсимон сүяк эса бурун бўшлиғи тепаси ва ёнида жойлашган бўлиб, бир кичик бўллаги билан мия тубини ҳосил қиласди. Бундан ташқари, бу сүяк кўз косасининг ички деворини ҳосил қилишда ҳам қатнашади. Фалвир сүяк пластинкалари «Т» шаклида жойлашган 3 қисмдан иборат, унинг пастга йўналган перпендикуляр ёки вертикал пластинкаси *lamina perpendicularis* ва горизонтал жойлашган фалвирсимон пластинкаси *lamina cribrosa* деб аталади. Фалвирсимон пластинкадан пастга қараб тик турган ва икки ёнида жойлашган лабиринт (ғовак)лар *labyrinthi ethmoidales* дир. *Lamina cribrosa* тўғри бурчакли пластинка бўлиб, пешона суюгидан *incisura ethmoidalis* да жойлашган. Бу пластинканинг жуда кўп фалвирсимон тешикчалари бўлиб, улар орқали ҳид сезиш нервининг толалари ўтади. Фалвирсимон пластинка номи ҳам шундан келиб чиқсан. Пластинканинг қоқ ўртасида хўроз тожига ўхшаш ўсиқча *crista galli* кўриниб туради. Бош мия қаттиқ пардаси шу тожига тегиб туради. *Labyrinthi ethmoidales* бир жуфт бўлиб, унинг катта-кичик ва турли хил шаклдаги фалвирсимон катакчалари *cellulae ethmoidales* бор. Катакчалар 7 ёштагача кичик, тор бўлиб, бурун бўшлиғи тепасида сиқиқ ҳолда жойлашади. Уларнинг ривожланиши 12–14 ёшгача давом этади. Ғоваклар ташқи томондан қовоқ ёки кўз косасидан бошлаб юпқа сүяк билан ўралган бўлиб, кўз

косасининг ички деворини ҳосил қиласи. Шу пластинка (*Jamīnas orbitalis*) тела томонда пешона сугенинг кўз қисми билан, олдинги томонда кўз ёши суги билан, орқа томонда понасимон сук ва танглай сугенинг кўз ўсиқчаси, пастки томонда тела жағ билан бирлашади. Галвирсимон катакчалар ана шу суклар орасида яшириниб туради. Галвирсимон сукканинг олдинги ва ўрта катакчалари пешона, орқа томондаги катакчалари эса асосий ёки понасимон сук бўшлиғи билан туташган.

Галвирсимон катакчалар ичидаги ҳаво бўлиб, улар шиллик парда билан ўралган. Ёш болаларда олдинги ва ўрта катакчалар ривожланган бўлиб, орқадаги катакчалар кейинроқ ривожланади. Баъзан галвирсимон катакчалар тузилишида туфма нуқсон бўлиши мумкин, шу сабабли улар тўғридан-тўғри кўз косаси, пешона ва понасимон сук бўшлиқлари, олдинги ҳамда ўрта мия билан туташган бўлади. Бу ҳолатда галвирсимон бўшлиқ йирингли яллиғланганида йиринг юқорида кўрсатилган аъзоларга тез ўтиб, оғир асоратлар бериши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, галвирсимон бўшлиқнинг орқа катакчалари кўз нерви ўюли билан ёнма-ён жойлашган бўлади, шунинг учун ҳам бу бўшлиқ яллиғланганида кўз нервига таъсир қилиши натижасида кўриш қобилияти пасайиб, кўз аста-секин бутунлай кўрмай қолиши мумкин. Бундай ҳолат фақат яллиғланган томонда бўлмай, балки соғ томонда ҳам кузатилиши мумкин. Кўз нервидан ташқари, галвирсимон бўшлиқнинг орқа катакчалари баъзан кўзни ҳаракатлантирувчи, гантаксимон, уч шохли ва узоқлантирувчи нервлар билан ҳам ёнма-ён жойлашган бўлади. Юқорида таърифланган галвирсимон бўшлиқнинг анатомик тузилишини шу бўшлиқقا игна санчганда ёки уни операция қилганда ҳисобга олиш зарур.

АСОСИЙ ЁКИ ПОНАСИМОН СУЯК БЎШЛИГИ

Бу бўшлиқ чақалоқларда куртак шаклида бўлиб, кейинчалик организм ўсиши билан ривожлана боради. 12–14 ёшга бориб, катта ёшдаги одамлардагидек шаклни эгаллайди. У жуфт бўлиб, понасимон сук ичидаги жойлашган. Бу бўшлиқнинг юқори девори ўрта мия билан, олдинги девори кўз нерви чорраҳаси билан, орқа қисми гипофиз (мия остидаги без, яъни ўсишга таъсир кўрсатувчи ички секреция бези) билан чегараланади. Унинг ён девори понасимон сук ён девори билан чегараланган, бир оз орқароқда галвирсимон синус (*sinus cavernosus*) жойлашиб, у ердан ички уйқу артерияси III, IV, VI жуфт бош мия нервлари ва n. ophthalmicus ўтади.

Асосий ёки понасимон сук бўшлиғи йирингли яллиғланганида ёки бурун-ютқинда ривожланадиган хавфли ўсмаларнинг юқорида айтиб

Үтилган бўшлиқ атрофидаги аъзолар ва нервларга таъсири туфайли турли хил асоратлар келиб чиқиши мумкин. Понасимон суяқ бўшлигининг пастки девори бир томондан бурун-ютқиннинг юқори девори, яъни хоананинг юқори девори ҳисобланади. Чиқарув тешиги юқори бурун йўлига очилади.

ПЕШОНА СУЯГИ БЎШЛИГИ

Ёш болаларда ривожланмаган. 5–6 ёшга борганда нўхатдек бўлиб етилади. Баъзан бу бўшлиқ катталарда ҳам бутунлай ривожланмаслиги мумкин. У олд (юз), орқа, пастки ва ички (бўшлиқни иккига бўлиб турувчи тўсик) девордан ташкил топган.

Олдинги девор бирмунча қалин, пастки девор эса юпқа бўлади. Орқа деворнинг суяқ қисми бўшлиқни миянинг пешона қисмидан ажратиб туради. Бу бўшлиқнинг ҳажми ва шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Чиқариш канали ёки йўли ўрта бурун йўлининг олдинги қисмига очилади.

БУРУН ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИНИНГ ҚОН БИЛАН ТАЪМИНЛANIШI

Юқори жағ бўшлиғи – юқори жағ, пешона бўшлиғи – орқа бурун ва кўз, ғалвирсимон бўшлиқ – ғалвирсимон, асосий бўшлиқ – орқа бурун ва қаттиқ мия пардасини таъминловчи артериядан қон билан таъминланади. Вена қон томирлари бурун ҳамда юз, кўз, калла бўшлиғи вена томирлари билан боғланган.

БУРУН ФИЗИОЛОГИЯСИ

Бурун – нафас олиш, ҳид сезиш, резонанс (жаранглатиб бериш), муҳофаза ва чирой вазифаларини бажаради.

Бурун бўшлиғидан ҳавонинг эркин равишида ўта олиши нормал нафас учун расмий ҳолатdir. Нафас олганда, асосан, ўрта чиганоқнинг юқори қисмидан ва ўрта бурун йўлидан 500 см^3 ҳажмга яқин ҳаво ўтади.

Бурун йўллари тор ва эгри-бугти бўлгани учун нафас олинаётганда ҳаво оқими шиллик парданинг нам юзасига ўтиши натижасида ҳаво намланади, исиди ва бурун леворларида унинг чанг заррачалари ушланиб қолади. Бурундан нафас олганда, оғиздан нафас олишга қараганда кўкрак қафаси кўпроқ кенгаяди, бу ҳолат ўпкада ҳаво алмашинувини яхшилайди.

Муҳофаза вазифаси. Бурундан нафас олганда ҳаво бир оз тозаланади, исиди, намланади ва микроблардан холи бўлади.

Бурундан ҳаво ўтаётганда чант заррачалари, майда ёт жисмлар бурунга кираверишдаги даҳлизда тукчалар ёрдамида механик равишда тутиб қолинади. Тукчалар фильтр вазифасини бажаради. Чант заррачалари ҳилпилловчи эпителийнинг ҳалқум томонига йўналган туклари ҳаракати таъсирида бурун шилимшиғи билан ювилади ва ҳалқумга тушади. Бу ердан балғам билан ташқарига чиқарилади ёки ютиб юборилади. Шундай қилиб, ҳаво ўпкага чангдан анчагина тозаланган ҳолда ўтади. Одам ва ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар нафас олганда кирадиган чангнинг 50 % дан ортиғи бурунда ушланиб қолишини тасдиқлаган. Оғиз орқали нафас олганда эса, барча чант тўғридан-тўғри томоққа ва ундан ҳам ичкарироққа ўтиб, нафас йўлларига тушади ва у ерда бир қанча касалликлар ривожланишига сабаб бўлади.

Ҳавонинг иситилиши. Бурун йўлларидан ўтаётган совуқ ҳаво оқими исийди. Совуқ ҳаво бурундан ўтиш пайтида бурун шиллиқ пардасида жойлашган уч шохли нервнинг охирги сезувчи шохчаларини қитиқлаб, олинган ахборотлар узунчоқ миядати марказларга узатилади, шундан сўнг бурун шиллиқ қаватидаги қон томирлар рефлектор тарзда кенгайиб, қон келиши ва иссиқлик кўпаяди, натижада совуқ ҳаво исийди.

Ҳавонинг намланиши. Ўтаётган ҳаво бурун бўшлигини қопланган шиллиқ парда ишлаб чиқарадиган шира (секрет) билан намланади. Шиллиқ пардадаги безлар, лимфа системаси шира ишлаб чиқаради (рефлекс йўл билан). Бундан ташқари, бурунга тушадиган кўз ёши суюқлиги ҳам ҳавони намлашда катта аҳамиятга эга.

Ёш болалар (4 ва 10 кг оғирликда) бир соат ичидаги $1,3 \text{ см}^3$ (ҳар бир кг оғирлик ҳажмига нисбатан), 10 кг дан 40 кг оғирликдагилари $300-600 \text{ см}^3$ суюқлик ишлаб чиқаради. Катталар 500 дан 1000 см^3 гача суюқлик ажратади. Бурун суюқлиги ишқорсимон бўлиб, водород ионлари (заррачалари pH) 7,0 га яқин бўлади.

Зарарсизлантириш вазифаси. Бурундан нафас олганда ҳаво билан турли хил микроблар (бактериялар) тушиб, улар зарарсизлантирилайди. Маълумки, шиллиқ пардадаги безлар ишлаб чиқарадиган суюқлик (секретлар)да микробларни парчаловчи, яъни нобуд қилувчи моддалар (муцин, лизоцим) бўлиб, улар муҳим вазифани бажаради.

Демак, ҳаво бурун бўшлигидан ютқинга ҳар хил микроблардан тозаланиб ўтади. Бурун бўшлифи тутун ва ҳар хил кимёвий зарарли моддалар таъсирини ҳам бирмунча бетараф қиласди.

Ҳид сезиш хусусияти. Ҳид сезиш фақат нафас йўлларига ҳаво билан кирадиган моддалар сифатини назоратга олиш учунгина эмас, балки шу билан бир қаторда, овқат ҳазм қилиш йўлларига тушадиган овқат ва суюқликлар мазаси ва сифатини аниқлаш учун ҳам керак. Буни бурун бўшлигидаги ҳид сезувчи нерв толалари амалга оширади, уларни қитиқлашда ҳидли молекулалар асосий ўринни эгаллайди.

Ҳидни тўғри аниқлашда – ҳаво ҳарорати, намлиги ва марказий нерв системаси фаолияти катта ўрин тутади.

Ҳидли нарсаларнинг молекулалари ҳид сезиш жойига, бурун билан нафас олганда бурун ёки оғиз бўшлиғидан ўтган ҳаво эса бурун-ютқин бўшлиғи орқали хоанага ўтиб боради. Болаларда ҳид сезиш хусусияти катталарга нисбатан кам ривожланган.

Буруннинг ҳид сезиш хусусиятини тушунтирувчи қўйидаги назариялар мавжуд:

1) кимёвий назария (Цваардемакер назарияси). Ҳидли моддалар молекулалари ҳид сезувчи нерв тўқималарини қоплаб турувчи бурун суюқликларига сингиб (шиимилиб), шу нерв толалари билан ўзаро алоқада бўлиб, ёфра ўхшаш модда (липоид)да эрийди. Ниҳоят нерв толаларини қўзғатиб, ҳид сезиш анализаторининг мия қобиги – мағзига ўтиб, ҳид сезиш вазифасини бажаради.

2) физик назария (Гейнинкс назарияси). Атом молекулалари билан бутунлай тўйинмаган эритмалар одоривекторлар деб аталади.

Одоривекторлар тебранишни тарқатиб, кучли тўлқин тезлигига ҳид сезиш рецепторларига узатилади ва уларни қўзғатиш натижасида ҳид сезилади.

3) физик-кимёвий назария (Мюллер назарияси). Бу назарияга асосан, ҳид сезиш рецепторлари ҳидли моддаларнинг электрокимёвий таъсирида қўзғалади.

Одамларга нисбатан ҳайвонлар ҳидни яхши сезади. Масалан, кучукларда ҳид сезиш қобилияти 10 000 барабар кўп, чунки уларда ҳид сезиш катта аҳамиятга эга.

Ҳид сезишнинг пасайиши гипосмия, бутунлай йўқ бўлиши аносмия, йўқ нарсалар ҳидини сезиш паросмия деб аталади.

Резанаторлик вазифаси. Бурун ҳамда бурун-ҳалқум бўшлиқлари товуш резонаторлари вазифасини бажаради. Уларда ҳавонинг тебраниши товушни кучайтиради. Ҳар бир одамнинг ўзига хос товуш оҳангига ва тембри бор. Бурун битиб қолганда товуш ўз оҳангига ва тембрини йўқотади, бунда манқаланган товуш чиқади, бундай ҳолат ёпиқ манқалик дейилади. Агар танглай чодири кўтарила олмай фалажланса, товуш талаффузи вақтида ҳалқум очиқ қолади, бунда нутқ товушлари бурундан чиқиб кетаётгандек бошқачароқ оҳангда бўлади, буни очиқ манқалик дейилади.

Чирой вазифаси. Бурун инсонга чирой бағишлиайди. Турли хил жароҳатлар ёки туғма нуқсонларда бурун шаклини тикиш учун жарроҳлик усули қўлланади.

Бурун орқали нафас ололмаслик ёки бундай нафас олишнинг издан чиқиши ҳид сезиш фаолиятига ҳам таъсир этади, натижада бу бир қатор касб эгалари, айниқса кимё ва озиқ-овқат саноатида

ишлийдиганларнинг иш фаолиятига таъсир қилиши мумкин. Бурун орқали нафас олиш бузилса ёки нафас олиш мумкин бўлмаса, нафас йўлларининг қўйи қисмларида қатор касалликлар келиб чиқади. Оғиз орқали нафас олганда болаларнинг жисмоний ривожланишида бир қанча ўзгаришлар, чунончи: кўкрак қафаси ва юз суяқ қисмининг нотўри ривожланиши, тишларнинг қинғир-қийшиқ ўсиши ва ҳоказолар қайд этилади. Бурундан нафас олиши бузилиши натижасида бурун ёндош бўшлиқларида, ўрта қулокда ҳамда ўпкада ҳаво алмашинувининг бузилиши, қон таркибида физик-кимёвий ўзгаришлар кузатилади. Юрак фаолиятининг пасайиши мияда қон айланишининг бузилишига олиб келади.

БУРУННИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Беморни текшириш учун аввало унинг шикоятини тинглаш, шундан сўнг бурун ва унинг бўшлигини ташки томондан кўздан кечириш зарур.

Бемор хасталиги тўғрисидаги маълумот (ёш болаларда – ота-онасидан олинади) касалликни аниқлашида катта аҳамиятга эга. Касаллик қандай шароитда, нима сабабдан бошланган ва қандай кечган – шулар тўғрисида аниқ маълумотлар олинади. Бундан ташқари, айниқса болаларнинг ўсиши, ривожланиши ва эпидемиологик шароит ҳақидаги кўрсатмалар ҳам ҳисобга олинади.

Бола қандай шароитда туғилганлиги, оиласида ирсий ва аллергияга оид касалликлар ҳақидаги маълумот ҳам катта ўрин тутади.

Ниҳоят, диққат билан тўғри йифилган маълумотлар касалликни аниқлашда ва келажакда қандай даволаш йўлларини танлашда катта ёрдам беради.

Беморни текширганда унинг ҳароратини ўлчаш, бурун ва ёндош бўшлиқлари атрофидаги тери ҳолати, кўз соққаси ва унинг атрофидаги тўқималарда ўзгариш бор-йўқлигини кузатиш зарур. Беморни ташки томондан кўздан кечирганда бурун даҳлизига катта эътибор бериш керак. Бунинг учун бурун уничи бир оз юқорига кўтарилади ва шу вақтнинг ўзида bemor бошини ўнг ва чапга қайриб кўрилади.

Ташки текширишдан асосий мақсад, бурунда жароҳатланиш аломатлари бор ёки йўқлиги, буруннинг юмшоқ қисмидан ташқари, унинг суяклари ҳам шикастланганлиги ҳақида маълумот олишdir.

Бурун бўшлиғи бурун кенгайтиргичлар ёрдамида унинг олдинги тешиклари орқали текширилади. Бу олдинги риноскопия дейилади (49, 50, 51-а, б расмлар), баъзан ёш болаларда қулоқни кўрадиган воронкадан фойдаланилади.



49-расм. Бурунни кенгайтирувачи асбоб.



50-расм. Олдинги риноскопия.

Бунда сунъий ёруғлик манбаи ва ботиқ рефлектор — нур қайтаргич (ёруғликни тўплаб қайтарадиган асбоб) қўлланади. Ёруғлик манбаи bemornining ўнг томонига ўрнатилиши лозим (қулоқ супрасита яқин). Кенгайтиргич учини очмаган ҳолда уни чап кўлда тутиб, бурун тешникларига суқилади, аста-секин бурун бўшлигини кўриб бўладиган даражада кенгайтирилади ва рефлектордан тушаётган ёруғлик билан



51-расм. Олдинги риноскопияда бемор калласининг ҳолати. а— бурун бўшлигининг пастки йўли ва чиганоқни кўриш; б— бурун бўшлигининг ўрта йўли ва чиганоқни кўриш.



52-расм. Бурун бўшлигининг орқа қисмини кўриш — орқа риноскопия.

бурун бўшлиғи ёритилиб, у ердаги ўзгариш кузатилади.

Бу усулда бурун бўшлиғининг олдинги қисми текширилади. Бурун тўсигининг пастки қисмлари, пастки чифаноқ ва унинг йўли, шунингдек бурун тўсигининг юқори қисмлари, ўрта йўллари ва чифаноқлари ҳам кўздан кечирилади. Бунинг учун бемор бошини бир оз орқа ва тегишли томонга бурилади.

Охирги йилларда бурун бўшлиғини микрориноскопия (микроскоп остида текшириши) ва толали оптика (риноскоплар ёки эндоскоплар) ёрдамида текшириш амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Бурун бўшлиғининг орқа қисмларини ҳамма вақт ҳам юқорида кўрсатилган усулда текшириб бўлмайди. Бундай ҳолларда буруннинг орқа қисмларини ҳалқум орқали кўздан кечириш лозим, яъни орқа риноскопия қўлланади (52-расм). Бунинг учун тилни шпатель (тилни босиб туриш учун ишлатиладиган қошиқча) билан пастга босиб, иситилган кичкина ойначани оғиз орқали юмшоқ тантгайнинг орқа томонига киритилади, унга рефлектордан нур туширилиб, бурун бўшлиғининг орқадаги бўлимлари ва ҳалқумнинг юқори қисми текширилади.

Ойнача орқали хоана ва уни иккига бўлиб турувчи димоф суюги кўздан кечирилади. Хоанада пастки, ўрта ва баъзан юқори чифаноқларнинг орқа учларини кўриш мумкин. Булардан ташқари, юмшоқ тантгайнинг орқадаги сатҳи, ҳалқум гумбази, эшитув найининг ҳалқумга очилган тешникларини ҳам кўздан кечирилади. Ёш болалар ва ўсмирларда бурун-ҳалқумнинг орқа деворида жойлашган лимфоид тўқиманинг муртак ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин (53-расм).

Агар ёш болаларда ойнача орқали бурун бўшлиғининг орқа бўлимини кўриш мумкин бўлмаса, унда кўрсаткич бармоқ билан текшириб кўрилади (54-расм).



53-расм. Орка риноскопиянинг кўриниши.
1—тилча; 2—пастки чиганоқ; 3—ўрта чиганоқ; 4—учинчи муртак; 5—димог; 6—эшитув найи атрофидаги лимфоид тўқималар.



54-расм. Бурун-ҳалқумни бармоқ билан текшириши.

Бола текширувчининг бармоғини тиішлаб олмаслиги учун чап құлнинг күрсаткыч бармоғи боланинг лунжи устидан, унинг жағлари орасига ботириб турилади, шундан сүңг үнг құлнинг күрсаткыч бармоғи билан текширишга киришилади.

Баъзан бурун бўшлиғини текширишда у ерда йигилиб қолган шилимшиқ моддалар, йиринглар ва қатқалоқлар халақит бериши мумкин, бу ҳолда бурун бўшлиғини тозалаб, кейин кўриш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган текшириш усуllibаридан олинтан маълумотлардан сўнг, бурун бўшлиғини текшириш учун пахта ўралган зонд (найча) билан шиллиқ парданинг заифлик ва зичлик даражаси, яллиғланиш натижасида бурун бўшлиғидаги тўқималарда ёки ўсмаларда қандай ўзгаришлар борлиги ҳамда улар қайси ҳолатда эканлиги аниқланади.

Бурун бўшлиғининг ҳаво ўтказувчанлик хусусиятини аниқлаш. Бунинг учун бемор бурнининг ҳар бир тешиги орқали алоҳида-алоҳида чуқур нафас олиб, нафас чиқаришга мажбур этилади. Агар буруннинг ҳаво ўтказувчанлиги яхши бўлса, унинг ҳар қайси тешигига яқинлаштирилган юмшоқ пахта толалари сезиларли даражада тебранади.

Буруннинг ҳаво ўтказувчанлик фаолиятини аниқ текшириш усули – бу ринопневмометриядир. Бурун бўшлиғидаги ҳаво қаршилиги сувли монометр билан ўлчанади. Текшириш усули 3–4 марта ҳаво юбориш ва сўриб олиш орқали олиб борилади. Соғлом болаларда иккала бурун бўшлиғидаги күрсаткыч 6–8 мм сув босимига тўғри келади. Сўнгги йилларда амалиётга ринопневмометрларнинг компютерли хиллари кириб келмоқда, улар дастлабки босқичларда бурундан нафас олиш бузилишларини билиш имкониятини беради.

Буруннинг ҳид сезиш хусусиятини аниқлаш учун турли усуllibар қўлланади. Ёш болаларга кўпинча уларга маълум бўлган хушбўй нарсалар ҳидлатилади.

Ўўмирлар ва катта ёшдагиларнинг ҳид сезиш хусусиятини текшириш учун 0,5 % ли сирка кислота, вино спирти, камфора ёни, новшадил спирти ва бошқалардан фойдаланилади.

Беморнинг ҳид сезиш қобилиятынин текширишда, буруннинг бир тешиги бармоқ билан беркитиб турилади, очиқ бурун тешиги орқали турли эритмаларга намланган пахта ёки фильтр (сузгич) қофози ҳидлатилади. Синаш учун дастлаб кучсиз ҳидга эга бўлган эритмалар қўлланади.

Буруннинг ҳид сезиш қобилияты маҳсус аппарат – ольфактометр ёрдамида ҳам текширилади. Бурун шиллиқ пардасининг барча ўткир ва

сурункали яллиғланиш касаллуклари ва бурун орқали нафас олишни қийинлаштирувчи барча анатомик нұқсонларда ҳид сезиш даражаси бузилади, бундай ҳолат умрбод сақланиб қолади ёки вақтинга давом этади. Нафас олганда ҳаво ўтишига түсқинлик қиласынан бурундаги катта анатомик ўзгаришлар, ҳаводаги ҳидли моддаларнинг ҳид сезув жойига бориб ета олмаслиги туфайли бемор ҳид сеза олмаслиги мүмкін. Баъзан мия жароҳатланганида ва турли мия касаллукларида ҳам бемор бутунлай ҳид сезмайди.

Бурун бўшлиғидаги ҳилпилловчи эпителial тўқима ҳарачатчанигини аниқлаш учун, албатта бурун бўшлиғи (шиллиқ парда)га индикатор модласи (кимёвий) суртилади ва унинг ютқинга ўтган вақти ҳисобланади. Кимёвий модда ютқин шиллиқ пардасига 20 минутдан 30 минут орасида ўтса биринчи даражали, 30–60 минутда ўтса – иккинчи даражали ва 60 минутдан кўпроқ вақт давомида ўтса – учинчи даражали ҳаракатланиш деб ҳисобланади.

Бурун ва ёндош бўшлиқларидаги турли патологик ҳолатларни ўрганишда, шиллиқ ажралма таркибидаги водород иони микдори (pH) аниқланади. Бунда калориметрия усули қўлланади. Индикаторли қофоз бўлаги пастки бурун йўлига қўйилиб, 10 секунддан сўнг олинади ва унинг ранги ўзгарганлиги марказий индикатордаги рангли чизиқлар билан таққосланади ҳамда pH нинг қанчага ўзгарганлиги топилади.

Соғлом болаларда бурун шиллиқ ажралмаси бир оз ишқорий бўлиб, pH 7,0 га яқин бўлади. Лекин бурун ва ёндош бўшлиқларининг турли касаллукларида pH нормадан юқори бўлади.

Бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг суюқлик ишлаб чиқариш хусусиятини текшириш учун бурун катакларига куруқ пахта қўйиб (ҳар икки томонга), бир минутдан сўнг пахтанинг намлиги текширилади. Агар пахтанинг усти озгина нам бўлса, бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг суюқлик ишлаб чиқариши меъёрий ҳисобланади, пахта куруқ бўлса, бу хусусият пасайгани ёки пахтанинг ҳаммаси нам бўлса, кучайганини кўрсатади. Кўз ёшининг бурун бўшлиғига ўтиш хусусиятини аниқлаш учун кўз ёши йўлини ва бурун бўшлиғини текшириш зарур. Бизга маълумки, кўз ёши йўли бурун бўшлиғининг пастки йўлига очилади. Шу ер ёки пастки чиганоқдаги ўзгаришлар ҳам кўз ёшининг бурун бўшлиғига ўтишига халақит беради ёки уни бутунлай ўтказмай қўяди.

Кўз ёши йўлининг ўтказувчанлик хусусиятини текшириш учун кўзга 1–2 % ли проторгол зритмасидан бир неча томчи томизилади ва беморга

бир неча бор кўзини тез-тез очиб юмиши буюрилади. Агар кўзга томизилган эритма 30 секунд орасида кўз жиягидан йўқолса, кўз ёши йўлининг ўтказувчанилиги яхши ҳисобланади. 30 секунддан кечроқ йўқолса, унинг секинлашганлиги ёки ўтказиш хусусияти бутунлай йўқлигини кўриш мумкин.

Кўзга томизилган эритма бурун бўшлиғида 5 минут ичида пайдо бўлса, ижобий, бу вақтдан кеч пайдо бўлса, секинлашган, бурун бўшлиғида эритма пайдо бўлмаса, салбий ҳисобланади.

Бурун бўшлиғи рентген орқали текширилганда бурун сүяклари сингани, дарз кетгани ёки унда ёт жисмлар борлигини аниқлаш мумкин.

БУРУН АТРОФИ БЎШЛИҚЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Ташқи текширишда албатта кўз косаси атрофи ва юқори жағ тишлари (чириган тишни аниқлаш)га эътибор бериш зарур.

Шундан сўнг бурун ёндош бўшлиқлари маҳсус электр лампочкаси (диафанскопия) ёрдамида ёритиб кўрилади (55-расм). Бунинг учун хона қоп-қоронғи бўлиши шарт. Ёритувчи лампочка бемор оғизига киргизилади, шундан сўнг бемор лабларини юмганда оғиз ичидаги лампочка юзнинг иккала ярмини қизил қилиб кўрсатади. Агар оғиз ичидаги нур юзнинг иккала томонидан бир хилда ўтмаса, қоронгироқ кўринса (бир ёки иккала томондан), юқори жағ ёки ғалвирсимон бўшлиқларнинг касалланганини кўрсатади. Пешона бўшлиқларини текшириш учун лампочкани кўз косасининг ички бурчагига – пешона



55-расм. Диафанскоп.

бўшлигининг остки деворига босиб туриб, шу бўшлиқларнинг ёруғ ёки хиралашгани аниқланади.

Бурун ёндош бўшлиқларини рентгенда кўриш энг муҳим текшириш усулларидан ҳисобланади. Ҳар бир бўшлиқдаги ўзгаришни аниқлаш учун турли хил ҳолатда рентгенга туширилади.

Бундан ташқари, бурун ёндош бўшлиқларини компьютер томография йўли билан ҳам текшириб кўрилади. Бу усулда бўшлиқдаги яллиғланиш ва ўзгаришлар аниқ кўринади.

Томография ҳар бир қатламнинг оралиғи 1 см бўлган узокликда қилинади.

Кейинги пайтда фиброэпифарингоскопия (жарроҳликда ишлатиладиган микроскоп) орқали текширишлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, термография ҳам қўлланади.

Юқорида кўрсатилган текшириш усуллари орқали бурун ёндош бўшлиқларида бирор ўзгариш аниқланса, кейинчалик шу бўшлиқларни (кўпинча юқори жағ бўшлиқларини) маҳсус игна ёрдамида тешиб кўрилади. Бу йўл билан бўшлиқда йиринг ёки бошқа ўзгаришлар борлиги аниқланади.

Баъзан юқори жағ бўшлиғига контраст дори (йодолипол) эритмасини юбориб текширилади. Болаларда маҳсус игна ёрдамида ғалвирсимон бўшлиқни санчиб тешиб кўриш мумкин. Пенона бўшлигини маҳсус полизтилен катетер орқали зондлаб текширса бўлади.

БУРУННИНГ ТУФМА НУҚСОНЛАРИ

Ҳозир тиббиёт фани жадал ривожланишига қарамай, бурун туфма нуқсонларининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш оғир масалалардан бўлиб қолмоқда. Кўпчилик олимлар буруннинг туфма нуқсонларига эмбрионал даврда ҳомила ривожланишининг бузилиши сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар. Туфма нуқсонлар келиб чиқишида ташқи ва ички муҳитнинг таъсири катта ўрин тутади. Ички муҳит таъсирида, асосан, ирсиятнинг аҳамияти катта. Бунда авлоддан-авлодга ўтувчи ирсий ўзгариш ва хромосомалар ўзгариши кузатилади. Ҳар қандай ирсий ўзгариш турли физик ва кимёвий таъсиrlар остида ривожланади.

Буруннинг туфма нуқсонлари кам учраса ҳам, уларга буруннинг бутунлай ёки тўлиқ бўлмаслиги, иккита бурун бўлиши, буруннинг иккига ажralиши, буруннинг бир ёки икки томонлама бўлмаслиги, оқма яра, киста (бўшлиқ) ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин (56-расм).



56-расм. Ўнг бурунга кириш қисмининг нуқсони: чал томондаги иккита бурун тешиги.

БУРУН БЎШЛИФИДАГИ ТУГМА НУҚСОНЛАР

Бурун чиганоқларининг ҳаддан ташқари катта ва чегараланган бўлиши (суюк қисми), фалвирсимон бўшлиқнинг пуфаксимон (буллезли) ўзгариши, бурун чиганоқларининг иккига бўлинган ҳолда бўлиши, бурун тўсифининг тугма нуқсонлари (суюк ва тоғай қисмida), чақалоқларда хоананинг бутунлай ривожланмай қолиши (атрезия) киради. Баъзан хоананинг бундай ҳолати бурун бўшлиғи ривожланмаслиги билан бирга учраши мумкин. Маълумотларга кўра хоана кўпроқ қиз болаларда бутунлай ривожланмаган бўлиб, баъзан бир ёки икки томонлама рўй беради. Хоананинг суюк, тоғай ёки иккала қисми ҳам ривожланмаган бўлиши мумкин. Хоана икки томонлама ривожланмагандага боланинг товуши ўзгарган (манқаланган) бўлади, бу

нуқсон бола туғилиши билан күзга ташланади. Болада нафас олиш бузилиб, унинг лаблари, тирноқлари күкариб, бурнидан қуюқ шиллиқ модда ажралиб туради. Шиллиқ моддадан тозаланғандан сұнг ҳам бола бурнидан нафас ооломайды. Агар бу ҳолат ўз вақтида аниқланмаса, боланинг ўпкасига эмган сути кетиб қолиб, зотижамдан ўлим юз бериши мүмкін.

Хоананинг түфма нуқсонини аниқлаш учун бурунга резина ёки темир найча киргизилади, шунда найча бурун-ютқин ва оғизга ўтмайды. Бурун бўшлиғига рангли суюқлик эритмаси томизилганда, у бурун бўшлиғидан бурун-ютқинга оқиб тушмайды. Бундан тапқари, хоаналарни бармоқ билан ҳам текшириш мүмкін.

Касаллик, яъни туғма нуқсонни аниқлагандан сұнг, жарроҳлик йўли билан дарҳол хоанани очиш ва унинг ҳаво ўтказувчалигини тиклаш зарур. Кўпинча бурунда учрайдиган түфма нуқсонлар боланинг бошқа аъзоларидағи туғма нуқсонлар билан бирга кузатилади (масалан, юмшоқ ва қаттиқ танглай нуқсони билан юқори лаб нуқсони ва б.).

Юқорида айтиб ўтилган туғма нуқсонлар фақат жарроҳлик йўли билан тикланади. Оғир бўлмаган, оддий ва кенг қўлланадиган жарроҳлик усулида буруннинг оқма яраси ва дермоидли (тери касаллиги) кисталар даволанади. Бу хасталиклар эмбрионал ўсишда эпителий тўқимаси ривожланишидаги бузилишлар оқибатида юзага келади. Киста (суюқлик билан тўлган бўшлиқ), одатда бурун сүяклари тогайлари билан бириккан қисмининг тери остида ривожланади. Кўпинча киста оқма яра ҳолатида кузатилади ва аксарият ундан соч ўсиб чиқиши мүмкін. Киста атрофидаги сүякларни эзиши натижасида улар юпқалашиб, кейинчалик бурун шаклини ўзгартириб юбориши мүмкін. Болаларда жарроҳлик усулини кичик ёшда ўтказиш лозим чунки бу ёшда яхши косметик натижаларга эришилади, яъни юз сүягининг нотўғри ривожланиши ва бошқа нуқсонларнинг олди олинади.

ТАШҚИ БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИ БУРУН ЧИПҚОНИ

Кўпинча умумий чипқон билан бирга кечадиган бу хасталик, бурун даҳлизидаги ёғ безлари йўллари ҳамда тук халтачаларига тирнаб киритилган инфекция оқибатидир.

Бурун чипқонига айрим умумий хасталиклар – қандли диабет, моддалар алмашинувининг бузилиши, гиповитаминоз ва бошқалар сабаб бўлади. Баъзан бурун чипқони қанд касалитининг биринчи белгиларидан бўлиши мүмкін. Айрим ҳолларда нафақат бурун, балки инсон гавдасининг бошқа соҳаларига ҳам чипқон чиқиши мүмкін. Бурун чипқонида тукчалар тутунчасини ўраб турувчи тўқималар яллиғланиши натижасида майда вена қон томирларида қон ивиш (тромбоз) ҳолати

кузатилади. Бунинг оқибатида оғир мия асоратлари ривожланиши ва қон заҳарланиши (сепсис) мумкин. Агар 2–3 чипқон бир-бирига күшилса, чипқон бийи (карбункул) ҳосил бўлади, унда маҳаллий ва умумий яллигланиш жараёни кучаяди ва оғир кечади.

Касаллик аломатлари. Бурун учи ёки бурун қанотлари қаттиқ қизаради, таранглашади, кўл теккизилса оғрийди. Юз ва унинг атрофи қизариб шишади. Бурунни кўздан кечирганда, конуссимон бўртиш ва чегараланган қизаришни кўриш мумкин. Бир неча кундан сўнг бўртма учиди оқ-сариқ йирингли қопча пайдо бўлади ва шу жойда йиринг йигилади. Бемор оғирлашиб, уни қаттиқ бош оғриги ва гавда ҳароратининг юқори даражага кўтарилиши безовта қиласди.

Касаллик маҳаллий кўрсаткичлар ва унинг ривожланишига қараб аниқланади.

Даволаш. Бурун чипқони енгил кечса ва bemorning умумий аҳволи қониқарли бўлса, даволаниш одатдагидай консерватив усулда олиб борилади. Bemorga турли антибиотиклар, сульфаниламидлар берилиб, чипқон атрофини борат спирти билан артиб, турли малҳамли дорилар суртилади. Агар чипқон атрофидаги бўртма – шиш катталашиб, bemorning умумий аҳволи оғирлашса, даволаш усули анча ўзгартирилади. Бунда антибиотикларни катта миқдорда тайинлаб, қон томирга гемодез, метрогил, уротролин дорилари юборилади.

Бурун чипқони ва абсцессини даволаш самарадорлигини ошириш учун тиббиёт зулукларидан кенг фойдаланилмоқда (гирудотерапия). Ушбу усул билан даволанганда касалликнинг клиник кечиш даври қисқариб, оғир асоратларнинг олди олинади.

Чипқонни сиқиши мутлақо ман этилади. Агар йиринг йигилган бўлса, унинг ўзи ёрилишини кутмасдан туриб, ярани ёриш керак.

Хасталик чўзилса, у аутогемотерапия қилинади (bemorning қон томиридан олинган қонни ўзига юбориш). Бундан ташқари, УВЧ, кварц лампаси, лазер нурларини кўллаш мумкин.

БУРУН САРАМАСИ

Сарамас кенг тарқалган, юқумли хасталик бўлиб, терининг яллигланишидир, бурунда бирламчи касаллик сифатида кам учрайди, лекин кўпинча иккиласми касаллик тариқасида юз терисида яллигланиш кузатилиши мумкин.

Сарамас гавда ҳароратининг кўтарилиши ($38-40^{\circ}$), совуқ қотиш, бош оғриши, умумий ҳолатнинг ёмонлашуви билан бошланади. Тананинг айрим қисмидаги лимфа тугунлари катталашади, тери қизарган бўлиб, соғлом теридан кескин ажралиб туради. Баъзан терида пуфакчаларни кўриш мумкин. Яллигланиш бурун даҳлизи терисидан бурун бўшлигининг шиллиқ қаватига ҳам ўтади.

Касалликни аниқлаш унчалик қийин эмас.

Даволаш. Турли антибиотиклар, сульфаниламид дорилар кенг күлланади. Яллиғланган жойни кварш билан нурлатиш, турли тоза ёғли боғламлар боғлаш мүмкін.

БУРУН ДАҲЛИЗИ ЭКЗЕМАСИ (ЧИЛЛА ЯРА)

Бу хасталик кўпинча сурункали тумов, бурун ёндош бўшлиқларининг йирингли яллиғланиши ва ҳалқум касалликлари билан бирга кечади. Тез-тез бурун қоқиш ва артиш, шунингдек, бурунни бармоқ билан ковлаш касалликнинг узоқ чўзилишига сабаб бўлади. Касаллик ўткир кечганда бурун даҳлизининг қизарганлиги, терисининг бир оз шишганлиги ва пўст ташлаганлиги, баъзан майда-майдага пуфакча, қатқалоқлар пайдо бўлганлиги кузатилади. Бурун даҳлизи бурчакларида кучли оғриққа сабаб бўладиган ва атрофи яллиғланган ёриқлар пайдо бўлади ва кучли қичима билан кечади.

Айниқса экссудатли диатезда, яъни бола организмининг касалликларга мойиллик ҳолати пайтида бурундан тўхтовсиз оқадиган суюқлик таъсирида юқори лаб ва оғиз бурчаклари чилла яра билан тезроқ заарланади. Юқори лаб бир оз шишган, тангача шаклидаги қатқалоқлар билан қопланган, баъзан майдага пуфакчалар пайдо бўлиб, булар тезда ёрилади ва яра пайдо бўлади.

Касаллик сурункали кечганда, яллиғланиш аломатлари бурмунча камроқ кўзга ташланали бурун даҳлизи зич жойлашиб олган қатқалоқлар билан бутунлай қопланади.


Бурун даҳлизида узоқ вақт давом этган бу хасталик, шу жойда инфекция ривожланиши натижасида чипқон, сарамас касалликларининг иккиламчи бўлиб ривожланишига олиб келади.

Даволаш. Йирингли ажралма билан кечадиган бурун, унинг ёндош бўшлиқлари касалликларини йўқотиш лозим. Болаларда учрайдиган аденоидларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш тадбирлари касалликни йўқотиш ва боланинг тузалиб кетишида катта ёрдам беради. Баъзан беморга таркибида темир бўлган дорилар, турли витаминалар, балиқ мойи бериш мақсадга мувофиқдир. Махаллий даво, бурундаги қатқалоқларни чиқариш (кўчириш) ва бурун терисини тозалашга қаратилиши зарур. Бунинг учун бурунга бирор ўсимлик мойи ёки салицил малҳами ишлатилади. Шундан сўнг заарланган жойга борат, цинк, оқ ёки сариқ симоб малҳами суртилади.

БУРУН ЖАРОҲАТИ

Эндиғина юра бошлаган, шунингдек, спорт билан шуғулланувчи болаларда жароҳатланиш кўп қайд этилади. Бунда буруннинг суяқ ва тогай қисми, бурун тўсиғи ҳам шикастланади. Юқоридаги ҳолатларнинг

келиб чиқиши – жароҳатлантирувчи кучнинг ҳолати ва унинг йўналишига боғлиқ. Қаттиқ жисм билан буруннинг олдинги томонидан тикка урилса, бунда бурун сүяклари ажралиб кетади ва натижада бурун чўкиши мумкин. Зарб буруннинг ён томонидан тушса, бурун сүяклари пешона тўсигидан ажралиб, ташқи бурун бир томонлама қийшайиб қолади (57-расм).



57-расм. Бурун сүякларининг синиши. 1 – бурун тўсиги; 2 – бурун сүяклари; 3 – пешона сүяк ўсиқчаси.

Зарб кўпроқ бурун тўсигига тушса, унда унинг тоғай ва сүяк қисми қийшайиши мумкин. Катта ёшдаги болаларда кўпинча бурун сүякларининг тўлиқ синиши ёки силжиши кузатилади. Шикастланиш натижасида бурун тўсигига гематома (қон йигилиши) ёки абсцесс асорати ривожланиши мумкин.

Шикастланиш белгилари: лат еган соҳала қаттиқ оғриқ, бурундан қон кетиши, нафас олишнинг бир ёки икки томонлама бузилиши. Қон бир оз вақтдан сўнг ўз-ўзидан тўхташи мумкин. Бурунни қаттиқ қоққанда тери остида шишнинг пайдо бўлиши, яъни ҳаво йигилиши (эмфизема) бурун шиллик қавати ва ғалвирсимон лабиринт жароҳатланганидан дарак беради. Бурунни пайпаслаб кўрганда оғриқ зўрайиб, сүяклар синганлиги (қисирлаши) аниқланади.

Олдинги риноскопия қилиб кўрилганда, бурун бўшлиғига қандай жароҳатланиш борлиги аниқланади, алоҳида бурун тўсигининг ҳолатига эътибор берилади. Албатта рентген текширувларини ўтказиш (икки ҳолатда) шарт.

Бемор хушсиз (шок ҳолатида) бўлса, қон оқиши давом этса ёки бурундан рангсиз суюқлик оқиб турса, унда бош суягининг ўзаги синган бўлади.

Даволаш. Бурун сүяклари синиб, жойидан силжиган бўлса, bemor бурни орқали яхши нафас ололмаса, синган сүяклар (бурун сүяги, юқори жағ суягининг пешона ўсиғи)ни ўз ўрнига кўйиб, баъзан олдинги тампонада қилишга тўғри келади. Агар бурун тўсиги қийшайган бўлса, уни ўз ҳолига келтириб, сўнгра икки томонлама олдинги тампонада қилинади. Тампонлар фақат қонни тўхтатиш учун эмас, балки

си ниқларни қўйилган жойидан силжитмай тутиб туриш учун ҳам қўйилади.

Буруннинг суюк ўзаги маҳсус асбоб ёки қўл ёрдамида тўғриланади. Агар бурун ичкарига кирган (ботган) бўлса, у ҳолда ажраткич (распатор) ёки Микулич қисқичига дока ёки пахта ўраб, бурун бўшлиғига киритилади ва суюк бўлакчалари кўтарилади. Буруннинг суюк ўзаги қаттиқ жароҳатланган ва у бир томонга қараб силжиган бўлса, қўл ёрдамида тўғриланади. Бунинг учун иккала қўлнинг бош бармоқлари ёрдамида ташқи томонга силжиган суюк суриб тўғриланади (58-расм).

Бурунни қоллаб турувчи тери тўқималари жароҳатланган бўлса, дастлаб қоқшол касаллигига қарши зардоб юборилади. Ярани тозалаб, тикилади.

БУРУН ТЎСИФИ ГЕМАТОМАСИ ВА АБСЦЕССИ

Бурун ташқи томондан жароҳатланганда, кўпинча бурун тўсифининг тоғай уст пардаси остига қон қўйилиб, гематома пайдо бўлади. Бир неча кундан сўнг бемор бурнидан яхши нафас ололмай, бурун тўсифининг тоғай қисмида шиш пайдо бўлади, пайпаслаганда лиқиллайди, игна санчиб кўрилганда қорамтирилди.

Даволаш. Агар қон камроқ қўйилса, игна санчиб, қон сўриб олинади ва у ерга антибиотик эритма юборилади, сўнгра бурун тўсифини пахта ёки дока қўйиб сиқиб қўйилади. Юқорида кўрсатилган тадбирлар ёрдам бермаса ёки ҳаддан ташқари катта ҳажмда гематома бўлса, кўпинча уни ёришга тўғри келади. Ярага турли антибиотик эритмалар қўйилади. Агар гематомага бирор микроб тушиб қолса, у ерда йирингли яллигланиш ривожланиб, кейинчалик фасод ёки абсцесс лайдо бўлади. Бунда bemornинг гавда ҳарорати кўтарилиб, бош оғриғи, титраш ва бурундан нафас олишнинг бузилиши кузатилади. Яллигланиш аломатлари бурун даҳлизи, юз ва кўз атрофига тарқалиши мумкин. Баъзан яллигланиш қон ва лимфа томирлари орқали мия ичи асоратлари (менингит, синусда қон ивиши, мия абсцесси ва б.)ни бериши мумкин.



58-расм. Бурун суюгининг ўзаги бир томонга қараб қийшайганда уни қўл бармоқлари билан тўғрилаш.

Бурунни текширганда бурун бўшлиғига туртиб чиққан халтасимон, тўқ қизил рангли шишни кўриш мумкин, унга тўмтоқ темир сим билан тегиб кўрилса, унинг уни ботиб кетади. Игна санчиб кўрилганда йиринг чиқади.

Даволаш. Абсцессни зудлик билан ёриш шарт, баъзан икки томонлама кесиш мумкин, уни бир-бирининг тўғрисидан эмас, балки бир-биридан қочиброқ кесилади. Сўнгра у ерга турли дори эритмаларига шимдирилган (бинтдан қилингган) пилик ҳамда бурун бўшлиғининг олдинги қисмига икки томонлама тампон қўйилади. Бундан ташқари антибиотиклар, сульфаниламид дорилар берилади. Баъзан касаллик ўз вақтида аниқланмаслиги ёки бемор мутахассисларга кеч мурожаат қилиши натижасида йиринг бурун тўсигининг тоғай қисмини чиритиб, емиради, бунда ташқи бурун кейинчалик эгарсимон ҳолатда бўлиб қолади.

БУРУН БЎШЛИГИДАГИ ёТ ЖИСМЛАР

Болалар бурун бўшлиғида ёт жисмлар кўп учрайди. Чунки улар бурунга ҳар хил майдага нарсалар (тугмачалар, золдирлар, қоғоз, пластилин, мева данаклари, писта ва б.)ни тиқадилар. Айрим ҳолларда, ёт жисмлар қусганда хоана орқали тушиши мумкин. Жарроҳлик вақтида ёт жисмлардан дока, пахта бурун бўшлиғида қолиб кетиши мумкин. Баъзан бурунга тушган ёт жисм узоқ муддат бурунда бўлганда, унинг атрофига тузлар чўкиб, уни ўраб олади, натижада худди тошга ўхшаш қаттиқ ҳосила – ринолит ҳосил бўлади. Улар турли хил кўриниш ва катталикда бўлади. Ёт жисмлар, аксарият буруннинг пастки йўлида жойлашади.

Ринолит ва текис ёт жисмлар ҳеч қандай оғриқ бермайди. Қиррали ёт жисмлар шиллиқ пардани жароҳатлантиради ва оқибатда сурункали йирингли яллиғланиш келиб чиқиб, бурундан кўланса ҳидли ажралма чиқа бошлайди. Айрим ҳолларда, шиллиқ қават шикастланиши натижасида ёт жисм атрофида янги тўқима – грануляциялар ўсиши мумкин. Бундай ҳолларда бурун тез-тез қонаб туради.

Касалликни аниқлашда беморнинг шикояти, риноскопия, баъзан рентген қилиш кагта аҳамиятга эга. Бола бир томонлама йирингли тумов билан оғриганда буруннинг шу томонидан сассиқ йиринг оқса, ёт жисм йўқмикан, деган шубҳа туғилади. Баъзан ёт жисм атрофида грануляциялар бўлса, ёт жисмни аниқлаш бирмунча қийинлашади.

Даволаш. Кўпинча ёт жисмни бурун қоқиши йўли билан чиқариш мумкин. Думалоқ, силлиқ ёт жисмлар турли илмоқли асбоблар ёрдамида олиниади, қисқич ишлатиш бутунлай ман этилади. Яесси нарсаларни илмоқ ёки пинциент ёрдамида олиш мумкин. Ёт жисмни олишдан олдин шиллиқ парда сезувчанлигини пасайтириш ёки вақтинчалик йўқ қилиш зарур.

Бунинг учун шиллиқ қаватга 2 % ли лидокаин, дикаин ёки кокайн эритмаси суртилади. Ёт жисмни олишда беморни қимирлатмай ушлаб туриш лозим. Агар ринолит катта бўлса ва бола муолажадан қўрқса, умумий оғриқсизлантирилади.

БУРУНДАН ҚОН КЕТИШИ

Бурундан қон кетиши маҳаллий ва умумий хасталиклар белгиси ҳисобланади. Қон кетишига баъзан умумий ва бурун бўшлиғидаги маҳаллий касалликлар сабаб бўлиши мумкин, буни аниқлаш қонни тўхтатишда катта аҳамиятга эга.

Умумий сабаблар: қон, юрак, буйрак, жигар касалликлари, қон босими кўтарилиши ва бошқалар киради. Бундан ташқари баъзи бир дори воситалари (гепарин, аспирин, дикумарин ва б.) қўлланилганда ҳам қон ивиишининг бузилиши оқибатида бурундан қон кетади.

Ёш болаларда турли юқумли касалликлар (грипп, ич терлама, қайталама терлама, қизамиқ, қизилча)да ва организм қизиб кетганда ҳам бурун тез-тез қонаб туради. Бундан ташқари авитаминоз ёки гиповитаминоз ҳолатларида, атмосфера босими кескин ўзгарганда, офтобда кўп юрганда (ультрабинафша нурлар таъсирида) бурун қонаши мумкин.

Маҳаллий сабаблар: бурун шикастланиши, бурунни бармоқ билан ковлаш, қотиб қолган қатқалоқларни кўчириш натижасида шиллиқ парданинг зарарланиши, бурундаги қонайдиган ўсма, шиш, атрофик тумов, озена ва бошқалар киради. Баъзан бурун ва унинг ёндош бўшлиқларида қилинган жарроҳликдан сўнг ҳам бурун қонаши мумкин.

Айрим ҳолларда, юзнинг суяқ қисми билан бирга бутун калла суяги жароҳатида ҳам бурундан қон оқиши кузатилади. Бунда фақат жароҳатланган вақтда эмас, балки бир неча кун ва ҳафта ўтгач қон кетиши мумкин. Бунга бурун бўшилигини таъминловчи қон шохобчалари, понасимон танглай ва ғалвирсимон артериялар жароҳатланиши сабаб бўлади.

Буруннинг энг кўп қонайдиган жойи — бурун тўсигининг бурун даҳлизидан тахминан 1 см ичкаридаги олдинги (Киссельбах) қисми ҳисобланади. Бурун чиғаноқларининг шиллиқ пардаси ёки буруннинг бошқа қисмлари кам қонайди.

Қон, одатда тўсатдан оқа бошлайди ва нима сабабдан эканини боланинг ўзи ҳам билмай қолади. Кўпинча, у ўзи-ўзидан тўхтайди. Бироқ, баъзан узоқ вақт давом этади. Айрим ҳолларда, қон кетишидан олдин бош оғриғи, қулоқда шанғиллаш, бош айланиши кузатилади ва бурунни қичиш билан қон оқа бошлайди.

Бурунга қон юқори нафас йўлларининг бошқа қисмларидан, ҳалқум, ҳиқилдоқ, кекирдак ҳамда ўпкадан келиши мумкин. Бурундан қон

кетгандың тоза бўлиб, ҳалқумнинг орқа деворидан оқади. Қон пастки нафас йўлларидан келаётган бўлса, кўпик аралаш бўлади. Бурундан қон оз, кўп микдорда ва меъёрида кетиши мумкин. Одатда, қон оз микдорда бурун тўсигидан кетиб, қисқа муддат ичидаги ўз-ўзидан тўхтайди. Тез-тез қайтганиб турадиган қон кетиши ҳолати, айниқса ёш болаларга салбий таъсир этади ва қонни тўхтатишда тезкорликни талаб қиласиди. Меъёрида қон кетиши катта ёшдагиларда кузатилиб, 200 мл дан кўп қон кетмайди. Қонни тез ва тўла тўхтатиш лозим.

Болаларда қон кетиши аниқланмаганда, қон ҳалқумдан қизилўнгач ва меъдага тушади, бола қуса бошлайди, натижада кўп қон йўқотилиши сабабли бемор аҳволи оғирлашади, баъзан унинг ҳаёти хавф остида қолади. Жароҳатланиш натижасида кузатиладиган кучли қон кетиши, ташки ва ички артериялар шохобчалари бўлган тантглай ёки кўз артериялари шикастланиши оқибатида қайд этилади ва тез-тез такрорланиб туради. Шу сабабли бош миянинг гипоксия (кислород билан таъминланишининг камайиши) ҳолати кузатилади. Бундай шароитда, bemорга зудлик билан қон қўйиш ва қон оқишини тўхтатиш зарур.

Қон оқишини даволаш усуслари. Даволаш тадбирлари қанча микдорда қон оққанлигига ва унинг сабабига қараб олиб борилади. Энг оддий усуслардан: бурунга 3% ли водород пероксид, адреналин ёки нафтазин эритмасига шимдирилган паҳта қўйилади. Баъзан қонаётган ер гальванокаутер билан куйдирилади ёки криоаппликатор билан музлатилади.

Юқорида кўрсатилган тадбирлардан ташқари, жароҳатта қон плазмаси (қоннинг суюқ қисми)га шимдирилган докали пилик ёки қон плазмасидан тайёрланган гемостатик булутча (губкалар), фибринли қопламаларни қўйиш, қон кетаётган жойнинг шиллиқ қавати остига 1–2 мл 1% ли новокайн эритмасидан юбориш мақсадтга мувофиқидир.

Бундан ташқари, bemорларга қоннинг ивии даражасини ошириш мақсадида, тури дориларни бериш (10% ли кальций хлорид ёки кальций глюконат, 12,5% ли дицинон ёки этамзилат, 5% ли аминокапрон кислота, 5% ли аскорбинат кислота, 1% ли викасол), қон қўйиш фойдалидир. Агар бурундан қон кетишига умумий касалликлар сабаб бўлса, қон тўхтатилгандан сўнг, уларни тегишли мутахассислар даволаши керак.


Юқорида кўрсатилган ва қилинган тадбирлар ёрдам бермаса, бурун бўшлигининг олдинги тампонадаси қилинади (узун энсиз дока тампон билан).

Бунинг учун тирсакли пинцет ёрдамида бурун бўшлигининг орқа қисмлари, пастки, ўрта йўллари ҳамда бурун даҳлизи зич қилиб тўлдирилади (59, 60-расмлар).


Агар олдинги тампонададан сүнг ҳам қон кетса, бурун бўшлигининг орқа тампонадасини қилишга тўғри келади. Бурун-ютқинта мос келадиган дока тампон олдиндан тайёрлаб қўйилади. Дока тампон кўндаланг қилиб, қаттиқ икки қават ип билан тушиб боғланади. Бунда ипнинг 3 та узун учи қолиши керак.



59-расм. Бурун корицангি.



60-расм. Бурун бўшлигининг олдинги тампонадаси.



61-расм. Буруннинг орқа тампонадаси. а – биринчи босқич; б – иккинчи босқич; в – учинчи босқич.

Юқоридаги тадбирлар ёрдам бермаса, энг охирги қон тўхтатиш усууларидан – катта қон томирлари (ташқи ва ички уйқу, ички юқори жағ ёки фалвирсимон артериялар)ни боғлаш усули қўлланади.

Буруннинг пастки йўли орқали ҳалқумга ингичка резина катетер юборилади, унинг учи юмшоқ танглай орқасига тушгандан сўнг, уни корнсанг ёрдамида оғиз бўшлиғига, сўнгра ташқарига чиқарилади. Унга тампоннинг иккита или боғланади ва катетерни бурун орқали тортиб чиқарилади. Бурундан чиқсан ипни маҳкам тортиб, оғиз бўшлиғи орқали иккита ипга боғланган тампон бармоқлар ёрдамида бурун-ҳалқумга юборилади ва бурун-ҳалқум томига яхшилаб босиб қўйилади. Бурундан чиқиб турган ипни тортиб туриб олдинги тампонада қилинади, сўнгра иплар зич докали ўрамларга боғлаб қўйилади. Оғиз бўшлиғидан чиқиб турган ипни лунж ёки қулоқ супрасининг орқасига ёпиштириб қўйилади (61-расм).

Тампон 48 соатдан 72 соатгача туриши мумкин. Бурун-ютқинда орқа тампон бир неча кун туриши сабабли, айрим ҳолларда инфекция эшитиш найи орқали нофора бўшлиғига ўтиши ва ўтқир йирингли отит ривожланиши мумкин.

БУРУН ТҮСИФИННИГ ҚИЙШАЙИШИ

Бурун түсифи туғма ёки шикастланишдан сұнг ёки рахит касаллиги бор болаларда қийшайиши мумкин. У турлича бўлиб, түсиқнинг олдинги қисмida кўпроқ, орқа қисмida эса камроқ қайд этилади, бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин.

Оддий қийшайишлардан ташқари, бурун түсиғининг кўпинча учи найза ёки қиррали (тожсимон) бўртиб чиққан қисмларини ҳам учратиш мумкин. Аксари ҳолларда, бу ўзгаришлар қийшайиши билан бирга аниқланиб, түсиқнинг дўнг қисмida, асосан, тоғайнинг суяқ қисми билан тулашган қисмida кузатилади.

Белгилари. Асосий белгиси – буруннинг бир ёки иккала томонидан нафас олишнинг қийинлашишидир. Бундан ташқари, қийшайган тарафдаги бурун ён бўшлиғида ҳаво алмашинуви ва ажралмалар чиққининг бузилиши натижасида бўшлиқда яллигланиш содир бўлиши мумкин. Бурундан кўп суюқлик келиб, баъзан бу ажралмалар ҳалқумда ҳам йигилади. Баъзи беморларда ҳид билиш қобилияти издан чиқади. Бурун түсиғидаги учи найза ёки қиррали ўзгаришлар бурун бўшлиғидаги нерв толаларини қитиқдаши натижасида (рефлекторли) вазомотор тумов, бронхиал астма ва бошқа хуружлар рўй беради. Түсиқнинг қийшайган томонида эшитув найиннинг ҳаво ўтказувчанлиги пасайиб, ногора бўшлиғида ҳаво алмашинувини бузади ва натижада эшитиш қобилияти пасаяди. Хасталикни аниқлашда олдинги ва орқа риноскопия кўрсаткичларига асосланилади. Баъзан бурун түсиғини мукаммал кўриш учун бурун шиллиқ қаватига 0,1% ли адреналин ёки 0,05–0,1% ли нафтизин эритмаси суртилади (62-расм).

Даволаш. Фақат жарроҳлик йўли қўлланилади. Буруннинг бир ёки иккала томонидан нафас олишнинг қийинлашиши, ҳид билишнинг бузилиши ёки ўрта кулоқда, бурун ёндош бўшлиқларида бирор касаллик ривожланиши жарроҳлик усули учун асос бўла олади. Жарроҳликда маҳаллий ва умумий оғриқ қолдирувчи дорилар қўллагандан (мушак орасига промедол ва шу гуруҳдаги дорилар юборилгандан) сўнг, бурун шиллиқ қаватига 2% ли лидокайн эритмасини суртиб, шиллиқ қават остига 0,5–1% ли новокайн эритмаси юборилади. Сўнгра шиллиқ парда ва тоғай уст пардаси дўнг томондан тоғайтагача кесилади ва қийшайган жойни қоплаб турган қисми тоғайдан ажратилади. Шундан сўнг, шиллиқ парданинг илгари кесилган жойидан тоғай кесилади, бунда қарама-қарши томондаги шиллиқ парда зааралнамаслиги керак. Тоғай кесилган жойдан қарама-қарши томонга ўтиб, шиллиқ пардани тоғай уст пардаси билан бирга тоғайдан ажратилади ва тоғайнинг қийшайган қисми кесиб олинади. Бунда тоғайнинг устки томони (қаншар)да 0,5–1 см

катталиктаги төгай пластинкаси қолдирилади. Баъзан қийшайган төгайни Беланжер пичоғи, сүяқ қисмини ўтқир понасимон асбоб билан синдириб олинади. Кейин шиллик парда ва төгай уст пардасининг иккала қатламини бир-бирига қайтадан ёпиширилади ва шу ҳолатда бир кунга буруннинг ҳар икки томонига қўйилган тампон билан тутиб турилади. Иккала шиллик парда қатламлари бир неча кун ичидаги бир-бирига ёпишиб, қўшилиб кетади. Бу усулда жарроҳлик ўтказилганда бурун тўсигининг сүяқ ва төгай негизи кесиб ташланмай, балки кичик бўлакчаси доира шаклида кесиб олинади ёки төгай қисми бир неча бўлакка кесилади, бу ҳолда төгай эгилувчан бўлади, сўнгра бурун тўсигига керакли ҳолат берилиб, у икки томондан тампонланади.

БУРУН БЎШЛИГИ СИНЕХИЯСИ ВА АТРЕЗИЯСИ (БУРУН БЎШЛИГИНИНГ БИТИБ КЕТИШИ)

Бурун бўшлигининг түфма ёки кейинчалик битиши болаларда ҳам учраб туради. Унга синехия ва атрезия киради. Синехияда бурун бўшлиги деворининг айрим қисмлари ўртасида юпқа биринтирувчи тўқималар ҳосил бўлади. Атрезияда эса бурун бўшлиги озми-кўпми ёпилиб қолади. Булар төгайли, сүякли ёки биринтирувчи тўқимали бўлиши мумкин. Хасталик кўпинча қораҷечак, бўғма ва бошқа юқумли касалликлар ҳамда бурунда пайдо бўлган яралардан сўнг кузатилиши мумкин. Бурун бўшлиги ва унинг тешиклари шаклининг ўзгариши, тери сили, захм, риносклерома, баъзи шикастланишлар, шунингдек, бурунни даволаш мақсадида ишлатилган ўювчи, кимёвий моддалар ёки гальванокаутер билан куйдиргандан сўнг ҳам кузатилиши мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, синехиялар баъзан бурун бўшлигига қилинган жарроҳликдан кейин ҳам ривожланиши мумкин.

Касаллик олдинги ва орқа риноскопия, шунингдек, бурун бўшлигини зондлаш ёрдамида осонликча аниқланади.

Даволаш. Фақат жарроҳлик усули қўлланади, бунда скальпель ёки гальванокаутер ёрдамида битишмаларни кесиб, чандиқлар олиб ташланади, яра сатҳи бир-бирига қайтадан ёпишиб қолмаслиги учун у битгунча орасига резина, зар қофоз ёки цеплуюидлар қўйилади.

БУРУН БЎШЛИГИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ ЎТКИР ТУМОВ

Ўтқир тумов болаларда жуда оғир кечиб, катталарга нисбатан кўпроқ учрайди. Айниқса ёш болаларда яллиғланиш фақат бурун шиллик қаватида эмас, балки бурун-ютқиннинг шиллик қаватида ҳам ривожланади. Шунинг учун бу яллиғланиш бурун-ҳалқум тумови (ринофарингит) деб юритилади.

Катта ёшдаги болалардаги ўткир тумов. Касаллик келиб чиқишига күпинча турли инфекциялар сабаб бўлади. Хасталик мустақил равишда ёки юқумли касалликнинг бошланиши сифатида учрайди. Шамоллаш натижасида организмга турли патоген микроблар таъсир кўрсатади. Ўткир тумов билан бирга кечадиган ўткир юқумли касалликларга биринчи навбатда грипп киради. Бунда юқори нафас йўллари (бурун бўшлифи), аксарият касалликнинг асосий ёки бирламчи манбаи бўлади. Гриппдан ташқари қизамиқ, қизилча, бўғма касалликлари ҳам ўткир тумов ривожланишида катта ўрин тутади. Бурун-ҳалқумдаги муртак, бурун бўшлиғидаги чиганоқларнинг катталашини, яширин кечадиган бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланишлари ҳам хасталик келиб чиқишига туртки бўлади.

Белгилари. Хасталик бурун қуриши ва қизиши, аксириш, гавда ҳароратининг $37,2-37,5^{\circ}$ ва ундан юқорироқ кўтарилиши билан бошланади. Бемор тез-тез аксириб, бурни қичишиади. Бир неча кундан сўнг бурундан кўп миқдорда суюқлик ажралади, ҳид билиш хусусияти пасайиб, манқаланиб гапиради, йўталади ва ухлаганда хуррак отади, лоҳас бўлиб, иштаҳаси бузилади, боши оғрийди. Олдинги риноскопия қилиб кўрилганда, бурун шиллиқ пардаси қизарган ва шишган бўлиб, бурун бўшлиғида кўп миқдорда сувдек тиниқ суюқлик аниқланади. Кейинчалик бурундан ажралаётган шиллиқ модда йирингли бўлади.

Агар яллиғланиш жараёни бурун ёндош бўшлиқларига тарқалса, унда ўша бўшлиқ атрофида ва кўз косасида оғриқ пайдо бўлади. Бурун битиши туфайли товуш ўзгаради. Бурун-ҳалқум шиллиқ пардаси яллиғланиши натижасида, эпилтув найининг шиллиқ қавати ҳам шишади ва беркилиб қолиб, ноғора бўшлиғига ҳаво ўтмайди, лекин инфекция ўтиши мумкин. Оқибатда эшитиш пасайиб, ўрта қулоқнинг ўткир катари ёки йирингли отити ривожланиши мумкин. Бурундан оқаётган суюқлик бурун даҳлизи терисини шилади, у қизариб шишади ва ёриқлар пайдо бўлиб, оғриқ беради.

Даволаш. Ўткир тумов энди бошланиб келаётган даврда терлатадиган воситалар, иссиқ чой ва иситмани пасайтирадиган, бош оғригини қолдирадиган дорилар бериш лозим.

Бурунга нафас олишини яхшилайдиган адреналин ва нафтазин эритмалари томизилади ёки эритмала намланган пахта ёки дока қўйилади. Бундан ташқари називин, галазолин эритмасини томизиш ҳам яхши фойда беради. Сўнгра 2% ли протаргол ёки колларгол томизилади. Бурун даҳлизи терисини шилинишлан сақлаш учун ёки у шилинган бўлса, оксикорт ва бошқа мойли, малҳамли дорилар суртилади. Бундан ташқари, турли сульфаниламидлар кукуни аралашмасини бурун бўшлиғига 2-3 марта пуркаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ЭМАДИГАН БОЛАЛАРДА ЎТКИР ТУМОВ

Касалликни кўпинча аденовирус инфекцияси қўзғатади. Эмадиган боланинг ўткир тумов билан касалланиши ўта жиддий хавф туғдириши мумкин. Бола ҳаётининг дастлабки йилларида бурун бўшлиғи тор бўлади ва шу сабабли шиллиқ парданинг озгина бўлса ҳам шишиши буруннинг битиб қолишига сабаб бўлади. Хасталик безовталаниш, инжиқлик, яхши ухламаслик ва бошқа аломатлар билан кечиб, боланинг ориқлаб кетишига сабаб бўлади, чунки у яхши эма олмайди. Бундан ташқари, эмадиган болалар бурун-ҳалқумда йифилган инфекция аралаш суюқликни ютиб юборадилар. Бу эса ўз навбатида меъда-ичак фаолиятининг бузилишига олиб келади. Баъзан яллиғланиш бурун шиллиқ пардасидан ҳалқум ва эшитув найи шиллиқ пардасига ўтади. Бунда ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланиши кузатилади. Бундай ҳолат нафас йўлларининг пастки қисмларига (ҳиқилдоқ, кекирдак, бронх ва ўпкага) тарқалиб, ўпка яллиғланишини келтириб чиқариши мумкин.

Даволаш. Бурун даҳлизизда ҳосил бўладиган қатқалоқлар мой ёки ишқор эритмаси билан юмшатилади, шундан сўнг бурун нам пахта ёки докача билан аста-секин шиллиқ ва қатқалоқлардан тозаланади.

Бола бемалол эмиши учун ҳар сафар эмизишдан олдин унинг бурнига адреналин ёки протартгол эритмаси томизилади, баъзан бурун бўшлиғини шиллиқ моддалардан тозалаш учун улар кичкина резина баллон билан сўриб олинади. Агар бу ёрдам бермаса, болага чой қошиқда овқат бериш лозим. 3–5 ёштагача бўлган болаларга кокаин ва ментол бериш мумкин эмас. Бурун бўшлиғи кириш қисмининг териси ва юқори лабга тоза вазелин, малҳамли дорилар суртилади.

Агар ўткир тумов одатдагидек кечса, антибиотиклар берилмайди, асоратлар белгиси аниқланган тақдирда антибиотикларни қўллаш зарур. Бундан ташқари, беморга терлатувчи ва чалғитувчи тадбирлар қўлланади, болдирга горчичник қўйилади, оёқ тагини ультрабинафша нурлар билан нурлантирилади.

Тумовнинг олдини олиш. Юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғланиш касалликларининг олдини олиш учун биринчи навбатда организмни чиниқтириш лозим. Бу ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига организмнинг тезда мошлаша олиш хусусиятини яратиш демакдир. Ҳаво ёки күёш ванналари қабул қилиш, ёзда ва қишида спортнинг хилмажил турлари билан шугулланиш, терини мунтазам равишда чиниқтириш зарур. Юқори нафас йўлларидаги хасталиклар (аденоидлар, бурун пастки чиғаноқларининг катталашиши, бурун тўсифининг қийшайиши ва ҳоказолар)ни йўқотиш лозим.

Эмизикли болаларни тўғри парвариш қилиш, яъни уларни организмни тез қизитмайдиган ва терлатмайдиган ҳолда кийинтириш керак.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЎТКИР ТУМОВНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

БУРУН БЎҒМАСИ

Касаллик фақат бурун бўшлиғига эмас, балки бурун-ҳалкум, оғиз-ҳалкум, ҳиқилдоқ-ҳалкумга ва ҳиқилдоққа тарқалган бўлиши мумкин. Чақалоқларда кўпроқ тарқалмаган, чегараланган ҳолда учрайди. Гавда ҳарорати унчалик кўтарилимаган бўлиб, бурундан зардобга ўхаш сероз, баъзан қонли йирингли ажралма оқиб туради (кўпинча бир томонлама бўлади) ва буруннинг кириш қисмидаги, юқори лаб терисида яллиғланиши, терининг ёрилиши кузатилади. Шу сабабли қаттиқ оғриқ бўлади, боланинг ранги оқаради, нафас олиши оғирлаша боради, иштаҳаси йўқолади.

Жағ ости ва бўйиндаги лимфа тугунлари катталашади. Олдинги риноскопияда бурун бўшлиғига қатқалоқлар бўлиб, уларни кўчирганда тез қонаб кетадиган ярачалар кўринади. Баъзан буруннинг олдинги бўлимларида шиллиқ пардага қаттиқ ёпишган, аниқ билинадиган, кулранг пардани кўриш мумкин. Бу парда жуда қийинчиллик билан кўчади, бунда қон кетиши ҳам мумкин.

Касалликни бурун бўшлиғига ёт жисмлари, захм, юқори жағ ва бурун суюклари чириши натижасида ривожланадиган оқма ярадан фарқлаш керак. Зардобга ўхшаш ажралманинг оқиши, бурунга кириш қисмидаги қатқалоқлар пайдо бўлиши, лабдаги ўзгаришлар ва бактериологик текширув натижалари бўғма касаллигини тасдиқлайди.

Даволаш. Бурун бўшлиғига бўғмаси аниқланса ёки унга шубҳа туғилса, беморга бўғмага қарши зардоб юборилади. Бурунга протаргол, коллартол каби дорилар томизилали, турли малҳамдорилар кўйилади.

Касалликнинг олдини олиш. Асосан бўғмага қарши эмланади. Беморни алоҳида хонага ётқизиш, унинг идиш-товоқларини, турар жойини тез-тез дезинфекция қилиб, туриш зарур. Уч марта олинган текширувдан сўнг бўғма таёқчалари топилмаган тақдирда, bemorга боғча ёки мактабга бориш учун рухсат берилади.

ҚИЗАМИҚ

Гавдада тошмалар пайдо бўлишидан 2–3 кун олдин бурунда яллиғланиши белгилари кузатилиб, аксириш, гавда ҳароратининг кўтарилиши қайд этилади. Унинг гриппдан фарқи шундаки, бунда бурун бўшлиғига шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар аста-секин ривожланади. Кўздан ёш оқиши, ёруғликдан кўрқиш, кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши (конъюнктивит), кўз қовоқларининг шишиб кетиши аниқланади. Айрим

ұлларда бурундан қон кетиб, қулоқда оғриқ ва йүтәл ҳам бўлиши мумкин. Танада тошма пайдо бўлгунга қадар, майда оқ дөғчалар кўриниб, улар қизил рангли гардиш билан үралган бўлади. Оғиз шиллиқ пардаси, иккинчи моляр тишлар қаршиси, шунингдек, юмшоқ ва қаттиқ танглай шиллиқ қаватидаги тошмалар қизамиқни тасдиқлайди. Тошмалар оқарган сари бурундаги яллиғланиш белгилари йўқола боради.

Даволаш. Ўткир тумовни даволашдек олиб борилади.

ҚИЗИЛЧА

Хасталикда бурун бўшлиғи, бурун-ҳалқум яллиғланади. Бурундан йирингли ва шиллиқ қон аралаш ажралма келиб, нафас олиш бузилади, бурунга кириш қисми ҳам яллиғланган бўлади. Хасталик фақат шиллиқ қаватни эмас, балки бурун чиганоқларининг суяқ асосини ҳам қамраб олади. Кейинчалик шиллиқ қават атрофияга учраб, чандикланади. Баъзан яллиғланиш юқори жағ бўшлиғига ҳам ўтиши мумкин. Турли антибиотикларни қўлаш туфайли қизилча касаллигининг оғир тури кам учрайди ва бурун бўшлиғидаги яллиғланишлар ҳам унчалик оғир кечмайди.

Беморни бир ҳафта давомида кучли антибиотиклар билан даволаш натижасида касалликни қўзғатувчи гемолитик стрептококклар йўқолиб боради. Бурунга протаргол, адреналин ёки антибиотик эритмалар томизиб туриласди.

ГРИПП

Ўткир тумов грипп касаллигининг дастлабки белгиси бўлиб, тез бошланади, гавда ҳарорати 40° дан ошиб кетиб, бурундан кўп микдорда ажралма оқиб туради. Олдинги риноскопияда шиллиқ қават шишганлиги кузатилади, айрим ҳолларда бурундан қон кетади. Агар яллиғланиш ҳалқум, ҳиқилдоқ, кекирдакка тез тарқалса, кўййуталга ўхшаш йўталь пайдо бўлиб, bemorning аҳволи оғирлашади, қаттиқ бош оғриғи, айрим ҳолларда менингит аломатлари аниқланади. Барча турдаги гриппларда ғалвирсимон бўшлиқ, юқори жағ ва пешона бўшлиқлари ҳамда ўрта қулоқда яллиғланиш бошланиши мумкин. Кўпинча ёш болаларда ҳиқилдоқ-кекирдак ва бронхлар яллиғланиши кузатилиб, нафас олиш бузилади. Агар bemor ўз вақтида даволанмаса, ўлим юз бериши мумкин.

Даволаш. Гриппдан ривожланадиган асоратларнинг олдини олиш учун антибиотиклар бериш лозим. Аввало bemor бошқа оила аъзоларидан ажратилган ҳолда, алоҳида хонада қимирламай ётиши шарт. Юрак фаолиятини яхшиловчи дорилар, витаминаларга бой овқатлар, витаминалар (В гурӯҳ, аскорутин) берилади. Бурун бўшлиғидаги шиллиқлар резина баллон ёрдамида сўриб олинади, оксалин малҳами суртилиб, интерферон томизилади.

СУРУНКАЛИ ТУМОВ

Сурункали тумов кўпинча бурун шиллиқ пардасининг тез-тез ўткир яллигланиши ёки шиллиқ пардага ҳар хил заرارли омилларнинг узоқ вақт таъсир этиши натижасида ривожланади. Бундай омилларга об-ҳавонинг тез-тез ўзгариши, узоқ вақт давомида турли заҳарли, чанг аралаш ҳаво билан нафас олиш (чанг, тутун, газлар, кимёвий моддалар) киради. Сурункали тумов ривожланишига бурун бўшлиғида маҳаллий қон айланишининг узоқ вақт ёки қайта-қайта бузилишига олиб келадиган барча омиллар сабаб бўлиши мумкин. Қон айланишининг бундай бузилиши натижасида шиллиқ пардада қизариш ва унда қон димланиб қолиши каби аломатлар қайд этилиши мумкин.

Сурункали тумов оддий, гиперграфик, атрофик ҳамда аллергик бўлади.

СУРУНКАЛИ ОДДИЙ (КАТАРАЛ) ТУМОВ

Бу хасталикда bemор асосан бурун орқали ёмон нафас олишидан, айрим ҳолларда бурнининг тоғ бир, тоғ иккинчи томони битиб қолишидан шикоят қиласи. Бурун бўшлиғини текширганда, унинг шиллиқ қавати ҳамда бурун чиганоқлари, айниқса пастки чиганоқ қизаргани ва шишгани кўринади. Баъзан пастки бурун чиганоғи бир оз катталашган, бурундан оқаётган ажралма суюқроқ бўлади, ҳид сезиш хусусияти бузилади ёки бутунлай йўқолиши мумкин. Пастки бурун чиганоғи, айниқса унинг орқа қисмининг шишиб кетиши эши тув найнини бугунлай ёпиб қўйиши ёки унда қон димланиши мумкин, бундай ҳолларда ўрта қулоқнинг сурункали катари ривожланиб, эшитиш қобилияти ёмонлашади. Сурункали катарал тумов қиши фаслида кучаяди, ёзда эса камаяди.

Даволаш. Даставвал хасталикни пайдо қилган ёки унинг кечишига ёрдам берадиган сабаблар (аденоид, бурун ёндош бўшлиқларининг Йирингли яллигланиши)ни йўқотиш керак. Сурункали катарал тумовни даволаш учун кўпинча буруштирувчи ёки куйдирувчи воситалар (1–2% ли протаргол, 2% ли эфедрин) кўлланади.

Узоқ муддат томирни торайтирувчи дориларни кўллаш мумкин эмас. Чунки тез-тез томир кенгайиши ва торайиши натижасида пастки бурун чиганоқларининг шиллиқ қавати катталашиб ўзгариади.

СУРУНКАЛИ ГИПЕРТРОФИК ТУМОВ

Сурункали гипертрофик тумовда бурун чиганоқлари (айниқса пасткиси) катталашади. Бунда бириктирувчи тўқима ўсиб кетади, тўқима қисмлари одатда бир текисда бутун шиллиқ парда бўйлаб ўсмай,

балки асосан ғовакли тўқима тўпланган жойларда, яъни пастки чиганоқнинг олдинги ёки орқасидаги ёки ўрта чиганоқнинг олдинги уида ўсади.

Бемор бурундан нафас олишга қийналади, айрим ҳолларда бутунлай нафас ололмайди. Бош оғриги, уйқунинг бузилиши, бурундан қуюқ ажралмалар чиқиши, баъзан бу ажралмаларнинг бурун-ҳалкумга оқиб тушиши, ҳид билишнинг бузилиши кузатилади. Пастки чиганоқ олдинги қисмининг катталашиши сабабли кўз ёши йўлини беркитиб қўйиши натижасида кўз ёшланиши мумкин.

Олдинги риноскопияда пастки чиганоқларнинг бутунлай катталашиб, бурун тўсигига ёпишиб турганлиги кўринади. Бурун бўшлиғида кўп миқдорда қуюқ шиллиқ моддалар бўлиб, шиллиқ қават оч қизил, кулранг қизил, тўқ қизил ёки кўкимтирир қизил бўлиб кўринади. Чиганоқ гипертрофиялашган қисмларининг юзи фадир-будур, бўлак-бўлак ёки дона-дона кўринишда қалинлашган бўлади. Чиганоқнинг гипертрофиялашган орқа учи, баъзан бурун-ҳалкум (хоана) орқали ўсма сингари кўриниб туради. Бунда эшитиш қобилияти ҳам бузилиши мумкин (63–64- расм).

Сурункали гипертрофик тумов узоқ вақтгача турғун ҳолатда кечади. Шунинг учун унга томирни торайтирувчи дорилар суртилганда ҳам шиллиқ қават озгина ёки бутунлай кичраймайди (қисқармайди).


Даволаш. Биринчи галда сурункали гипертрофик тумовга сабаб бўлган омиллар (аденоидин, бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари)ни йўқотиш, сўнгра маҳаллий даволашни бошлаш лозим. Маҳаллий даволаш консерватив ҳамда жарроҳлик усулида олиб борилади. Айрим ҳолларда, пастки бурун чиганоқларининг шиллиқ қаватини учхлор сирка кислота ёки кумуш нитрат (ляпис) ёки хромли кислоталар билан куйдириш мумкин.

Бундан ташқари, пастки чиганоқнинг катталашган қисми гальванкаутер асбоби ёрдамида куйдирилади.


Юқорида айтиб ўтилган даво усули бурун шиллиқ қавати бутунлигини бузади, натижада нозик ҳилпилловчи эпителий тўқимаси дағал чандиқ тўқимага айланади. Шунинг учун кўпинча шиллиқ ости гальванокаустикаси кўп қўлланади. Даволашнинг бу тури айниқса чегараланган гипертрофияда яхши натижалар беради. Бунинг учун бурун бўшлиғи шиллиқ қаватига 2 % ли лидокайн ва 0,1% ли адреналин эритмаси аралашмаси суртилади, сўнгра 5 мл 0,25–0,5% ли новокайн

эритмаси шиллиқ парда остига юборилади ва (шиллиқ парда тагидан) гальванокаутер ёрдамида күйдирилади.


Кейинги йилларда гальванокаустика ўрнига музлатиш (-196° суюқ азот), яъни крио усулида даволаш яхши натижалар бермоқда. Бу усул ўзининг оддийлиги ва оғриқсизлиги билан гальванокаустикадан фарқ қиласи. Шунингдек, бунда дағал чандиқлар пайдо бўлмайди. Гипертрофияга учраган бурун чиганоги маҳсус қайчи ёрдамида кесиб олиб ташланади. Бу *конхотомия леб* юритилади. Агар бурун чиганогининг орқа қисми катталашган бўлса, уни симли ҳалқа асбоб ёрдамида кесиб олиб ташланади. Пастки бурун чиганогининг шиллиқ қаватини сақлаб қолиш учун юқорида кўрсатилиб ўтилган конхотомия шиллиқ парда остидан қилинади. Бунинг учун бурунга 2 % ли лидокаин эритмаси суртилиб, сўнгра 0,5% ли новокайн эритмаси юборилади ва скальпель ёрдамида шиллиқ парда ёй шаклида суюгигача кесилади. Шиллиқ парда ва суяк ости қатлами юқори ва пастга қаратиб суяк қисмидан ажратилади, сўнгра суяк қисми олиб ташланади. Шундан сўнг суяк усти қавати, шиллиқ парда қайтадан ўз ўрнига қўйилади ва олдинги тампонада қилинади (65, 66, 67-*a,b* расмлар).



65-расм. Катталашган бурун чиганогини маҳсус қайчи билан кесиб олиш.



66-расм. Ўрта чиганоқнинг конхотом асбоби билан олдинги қисмини ажратиш.



67-расм. Чиганоқнинг олдинги қисмини симли ҳалқасимон асбоб билан олиш.

СУРУНКАЛИ АТРОФИК ТУМОВ

Бу хил тумовда бурун бўшлиғи шиллиқ қавати қуриб, унинг ниҳоятда юпқалашиши, шиллиқ безлар миқдорининг камайиши ёки йўқолиши кузатилади. Бошқача сўз билан айтганда, бурун шиллиқ қаватида дистрофик ўзгаришлар (тўқима ва аъзоларда моддалар алмашинувининг бузилиши ёки йўқолиши) юз беради. Сурункали атрофик тумов ташки муҳитнинг баъзи омиллари (чанг, кимёвий моддалар, тамаки ва б.) таъсирида ривожланиши мумкин. Хасталик, кўпинча иқлими иссиқ ва куруқ бўлган мамлакатларда яшовчи одамларда кўп учраб туради. Баъзан

касаллик ривожланишида организмда турли витаминлар етишмаслиги ҳам катта ўрин тутади.

Баъзи тадқиқотчилар, атрофик ринит билан оғриган беморларда бурун шиллигига, сұлак ҳамда қон зардобида йод, темир моддаси ва лизоцим камайиб кетишини аниқлаганлар. Улар йод ва темир микроэлементлари алмашинувининг бузилиши атрофик ринит ривожланишида мұхим ўрин тугади, деб таъкидлайдылар.

Касаллик белгилари. Бемор бурнининг қуриши, қатқалоқлар пайдо бўлиши, бош оғриғи (пешона қисмидаги), ҳид сезишнинг пасайиши ёки бутунлай йўқолиши, баъзан бурнидан қон кетишидан шикоят қиласди. Бурун тўсиги тоғай устки қисмининг жароҳатланиси ва яра пайдо бўлиши натижасида тешилиши мумкин. Бурун бўшлигига кўп микдорда қатқалоқлар бўлғанлиги сабабли нафас олиши қийинлашади. Атрофик тумов бурун бўшлигидан бурун-ютқинга ҳам ўтиши мумкин.

Касалликни аниқлаш. Бунда bemor шикояти ва риноскопик текширишга асосланилади. Касаллик оқибатининг нима билан тугашини олдиндан айтиш қийин, лекин даволаш йўли билан унинг аломатларини йўқотиш ёки камайтириш мумкин. Аммо шиллиқ парда фаолиятини, шунингдек, ҳид сезиш қобилиятини тўла тиклаш қийин масалалардан биридир.

Даволаш. Кичик ёшдаги болаларга бурунни ковлаш зааррлигини ва қон кетиши мумкинлигини тушунтириш керак. Бурун шиллиқ қаватини юмшатадиган ёғлар: сариёғ, ёғ, зайдун ёғи, вазелин ва бошқалар кўлланади. Бундан ташқари, балиқ мойига шимдирилган пахта қўйиш, бурун бўшлигига 1% ли йод-глицерин эритмасини суртиш мумкин (бу эритма шиллиқ қаватдаги безларнинг суюқлик ишлаб чиқариш хусусиятини кучайтиради). Шунингдек ёғли-ишқорли буефатиш (ингаляция), ишқорли эритмалар билан фар-фара қилиш лозим. Шўр, нордон, аччиқ нарсаларни истеъмол қиласмаслик, кўпроқ витаминларга бой сутли ва мойли овқатларни истеъмол қилиш мақсаддага мувофиқдир.

СУРУНКАЛИ АТРОФИК САССИҚ ТУМОВ (ОЗЕНА)

Болаларда катталарга нисбатан кам учрайди. Бурундаги қатқалоқлар чирий бошлаши натижасида, бурундан бадбўй сассиқ ҳид келади. Хасталикда нафақат шиллиқ қават, балки буруннинг суяқ қисми ҳам жароҳатланади. Бу касаллик кўпинча қиз болаларда кўп кузатилади. Хасталикнинг келиб чиқиши (этиологияси) ва ривожланиши (патогенези) тўғрисида ҳалигача аниқ маълумотлар йўқ. Лекин турли фикрлар, назариялар бор, улар ҳам тўлиқ эмас. Баъзи олимлар бу касалликнинг юқумли эмаслигини уқтириб, касаллик ривожланишида турли ташқи ва ички омилларнинг таъсири кучли эканлигига тўхталиб ўтадилар. Бу бурун шиллиқ қавати ва суягини атрофияга учратиб, уни

құритади ва уларға түрли инфекциялар тушиши натижасыда яллигланиш күзатилади. Генетик ёки ирсий назарияларнинг ҳам ушбу касалликни ривожланишидаги роли күрсатылған.

Баъзи олимлар ушбу хасталиқ билан обриган беморлардан клебсиелла (микроб)ни ажратып олғанлар ва хасталик ривожланишида у асосий үринни эгаллайды, деб фикр юритадилар. Бундан ташқари, ақолининг яшаш шароити, турмуш тарзи, турар жойидаги иқтим ҳам катта үрин тутады.

Беморнинг шикояти, худди сурункали атрофик түмовга ўхшаш бўлади, лекин bemor бурнидан сассиқ, қўланса ҳид келишини сезмайди, чунки унинг ҳид билиш қобилияти бутунлай йўқолган бўлади (ҳидлаш рецепторларининг дегенератив ўзгариши сабабли). Бурундан келадиган қўланса ҳидни фақат bemor атрофидаги одамлар сезали, шунинг учун соғлом кишилар bemorга яқинлаша олмайдилар.

Беморларда бурун бўшлиғи ҳаддан ташқари кенг бўлиб (атрофия ҳисобига), ўтәётган ҳаво тартибсиз ҳолда йўналади ва бундан ташқари, бурун бўшлиғини тўлдириб турган қатқалоқлар ҳам ҳаво ўтишига тўскинлик қиласи. Шу сабабли улар бурундан нафас олишга қийналадилар. Хасталикда буруннинг курашувчанлик, ҳид сезиш, шиллик моддаларни ишлаб чиқариш ва резонаторлик фаолияти бузилади. Bemor руҳан тушкунликка тупиб, атрофдаги одамлардан узокроқда бўлишга ҳаракат қиласи.

Касалликни аниқлашда bemor шикояти, риноскопиядан олинган маълумотлар, бурундан келадиган қўланса ҳид катта үрин эгаллайди (68-расм).

Даволаш йўллари жуда кўп бўлиб, шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борилади. Bemorга аутогемотерапия (мушакка), протеинлар, вакциналар, алоэ, кокарбоксилаза ва бошқалар буюрилади.

Клебсиелла микробига қарши маҳаллий түрли антибиотиклар (стрептомицин, гентамицин) малҳам ҳолда берилади, уларни бурунга пуркаш ҳам мумкин. Бундан ташқари, стрептомицинни маҳаллий ва умумий қўлласа бўлади. Юқорида қўлланилган тадбирлар яхши натиха бераб, бурундан ҳид келиши камаяди, bemornинг умумий аҳволи яхшиланади, бурун бўшлиғида қатқалоқлар камроқ йигилади.

Бурундаги қатқалоқларни юмшатин, уларни кўчириш ва шиллик қават безларининг ишлаш қобилиятини тиклаш, маҳаллий даволашни ўтказиш шарт. Бурунга тоза ўсимлик мойи томизилади ёки паҳтага шимдириб бурун бўшлиғига қўйилади, 1% ли йод-глицерин эритмасини суртиб, ишқорли эритмалар томизилади. Шундан сўнг, бурун бўшлиғига түрли мойли қоришималар қўйилиб, ишқор ёки мойли (ёғли) ингаляция (буғлаш), диатермия, ионофарез қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Озена хасталигига жарроҳлик усули ҳам қўлланади (10 ёшдан ошіган болаларда). Бундан мақсад, кенгайған бурун бўшлиғи ён деворини сұяқдан

ажратиб, унинг оралиғига трансплантатлар (төғай ва бошқа нарсалар) қўйишидир. Буларни бурун тўсифининг шиллиқ қаватини икки томондан ажратиб, уларнинг оралиғига ҳам қўйиш мумкин. Натижада бурун бўшлиғи торайиб, ҳаво ўтиши яхшиланади, бундан ташқари, бурун бўшлиғига қон айланнипи қисман яхшиланади.

ВАЗОМОТОР ТУМОВ

Вазомотор тумов бაъзан *нейроген тумов* деб юритилади. Қон томирлар деворидаги силлиқ мушакларнинг мотор (ҳаракатланиши) иннервациясини юзага чиқарувчи вегетатив нерв системаси толалари *вазомотор* деб аталади. Бу тур тумов катта ёшдаги болаларда кўп учрайди. У организм таъсиричанилиги ўзгарганлиги туфайли келиб чиқиши мумкин. Бунга ташқи ва ички омиллар (ҳаво ҳаракати, босимнинг ўзгариши, кимёвий моддаларнинг таъсири, кўрқиш, ҳаяжонланиш ва б.) сабаб бўлади. Бундан ташқари, *вазомотор тумов* кўпинча нерв системаси ортиқ даражада сезувчан ва таъсирга берилувчан кишиларда (асаби бузилган) ҳам кўп кузатилади. Бемор ҳатто озгина совуқ қотса, шунингдек унинг марказий ёки периферик нерв аппарати бирор сабаб туфайли таъсириланса, унда тўсатдан ўтқир тумов хуружи бошланиши мумкин. Баъзан бу тумов қандай тез бошланган бўлса, шундай тез ўтиб кетади.

Демак, юқорида айтиб ўтилган белгилар бўйича *вазомотор тумов* аллергик ва нейровегетатив турда кечиши мумкин. Бу икки тур тумовнинг келиб чиқиши, ривожланиши турлича бўлади. Болаларда *вазомотор тумовнинг аллергик тури* кўпроқ учрайди.

АЛЛЕРГИК ТУМОВ

Болаларда юқори нафас йўлининг аллергик касалликлари кўпроқ учрайди. Бурундаги ўзгаришлар, унинг ёндош бўшлиқларининг аллергик ҳолати ҳам тумовнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бу тумов кўпинча баҳорда авж олади, чунки бу пайтда турли ўсимлик ва дараҳтларнинг уйғониш ва гуллаш даври бошланади. Агар инсон шулар билан бевосита тўқнашса, тумов ривожланади. Бундан ташқари, у турли аллергенлар (чанг, жун, уй буюмлари, уй ҳайвонлари, турли овқат турлари, дорилар ва б.) билан ишласа ёки уларнинг таъсири остида бўлса ҳам аллергик тумов келиб чиқади.

Бурун бўшлиғидаги баъзи касалликлар буруннинг нерв толачаларини қитиқлаши натижасида нейро-вегетатив тумов ривожланиши мумкин.

Аломатлари. Кўпинча хасталик худди гипертрофик тумовга ўхшаб кечади. Бурундан кўп миқдорда сувга ўхшаш ажралма келиб, бурун бекилади, нафас олиш қийинлашади ва bemor бир неча бор аксиради.

Олдинги риноскопия қилиб кўрилганда пастки бурун чиганоқлари катталашиб шишиб, кўкимтири ёки оқиши рангда бўлади. Бурун бўшлиғи

сувга ўхшаш суюқлик билан тұлиб туралы. Бу хил тумов йил давомида дам авж олиб, дам пасайыб туралы. Беморларда кейинчалик бош оғриғи, бурун қишиши, вақт-вақты билан бурун битиши күзатылады.

Хасталикнинг бирданига бошланиши, аксириш, бурун битиши, бурундан сувга ўхшаш суюқлик келиши – хасталик хурожи даврида bemorning күзи, юз териси қизариб, күзидан ёш оқиши мүмкін.

Баъзан сурункали аллергик тумовли bemorларда бурун бүшлигіда ўсмалар (полиплар)ни аниқлаш мүмкін, улар ёндош бүшлиқлардан ўсіб чиқады. Бурундан ажралиб чиққан шиллиқ моддани текширганда унинг таркибіда күпинча эозинофиллар аниқланады. Нафас олиш бузилиши натижасыда bemorларда кислород етишмай, уларнинг ахволи ёмоналашиши мүмкін.

Юқори ва пастки нафас йұллари шиллиқ қаватлари, уларнинг қон ва нерв билан таъминланиши ўзаро анатомо-физиологик жиҳатдан узвий боғлиқлиги сабабли, аллергик ринитдаги патологик жараён секин-аста пастки нафас йұлларига ўтиб, нафас қисилиши (астма) га олиб келиши мүмкін.

Касалликни аниқлаш. Бунда bemorning касаллик тарихи катта ақамиятта зета. Аллергик қолатта таалуқлы ижобий далиллар (қонда ва бурун шиллиқ ажралмасыда эозинофиллар бўлиши, турли аллергенларни юбориш натижалари ва б.) ҳам катта ақамият касб этади.

Айниқса аксириш, буруннинг битиши ва кўп миқдорда сувга ўхшаш суюқлик оқиб туриши касалликни аниқлашда катта ўрин тутади. Бунда олдинги риноскопиядан олинган маълумотлар, рентген натижалари ҳам ҳисобга олинади. Вазомотор тумовни оддий ўтқир ва сурункали тумовдан ажратса билиш керак. Сурункали гипертрофик тумовда бурун шиллиқ қаватининг шишган ерига адреналин ёки нафтizin эритмасини суртганда у қисқармайди, вазомотор тумовда эса тез қисқаради.

Даволаш. Аллергенларга қарши дорилар (димедрол, супрастин, пипольфен, диазолин, кетотифен ва б.) тавсия этилади. Сүнгти йилларда қуйидаги дорилар: кларитин, зиртек (цетиризаи), гисманол, аналерген яхши самара бермоқда. Гистаминга қарши дориларни аэрозол ҳолда кўллаш касаллик симптомларини тезда бартараф этишда ёрдам бермоқда.

Бурундан нафас олишни яхшилати учун томир торайтирувчи дориларни (нафтизин, санорин, отривин, тизин, називин ва б.) ни 2–3 ҳафтагача кўллаш мүмкін.

Беморда бирорта инфекция ўчоғи (аденоидлар, сурункали тонзиллит, кариесли тишлар, бурун ёндош бүшлиқлари касалликлари, бурун тўсигининг қийшайиши ва ҳоказолар) бўлса, албатта уни бартараф этиш лозим.

Марказий нерв системаси фаолиятини нормаллаштириш, организмни чиниктириш зарур.

Бурун шиллиқ қаватига 2–3% ли лидокаин эритмасидан суртилади ёки томизилади. 0,2 – 0,5 мл спленинин ёки дицинонни бурун пастки чиганогининг олдинги қисмига, шиллик қаватта юборилади (ҳаммаси бўлиб 6–7 марта, ҳар 2–3 кунда). Натижада бурундан суюқлик оқиши камаяди, нафас олиш яхшиланади. Бундан ташқари, бу дори бурун бўшлиғидаги қон томир деворини мустаҳкамлайди (зичлаштиради), яъни деворнинг ўтказувчаник хусусиятини йўқотади ёки камайтиради. Уни мушак орасига ҳам юборса бўлади. Спленин малҳамини фонофорез усулида қўллаш мумкин.

Гормонли дориларни эҳтиётлик билан ишлатиш керак, кўпинча гидрокортизон фонофорез йўли билан ишлатилади. Бундан ташқари, гидрокортизон ацетат (суспензияси)ни бурун пастки чиганогининг олдинги қисми шиллиқ қаватига юборилади (0,5 мл, ҳаммаси бўлиб 10 марта 2–3 кун оралиғида). Шулар билан бир қаторда димедрол (0,05 г), гидрокортизон аралашмаси аэрозол йўли билан бурун бўшлиғига юборилади.

Бурунни ультрабинафша, лазер билан нурлатиш ҳам яхши натижалар беради. Бурун шиллиқ қавати остига гистаглобулин юбориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бурун бўшлиғидаги қон томирлар ўтказувчаникни камайтириш учун аминокапрон кислотани қўллаш ижобий натижа беради (1 ош қошиқдан кунита 3 марта, 20 кун давомида). Бундан ташқари гистаминта қарши турли дорилар (димедрол, диазолин, супрастин, дипразин, кетотифен) бериш ҳам мумкин. Бу дорилар бемор қонидаги гистамин таркибини камайтиради.

Нейровегетатив вазомотор тумовда 0,1% ли атропин эритмаси 8 томчидан 2 марта ичирилади (10–15 кун давомида). Бурун шиллиқ қаватига 2% ли 1 мл новокайн, 5% ли 1 мл тиамин бромид, 0,5 мл гидрокортизон аралашмасини юбориш мумкин. Юқоридаги барча тадбирларни қўллаганда ҳам баъзи беморларда кутилган ижобий натижалар кузатилмаслиги мумкин. Баъзан бундай беморларга итна санчиш яхши натижа беради. Кейинги йилларда асалари (опизатрон) ёки илон заҳари ҳам яхши ёрдам бермоқда. Консерватив даволаш усуллари ёрдам бермаса, жарроҳлик усулини қўллаш мумкин (катталашган пастки чиганоқларни қирқиши – конхотомия, куйлириши – гальванокаустика).

БУРУН ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИНИНГ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ (СИНУИТЛАР)

Кичик ёшдаги болаларда синуитларнинг ўзига хос томонлари бор. Бу ёшда бўшлиқларнинг тўла ривожланмаганлиги сабабли болаларда касалликка қарши курашиш қобилияти ўзгачадир. Синуитлар белгиларсиз

кечиши ҳам мумкин. Жуда ёш болаларда, кўпинча жағ бўшлиғи остеомиелити (суяклар шикастланиши, чириши) ва фалвирсимон бўшлиқ олдинги катакларининг яллиғланиши кузатилади. Ўткир синуитларда, кўпинча икки томонлама яллиғланиш қайд этилади.

Бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланишида ўткир юкумли касалликлар (қизамиқ, қизилча, грипп ва б.) катта ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, юқори нафас йўллари касалликлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бурун-ҳалқумдаги III муртакнинг катталлашиши (аденоид) бурун бўшлиғида турғунлик ҳолатига олиб келади ва ўсимталар ривожланишига имкон туғдиради. Юқори жағ бўшлиғи юқори жағнинг касалланган тишлари сабабли ҳам ўткир яллиғланиши мумкин.

Кўпинча бу жараёнга юқори жағ ва фалвирсимон бўшлиқ шиллик қаватининг аллергик ҳолати таъсир этади. Кўпчилик болаларда бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланганда гавда ҳарорати кўтарилиб, дармонсизланиш, бўшашиб, иштаҳаёмонлашиши, уйқу бузилиши қайд этилади. Кейинчалик бурундан нафас олиш қийинлашади ва йириング оқади. Баъзан бурун шиллик қаватининг шиши зўрайиши натижасида бурундан йириング оқмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда кўз қовоқлари атрофидағи юмшоқ тўқималар шишади. Олдинги риноскопия қилинганда бурун шиллик қавати қизаргани, шишгани ва унда шиллик, шиллиқли-йирингли ажралмани кўриш мумкин. Бурундан нафас олиш қийинлашади. Рентген қилиб кўрилганда, яллиғланган бурун ёндош бўшлиқлари тиниқлигининг пасайтани аниқланади. 2–3 яшар болаларда кўпинча сурункали синуит юқори жағ ва фалвирсимон бўшлиқда бирга кузатилиши ҳам мумкин. Болалар сурункали тумовдан шикоят қиласидар. Узоқ муддатга чўзилган аллергик ринит ҳам йирингли ёки полипли синуитлар ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Олдинги риноскопияда, баъзиларда бурун бўшлиғида шиллик йиринг, бошқаларда қатқалоқ, баъзиларда шиллик парда шиштанилиги ёки бурун чиганоқлари катталашганлиги аниқланади. Синуит, асосан, консерватив усуlda даволанади. Турли антибиотиклар, сульфаниламидлар буюрилади, бурунга 0,05% ли нафтозин ва 0,1% ли адреналин аралашмалари томизилади. Бурундаги шиллик ва йирингли ажралмалар жойини ўзгартириш усулида чиқарилади.

Жойини ўзгартириш усули. Дастлаб 0,05% ли нафтозин ва 0,1% адреналин аралашмаси билан бурун бўшлиғи намланади, сўнгра бола бошини орқага қилиб ётқизилади (90° да). Шу тарзда битта бурун тешиги найсимон резина кийгизилган олива билан беркитилади, резинанинг бир учи электр сўриб оловучи асбоб (электроатсос)га уланган бўлади. Шприц ёрдамида бошқа бурун тешигидан бурун бўшлиғига илиқ фурациллин 1: 5000 нисбатда юборилади, шунда электр сўриб оловучи асбоб ишлатилади. Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари аста салбий босим остида ювилади.

Хар бир бурун бўшлиғига 40–60 мл дан эритма қўйилади. Кейинчалик бола бошини 45° га айлантириб (касал томонга қаратиб), шу томонга 3–5 мл эритма қўйилади. Бармоқ билан битта бурун йўлини беркитиб, бошқасига оливани қўйган ҳолда электр сўриб олувчи асбоб ишлатилади. Бола йиғлаганда ва бир томонлама бурунни беркитганда бурун ёндош бўшлиқларида салбий босим бўлади. Оливани тез тортиб олганда ва иккинчи бурун йўлини очгандаёқ бурун ёндош бўшлиқларидағи босим тенглашади ва у ерга дорилар тушиши енгиллашади. Бундай усулда ҳар куни 6–10 мартағача даволаш мумкин. Даволашдан сўнг бемор 1–1,5 соатгача бурнини қоқиши мумкин эмас.

ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИГИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Юқори жағ бўшлиғининг ўткир яллиғланиши кўпинча ўткир тумов, грипп, қизамиқ, қизилча ва бошқа юқумли касалликлар пайтида ҳамда бу бўшлиқ шикастланиши натижасида келиб чиқади. Хасталик енгил кечганда бемор шу бўшлиқ атрофида бир оз оғриқ борлиги, тери ва юмшоқ тўқималар тарангланғанлиги, бурун бир томонлама битиб қолишидан шикоят қиласиди.

Хасталик оғир кечганда пешона ва ёноқ суяги ҳамда улар атрофида оғриқ зўрайиб, бунга тиш оғриғи ҳам қўшилади. Касал томондаги лунж шишиб кетиб, қаттиқ оғрийди, гавда ҳарорати қўтарилади. Беморнинг умумий аҳволи оғирлашади.

Олдинги риноскопияда бурун ўрта йўли шиллиқ пардаси қизарганлиги, бир оз шишганлиги, шиллиқ суюқлик кўпайганлиги ва баъзан ўрта чиганоқ остидан йиринг оқиши кузатилади. Юқорида кўрсатилган ўзгаришлар фақат юқори жағ ва пешона бўшлиқлари заарланишига эмас, балки ғалвирсимон лабиринт (бўшлиқ) катакчаларининг касаллигига ҳам хос бўлиши мумкин. Шу сабабли қайси бўшлиқ заарланғанини аниқ билиш учун уни рентгенга тушириш керак.

Касалланган бўшлиқда хираланиш аниқланади, сўнгра игна санчиб кўрилади.

Даволаш. Бемор оғир аҳвонда бўлса, ўринда қимирамай ётиши ёки ЛОР бўлимига ётқизилиши керак. Гавда ҳароратини туширадиган дори-дармонлар бериш, бурун бўшлиғи шиллиқ қавати шишини камайтириш, бўшлиқдан келадиган суюқлик чиқишини осонлаштириш учун бурунга 0,05–1% ли нафтозин, 0,1% ли адреналин эритмаси аралашмасини пахта ёки докага шимдириб қўйиш лозим.

Физиотерапевтик омиллардан: кўк лампа билан иситиш, соллюкс лампасида ёритиш, ультрабинафша, лазер нурлари билан нурлантириш яхши натижалар беради. Бундан ташқари, юқори жағ бўшлиғини игна

билин тешиб турли дорилар эритмаси билан ювиш, сүнгра у ерга антибиотик эритма юбориш мақсадга мувофиқдир.

Юқори жағ бўшлигининг ўткир йирингли яллигланишида «ЯМИК» синус катетери орқали бурун бўшлигига манфий босимни ҳосил қилиш, бўшлиқдан ажралмаларни сўриб олиш ва турли дориларни юбориш беморларни даволашда муҳим ўрин тутмоқда.

Юқоридагилар билан бир қаторда, боланинг иммун қувватини кўтариш мақсадида иммуномодулин, бронхомунал ҳамда тималин дори воситалари тавсия этилади.

ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИГЛANIШI

Юқори жағ бўшлигининг сурункали яллигланиши, одатда, тўла тузалмаган ўткир яллигланишидан сўнг кузатилади. Бироқ, сурункали яллигланиш ҳамма вақт ўткир яллигланишининг давоми бўлавермайди. У бурун бўшлиги ёки кўпинча ғалвирсимон лабиринт сингари бошқа ёндош бўшлиқларнинг сурункали яллигланиши сабабли ҳам ривожланади. Шунингдек, юқори жағ тиш илдизининг яллигланиши, чириши ҳам сурункали яллигланиш ривожланишига сабаб бўлади.

Аломатлари. Бемор бурнининг бир томони битиб қолиши, йиринг аралаш суюқлик оқиши, бони оғриғи ва ақлий меҳнат қилганда тез чарчашидан шикоят қиласди. Аксари ҳолларда ҳид сезиз қобилияти пасаяди. Баъзан bemор бурнидан сассиқ ҳид келаётганидан ҳам шикоят қиласди.

Олдинги риноскопияда, буруннинг ўрта йўлида шиллик парда шишиб, яллиглангани аниқланади, баъзан полиплар (ўсимта), йиринг бўлади. Бурундаги йиринг тозалангандан сўнг, ўша жойда яна йиринг ийғилиб қолади (69-расм).

Касалликни аниқлашда bemор шикояти, пайпаслаб кўриш, риноскопия, рентген натижалари катта аҳамиятга эга. Юқори жағ бўшлигини игна санчиб кўриш ва ювиш каби кўшимча текшириш усуслари кўлланади.

Сурункали йирингли гайморит ривожланишида ёки унинг турли асоратларида патоген микроблардан анаэроблар ёки анаэроб-аэроб симбиозлари бўлиши муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, кўпчилик bemорларда иккиламчи иммун заифлиги ҳам қайд қилинади.

Юқори жағ бўшлигининг сурункали яллигланиши қуйидаги хилларга бўлинади:

1. Сурункали катарал гайморит;
2. Сурункали йирингли гайморит;
3. Сурункали аллергик гайморит;
4. Сурункали йирингли-полипли гайморит;

5. Сурункали полипли гайморит;
6. Сурункали кистали гайморит;
7. Сурункали холестеатомали гайморит;
8. Сурункали одонтоген (юқори жағдаги кариесли тишлардан ривожланадиган) гайморит.

Даволаш. Консерватив ва жаррохлик усулида олиб борилади. Консерватив усулдан бири юқори жағ бүшлиги Куликовск игнасини саншиб (пастки бурун йўлидан) токи суюқлик тиниқ бўлмагунча турли эритмалар билан ювилади, кейин у ерга турли антибиотик эритмалари юборилади. Ёш болаларда юқори жағ бүшлиги бирмунчада юқорида бўлади, шуни доимо эсда тутиш керак. Баъзан игна санчганда турли асоратлар келиб чиқиши мумкин [игна кўз соққасини шикастлантириши, бемор ҳушдан кетиб қолиш, кўп қон кетиши, юқори жағ бўшлигининг олдинги деворида ҳаво йигилиши (эмфизема), қон томирига ҳаво тушиши (эмболия) ва б.].

Кўпинча сурункали йирингли гайморит жаррохлик йўли билан даволанади. Бундан мақсад, бўшлиқдаги ўスマлар (полиплар, грануляциялар)ни олиб ташлаш ва бўшлиқ билан бурунни бир-бира га туташтиришдир. Жаррохликтан олдин беморларга седуксен ва бошқа асабни тинчлантирувчи дорилар буюрилади. Жаррохлик маҳаллий оғриқни қолдирувчи дориларни қўллашдан кейин бошланади (0,5–1% ли новокайн эритмаси билан). Шундан сўнг юқори лабнинг ич томонидан лунж шиллиқ пардаси кесилади, кейин юмшоқ тўқималар суяқдан ажратилиб, юқорига суриб қўйилади ва юқори жағ бўшлиги олд деворининг суяқ қисми очилади, сўнгра исказа ёрдамида олдинги девор тешилади. Бўшлиқ юқори жағнинг ёноқ ўсиғи бошланадиган жойидан очилади. Чунки шу ердан ўйилса, бўшлиқ қанчалик кичик бўлса ҳам уни адашмасдан топиш мумкин. Ҳосил қилинган тешик орқали бўшлиқ бутун патологик ўзгаришлардан тозаланади (70, 71- расмлар).

Заарламаган шиллиқ пардага тегилмайди. Бурун бўшлиғига йўл очиш учун буруннинг пастки йўлига қараб турган суяқ юқори жағ бўшлиғи томонидан озигина ўйиб олинади, шиллиқ қават олиб ташланади ёки озигина қирқиб, Гаймор бўшлигининг пастки қисмига ётқизиб қўйилади. Жаррохликтан сўнг юқори лабдаги яра тикилади. Сўнгра лунждаги шишни камайтириш мақсадида унга музли резина халта (грелка) қўйилади. Бемор 3–4 кун давомида бурнини қаттиқ қоқиши мумкин эмас, чунки лунж шишиб кетиши мумкин. Унга юмшоқ, суюқ, илиқ овқат истеъмол қилиш буюрилади.

Юқори жағ бўшлиғини бурун бўшлиғи томонидан очиш. Бунинг учун болаларга умумий ёки маҳаллий оғриқни қолдирувчи дорилар қилинади.

Юқори жағ бўшлиғи пастки ёки ўрта бурун йўлидан, кўпроқ пастки йўлдан очилади. Агар буруннинг пастки чиганоғи халақит берса, у қисман

қиркіб олиб ташланади ёки уни бир оз синдириб юқорига құтариб күйилади.

Юқори жағ бўшлиғини очиш учун турли асбоблар ишлатилади. Сўнгра тешилган тешик тевараги кенгайтирилади ва эгилувчан юмшоқ темир қошиқча билан бўшлиқ патологик ўзгаришлардан тозаланади, бўшлиқ ва бурун ўртасидаги тешик битиб қолмаслиги учун кичик



70-расм. Юқори лабнинг ички томонидаги лунж шиллиқ пардасидан кесиладиган жой.



71-расм. 1 – юқори жаг ёноқ ўсиғи Гаймор бўшлигининг олд деворини очиб ҳосил қилинган тешик; 2 – юқори жаг бўшлиғи билан бурун бўшлиғига очилган йўл (соустъе).

тампон қўйилади. Батъзан ёш болаларда юқори жағ бўшлигини Куліковск игнаси билан тешиб, кейин махсус асбоб ёрдамида бўшлиққа аллопластик найча киритилади ва бир неча кун мобайнида бу найча орқали даво тадбирлари олиб борилади.

ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИГИ КИСТАСИ

Катта ёшдаги болаларда юқори жағ бўшлиги кистаси кўп учраб туради. Хасталик тишларнинг нотўғри ривожланиши натижасида эмбрион тўқималаридан келиб чиқиши мумкин. Юқори жағ бўшлиғида ривожланган сариқ сув олган шиш (киста) ичида ўсишдан тўхтаб қолган тиши бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқори жағ бўшлиғида киста ривожланиши мумкин. Бундай ҳол шиллиқ қаватнинг ҳаддан ташқари шишиши, бириктирувчи тўқималарнинг ривожланиши натижасида кузатилади. Сариқ сув олган шиш катталашиб, юқори жағ бўшлигининг суяқ деворларини (кўпроқ юқори, олдинги деворларини) юпқалаштиради. Киста, кўлинча юқори жағ бўшлигининг пастки деворида жойлашган бўлади.

Касаллик белгилари. Дастрлаб кистанинг катталашмаган даврида ҳеч қандай шикоят бўлмаслиги мумкин. Киста катталашиб, юқори жағ бўшлиғи деворларини эзиши натижасида беморда қаттиқ бош оғриғи ва бўшлиқ атрофи, чакка, пешонада оғирлик сезилади.

Касалликни аниқлашда шикоятлардан ташқари, рентген ва юқори жағ бўшлиғини игна санчиб кўриш ва олинган маълумотлар катта ўрин тутади.

Даволаш. Фақат жарроҳлик йўли билан кистани бутунлай олиб ташлаш мумкин. Юқори жағ бўшлиғида жарроҳлик усули, худди сурункали йирингли гайморитда бўлгандек олиб борилади.

ҒАЛВИРСИМОН ЛАБИРИНТ КАТАКЛАРИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Ўткир этмоидит жуда кичик ёшдаги болаларда кузатилиши мумкин, чунки бу бўшлиқ катта ёшдагиларга нисбатан яхши ривожланган (шаклланган) бўлади.

Ўткир этмоидит келиб чиқишига грипп, аллергик шамоллаш, совуқ қотиш кабилар сабаб бўлиши мумкин. Бунда ғалвирсимон бўшлиқнинг чиқадиган тешиклари ҳамда ўрта бурун йўли торайиши катта ўрин тутади. Хасталик ривожланишида иккиламчи микробларнинг аҳамияти катта.

Касаллик белгилари. Ғалвирсимон катакчалар чегараларидаги суяқ қисми юпқа ва кўпроқ кўз косаси билан чегарарадош бўлгани учун, касалликнинг дастрлабки белгилари кўз атрофига қизариш, шиш билан бошланади ва ўткир этмоидитни ўз вақтида аниқлашда бирмунча

қийинчиликлар туғдириши мүмкін. Беморнинг гавда ҳарорати күтарилиб, иштача йўқолади, инжиқ бўлиб қолади. Бурнидан кўп суюқлик ажралиб, нафас олиш қийинлашади. Кўз косасининг ички девори томонида шиш, юмшоқ тўқималар керкканлиги (салқиганлиги) ва қизарганини кўриш мүмкін. Шиш юқори кўз қовоғи томон тарқалади ва натижада кўз косасида яллиғланиш ва қон димланиши туфайли кўз бириктирувчи пардаси (конъюнктиваси) нинг қалин торптгани (хемоз), кўз соққасининг кўз косасидан иргиб чиққанлиги ва кўз соққаси ҳаракатининг чегараланиб қолганлигини кўриш мүмкін. Кейинчалик кўз косаси атрофида абсцесс ривожланади.

Олдинги риноскопияда бурун бўшлиғи шиллик қавати қучли шишган ва қизарганилиги аниқланади, нафас олиш бузилади, кўп миқдорда шиллик-йирингли ажралма чиқиб туради. Рентгенда ғалвирсимон бўшлиқнинг хидалашганлиги кўринади.

Касалликни аниқлаш. Ёш болаларда кечадиган ўткир этмоидитни, юқори жағ суюгининг яллиғланиши (чириши – остеомиелит) дан ажрата билиш керак. Хасталик оғир кечиб, боланинг ҳарорати юқори бўлади, бурундан нафас олиш бузилиб, кўп йирингли ажралма ажралади. Ўткир этмоидит, кўпинча ёш болаларда учрайди.

Юқори жағ суюги остеомиелитида касалликнинг биринчи кунидаёқ лунж шишгани, тери қизаргани ва оғриқни аниқлаш мүмкін.

Бундан ташқари, бурун-лаб бурмаси текисланиб, оғиз бурчаги паст томонга осилган ҳолатда ва юқори лабнинг ҳаракати чекланган бўлади.

Даволаш. Дастлаб бурун шиллик қавати шишини камайтириб, нафас олишни тиклаш, бурундан келаётган ажралмани тўхтатиш лозим. Бунинг учун бурун бўшлиғининг ўрта йўлига 5–10 минут давомида 0,05–0,1% ли нафтазин ёки 0,1% ли адреналин эритмаси шимдирилган пахта ёки дока парчаси қўйилади, сўнгра 1% ли протаргол эритмаси томизилади. Ҳар куни бурун Проец усулида турли дорилар билан ювилади. Албатта, бунда умумий даволашни бирга олиб бориш керак (антибиотиклар, сульфаниламидлар ва б.). Ўткир йирингли этмоидитнинг кўз косасига берган асорати оғир бўлса, унда жарроҳлик усулини қўллашга, яъни ғалвирсимон бўшлиқни очишга тўғри келади.

ҒАЛВИРСИМОН БЎШЛИҚНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛANIШI

Сурункали яллиғланиш кўпинча бурун ёндош бўшлиқлари, айниқса, юқори жағ бўшлиғининг яллиғланиши билан бирга кечади. Яллиғланиш бир ёки икки томонлама бўлиши мүмкін. Сурункали этмоидит кўпинча йирингли ёки шиллик қаватнинг полипоз ўзгариши билан бирга кузатилади.

Клиник аломатлари. Аксарият сурункали этмоидитда клиник аломатлар яққол ривожланмаган бўлади.

Олдинги риноскопияда оз миқдорда шиллиқ, шиллиқ-йирингли ажралмани күриш мүмкін. Агар ғалвирсимон бүшлиқнинг олд ва ўрта катакчалари яллиғланган бўлса, йиринг кўпроқ буруннинг ўрта ва пастки йўлида аниқланади, орқа катакчалар яллиғланганда йиринг бурун-ҳалкум томонга оқиб тушади. Ўрта чиганоқлар ҳажми катталашиб, бурун тўсигига ёпишиб туради. Шиллиқ қават ўзгариши натижасида полипларни аниқлаш ёки ўрта чиганоқларни пуфакча (буллёз) ҳолатидалигини кўриш мүмкін.

Даволаш. Консерватив усулда даволаш яхши натижа бермайди. Даволаш, асосан, ғалвирсимон бўшлиққа игна санчиб, унинг катакларини ювишдан иборат. Бунинг учун икки хил маҳсус игналар ишлатилади. Биринчи хил игнани ғалвирсимон катакларга санчиб, у ерда йиринг бор ёки йўқлиги аниқланади. Иккинчи хил игналар биринчи хилидан ажралиб туради, уларда бир неча тешиклар бўлади. Бу хил игнани ғалвирсимон бўшлиқнинг катакларига санчиб, улар турли дори эритмалари билан ювилади. Суюқлик игна учидаги тешик орқали ташқарига чиқади. Албатта игна санчишдан олдин 2–10 % ли лидокайн билан оғриқсизлантириш лозим.

Жарроҳлик усули. Даствор бурун бўшлиғига 10% ли лидокайн сепилиб, 0,5% ли новокаин шиллиқ ости қаватига юборилади. Маҳсус асбоблар ёрдамида эҳтиёткорлик билан ғалвирсимон бўшлиқнинг ўзгарган катаклари очилади ва ҳамма полиплар олиб ташланади. Бунда жарроҳлик микроскопи ёки оптикали эндоскоплардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ПЕПИОНА БЎШЛИГИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Асосан, 5 ёшдан кейин учрайди. Касаллик ривожланишига бурун бўшлиғидаги патологик ўзгаришлар (бурун бўшлиғи йўлларининг торайиши, чиганоқларнинг катталашиб кетиши, бурун тўсигидаги ўзгаришлар, бурун бўшиғидаги полиплар, пешона бўшлиғи ўрта бурун бўшлиғига очилиш қисмининг бекилиши ва ҳоказолар) сабаб бўлиши мүмкін. Бундан ташқари, ўткир тумов, грипп касалликларининг ўрни ҳам катта.

Аломатлари. Бемор бош оғриғидан (айниқса пешона атрофига), бурун битишидан, ҳид сезишнинг пасайғанлигидан ёки бутунлай бузилганлигидан шикоят қиласи. Бош оғриғи турли дориларни қабул қилса ҳам босилмайди.

Пешона атрофини пайпаслаганда оғриқ зўрайди. Баъзан пепиона атрофига ишиш, терининг бир оз қизарганини кўриш мүмкін. Олдинги риноскопияда бурун шиллиқ қавати қизарган ва шишган бўлиб, йирингли ажралма кўзга ташланади. Гавда ҳарорати баъзан 39° га кўтарилади.

Даволаш. Бурунга 0,05–0,1% ли нафтизин эритмаси томизилади ёки паҳтага шимдирилган ҳолда қўйилади (кун бўйи 6–8 марта). Бурундаги ажралмани резина баллон билан сўриб олиш ҳам мумкин. Албатта турли антибиотиклар, сульфаниламиллар берилиши шарт. Бундан ташқари, бурун-пешона йўлини темир ёки полизтилендан ясалган маҳсус катетерлар билан зондлаш ва пешона бўшлигини ювиш яхши натижа беради.

Пешона бўшлигини табиий канали орқали ювиш мумкин бўлмаганда маҳсус асбоб ёрдамида бўшлиқ олдинги деворини тешиб, темир канюла (най) қўйилади, у орқали бўшлиқ ювилади ва турли антибиотиклар юборилади.

ПЕШОНА БЎШЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Касаллик аломатлари. У ўткир яллиғланишдек яққол ифодаланган бўлмайди. Бўшлиқ ичидаги суюқлик бурун бўшлиғига оқиб тушмаса, бўшлиқ ичидаги босим ошиб кетиб, бош қаттиқ оғрийди. Пешона бўшлиғи остки деворини пайпаслаганда оғриқ сезилади.

Касалликни аниқлашда бемор шикояти, олдинги риноскопия, рентген, КТ ва МРТ, пешона-бурун йўлини зондлаш ёки пешона бўшлигини олд деворидан тешиш катта ёрдам беради.


Даволаш. Пешона бўшлиғи зонд ёрдамида ювилади ва беморга турли антибиотиклар берилади. Бурунга тез-тез томир торайтирувчи дорилар томизиб турилади.

Маҳсус асбоб орқали пешона бўшлиғи тешилади (трепанопункция) ва унга темир найча қўйиб, у орқали бўшлиқ ювилади ва турли доридармонлар юборилади.


Юқоридаги даволаш усуслари ёрдам бермаса, жарроҳлик усули қўлланади. Жарроҳлик, одатда, маҳаллий оғриқсизлантириш йўли билан олиб борилади. Тери ва суяқ уст пардаси қош бўйлаб кесилади ва кўзнинг ички бурчагига етганда бурун суяги бўйлаб пастга қараб кесилади, уни кўз косасининг пастки чеккасига тўғри келган жойда тўхтатилади. Юшоқ тўқималарни суяқдан ажратиб, юқори ва пастга тортиб қўйилади, сўнгра пешона бўшлигининг олд ва остки деворлари очилади. Шу деворларни ўйиб, бўшлиққа кирилади. Бутун патологик ўзгарган шиллик парда, у ердаги йиринглар, грануляциялар, полиплар олиб ташланади. Шундан сўнг, пешона бўшлиғи билан бурун бўшлиғи бир-бирига туташтирилади, бу йўлга резина найча қўйилади. Найчанинг бир учи бурун, иккинчи учи пешона бўшлиғида бўлади. Кесилган тери яхшилаб тикилади. Кейинчалик резина найча орқали турли антибиотик ва бошқа дорилар томизиб турилади, шу билан бирга, найча орқали бўшлиқдаги ажратмани сўриб олиб туриш ҳам мумкин (72, 73, 74, 75-расмлар).



73-расм. Хоакадан олинган полип.



74-расм. Полипларни юлиб олувчи ұалқа сим асбобини полипга кийдиріш.



75-расм. Бурун бүшлигидаги полипни юлиб олиш.

АСОСИЙ БҮШЛИҚНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Асосий бүшлиқнинг яллиғланниши, аксари ҳолларда (айниқса орқа катакчалар яллиғланнишида) ғалвирсимон бўшлиқ касалликлари билан бирга кузатилади. Шунинг учун бу касаллик аломати ва кечиши худди ғалвирсимон бўшлиқ хуружларига ўхшаб кетади.

Беморни, асосан, бош ва кўз соққасидаги оғриқ безовта қиласди. Бош оғриғи бошнинг турли қисмida (пешона, орқа, энса ёки бош тепасида) қайд этилади. Риноскопияда буруннинг юқори йўлида йириング кўриниб, кўпинча у бурун-ҳалқум томон оқиб тушади.

Касалликни аниқлашда bemor шикояти, касаллик тарихи, рентген ва компютер томография мухим ўрин тутади.

Даволаш. Касалликнинг барча белгилари мавжуд бўлганда асосий бўшлиқ маҳсус найсимон асбоб билан текширилади (катетер ёки зондлаш) ёки маҳсус игна билан пункция қилиб, бўшлиқда ажралма борлиги аниқланади. Йиринг бўлса, шу усулда ювиб ташланади ва турли хил дорилар киритилади. Кўпинча консерватив усул қўлланади. Лекин сфеноидитнинг кўз косаси ва бош мияга берган асоратларида жарроҳлик усули қўлланади.

БУРУН ВА УНИНГ ёНДОШ БЎШЛИҚЛАРИ ХАСТАЛИКЛАРИНИНГ КЎЗ КОСАСИ ВА КАЛЛА СУЯГИ ИЧИГА БЕРАДИГАН АСОРАТЛАРИ

Бундай асоратлар инфекциянинг кўз косаси ва калла суюги ичига ўтиши натижасида кузатилади. Бу бевосита яллиғланган жойдан, қон ёки лимфа йўллари орқали ўтади, чунки бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари бевосита кўз косаси ва калла суюги билан четарадош ва қон томирлари бу аъзолар билан ўзаро боғлиқдир.

КЎЗ КОСАСИГА БЕРИЛАДИГАН АСОРАТЛАР

Кўпинча ёш болаларда ғалвирсимон бўшлиқнинг йирингли яллиғланниши ва юқори жағ суюгининг чириши (остеомиелит) кўз косасига асорат беради. Умуман бурун ёндош бўшлиқларининг йирингли яллиғланниши кўз косасига асорат бериши мумкин (айниқса, ўткир синуситларда). Бунга бу бўшлиқларни кўз косасидан ажратиб турувчи суяқ деворларининг юпқалиги ва вена қон томирларининг бу аъзолар билан ўзаро боғлиқларига сабаб бўлади.

Кўз косасида қуйидаги асоратлар бўлиши мумкин: суяқ ва суяқ уст пардаси яллиғланниши (остеопериостит), субпериостал абсцесс, кўз косасининг тарқоқ йирингли яллиғланниши (флегмона), кўз косаси тўқимасидаги вена қон томирлари тромбози (қон ивиши) ва бошқалар.

Остеопериостит — иккиламчи яллигланиш бўлиб, кўз косаси суяқ деворларининг яллигланиши ҳисобига келиб чиқади, лекин бунда суяқ жароҳатланмайди (суяқ асосан сурункали синуситларда чирийди).

Бемор гавда ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, ҳолсизлик, кўз косаси ҳаракатланганда оғриқ зўрайишидан шикоят қиласди.

Беморни текшириб кўрганда кўз қовоқлари шишган, кўз соққаси кўз косасидан бўртиб чиқиб, гайритабиий кўринишида бўлади ва унинг ҳаракати чегараланади. Агар яллигланиш кўзниң ичкари қисмларига тарқалган бўлса, кўз тубидаги ўзгаришлар ва кўриш хусусиятининг пасайганлигини аниқлаш мумкин.

Остеопериостит ғалвирсимон бўшлиқнинг йирингли яллигланишидан кейин ривожланган бўлса, бунда, асосан, шиш ва қизариш кўз косасининг ички (медиал) девори атрофика кузатилади.

Субпериостал абсцесс. Бу, асосан, остеопериоститни ўз вақтида даволамаслик ёки нотўғри даволаш, вена қон томирларидаги ивиган қон (тромб)нинг микроблар таъсирида парчаланиши (емирилиши) натижасида ривожланади.

Бунда bemornинг ҳарорати $38-40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиб, боши қаттиқ оғрийди. Касаллик аломатлари худди остеопериоститга ўхшаб кетади. Юқори қовоқ териси қизариб, шишган ва бўртган, кўп ҳолларда кўз косаси ҳам бўртган, ҳаракати чекланган бўлади ва кўриш қобилияти пасайиб боради. Йирингли жараён кўз соққасининг ичкаридаги қисмida авж олса, узоқлаштирувчи ва кўзни ҳаракатлантирувчи нервлар фалажи кузатилиши мумкин.

Кўз қовоқлари абсцесси. Субпериостал абсцессда йиrint кўз қовоғи тўқималарининг олдинги қисмига тарқала борса, кўз қовоғи абсцесси ёки флегмонаси ривожланади. Кўпинча бу асорат вена қон томирлари орқали тарқалиб, асосан, кўзниң юқори қовоғида кузатилади. Кўз косаси ёпилиб қолиб, bemor аҳволи оғирлашиб, гавда ҳарорати юқори бўлади.

Кўз косасининг тарқоқ ёки чегараланмаган яллигланиши (флегмона). Кўз косаси флегмонаси кўз барча тўқималарининг йирингли яллигланиши билан кечади.

Bemornинг умумий аҳволи оғир ва ҳарорати баланд бўлади. Bu асорат ўткир йирингли синуситлар ёки сурункали йирингли синуситлар хуружи даврида кузатилади. Инфекция кўп ҳолларда вена қон томирлари орқали тарқалади. Бурун ёндош бўшлиқларидаги микробларга тўла вена қони кўз косаси қон томирларига тарқалиб, у ерда тромбофлебит (қоннинг ивиб қолиши) ёки перифлебитни қўзғатади. Натижада кўз косаси тўқималарида кўплиб майда-майда абсцесслар ривожланади, кейинчалик улар ўзаро бирлашиб, катта ҳажмдаги абсцессга айланади.

Бундан ташқари, кўз косаси флегмонаси бурун ёндош бўшлиқларининг суяқ деворлари емирилиши (чириши)нинг кўз тўқималарига

бевосита ўтиши оқибатида ҳам ривожланиши мумкин. Кейинчалик бу яллигланиш олдинги мия чукурчасидаги ғоваксимон (каверноз) синусга ўтиб, унда тромб ҳосил бўлишига олиб келади.

Бемор кўз соққаси кўз косасидан олдинга бўртиб чиққан, (экзофталм), ҳаракатсиз бўлади. Кўз қовоқлари териси қизарган, шишган бўлиб, bemorning кўриш қобилияти йўқолади. Унда кучли бош оғриғи, кўнгил айниши, қайт қилиш кузатилиши мумкин (76,77-расмлар).

Умумий қон таҳлилида лейкоцитоз ва ЭЧТ ошган бўлади.

Даволаш. Биринчи вазифа – бирламчи инфекция ўчоини йўқотишdir. Синуситларнинг кўз косасига берган асоратлари бошланғич даврда консерватив усулда бартараф этилади. Дастваб, бурун ёндош бўшлиқларини пункция қилиш ёки у ерга зонд орқали дори киритиш, бурун йўлларига шишни қайтарувчи дориларни тез-тез куйиб туриш, таъсири доираси кенг антибиотикларни қўллаш лозим.

Консерватив даво усуллари ёрдам бермаганда, бурун ёндош бўшлиқлари ва кўз косасида жарроҳлик усулини қўллаш шарт.



76-расм. Фалвирсимон бўшлиқ ўткир йирингли яллигланишининг асорати.



77-расм. Бурун ёндош бўшлиқларининг йирингли яллиғланиши оқибатида ривожланган кўз косасининг тарқоқ йирингли яллиғланиши (флегмона).

БУРУННИНГ ҲИД СЕЗИШ ХУСУСИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ

Бурун ҳид сезиш хусусиятининг бузилиши 4 хил бўлади.

Ҳид сезишнинг пасайиши – *гипосмия*, кучайиши – *гиперосмия*, бутунлай бузилиши – *аносмия* ва ҳид сезишни нотўғри талқин қилиш – *паросмия* ёки *какосмия*.

Ҳид сезишнинг пасайиши ёки бутунлай йўқолишига бурун бўшлиғидаги касалликлар сабаб бўлиши мумкин (полиплар, бурун тўсиги қийшайиши ва б.), чунки бундай ҳолларда ҳидли нарсаларнинг заррачалари, молекулалари ҳид сезишни рецепторларига бутунлай ёки қисман бормайди. Ҳидни сезиш кўпинча нерв толаларининг заарланниши (эссенциал тур) натижасида бузилади (грипп, озена, атрофик тумов ва б.да). Бундан ташқари, бурун жарроҳатланганда ёки бурун бўшлиғида кўлланилган жарроҳликдан кейин ҳид сезиш умрбод ёки вақтингча бузилиши мумкин.

Ҳид сезишнинг бутунлай бузилиши – респиратор аносмиянинг оқибати яхши натижা билан туғайди, чунки нафас олишта тўққинлик қилаётган механик тўсиқни жарроҳлик усулида йўқотиш орқали беморнинг ҳид сезиш қобилиятини тиклаш мумкин. Эссенциал аносмияда ҳид сезиш хусусиятини тиклаш мумкин эмас, чунки бунда заарланган нерв толаларини тиклаб бўлмайди.

БУРУННИНГ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИ

Бурун ва унинг ёндош бўшлиқларida учрайдиган хавфсиз ўスマларга: полип, папиллома, фиброма, ангиома ва остеома киради.

Полип болаларда кам учрайди. Полип кўпинча ғалвирсимон ёки юқори жағ бўшлиғининг сурункали яллиғланиши, яъни улар шиллиқ

пардасининг ўзгариш маҳсулидир. Шунинг учун полипни ўсмалар қаторига киритиш унчалик тўғри келмайди, лекин унинг ташқи кўриниши ўсмаларга ўхшайди. Полип битта (яхлит) ёки бир неча бўлиши мумкин. Улар ингичка оёғи билан шиллик пардага ёпишиб туради ва кўпинча буруннинг ўрта йўлидан ўсиб чиқади. Полиплар кулранг, баъзан сарғиши-қизил, усти силлиқ ва юмшоқ, ҳажми ҳамда миқдори ҳар хил бўлади.

Баъзан, бурун бўшлиғи майда полиплар билан тўлиб туради. Бироқ, кўпинча катта ҳажмдаги битта полип бурун бўшлиғини тўла эгаллабгина қолмай, ҳатто бурун тешигидан ҳам ташқарига чиқиб туради. Айrim ҳолларда полип орқага, хоаналар томонига қараб ўсиб, ҳалқумга осилиб тушади ва бу *хоанал полип*, деб аталади (69, 72-расмлар).

Бурун полипларини гистологик текшириб кўрилганда ингичка толали, кенг катакли, бириктирувчи тўқимадан тузилган ўзак, кўп миқдорда юмалоқ плазматик ҳужайралар ва сероз суюқлик билан тўлган бўшлиқлар аниқланади.

Даволаш. Фақат жарроҳлик усули қўлланади. Бунда маҳаллий оғриқ қолдирувчи дорилар қўллаб, сўнгра полиплар маҳсус ингичка симли, илмоқли (ҳалқасимон) асбоб билан олиб ташланади.

Папиллома бурун бўшлиғига кириш қисмida қопловчи эпителийдан ўсади. У сўргичсимон шаклда бўлиб, қайталаниш хусусиятига эга. Папиллома ҳам полип каби жарроҳлик йўли билан даволанади.

Фиброма бириктирувчи тўқималардан ташқил топган ўсма; думалоқ юзи силлиқ, турли ҳажмда бўлади. Бу ўсма ҳам маҳсус ингичка симли, илмоқли ҳалқасимон асбоб ёрдамида кесиб олинади.

Ангиома. Қон ёки лимфа томирларидан ривожланадиган ўсма бўлиб, кўпроқ қиз болаларда учрайди. Асосан, бурун тўсигининг олдинги қисмida, камроқ пастки ўрта бурун чиганоқларининг олдинги қисмida ривожланади. Ўсма думалоқ, юмшоқ, тўқ қизил, баъзан кўқимтири туслади. Бўлиши мумкин. Беморни кўпинча бурундан қон оқиши безовта қиласи. Ўсма, асосан, жарроҳлик усулида даволанади.

Остеома. Катта ёшдаги болаларда кўп кузатилади, асосан бурун ёндош бўшлиқларида ўсади. У янги ҳосил бўлган сукт тўқимасидан ташқил топган хавфсиз ўсма бўлиб, секин ўсади (катталашади), шунинг учун узоқ муддат bemорни безовта қилмайди. Ўсма катталашши билан bemорда бош оғриғи қайд этилиб, бурундан нафас олиш, ҳид сезиш бузилади. Ўсмани рентген ёки КТ орқали яхши кўриш мумкин.

Даволаш. Беморни безовта қилган даврда, жарроҳлик усулида олиб ташланади.

ХАВФЛИ ЎСМАЛАР

Бурун бўшлигининг хавфли ўсмаларига рак ва саркома киради.

Рак (саратон касаллиги) — ясси ёки без эпителийсидан ривожланадиган хавфли ўсма бўлиб, у тез ўсиши, емирувчанлик хусусияти, ярага айланишга мойиллиги, атрофдаги аъзоларга тез тарқалиши ва қайталаниши билан ажралиб туради.

Саркома бириткирувчи тўқимадан ўсадиган хавфли ўсма бўлиб, кўпинча суяк ёки тоғай уст қисмдан ривожланади. Беморда бурундан нафас олиш, ҳид сезиш бузилиб ундан тез-тез қон оқиб туради. Бурун ёндош бўшлиқларида ривожланадиган бу ўсма юз суяк қисмининг шаклини ўзгартириб юборади. Бурундан қон аралаш сассиқ ажралма оқиб, қаттиқ танглайди ҳам ўзгаришлар кузатилади. Натижада ажралма кўпини аъзоларга (айниқса кўз косасига) тарқалиб, bemorning ахволи оғирлашади.

Даволаш. Рентган нури, турли кимёвий дорилар ва жарроҳлик усули қўлланади.

ҲАЛҚУМНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Ҳалқум ёки ютқин — pharynx овқат ҳазм қилиш йўлининг оғиз бўшлиғи билан қизилўнгач ўртасида жойлашган қисми. Ҳалқум бурун бўшлигини ҳиқилдоқ билан туташтириб турганлиги учун нафас йўлининг ҳам бир қисми ҳисобланади. Ҳалқум бурун ва оғиз бўшлигининг бевосита давоми бўлиб, унинг шакли орқа юзасига қараб яссиланиб борувчи воронкага ўхшайди.

Ҳалқумнинг юқори қисми хоана ёрдамида бурун бўшлиғи билан туташган бўлиб, бурун-ҳалқум деб юритилади. Ҳалқум ёш болаларда калла асосидан (энса суяги асосидан) то IV—V, катталарда эса VI—VII бўйин умуртқаси погонасигача давом этади.

Ҳалқум атрофини ўраб турадиган мушаклар, суяклар, томирлар ҳалқум деворлари деб аталади. Ҳалқум бешта: юқори, орқа, олд ва икки ён деворлардан ташкил топган.

Ҳалқум энса суягининг асосий қисмida бўлиб, қисман пона суягининг гавдасига қадар кўтарилгани ва суякларга биринкани учун, бу жой ҳалқумнинг юқори девори ҳисобланади. Икки ён томонда ҳалқум яқинидан йирик қон томирлари ва нервлар ўтади. Улар ён деворларни ташкил қиласи (ички ва ташки үйқу артерияси, ички бўйинтуруқ венаси, адашган, қўшимча, тил-ютқин, тил ости ва симпатик нервлар).

Орқа девор бошқа деворлардан қаттиқдиги билан фарқ қиласы. Олд томондан ҳиқилдоққа ҳалқумнинг фақат пастки қисми тегиб туради. Унинг устки қисми деворсиз бўлиб, бурун бўшлиғлари билан хоана орқали туташган.

Ўрта қисми юмшоқ танглай чодири ва тилча билан чегараланиб, томоқ тешиги (*isthmus faucium*) орқали оғиз бўшлиғи билан бирлашади.

Юмшоқ танглай қаттиқ танглайнинг давоми ҳисобланиб, шиллиқ қаватнинг икки қават тахланиши (дупликатураси) орқали ҳосил бўлади. Улар оралиғида мушаклар жойлашган (юмшоқ танглайни тарангловчи (*m. tensor veli palatini*) ва юмшоқ танглайни кўтарувчи (*m. levator veli palatini*)).

Ҳалқумнинг узунлиги (юқоридан пастга) катталарда 12–15 см, ёш болаларда эса бирмунча қисқа.

Ҳалқум орқали овқат луқмаси ва суюқлик қизилўнгачга, ҳаво эса бурун бўшлиғи орқали ҳалқумга, ҳиқилдоққа, кекирдакка, бронхларга, сўнг ўпкага ўтади.

Юқорида айтилганидек, ҳалқум уч қисмга бўлинади: 1) бурун қисми – *pars nasalis*; 2) оғиз қисми – *pars oralis*; 3) ҳиқилдоқ қисми – *pars laryngea*.

Ҳалқум бурун қисмининг олдинги девори йўқ, у хоана орқали бурун бўшлиғи билан туташган. Бу бўлимнинг ён деворида ўрта қулоққа олиб борувчи эшитув найи бошланади. Унинг атрофида лимфа тўқимасидан тузилган муртаклар – *tonsilla tubaria* жойлашган.

Бурун-ҳалқум гумбазида кўп микдорда лимфоид тўқима бўлиб, у *tonsilla pharungaea* ёки III муртак деб юритилади. Бу муртак ёш болаларда яхши ривожланган бўлиб, 10–12 ёшдан бошлаб кичиклашиб боради (78-расм). Болаларда бу лимфоид тўқиманинг катталашиб кетиши сабабли хоана тешиги қисман ёки бутунлай беркилиб қолиши мумкин, натижада бурундан нафас олиш қийинлашади ёки бутунлай олиб бўлмайди. Натижада ёш болаларда турли касалликлар келиб чиқади.

Шиллиқ парда ҳилпилловчи цилиндрик эпителий билан қопланган бўлиб, бурун-ҳалқумнинг орқа девори I–II бўйин умуртқаларига тўғри келади.

Ҳалқумнинг оғиз қисмida учта (орқа ва икки ён) девор бор. У олд томондан бўғиз (томуқ) тешиги орқали оғиз бўшлиғи билан туташиб кетади.

Ҳалқумнинг бу қисми ҳам ҳаво, ҳам овқат ўтадиган умумий йўл ҳисобланиб, бу вазифани юмшоқ танглай тартибга солиб туради. Овқат луқмасини ютганда юмшоқ танглай таранглашиб, юқорига кўтарилади ва ҳаво йўлинни бутунлай тўсиб қўяди. Ёш болаларда оғиз бўшлиғи тил билан тўлган бўлади. У юқоридан юмшоқ танглай, пастдан тил ўзаги, ён томондан олдинги ва орқа танглай равоқлари билан чегараланган



78-расм. Учинчи муртак (ҳалқум мургаги) нинг жойлашниши.

бўлиб, улар орасида танглай муртаклари (I ва II) жойлашган. Тил ўзагида ҳам лимфоид тўқима тўплами бўлиб, у IV муртак деб аталади.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган олтига муртак (битта тил муртаги, иккита най, иккита танглай, битта ҳалқум муртаги) худди ҳалқа шаклида жойлашган бўлиб, *Вальдайер – Пирогов* ҳалқаси деб юритилади.

Кўрсатиб ўтилган лимфоид тўқималар орасида, энг каттаси ва муҳим аҳамиятга эга бўлгани – танглай муртаги (биринчи ва иккинчи) ёки бодомча безлари ҳисобланади, улар (шакли) бодом данагига ўхшайди.

Танглай муртаги – tonsilla palatina бир жуфт бўлиб, танглай-тил, танглай-ютқин бурмалари орасидаги муртак чуқурчаси (fossa tonsillaris) да жойлашган. Танглай муртаклари бир оз бўйига чўзилган бодом шаклида бўлиб, узунлиги 13–28 мм, эни 14–22 мм. Уларнинг ташқи юзи муртак чуқурчасига ёпишиб турса, ички (бир-бирига қараган) юзи эса ютқинга кириб борувчи томоқ тешигининг ён чегараларини ташкил қиласди. Муртакнинг ташқи юзасини ўраб олган бириктирувчи тўқима (муртак капсуласи) без бағрига кириб, уни бўлакларга бўлиб юборади, унинг ички (ютқинга қараган) юзаси эса кўп қаватли яси эпителий билан қопланган бўлиб, унда 5 тадан то 20 тагача муртак чуқурчалари (лакуна ёки крипта) мавжуд. Муртак бағрида юмалоқ шакли лимфоид тўқималар ёки тугунчалар (фолликулалар) жойлашган. Бу тугунчалар, айниқса болаларда ва ўсмирларда кўп учрайди. Ёш болаларда танглай муртаклари анча катталашган бўлиб, ёш улгайган сари кичрайиб боради.

Танглай муртакларининг юқори қисмидаги олд ва орқа равоқларнинг күшилиш жойидан пастроқда уч бурчакли чўнтақ бўлиб, у муртак усти чукури (*fossa supratonsillaris*) деб юритилади. Шу чукурчага танглай муртакларининг бир қисми жойлашган бўлиши мумкин (*resessus palatinis*). Бундай беморларда кўпинча муртак олди абсцесси ривожланади. Шунинг учун, танглай муртакларида жарроҳлик ўтқазилганда (тонзиллэктомия), буни инобатга олиш лозим.

Муртакнинг орқа томони эса мушак қисмидан ажралган, муртак юшоқ тўқималари билан тўлган бўлади. Бу тўқима орқали қон томир ва нервлар (ички уйқу артерияси IX, X, XI, XII бош мия нервлари ва ички бўйинтуруқ венаси) ўтади.

Бу қон томирлар ва бош мия нервлари муртакларга нисбатан турлича оралиқда жойлашган бўлиб, жарроҳлик усулини қўллашда буни ҳисобга олиш лозимdir.

Ички уйқу артерияси танглай муртагининг юқори қисмидан таҳминан 2,8 см, ташқи уйқу артерияси эса 4,1 см, муртакнинг пастки қисмидан ички уйқу артерияси 1,1–1,7 см, ташқи уйқу артерияси эса 2,3–3,3 см масофада жойлашган. Баъзан катта қон томирлари анамал жойлашиб, муртакка жуда яқин бўлиши мумкин, жарроҳлик муолажаларини бажаришда буни инобатга олиш зарур.


Танглай муртаклари жуда кўп қон томирлари билан таъминланган:

а) *a. palatina ascendens* (юз артерияси тармоғи);

б) *a. pharyngea ascendens* (ташқи уйқу артерияси тармоғи);

в) *a. palatina descendens* (ташқи уйқу артериясининг охирги тармоғи) ва бошқалар (79- расм).

Ҳалқумнинг оғиз қисми кўп қаватли ясси эпителийдан ташкил топган бўлиб, шиллиқ парда билан қопланган.



79-расм. Танглай муртакларининг қон томирлари билан таъминланиши.

Тил муртаги — *tonsilla lingualis* тил илдизи соҳасида, унинг шиллиқ қаватини қоплаб турувчи кўп қаватли ясси эпителий остида жойлашган. Тил илдизи, тил муртагининг жойлашган соҳаси ғадир-будур бўлиб кўринади, унинг чукурчаларида тил шиллиқ безлари очиладиган тешиклар бор.

Тил муртаги болалик даврида тез ривожланиб, баъзан ҳаддан ташқари катталашиб кетиши мумкин. Бу муртакни тил артериясидан чиқувчи тармоқлар қон билан таъминлайди. Тил- ютқин, адашган ва симпатик нервлар билан таъминланади.

Ҳалқумнинг пастки (ҳиқилдоқ) қисми бирмунча калта бўлиб, ҳиқилдоқнинг орқа томонида жойлашган. Бу қисм ҳиқилдоққа кириш жойидан, то узуксимон тофайнинг пастки қиррасига қадар давом этиб, сўнгра қизилўнгачгача етади. Бу қисмнинг олд ва орқа деворлари бир-биридан фақат овқат ёки суюқликни ютиш пайтидагина узоқлашади, бошқа вақтда бир-бирига тегиб туради. Ҳиқилдоқ қисмнинг олдинги деворида ҳиқилдоққа кириш тешити бор. Бу тешикни ҳиқилдоқ қопқоги – ҳиқилдоқ усти тофайи – *cartilago epiglotticae* ва унинг ён томонларида жуфт бурмалар (ҳиқилдоқ усти тофайи билан чўмичсимон тофай ўртасида тортилган) *plicae aryepiglotticae* чегаралаб туради. Бу икки бурманинг ён томонларида жуфт ноксимон чукурчалар – *recessus piriformis* деб аталади.

Ҳалқумнинг пастки қисми кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган.

Ҳалқум девори ташқи биритиравчи тўқимадан тузилган парда (*tunica adventitia*), ўрта мушак қавати (*tunica muscularis*) ва ички шиллиқ парда (*tunica mucosa*) дан ташкил топган. Ҳалқумда шиллиқ ости қавати йўқ, унинг ўрнида фиброз парда – *tunica fibrossa* мавжуд. Бу қават ҳалқумнинг юқори қисмларида яхши ривожланган.

Ҳалқумнинг мушаклари бажарадиган вазифаларига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1) қисувчи мушаклар – *m.m. constrictor pharyngis superior, medius et inferior*.

2) кўтарувчи (кентайтирувчи ҳам) мушаклар:

а) бигизсимон ўсиқ билан ҳалқум орасидаги мушак – *m. stylop-haryngeus*;

б) ҳалқум-танглай мушаги – *m. palatopharyngeus*;

в) найча ҳалқум мушаги – *m. salpingophryngeus*.

Овқат ютилганда мушаклар навбат билан, яъни юқоридан пастга қараб қисқаради ва овқат луқмасини ҳалқумдан қизилўнгачга ўтказиб юборади.

Ҳалқум асосан ташқи уйку қон томирларидан таъминланади. Ташқи жағ қон томиридан (*a. maxillaris externa*) чиқкан тармоқ – *a. palatina ascendens* бўлиб, ички жағ қон томиридан ажralиб чиқкан қон томир – *a. palatina descendens* қон томири ҳисобланади.

Ҳалқум вена қон томирлари иккита бир-бири билан бирлашган тутунча ҳосил қиласи (ҳалқум ва танглай), улар ички бўйинтуруқ

венасиға құйилиб, юз, қалқонсимон ҳамда тил веналари билан құшилиши мүмкін.

Халқумнинг нерв системаси сезувчи ва ҳаракатлантирувчи қисмдан ташкил топған. Сезувчи нерв уч шохли нервнинг иккінчі тармоғи ва тил-ютқин нервидир. Ютқиннинг пастки қисми адашған нерв билан таъминланади.

Халқумнинг ўрта ва пастки қисмини тил-ютқин, құшимча ва адашған нервлар таъминлаб туради. Юқорида айтиб үтилған нервлар бүйін симпатик нерви билан құшилиб ютқин тутунгасини (plexus pharyngeus) қосыл қиласы.

Халқум орқа бўшлиғи ҳалқумнинг орқа деворидаги (уччала қисміда) бўшлиқ бўлиб (умуртқа погонасининг олдинги қисми), ёш болаларда бу бўшлиқ юмшоқ бириктирувчи түқима билан тұлған, бу ерда лимфа тутунчалари бўлади. Бўшлиқ юқоридан калла асоси билан, ён томондан томир-нерв тутами билан, олдиндан ҳалқумнинг орқа девори билан, орқадан умуртқа олди фасцияси билан чегараланған. Пастдан эса кўкс бўшлиғига давом этади. Ёш болаларда шу бўшлиқдаги лимфа тутунларининг яллигланиши оғир касалликни келтириб чиқариши мүмкін (ютқин орқа бўшлиғи абсцесси).

ҲАЛҚУМ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ҳалқум ҳаво ва овқат ўтиши учун хизмат қиласы, бундан ташқари, товушнинг жарангли чиқишида, нутқда ва ҳимояда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ютқин овқат ва ҳаво ўтадиган ягона йўл бўлиб, овқат ва ҳавонинг навбат билан ўтишини рефлектор равишда таъминлаб (тартибга солиб) туради.

Одам тинч турганда ҳалқум оғиз бўшлиғи томон очиласы. Ютиш, баъзи бир унли ва ундош товушларни талаффуз қилиш пайтида юмшоқ танглай күтарилиб, ютқиннинг орқа деворига бориб, зич тақалади ва ютқин-бурун бўшлиғини ажратиб қўяди, натижада овқат ва суюқлик бурун бўшлиғига ўтмайди.

Баъзан овқат ва суюқликнинг бурун бўшлиғига ўтиб кетишига юмшоқ танглай фалажи сабаб бўлади, кўпинча у бўғма касаллигидан сўнг ривожланади.

Ютилған овқат ёки суюқлик қизилўнгачга қараб йўналаётганда ҳиқилдоқ сатғи бекиласы, у бирмунча күтарилиб, тил ўзаги остига яқынлашади ва тил ўзаги уни босади. Ҳиқилдоқ усти тогайи унинг устини ёлади, шундан сўнг овқат луқмаси пастга – қизилўнгачга қараб силжиб тушади.

Юмшоқ танглай ва тил ўзаги таъм билиш нервларининг охирги толалари билан таъминланганлиги сабабли, таъм билиши ва муҳофаза вазифасини бажаради (ширин, шўр, аччиқ ва нордон нарсаларга).

Таъм сезгиси ноғора тори (*chorda tympani – n. facialis*), тил-ютқин (*n. glossopharyngeus*) ва адашган (*n. vagus*) нервларга берилади.

Муҳофаза вазифаси қўйидагича бўлади, яъни ютқинга иссиқ ёки кимёвий моддалар таъсир этганда ёки ёт жисмлар тушганда ютқин мушаклари беихтиёр (рефлектор) қисқаради.


Ютқиндан ҳаво ўтаётганда у ҳар хил чанглардан тозаланади, намланади ва заарсизлантирилади.

Ёш болаларда эмиш пайтида суюқлик секин-аста оғиз бўшлигига йиғила бошлайди (у ерда босим бўлмаслиги сабабли), бу даврда юмшоқ танглай пастга осилиб тушиб. ҳалқумни беркитиб қўяди, бунда нафас олиш қийин бўлмайди. Сўнгра ютиш ҳаракати бошланиб, бу вақтда бола бир муддат эммай ва нафас олмай туради.

Кўпчилик олимлар муртаклар ва ютқиннинг бошқа лимфоид тўқималарини ташқаридан тушадиган инфекцияга қарши курашувчи муҳофаза аъзолари, деб ҳисоблайдилар («муҳофаза назарияси»). Бошқаларнинг фикрича, организм касалланганда, унинг курашувчанлик қобилияти пасайганда, муртаклар ўзининг крипта ва лакуналарида доимо мавжуд бўлган микроблари билан инфекция учун дарвоза вазифасини бажаради. Муртакларнинг яллигланиш касаллиги билан организмнинг умумий касалланиши ўртасидаги узвий алоқанинг шубҳасиз мавжудлиги — шу тариқада тушуни-тирилади.

Танглай муртакларидаги лакуналар сони, уларнинг чуқурлиги ва йўналиши бир хил бўлмайди.

Айниқса, ёш болаларда ва ўсмирларда танглай муртакларида лимфоцитлар ишланиб, улар оғиз бўшлигига ва ютқинга ажralиб чиқиб туради. Бундан ташқари, муртакларда антителолар (иммун оқсиллари) пайдо бўлиб, улар лимфоцитлар ўраб турган эпителийдан кўчиб туради. Антителолар оғиз бўшлигига ва ютқинга тушиб, микроб ва вирусларга қарши курашинга ёрдам беради (80-расм).




80-расм. Танглай муртакининг гистологик тузилиши. 1—кирпич; 2—фолликулалар; 3—бириктирувчи тўқимали парда (capsula).

ҚИЗИЛҮНГАЧНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Қизилүнгач ҳалқумнинг бевосита давоми ҳисобланиб, меъдагача давом этади. Қизилүнгач асосан овқат луқмаси ва суюқликни меъдага ўтказади. У мушаклардан иборат найча бўлиб, катталарда унинг узунлиги 24–25 см, янги туғилган болаларда 8 см, 1–2 ёшдаги болаларда 15 см бўлади (81-расм).

81-расм. Турли ёпдаги болаларда қизилүнгачнинг узунлиги.



Ёши

| Каптта | 14 ёш | 10 ёш | 6 ёш | 3 ёш | 1 ёш | Гудак |
|--------|-------|-------|------|------|------|-------|
| 16 | 14 | 12 | 11 | 10 | 9 | 7 |
| 23 | 21 | 17 | 16 | 14 | 14 | 12 |
| 36 | 31 | 25 | 24 | 22 | 20 | 18 |
| 40 | 34 | 27 | 25 | 23 | 21 | 19 |
| 53 | 43 | 36 | 33 | 30 | 27 | 23 |

Қизилүнгачнинг юқори чегараси VI бўйин умуртқасига тўғри келиб, XI кўкрак умуртқаси рўпарасида меъданинг кириш қисмида тугайди. Қизилүнгач, асосан, кўкрак бўшлигидаги кўкс оралигининг орқа қисмида жойлашган бўлиб, у аортанинг пастга тушувчи қисмiga ёндош,

олдинги томондан кекирдакнинг парда қисмига тегиб турган ҳолда, чизикдан бир оз чапга ўтиб кетади.

Қизилўнгачнинг икки ён соҳасида адашган нерв жойлашган. Кўкрак бўшлиғида манфий босим бўлгани учун қизилўнгач шу бўлимда бирмунча очилган ҳолатда бўлиб, бошқа қисмларда эса пучайган ҳолда бўлади.

Қизилўнгач уч бўлимдан иборат: юқори бўлим – *pars cervicalis*, энг узун бўлим – *pars thoracica* ва пастки энг қисқа бўлим – *pars abdominalis*.

Қизилўнгач ҳажми ҳамма бўлимда ҳам бир хил бўлмай, унинг учта торайган жойи бор: биринчиси – ҳалқумнинг қизилўнгачга ўтиш жойида; иккинчиси – кекирдакнинг бронхларга бўлиниш ерида; учинчиси – қизилўнгачнинг меъдага кириш қисмida. Булар физиологик торайишлар ҳисобланиб, овқат луқмасининг меъдага ўтишини енгиллаштиради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу торайишнинг салбий томони ҳам бор. Масалан, қизилўнгач шиллиқ қавати куйгандаги торайишларда овқат луқмаси тўхтаб ёки жисмлар шу ерда тиқилиб қолади.

Қизилўнгачнинг мушак қисми (*tunica muscularis*) қизилўнгач асосини ташкил қиласи ва икки қават (ташқи узунасига кетган ва ички айланма қават)дан иборат бўлади. Қизилўнгачнинг бошланғич қисмida кўндаланг тарғил мушаклар бўлиб, унинг пастки 2/3 қисми эса силлиқ мушакдан иборат. Демак, қизилўнгачнинг юқори қисмидаги мушак толаларининг вазифаси ҳалқум мушаклариникуга ўхшаб, у одамнинг хоҳишига мувофиқ қисқаради, пастки қисмдаги мушаклар эса унинг хоҳишига итоат этмай, ўз вазифасини бажаради.

Қизилўнгачнинг ташқи қаватидаги мушаклар қисқариши натижасида, у кенгаяди, ички томондаги мушаклар қисқарганда эса қизилўнгач торайиб, луқма ёки суюқлик меъдага осон ўтади.

Мушак ва шиллиқ қават ўртасида шиллиқ ости қавати жойлашган. Бу қават бириктирувчи нозик тўқимадан иборат бўлиб, қизилўнгач шиллиқ қаватининг серҳаракат бўлишини таъминлайди.

Шиллиқ қаватда жуда кўп безлар бўлиб, улар қизилўнгач ичига очилади ва секрети шиллиқ қаватни намлаб туради, бу эса ўз навбатида овқат луқмаси (қуруқ луқма)нинг пастга қараб йўналишини осонлаштиради.

Қизилўнгач, асосан, пастки қалқонсимон қон томири, аортанинг кўкрак бўлими, меъданинг чап артерияси, шунингдек, адашган нерв тармоқлари ва симпатик нерв билан таъминланади.

ҚИЗИЛҮНГАЧ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, қизилүнгач овқат ва суюқликларни меъдага ўтказади. Бу рефлекс йўли билан бажарилади. Овқат луқмасининг йўналиши фақат қизилүнгачнинг бошланғич қисмida сезилиб, бу хусусият унинг пастки қисмida йўқолиб боради.

Овқат луқмаси ва суюқлик оғиз бўшлиғидан ютқинга ўтиб, ҳиқилдоқ усти тоғайини босиб, ҳиқилдоқни бекитади, шу пайтда тил ости суяги ва ҳиқилдоқ гавдаси юқорига кўтарилади. Шу тарзда овқат қизилүнгачга ўтади. Овқат луқмаси қизилүнгач мушакларининг ҳаракати туфайли пастга қараб силжийди. Яъни қизилүнгачнинг овқат луқмасидан юқорида бўлган қисми қисилиб, пастки қисми бўшашибади (очилиб боради).

ҲАЛҚУМНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Оғиз бўшлиғи ва ҳалқумнинг ўрта қисмини сунъий ва кундузги ёруғликда ҳам текширса бўлади. Беморни кўздан кечириш вақтида ёруғлик манбаи худди бурунни текшириш усулидаги сингари жойлаштирилади, пешона рефлекторидан худди ўша усулдагидек фойдаланилади. Оғиз бўшлиғи ва ҳалқумни текширишдан олдин, албатта, касалликнинг ривожланиши тўғрисида bemордан, ёш болаларда эса ота-онасидан сўраб аниқланади.

Бундан ташқари, bemорнинг шикоятига қулоқ солиб, касалликнинг бошланиши ва кечиши тўғрисида аниқ маълумот олинади. Муртакларнинг бир йил ичидаги неча мартараб оғриши – ангина, унинг давом этиши, бадан ҳарорати, қўл ва оёқ бўғимларидаги оғриқ, юракда бўладиган ўзгаришлар ҳақида ҳам маълумот олинади.

Шундан сўнг, ташқи текшириш ўтказилиб, боланинг юз тузилиши, пастки жагининг ўсиши ёки улардаги ўзгариш аниқланади. Беморни ўтқазиб кўрилади, ёш болаларни бирор катта одам яхшилаб ушлаб туриши шарт. Беморни текширишда, албатта ютқин атрофини кўздан кечириб, пастки жағ ости, бўйиннинг юқори қисмини пайпаслаб кўриш керак. Бундан мақсад, лимфа тугунларининг ҳолати ёки оғриқ ва яллиғланиш аломатларини кузатишидир.

Ҳалқум уч қисмдан ташкил топган: бурун-ҳалқум (юқори қисм), оғиз-ҳалқум (ўрта қисм) ва ҳалқум-ҳиқилдоқ (пастки қисм). Шулардан иккинчи қисмни текшириш бирмунча осон бўлиб, бунда дастлаб оғиз бўшлиғи, сўнгра милклар, оғиз бўшлиғининг олдинги қисмлари кўздан кечирилади.

Шпатель билан аста-секин устки ва пастки лабларни қайириб текширилади, бунда шиллик парда ранги, унда яра, шилиниш, жароҳатланиш бор ёки йўқлигига аҳамият берилади. Бундан ташқари, милклар, тишлар тузилишига, тил, юмшоқ ва қаттиқ танглай ҳолатига


ҳам эътибор берилади. Шпатель билан тил учини кўтариб, тил ости бўшлиғи кўздан кечирилади ва оғиздаги ҳид аниқланади.

Агар ёш бола оғзини очмаса, унинг бурнини маҳкам қисилади ва у оғиздан нафас олишга интилганда оғзига шпатель киритилади. Шпателни оғиз ичкарисига кўп тиқиб юбориш ярамайди, чунки болада ўқчиқ пайдо бўлади.

Шпатель оғиз бурчаги орқали орқадаги жағ тишдан тил ўзагигача киритилади. Бунда бола ўқчий бошлайди ва оғзини очишга мажбур бўлади, шу пайтдан фойдаланиб, шпатель билан тилни тезликда босилади ва оғиз-ҳалқум кўздан кечирилади.

Оғиз-ҳалқумни текширганда юмшоқ танглай ва унданга равоқлар, унинг ҳаракати, шунингдек унда оқма яра, чандиқ ёки тиритиқ бор-йўқлигига аҳамият берилади. Танглай муртагини кўздан кечирганда, унинг шиллиқ пардаси ранги, муртак катта-кичиклиги, унинг танглай равоқларига ёпишган-ёпишмаганлиги ва муртак лакуналаридаги ажралмаларга аҳамият берилади.

Муртакни танглай равоқлари бекитиб турганида унинг лакуналаридаги суюқлик ва уни кўздан кечириш учун шпатель ёки тўмтоқ илмоқ ёрдамида олдинги танглай равоғи астагина тортилади, муртак озигина кўзгатилади ва унга босиб, лакуналардаги ажралмалар ҳолати аниқланади (82-расм).



82-расм. Танглай муртакларининг турлича тузилиши.

Бундан ташқари, ҳалқум орқа девори, у ёрдаги шиллиқ қават тузилиши ёки ўзгаришларига эътибор берилади.

Бурун-ҳалқум маҳсус ёритувчи ойнacha ёрдамида текширилади. Бу тўғрида биз бурун бўшлиғини изоҳлаганда тўхтаб ўтганмиз.

Ҳалқум-ҳиқилдоқ қайрилган шпатель ёки катта ёритувчи ойнача ёрдамида кўрилади (бильосита ларингоскопия). Бунинг учун врач бемор тилининг учини тоза дока салфетка билан ушлаб (чап қўли билан), уни бирмунча олдинга тортади, сўнгра илитилган ёритувчи ойначани ҳалқумнинг пастки томонига қаратади ва рефлектордан ёруғлик нурини шу ойначага тушириб, ҳалқумнинг пастки қисмини кўздан кечиради (83-расм).

Ёш болаларда бу усулни қўллаш анча қийин бўлғанлиги сабабли улар махсус асбоблар ёрдамида текширилади (84, 85, 86- расмлар).

Ҳалқумни рентген орқали текшириш ёки томография усули ҳам кент қўлланади.



83-расм. Ҳалқумни пастки қисмини кўздан кечириш.

ҚИЗИЛЎНГАЧНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Беморнинг ютиш фаолияти билан боғлиқ бўлган бутун имкониятлари тўлиқ аниқлангандан сўнг қизилўнгачни текширилади. Бемордан қизилўнгач кўйганми ва унинг натижасида торайиш аломатлари бўлганми ёки йўқми шулар сўралади.


Қизилўнгач контраст (ранглари бир-биридан кескин фарқ қиласидиган) модда ёрдамида рентгеноскопия ёки рентгенография



84-расм. Жексон шпатели.



85-расм. Тихомиров шпатели.



86- расм. Брюнинг шпатели.

қилинади. Бу усул билан ёт жисм ёки қизилўнгачдаги ўзгаришларни аниклаш мүмкін. Ёш болаларни катталарга нисбатан рентген нури остида күриш ёки уларга контраст моддаларни юттириш бирмунча қийин.

Қизилўнгачни текшириш, ундан касаллукларни аниклаң даволаш, шунингдек, ундан ёт жисмларни чиқарып олиш учун эндоскопик усул қўлланади (эзофагоскопия). Эзофагоскопия ва трахеобронхоскопия ўртасида кўп умумийлик бор. Чунки бунда бир хил асбоблар (темир найлар, қисқич, ёруғлик манбаи ва б.) ишлатилади.

Эзофагоскопия бемор гавдасини бир оз олдинга энгаштириб ўтирган ҳолатда қилинади. Баъзан, эзофагоскопияни беморнинг ётган ҳолатида ҳам қилиш мүмкін. Ёш болаларда бу усулни қўллашдан олдин қўл ва оёқларни яхшилаб маҳкам боғлаш зарур. Текшириш оч қоринга олиб борилади.

Қизилўнгачта эзофагоскоп найчасини аста-секин бураш йўли билан киргизилади. Бунда шиллиқ қаватни жароҳатламаслик учун ҳеч қандай куч ишлатилмайди.

Хозирги пайтда қизилўнгач юмшоқ фибрископлар ёрдамида текшириллади. Оғир юрак хасталигига, ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхлар торайгандага (стеноз), қизилўнгачда ўткир йирингли яллиғланиш ва бошқаларда эзофагоскопия қилинмайди.

Эзофагоскопия, албатта маҳаллий ёки умумий оғриқсизлантиришдан сўнг ўтказилади. Ёш болаларда бундай усул қўлланганда баъзи бир қийинчилликлар туғилиши мүмкін. Эзофагоскопия найчасини киритиш

вақтида ҳиқилдоқ ва кекирдакни эзіб қўйиш натижасида тез муддат ичида болада нафас олиш қийинлашади (бузилади), бундай ҳолатда темир найчани зудлик билан суғуриб олиш лозим.

• ҲАЛҚУМ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ҳалқумдаги ёт жисмлар айниңса, ёш болаларда кўп учрайди. Чунки, улар турли майда ёт жисмларни оғизга солишга одатланиб қолганлар. Бундан ташқари, ёт жисмлар овқат билан биргаликда тушиши ҳам мумкин. Ҳалқумга ёт жисм фақатгина оғиз бўшлиғидан эмас, балки бурун бўшлиғидан ҳам тушиши мумкин. Ёт жисмлардан кўпроқ балиқ қилтаноги, майда суяклар, игна, майда мих, шиша синиклари тушади. Бундан ташқари, жонли ёт жисмлар (зулук, гижжа ва б.)ни ҳам учратиш мумкин.

Ҳалқумдаги ёт жисмлар бола учун унчалик хавф туғдирмайди. Ўткир учли ёт жисмлар кўпроқ муртакка, муртак олди ва орқа равоқларга, тил илдизига тақалиб (санчилиб) қолади. Шу сабабли беморлар санчикли оғриқдан шикоят қиласидар. Бу оғриқ ютиниш пайтида зўраяди. Агар катта ҳажмдаги ёт жисмлар ҳалқум-ҳиқилдоқда бўлса, улар ҳаёт учун бирмунча хавфлидир. Чунки болаларда қўрқиши ҳисси пайдо бўлиб, улар нафас олишнинг бир оз бузилиши ёки қийинлашишидан безовталанадилар.

Агар бемор ҳалқумида жонли жисм, яъни зулук бўлса, у йўталдан, баъзан қон аралаш балғам келишидан шикоят қиласиди. Бу баъзан хавф туғдиради. Чунки зулук бир жойдан иккинчи жойга силжиши мумкин. У нафас йўлига йўтганда нафас олиш бузилади.

Ёт жисмлар бемор шикояти ва текшириш усулларига биноан аникланади. Улар ҳалқумнинг юмшоқ қисмida чуқурроқ жойлашган бўлса, йиринг пайдо бўлади. Баъзан рентген яхши натижалар беради. Майда суяклар ёки балиқ қилтаноқларига гумон бўлса, унда баъзан бармоқ билан пайпаслаб кўриш лозим.

Даволаш. Кўзга кўринган ва юза жойлашган ёт жисмларни олиш қийин эмас. Лекин ёт жисмлар шиллиқ қаватдан чуқурроқ тўқималар оралиғида бўлиб, унинг атрофида йирингли яллигланиш бўлса, бундай пайтда яллигланишни камайтириш ва шундан сўнг ёт жисмларни олиш зарур. Ёт жисмлардан игна бўлса, унинг жойлашган ерини топиш ва уни олиш жуда қийин бўлади.

ҲАЛҚУМНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ

Ҳалқум ташқи ва ички томондан очиқ ҳамда ёпиқ ҳолда шикастланиши мумкин. Бунда тери ва юмшоқ тўқималар жароҳатланади.

Ҳалқум ташқи томондан кесилған, әзилған, санчилған ҳолатда шикастланади. Ички томондан шикастланиш – турли сұяклар таъсирида, оғиз бүшлиғига, чүп ва бошқа нарсалар санчилиши ёки тиббиёт ходимлари томонидан ҳалқумни бирор асбоб билан шикастлантириш натижасыда кузатилади. Юза шикастланиш күпда хавфли бўлмайди, уни даволаш қийин эмас. Лекин ҳалқумда катта жароҳат аниқланганда анча қийинчиликлар туғилади. Бунда ҳалқумнинг йиртилган бўлagini тикиш, қон оқишини тўхтатиш лозим.

Баъзан ҳалқум ташқи ва ички томондан шикастланганда, унда ҳаво (эмфизема) йиғилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳалқумнинг орқа девори (умуртқа олди томони) шикастланиши ва турли микроблар тушиши натижасыда, баъзан у ерда абсцесс ривожланиши мумкин, бундай ҳолат кўкрак қафаси (кўкс бўшлиғи)да ҳам қайд этилиши мумкин.

Ҳалқумнинг пастки, яъни ҳалқум-ҳиқилдоқ қисми шикастланганда, нафас олиш йўллари торайиши натижасыда нафас олиш бузилиб, бўғилиш кузатилади. Кўпинча беморларда ютиниш бузилади ёки қаттиқ оғриқ бўлади. Нервлар жароҳатланиши натижасыда юмишоқ танглай фалажланади.

Даволаш. Биринчи навбатда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш бузилган бўлса (бўғилиш), унинг олдини олиш ва тегишли чоралар кўриш зарур. Баъзан трахеостомия қилишга тўғри келади. Шундан сўнг жароҳатланган тўқималарни тозалаб, тикиш лозим бўлса, тикилади ва беморни доимо назорат қилиб турилади.

ҚИЗИЛЎНГАЧНИНГ ШИКАСТЛANIШИ

Қизилўнгач ташқи ва ички томондан шикастланиши мумкин. Ташқи жароҳатланиш кам учраб, кўпинча кўкс бўшлиғидан фасоднинг ёрилиб кириши, турли ўсмалар билан эзилиши ёки ўсимталарапнинг қизилўнгачга кириб ўсиши (тарқалиши)ни кўриш мумкин.

Ички жароҳатланишда қизилўнгачнинг шиллиқ, мушак қисмларида ўзгаришлар кузатилади (ёт жисмлар, ишқор ва кислота моддаларини ютиш натижасыда). Баъзан тиббиёт ходимлари томонидан қизилўнгачни турли сабаблар билан текшириш жараёнда жароҳатлаш рўй беради.

Кўпинча қизилўнгач атрофидаги баъзи аъзолар шикастланиши натижасыда ҳам жароҳатланади (йирик қон томирлар, нервлар, умуртқа поғонаси билан бирга). Қизилўнгачга ёт жисмлар тушиши натижасыда, унинг тури, қирралилиги ва ҳажмига қараб, bemорда турли шикоятлар бўлиши мумкин. Кўпинча ёт жисмлар қизилўнгачнинг кириш қисмida

илиниб, қадалиб ёки ушланиб қолади. Бемор овқат ўтмаслиги, оғриқ (айниңса учли, қирралы ёт жисмлар)дан шикоят қилади. Баъзан ўткир учли ёт жисмлар қизилўнгач деворини шикастлантириши натижасида қон кетиши мүмкін, бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда кўкрак қафаси бўйлаб оғриқ бўлиб, у кўпроқ елка ва курак томонга берилади. Уни рентген орқали текшириш шарт.

Даволаш. Агар қизилўнгач деворининг шикастланишига гумон туғилса ёки у рентген ёрдамида аниқланса, bemorга овқатланиш ва сўлакни ютиш ман этилади. Бундай ҳолларда қизилўнгачга резина найда қўйилиб, bemor найда орқали овқатланирилади ёки қон томири орқали глюкоза, турли витаминлар, оқсил моддалар юборилади. Антибиотикларни катта миқдорда бериш шарт.

Қизилўнгач ташқи томондан жароҳатланганда даволаш бир оз қийинроқ, чунки жароҳатланган ерга тушган сўлак, овқат ва бошқалар қизилўнгач атрофидаги аъзолар (кўкс)га ҳам тушиши мүмкін. Жароҳатланган ерга турли микроблар тушиши оқибатида у ерда йиrintли яллиғланиш бошланади ва бу кўпинча bemor аҳволини оғирлаштириб, ўлимга олиб келади.

Аломатлари. Ташқи жароҳатланиш ҳажми ва чукурлигига қараб ҳар хил белгилар бўлиши мүмкін. Агар қизилўнгачнинг шиллиқ қавати жароҳатланмаган бўлса, bemor шикоят қилмайди. Бир неча кундан сўнг жароҳатланган тўқималар атрофида йиrintли яллиғланиш авж олганда bemor ютинишнинг қийинлашгани ва қаттиқ оғриқдан шикоят қилади. Шу билан бирга, гавда ҳарорати кўтарилиб, ярадан сўлак, овқат қолдиқлари чиқади. Қизилўнгач девори шикастланганда юқорида айтиб ўтилган шикоятларни ҳисобга олиб, албатта уни рентген орқали текшириш шарт. Бунда қизилўнгачга йодолипол юбориб, унинг атрофидаги аъзолар ёки тўқималарга силжиб чиқиши ёки чиқмаслиги аниқланади.



Даволаш. Дастреб ярани тозалаш, беркитиш лозим бўлса, уни тикиш зарур. Bemor бурун орқали қизилўнгачга қўйилган резина найда ёрдамида овқатланирилади.

Яллиғланиши йўқотиш учун bemorга кўп миқдорда турли кучли антибиотик ҳамда сульфаниламиidlар берилади. Қон қуйиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

87- расм. Қизилўнгачдаги ёт жисм.

ҚИЗИЛҮНГАЧДАГИ ЁТ ЖИСМЛАР

Ёт жисмлар (мас., балиқ, гүшт сүяклари, ойна синиги, мих, игна, тұрма, танға ва б.) овқат билан ўтиши мүмкін. Қизилүнгачта ёт жисмлар күпинча шошиб овқатланғанда ёки тұла чайнамасдан ютгандан тушади. Баъзан ёт жисмларни рұхий касалликка чалинған болалар ютиб юборади.

Ёт жисмлар қизилүнгач шиллиқ қаватини жароҳатласа (айниңса фақат шиллиқ қаватни эмас, мушакларни ҳам шикастлантирса), унинг атрофи яллиғанын, бемор ақволи ёмонлашади. Бунда қизилүнгач тешимиши ҳам мүмкін. Ёш болаларда катта ҳажмдаги ёт жисмлар қизилүнгачнинг бүйін, күкрак қисміда учрайді. Бундай ҳолатларда күпчілік болаларда нафас олиш бузилади ёки қийинлашади (87- расм).

Ёт жисм қиррасыз, думалоқ ёки текис бўлса, қизилүнгачнинг пастки қисмларида тиқилиб қолиши мүмкін.

Ёт жисмлар бемор шикоятидан ташқари, рентген ёки эзофагоскопия ёрдамида аниқланади.

Даволаш. Эзофагоскопия қилинади ва кўринган ёт жисм маҳсус қисқич билан олинади.

Болаларда эзофагоскопия умумий наркоз билан қилинади. Ёт жисм олиб ташланғандан сўнг беморга юмшоқ, суюқ овқатлар бериш лозим. Агар қизилүнгач девори шикастланған бўлса, бир неча кун антибиотиклар берилади.

ҲАЛҚУМ ВА ҚИЗИЛҮНГАЧНИНГ КУЙИШИ

Бундай жароҳат: кимёвий моддалар, иссиқ сув, овқат, электр ва турли нурлар таъсири остида кузатилади. Бемор кислота ва ишқорлар таъсирида куйганда касаллик оғир кечади.

Хасталик оғирлиги кимёвий моддалар тури, қуюқлиги ҳамда миқдорига боғлиқ. Кислоталар тўқимага таъсир этиб, оқсилдан намликтни тортиб олади ва уларни ивитиб, қаттиқ караш ҳосил қиласиди. Ишқорлар эса тўқималарни ивитиб, натижада ҳалқум ва қизилүнгач қавати чукур бузилади.

Куйиш уч хил даражали бўлиши мүмкін:

I даражали куйиш – эритема бўлиши; II даражали куйиш – пуфакчалар пайдо бўлиши; III даражали куйиш – тўқималар нобуд бўлиши.

Биринчи даражали куйиш енгил кечиб, bemор тездә тузалиб кетади. Шиллиқ қават кўпроқ куйган бўлса, унда юза чандиқ (узунаси ёки айланасига) пайдо бўлади. Бундай ҳолларда қизилүнгачнинг овқат ўтказувчанлик лаёқати бузилади.

Агар күйганды мушак ҳам жароҳатланса, унда дағал, чуқур чандықлар ҳосил бўлиб, қизилўнгачнинг овқат ўтказувчанлик лаёқати бузилади, чунки у чегараланган ҳолда кенгайиб тораяди. Бундай ҳолат, куйишдан сўнг 1–2 ой ичидаги содир бўлади.

Куйиш белгилари. Куйишдан кейин ҳалқум ва қизилўнгачда оғриқ бўлиб, у ютиниш даврида зўрайади. Оғиз бўшлиғи, ҳалқум шиллиқ қаватлари караш билан қопланган бўлади (оқиши, сарғиши ёки қорамтири тусда). Агар куйиш ҳиқилдоқнинг шиллиқ қаватига ўтган бўлса, бунда қаттиқ йўтал, нафас олишнинг бузилиши кузатилади. Қизилўнгач күйганды у тешилиб, оқма яра пайдо бўлиши, зотилжам касаллиги ривожланиши, бундан ташқари, буйрак фаолияти бузилиши ҳам мумкин.

Ёш болаларда ҳиқилдоқ шиллиқ қавати шишиши натижасида бўғилиш юз беради.

Даволаш. Күйгандан сўнг даволашни тезроқ бошлаш яхши натижада беради. Бемор кислотадан күйган бўлса, унга кучсиз ишқор, ишқордан күйганды кучсиз кислота эритмаси берилади.

Бунда албатта мөъдани ювиш шарт. Агар bemor иссиқ сув ёки овқатдан күйган бўлса, унга нимранг калий перманганат эритмаси ичирилади. Беморни оғир аҳволдан чиқариш учун пантапон, морфин, венага 5 % ли глюкоза, гемодез эритмалари юборилади. Қон ва плазма юбориш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, турли антибиотиклар бериш лозим. Бемор юта олса, суюқ овқат бериш ва турли ўсимлик ёғларини ичириш ҳам яхши натижада беради.

Нафас олиш бузилишининг олдини олиш мақсадида шишни қайтарувчи, гавдадан суюқликни ҳайдовчи турли дорилар (лазис, пи-польфен, кальций хлор, гидрокортизон, димедрол ва б.) берилади.

Қизилўнгачда чандықлар пайдо бўлмаслиги учун уни вақтлироқ буж билан кенгайтириш керак.

ҲАЛҚУМ ЛИМФОИД ТЎҚИМАЛАРИНИНГ КАТТАЛАШИШИ

Ўзининг фаолиятига кўра, лимфоид тўқималар ўз ҳажмини ўзгартириб туради. Баъзан, улар турғун катталашиб, ҳаво ўтиш йўлларини беркитиб, нафас олишни қийинлаштиради. Натижада эшичув найи ўтказувчанлиги бузилиб, эшитиш қобилияти пасаяди. Кўпинча лимфоид тўқималар бола балогатта етгунча катталашиши мумкин.

Бурун-ҳалқум муртагининг катталашиши (Hypertrophy III tonsillae). Аденоидлар асосан 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда кўп учрайди. Бурун-ҳалқумда жойлашган муртак катталашиши натижасида бурундан нафас олиш турли даражада бузилади. Эшичув найи кириш қисмининг

бекилиши натижасида эшитиш қоби-
лияти ҳам пасаиди.

Болаларда тез-тез бўлиб турадиган ўткир тумов ва улардаги юқумли касалликлар (қизамиқ, қизилча, грипп, бўғма ва б.), баъзан аденоидлар ривожланишини тезлаштириб юборади.

Касалликнинг белгилари жуда яхши ифодалантган бўлади. Беморнинг асосий шикоятлари – буруннинг битиб қолиши, тинмай шиллиқ моддалар ажралиб чиқиши, эшитиш қобилиятининг бузилишидан иборат. Бурундан нафас олиш қийин бўлганилиги сабабли бола оғзини юммасдан ухлайди, яъни оғиздан нафас олади (88-расм). Бунинг натижасида ҳалқум шиллиқ қаватининг турли яллигланишлари кузатилади. Боланинг уйқуси бузилиб, хуррак отади ва тунда бехосдан чўчиб уйғонади. Доим оғиздан нафас олтани учун қаттиқ танглай маҳсус бир шаклга кириб қолади, яъни танглай гумбази


баланд ва тор бўлади, кўкрак қафаси, пастки жағ шакли ўзгаради. Бола жисмоний ва ақлий жиҳатдан ўсмай қолади. У ҳеч нарсага қизиқмайдиган бўлади. Болада руҳий фаолият бузилиши туфайли кечаси сийиб кўйиш каби ҳолатларни кузатиш мумкин. Кўпинча бола бош оғрифидан ва фикрларини ақлий меҳнатга жалб эта ололмаслигидан шикоят қиласди. Узоқ муддат бурундан нафас олишнинг бузилиши натижасида мияда қон алмашиниши ўзгаради. Оғиздан нафас олинганда нафас унчалик чуқур бўлмаслиги сабабли ўпкада ҳаво алмашинуви бузилади, буни тўғри изга солишининг имконияти бўлмайди. Натижада қоннинг тоза ҳаво (оксиген) билан таъминланиши бузилади.



88-расм. Аденоидли боланинг ўзига хос ҳолда оғиздан нафас олиши.



89-расм. Катталашган аденоидни аниқлаш учун бурун-ҳалқумни бармоқ билан текшириш.



90-расм. а) катталашган ҳалқум муртагини олиш учун аденотом билан бурун-ҳалқумга кириш; б) муртакни аденотом билан қирқиб олиш.

Узок муддат бурундан нафас олишнинг қийинлиги оқибатида бурун-ҳалқумда қон айланиши бузилади. Бу эса ўз навбатида бурун шиллик қаватининг сурункали шиши ва яллиғланишига олиб келиб, пастки бурун чиганоқлари орқа қисмининг катталашиб кетиши ва сурункали тумов ривожланишига сабаб бўлади.

Ютқин муртаги катталашувини 4 та даражада ифодалаш мумкин. Аденоид тўқимаси димоф суюгининг бир қисмини тўсади, бу – I даражали ҳисобланади. Агар димоф суюгининг иккidan бир қисмини эгалласа (тўсиб олса) – II даражали, учдан икки қисмини тўсиб олса – III даражали ва димоф суюгини бутунлай эгаллаб олса – IV даражали, деб юритилади.

Касалликни аниқлаша юқорида айтиб ўтилган шикоятлар, болада содир бўладиган ўзгаришлардан ташқари, бурунни кўздан кечириш, олдинги ва орқа риноскопия қилиш зарур. Орқа риноскопияда озми-кўпми хоанани бекитган, гумбаздан осилиб тушган аденоид ўсимтаси билан тўлган ҳалқумни кўриш мумкин. Кўпинча болаларда орқа риноскопия қилиш қийин, бундай вақтда ҳалқум кўрсаткич бармоқ билан текширилади. Бу усул ёрдамида фақат аденоидлар мавжудлигини эмас, балки уларнинг юмшоқ ёки қаттиқлиги ҳажми аниқланади (89, 90- а, б расмлар).

Баъзан аденоидларни аниқлаш учун бурун-ҳалқум рентгенда кўрилади (бурундан йодолипол эритмаси томизилади) ёки КТ қилинади. Аденоидни қўйидаги касалликлар: пастки бурун чиганоғи орқа қисмининг катталашиши, бурун тўсифининг қийшайиши, хоанадан осилиб тушувчи хавфсиз полип, турли хавфли ўсимталар ва бошқалардан фарқлаш керак.

Даволаш. Кўпинча жарроҳлик усули қўлланади. Жарроҳликни ўтказишдан олдин юқорида айтиб ўтилган, болаларда кузатиладиган ўзгаришлар аниқланади. Бу ўзгаришларга аденоид сабаб эканлигига ишонч туғилгандан сўнг жарроҳлик усули қўлланади.

Жарроҳлик маҳсус аденоидларни кесиб олувчи асбоб ёрдамида олиб борилади, у аденотом деб юритилади, улар катта-кичиклигига қараб беш турда бўлади. Албатта, жарроҳликдан олдин бемор қони, тромбоцитлар сони, қоннинг ивиш вақти ва сийдик текширилади, бундан ташқари, бола соғлом, яъни шамолламаган бўлиши керак.

Ёрдам берадиган шахс болани тиззаси орасида сиқиб, бир құли билан боланинг бошини, иккинчи құли билан унинг күкрак ва құлларини ушлаб туради. Жарроҳлик вақтида боланинг қимирламаслигига (айникса бошининг) эътибор бериш зарур. Тилни шпатель билан босиб аденоидни олиб ташловчи асбобни юмшоқ тантглай орқасига ўтказилади, ўрта чизиқдан оғиштирумай, ҳалкум гумбазига ва бирмунча олдинга тақалади. Кейин олдиндан орқа томон гумбаз ва ҳалқумнинг орқа девори бўйлаб тез ҳаракат билан аденоид тўқималари кесилади. Бурундан қон кўп кетмай тезда тўхтайди. Ҳалқумнинг орқа девори бўйлаб қон оқаверса, бу аденоид тўқимасининг қолдиги борлигидан дарак беради, бундай пайтда қайтадан аденоид тўқимаси қолдиги олиб ташланади (90-расм).

Ёш ва қўрқадиган болаларда ушбу муолажа умумий оғриқсизлантириш ёрдамида бажарилади.

Жарроҳликдан сўнг бола 2—3 кун врач назорати остида бўлиши лозим, овқат жуда ҳам иссиқ ва дағал бўлмаслиги зарур.

Қон касаллиги, грипп эпидемияси, ҳалқумдаги ўткир яллиғланиш ва бошқа ҳолларда жарроҳлик ўтказилиши ман этилади.



91-расм. Катталашган тантглай муртаклари.

ТАНГЛАЙ МУРТАКЛАРИНИНГ КАТТАЛАШИШИ

Кўпинча ёш болаларда тантглай муртакларининг бурун-ҳалқум муртагига ўхшаб ҳаддан ташқари катталашиши кузатилади. Бундай ҳолларда тантглай муртаклари жуда катталашиб, тантглай равоқларидан бўртиб чиқади ва ўрта чизиққа келиб, бир-бирига ёпишиб, ютқинга кириш қисмини беркитиб қўяди. Бола улғайиб бориши билан муртаклар аста-секин кичрайиб боради. Кўпинча катталашган тантглай муртаклари бола ётган пайтида бурундан нафас олиш бузилишига сабаб бўлади. Чунки бола ётган пайтида катталашган тантглай муртаклари ўз оғирлиги ва ҳажми билан ҳалқумнинг орқа томонига осилиб тушиб, нафас олиш йўлини беркитиб қўяди ва натижада бола оғиз орқали нафас олишга мажбур бўлади.

Катталашган танглай муртаклари, баъзан овқат ютиш ва товуш бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Беморда рефлектор йўтал кузатилиб, у кўпроқ кечаси кучаяди.

Танглай муртаклари катталашган даврда бир вақтнинг ўзида улар сурункали яллиғланиб (сурункали тонзиллит), у сурункали тонзиллитсиз бўлиши мумкин.

Танглай муртаклари катталашганда ташҳис Фарингоскопияга асосланиб қўйилади. Муртаклар қатталғишини шартли равишда З даражага бўлиш мумкин. Бунда муртаклар олдинги равоқларининг қирғоги ва ўрта ҳалқум чизиги (тилча) орасидаги масофа аниқловчи белги ҳисобланади. Катталашган муртаклар шу оралиқнинг учдан бир қисмини эгалласа – биринчи даражали, учдан икки қисмини эгалласа – иккинчи, тилчага борса – учинчи даражали ҳисобланади (91- расм).

Даволаш. Бола организмини мустаҳкамлаш, гигиенага риоя қилиш, сифатли овқатланишдан иборат. Агар катталашган танглай муртаклари нафас олишга, нутқга салбий таъсир этса, бундай ҳолларда жарроҳликни қўллашга тўғри келади, яъни маҳсус тонзиллотом асбоби билан танглай муртаклари қисман қирқиб олиб ташланади (тонзиллотомия). Бунда кўп қон кетмай, ўз-ўзидан тезда тўхтайди. Танглай муртаклари кўпинча ҳалқум муртаклари билан бирга катталашади. Бундай ҳолларда бола йўталиб, нафас олиши сезиларли бузилиб, кечалари ҳаво етишмаганидан чўчиб уйғонади, кучли хуррак отади, кечаси билан безовта бўлиб чиқади.

ҲАЛҚУМНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШЛАРИ

Ўткир аденоидит – бурун-ютқинда жойлашган III муртакнинг ўткир яллиғланиши бўлиб, болаларда кўп учрайди.

Касаллик ривожланишига ўткир тумов, грипп, қизамиқ, қизилча, кўййўтал ва бошқалар сабаб бўлади.

Касаллик ўткир бошланиб, гавда ҳарорати кўтарилади, бурундан ажралма келади ва нафас олиш бутунлай бузилади. Фарингоскопияда ютқиннинг орқа девори бўйлаб юқоридан (бурун-ютқиндан) шиллиқ-ирингли ажралманинг оқиб тушиши, ютқин шиллиқ қавати ва орқа равоқлар қизарганлигини кўриш мумкин. Жағ ости ва бўйиндаги лимфа тугунлари катталашади.

Айрим ҳолларда ўткир аденоидит ўткир йирингли ўрта отит ва ҳалқум орти абсцесси ривожланиши ҳамда ларингит, бронхит, трахеит, зотилжам каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Даволаш. Асосан, бурундан нафас олишни тиклашга қаратилади. Бемор бурнидаги ажралмалар сўриб олинади, томир торайтирувчи, антибиотик ва умумқувват берувчи дорилар тавсия этилади.

ҲАЛҚУМ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИННИГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ – ЎТКИР ФАРИНГИТ

Ҳалқум шиллиқ пардасининг ўткир яллиғланиши камдан-кам ҳолларда алоҳида учрайди. Кўпинча у бурун ва бурун-ҳалқумдан пастга томон йўналадиган ўткир катарнинг давоми бўлади (айниқса ёш болаларда). Ўткир фарингит турли юқумли касалликлардан сўнг ривожланиши мумкин. Касаллик авж олишида микроблар (стрептококк, стафилококк, диплококк ва б.) нинг таъсири алоҳида ўрин эгаллади.

Аломатлари. Бемор томоқ қуриши, бир оз оғриқ ёки ачишиш, қичишиш, енгил йўтал кабилардан шикоят қиласи. Гавда ҳарорати бир оз кўтарилиши мумкин.

Текширганда шиллиқ парда қизарганлиги, унда шилимшиқ йирингларни кўриш мумкин.

Ҳалқумнинг орқа деворидаги шиллиқ қават (парда)да қизил доначалар шаклида айрим лимфоид тўқималар катталашгани кўринади. Ҳалқумдаги оғриқ ютинганда бир оз кучайиши мумкин. Шиллиқ қават қизариши ва шиши тилгача ва муртакнинг орқа равоқларига тарқалиши мумкин (92-расм).

Ўткир фарингитда бурун-ҳалқум шиллиқ пардаси яллиғланади, яъни ринофарингит кузатилади, у ёш болаларда оғир кечади. Бурун-ҳалқумда ноxуш сезги, ачишиш, қуришиш, шилимшиқ ажралманинг кўп миқдорда, баъзан қон аралаш бўлиши аниқданади. Ёш болаларда бурун-ҳалқумдаги ажралмалар қийинчиллик билан кўчади, бурундан нафас олиш бузилади, гавда ҳарорати юқори бўлади. Яллиғланиш жараёни эши тув найининг шиллиқ қаватига тарқалиши туфайли най орқали ноғора бўшлиғига маълум миқдорда ҳаво ўтмайди, бу эши тув қобилиятини пасайтиради. Бемор қулоғи битиб қолганларидан шикоят қиласи. Баъзан ёш болаларда бўйин, ҳалқум орти лимфа тугунчалари катталашган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳалқум – ҳиқилдоқни кўздан кечирганда ҳиқилдоқни ёпувчи тоғай, чўмичсимон ва улар оралиғидаги бойламлар орасидаги шиллиқ қисмининг қизаргани ва бир оз шишганини кўриш мумкин.

Даволаш. Бемор бир-икки кун турмасдан ётиши, шиллиқ пардани қитиқламайдиган юмшоқ, суюқ ёки ярим суюқ овқатларни илиқ ҳолда

истеъмол қилиши, сульфаниламид дорилар қабул қилиши, бўйнига иситувчи компресс қўйиш ва оғизни турли эритмалар (фурациillin, риванол) билан чайиш лозим. Бундан ташқари, ишқор ёки турли антибиотик эритмалар билан ингаляция қилиш зарур. Бурунга 2% ли протаргол эритмаси ёки колларгол томизилади.

АНГИНА ЁКИ ЎТКИР ТОНЗИЛЛИТ

Хасталик юқумли бўлиб, танглай муртакларнинг ўткир яллифланишидир. Бу муртаклар ҳалқумдаги бошқа муртакларга нисбатан кўп касалланади.

Ангина ривожланишида организмдаги микроблар (стафилококк, стрептококк, пневмококк ва б.) катта ўрин тутади. Бундан ташқари, хасталик ривожланишида бола организмининг курашувчаник хусусияти муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ўтказилган текширишлар ангина ривожланишида аденоовируслар ҳам ўзига хос ўрин эгаллашини кўрсатди. Инфекция ташқи муҳитдан бола организмита касал бемордан (ангина билан оғриган bemорлардан) ўтиши мумкин.

Ўткир тонзиллитни унинг клиник, морфологик, патофизиологик ўзгаришларига кўра: катарал, фолликуляр, лакунар турларга бўлиш мумкин (93, 94, 95-расмлар).

Катарал ангина. Хасталик шиддатли бошланиб, гавда ҳарорати 39–40° га кўтарилиши мумкин. Бемор дастлаб томоғи қуриши, қичишиши ва ачишишидан шикоят қиласди. Ютиш пайтида бир оз оғриқ пайдо бўлиб, қайт қилиши мумкин. Бош оғриғи, қувватсизлик кузатилиб, bemор 3–4 кунда соғайиб кетади.

Касаллик оғир кечган ҳолларда шиллиқ пардада қон кўйилган нуқталар аниқланиб, тилча ва танглай равоқларида шиш пайдо бўлади. Пастки жағ ости лимфа бези тугунлари катталашади ва пайпаслагандага оғриди.

Фолликуляр ангина. Ангинанинг бир тури бўлиб, мустақил равишда ёки лакулар ангина билан бирга учрайди.

Хасталик кўпинча тўсатдан эт увишиши, гавда ҳароратининг бирданига ва кескин кўтарилиши, томоқ, бош оғриғи, оёқ-кўл ва белда қақшаш, умумий беҳоллик билан бошланади.

Беморни текшириб кўрганда иккала муртакнинг қизаргани ва шиштанини, шиллиқ пардасида кўпгина микдорда тўғногич бошчасидек келадиган юмалоқ, сарғиш, бўртиб турган сариқ нуқталар аниқланади, булар муртакларнинг йиринг бойлаган фолликуларидир. Фолликуляр ангинада карашлар катталиги бир текисда ва тўғри шаклда бўлади ҳамда улар муртакдан четта тарқалмайди.

Хасталик аксари ҳолларда маҳаллий ва умумий асоратлар бериши мүмкин.

Маҳаллий асоратларга – муртак атрофи абсцесси, ўрта қулоқ яллиғланиши, умумий асоратларга эса юрак, бўғим, буйрак касалликлари ва бошқалар киради.

Лакунар ангина. Бу касалликда умумий аломатлар ангинанинг ўқоридаги хилларидан анчатина кучлироқ ва аниқ кўринади. Беморнинг умумий аҳволи фолликуляр ангинадагига ўхшаш бўлади.

Муртакларнинг шишган ва қизарган шиллиқ пардасида лакуналардан чиқиб турган оқ ёки сарғимтирик карашлар бўлиб, улар эпителий тўқимасининг ўлик ҳужайралари, бактериялар ва лейкоцитлардан ташкил топган бўлади. Карашлар бутунлай муртак устини қоплайди, бироқ муртакдан ташқарига тарқалмайди.

Лакунар ангинани бўғма касаллитидан ажратা билиш керак. Лакунар ангинада муртак устидаги карашлар анча юзада бўлиб, улар осонликча кўчади ва атрофга тарқалмайди, бўғмада эса қалин бўлиб, қийинчилик билан кўчади ва тезда муртак атрофига тарқалади. Лакунар ангина ҳам умумий ва маҳаллий асоратлар бериши мүмкин (96—97-расмлар).

Даволаш. Бемор ўринда қимириламай ётиши шарт, бу эса асоратлардан сақланишга имкон беради. Оғриқни қолдирувчи, гавда ҳароратини пасайтирувчи дори-дармонлар бериш ўринлидир. Томоқни турли эритмалар (фурацилин, риванол, грамицидин, йодинол, йокс ва б.) билан чайиш, бўйинга иситувчи компресс қўйиш лозим. Юрак ва буйрак фаолияти кузатиб борилади. Беморга турли антибиотик ва сульфаниламидлар бериб туриш мүмкин.

Сўнгти йилларда ангинани даволашда пастки жағ бурчагига дориларни маҳаллий (лимфотроп) – тери остига киритилиши яхши самара бермоқда.

Касаллик пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш, болалар соглиги ва жисмоний ривожланишини мухофаза қилиш учун қўйидагиларни бажариш лозим: 1) ангина билан оғриган болаларни соғлом болалардан ажратиш; 2) юқори нафас йўлидаги барча касалликларни даволаш; 3) бола организмини чиниқтириш, шахсий тигиенага риоя қилиш ва бошқалар.

МУРТАК АТРОФИДАГИ АБСЦЕСС

Сурункали тонзиллит хуружи ёки ангинадан сўнг муртак атрофидаги абсцесс пайдо бўлиши мүмкин (асорат сифатида). Бунда инфекция (микроб) муртакнинг чуқур лакуналари орқали муртак атрофидаги тўқималарга ўтиб, у ерда йирингли яллиғланиш ривожланишига сабаб

бўлади. Кўпинча бундай асорат бола организмининг курашувчанлик қобилияти пасайиб кетганда, муртакларда йиринг йиғилиши, яъни йирингдан муртак лакуналарининг холи бўла олмаслиги натижасида кузатилади.

Аломатлари. Муртак атрофи абсцесси, кўпинча бир томонлама бўлиб, кўп ҳолларда муртакнинг олдинги-юқори, камроқ ҳолларда эса орқа ва ён томонида кузатилади. Ангинанинг кечиш даври чўзилиши натижасида бемор томоғидаги оғриқнинг янада зўрайиб бораётганидан шикоят қила бошлайди. Оғриқ ютингандан зўрайяди ва қулоқقا ҳам тарқалади.


Бола овқатланишга қийналади, жағ ости безлари катталашиб, пайпаслаганда оғрийди. Гавда ҳарорати кўтарилади.

Фарингоскопияда танглайнинг бир томонида (агар бир томонлама абсцесс бўлса) қизариш ва шиш кузатилади, бу шиш аста-секин бутун муртак атрофини ўраб олади. Оғриқ ангинага нисбатан кучли бўлади. Бемор оғзини зўрга очади ва бошини касал томонга энгаштириб туради. Юмиюқ танглай деярли ҳаракатсиз бўлиб қолганлиги туфайли bemor товуши ўзгариб, манқаланиб қолади. Тилча шишган ва қизартган, шиш томонга сурилган бўлади.

Яллиғаниш уч босқичда кечади: бошланғич давр (1–2 кун), инфильтрация (1–2 кун) ва йиринглаш даври (1–2 кун).

Болаларда 3–4 кундан сўнг абсцесс ўз-ўзидан ёрилиб, йиринг ажрала бошлайди ва bemor аҳволи яхшиланиб боради.

Баъзан муртак атрофидаги абсцессга бошқа асоратлар (бўйин абсцесси, ҳиқилдоқ шиллиқ қавати шиши ва б.) ҳам қўшилиши мумкин.



98- расм. Муртак атрофи абсцессини кесиб ёриш.

Касалликни аниқлаш унчалик қийин эмас. Уни бемор шикояти ва фарингоскопиядан сўнг олинган маълумотларга асосланиб аниқлаш мумкин.

Даволаш яллигланишнинг ривожланиш муддатига қараб олиб борилади. Асоратнинг бошланиш даврида турли антибиотик ҳамда сульфаниламид дорилар берилади.

Бўйинга иситувчи компресс қўйилади. Шундай йўл билан яллигланишни орқага қайтариш мумкин. Агар хасталик кучайиб борса, 3–4 кун ичida абсцесс ўз-ўзидан ёрилмаса, бундай пайтда уни кесиб очишга тўғри келади. Баъзилар етилган абсцессни тўмтоқ асбоб билан муртак усти чукурчаси орқали ёришни тавсия этадилар. Кўпинча абсцесс муртак олди равоғи орқали кесиб ёрилади. Албатта абсцессни кесишдан олдин унга нина саншиб (пункция қилиб) кўриш лозим (98, 99-расмлар).

Муртак атрофи абсцессининг олдини олиш учун оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш, сурункали тонзиллит, синуитлар ва кариес тишларни ўз вақтида даволаш зарур. Танглай муртаги атрофи абсцесси тез-тез қайталаниб турса, тонзилэктомия ўтказилади. Баъзан бу жарроҳлик усули абсцесснинг ривожланган даврида ҳам кўлланади.

ҲАЛҚУМ ОРҚА БЎШЛИГИ АБСЦЕССИ

Хасталик ёш болаларда учраб, умуртқа поғонасининг олд қисмида жойлашган лимфа тугунчаларининг яллигланиши туфайли кузатилади. Боланинг ёши улғайган сари бу тугунчалар йўқ бўлиб, биритиравчи тўқимага айланади. Лимфа тугунчалари бевосита бошқа қўшни тугунчалар (бурун-ҳалқум, эшиутв найи олди ва ўрта қулоқ) билан боғланган бўлади. Шу сабабли микроблар бурун, оғиз бўшлиғи, муртаклар ва ўрта қулоқдаги яллигланишларда ҳалқум орқа бўшлиғидаги лимфа тугунларига тарқалиши ва абсцесс ривожланишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, абсцесс ҳалқум орқа деворидаги шиллиқ қават шикастланиши натижасида бирорта инфекциянинг тушиши сабабли ҳам ривожланиши мумкин.

Аломатлари. Хасталик бошланишида гавда ҳарорати бир оз кўтарилиб, кейинчалик юқори даражагача ошади. Агар абсцесс ҳалқумнинг юқори қисмида (бурун-ҳалқумда) бўлса, бола бурнидан яхши нафас




99-расм. Муртак атрофи абсцессини ёргандан сўнг махсус асбоб билан кенгайтириб, йи-ринги чиқариш.

ололмайди, ўрта ва пастки қисмидаги абсцессларда ютиниш ва ҳиқилдоқ орқали нафас олишга қийналади. Эмадиган бола она кўкрагини сўриш ва ютиш бузилиши оқибатида оч қолади. Ёки, бир неча марта сўргач, қичқириб йиглаб, эмишни тўхтатади. Оғиздаги сутни ютиш пайтида сутнинг бир қисми оғиздан оқиб тушади ёки бурунга ўтиб кетади. Баъзан, сут пастки нафас йўлига тушиши натижасида, бола йўталиши ва қайт қилиши мумкин. Бемор манқаланиб гапиради, ухлаганда хуррак отади.

Беморни текширганда ҳалқумнинг орқа деворида думалоқ шаклдаги шишини кўриш мумкин (агар ўрта қисмida бўлса) унинг шиллиқ қавати қизарган, учи тўмтоқ бирор нарса ёки бармоқ билан аста пайпаслаб кўрилганда, билқиллаган ҳолда бўлади.

Абсцесс камдан-кам ҳолларда ўз-ўзидан ёрилади, кўпинча уни мутахассис ёради.

Даволаш. Абсцессни мумкин қадар эрта ёриш лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, абсцесс ўз-ўзидан ёрилса (айниқса бола ухлаб ётган пайтида), бу жуда хавфлидир, чунки йиринг нафас йўлига кетиб, бўғилиш юз бериши, яъни нафас олиш кескин бузилиши мумкин. Абсцесс кесилиб (дастлаб нина санчиб кўриш керак), тегишли асбоб билан кенгайтирилади ва йиринг ҳиқилдоққа тушмаслиги учун боланинг бошини тезлик билан пастга ва олдинга энгаштирилади (100- а,б; 101- а,б- расмлар). Шундан сўнг, турли антибиотиклар буюрилади. Кўпинча



а



б

100-расм. а—ҳалқум орқа деворидаги абсцессни нина билан санчиб кўриш; б—абсцессни ёриш.



а



б

101-расм. а—ҳалқум орқа деворидаги абсцессни ёриш; б—ёргандан сўнг боланинг бошини пастга энгаштириш.

1–2 кун давомида яранинг ёпишиб қолган четларини кенгайтириб, тўпланиб қолган йиринг чиқариб юборилади. Шундан сўнг бемор тезда соғайиб кетади.

ҲАЛҚУМНИНГ БАЪЗИ БИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЯЛЛИГЛANIШИ

ҲАЛҚУМ БЎҒМАСИ

Ҳалқумнинг бўғма касаллиги кўп учраб, уни бўғма таёқчаси қўзғатади ва у кўпинча ҳаво-томчи йўли орқали юқади (йўталганда, аксирганда, сўзлашганда).

Касалликнинг яширин даври 2–7 кун.

Бўғма касаллиги уч хил кўринишда кечиши мумкин.

1. Хасталикнинг маълум жой билан чегараланган (чекланган) тури.

Бу тур 70–80% bemorларда учраб худди лакунар ангинага ўшаб бошланиб, томоқда бир оз оғриқ сезилади ва гавда ҳарорати $37,5-38^{\circ}$ га кўтарилади. 2–3 кундан кейин муртак устидаги карашлар (кулранг) бир-бири билан бирлашиб, яхлит ҳолатда бўлади ва тезда атрофга (олд ва орқа равоқлар, тилча, тил ва унинг илдиз томони ҳамда юмшоқ танглайга) тарқалади. Жағ ости безлари катталашиб, пайласлаганда оғриқли бўлади. Касаллик 4–5 кунда ўз-ўзидан йўқолиб кетади, лекин кейинчалик юмшоқ танглай фалажи туфайли бемор бўғма касаллигининг енгил турини ўтказганлиги ҳақида билса бўлади.

2. Бўғманинг тарқалган тури 3–5 % гача учрайди. Бўғма карашлари муртакдан муртак равоқлари, юмшоқ танглай ҳамда тилчага, бундан ташқари, бурун бўшлифи шиллиқ қаватлари, бурун-ҳалқум, ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхларга ҳам тарқалади. Бурун бўшлиғидан ҳар доим қон зардобига ўхшаш суюқлик ажралиб туради. Жағ ости безлари катталашиб, гавда ҳарорати кўтарилади (40°), ютинганда оғриқ бўлиб, иштаҳа ёмонлашади, сийдикда оқсил моддалари кўпайиб боради. Бемор териси оқарган, у тушкунликка тушган ҳолатда бўлиб, ҳолсизланиш, оғзидан кўлансанса ҳид келиши каби белтилар кузатилади. Бўйин атрофида шишасимон шиш пайдо бўлиб, баъзан у ўмров суюгига тарқалади.

3. Бўғманинг заҳарли тури. Ҳалқумда яллиғланиш белгилари ривожланган бўлиб, умумий заҳарланиш аломатларини кўриш мумкин. Тана ҳарорати $39-40^{\circ}$ га кўтарилиб, bemorнинг ранги ўчган, у лоқайд (ҳеч нарсага қизиқмайдиган) бўлади. Оғзидан сассиқ ҳид келади, томир уриши бузилиб, юрак атрофида санчиқ бўлиши мумкин. Жағ ости безлари катталашиб, улар оралиғида шиш пайдо бўлади, у бўйинга ҳам тарқалиши мумкин. Сўлак оқиши, ютинганда оғриқ ва нафас олишнинг бузилиши

кузатилади. Күз косаси атрофи бир оз шиштан бўлиб, баъзан бемор қусади ва қорни оғрийди. Бундан ташқари, терида қонталаш ва шиллиқ парда қонаганини кўриш мумкин.

Беморни текширганда ҳалқумда (муртак усти ва унинг атрофида, равоқларда, юмшоқ танглайды, тилчада, тил усти ва унинг илдиз томонида) кулранг тусдаги қалин караш кўзга ташланади (102-расм).

Хасталикни албатта ангинанинг лакунар тури, муртак атрофи абсцесси, ҳалқум куйиши (қайнаган сув ва кимёвий моддалар таъсирида) ва бошқалардан фарқлаш керак. Касалликни аниқлашда, бўғмани қўзғатувчи Лёффлер таёқчасининг топилиши катта аҳамиятга эга.

Даволаш. Даствор бўғманинг турига қараб, зудлик билан унга қарши зардоб юборилади. Хасталикнинг оғир турида 30000–60000 АЕ миқдорда буюрилади. Бундан ташқари, турли витаминалар, қон, юрак фаолиятини яхшиловчи дори-дармонлар буюриш мақсадга мувофиқдир. Турли дори эритмалари билан оғизни чайиш лозим. Агар беморда нафас олиш бузилса (кекирдакда ўзгаришлар бўлиши натижасида), интубация ёки трахеотомия қилишга тўғри келади.

Скарлатина. Кейинги йилларда бу хасталик кам учрамоқда. Уни чақиравчи микроб (В-темолитик стрептококк) юқори нафас йўли шиллиқ қаватидан ўтиб, бутун баданда тошма пайдо қиласди. Шу давр ичидаги ҳалқумда худди ангинага ўхшаш ўзгаришлар юз беради. Тил қип-қизил тусда бўлиб, муртаклар катталашиб, караш билан қопланади (худди бўғма касаллигига ўхшаб). Лекин караш юпқа, сийрак бўлиб, уни осонлик билан қўчириш мумкин. Яллиғланиш муртакдан равоқлар, юмшоқ танглай, тил, бурун бўшлифи ва ҳиқилдоққа тарқалиши мумкин.

Даволаш. Турли антибиотиклар бериш, оғизни турли эритмалар билан чайиш, юмшоқ ва сутли овқатлар истеъмол қилиш лозим.

Қизамиқ. Хасталикни маҳсус қизамиқ вируси қўзғатади. Хасталикнинг бошланиш даврида ўтқир ринит аломатлари пайдо бўлиб, бемор йўталади. Бу даврда болаларда бурун битиб, кўз қизариди кетади. Гавда ҳарорати унчалик баланд бўлмайди. Фарингоскопия қилиб қўрилганда юмшоқ ва қаттиқ танглай шиллиқ пардаси қизарган бўлиб, озгина бўртиб туради. Кейинчалик улар бир-бири билан қўшилиб, яхлит қизариш ва бўртиш вужудга келади (оғиз бўшлигига ва ютқинда). Шу даврда танглай муртакларида ҳам худди лакунар ангинага ўхшаш ўзгаришларни кўрамиз. Муртаклар катталашиб, баъзан яралар ҳосил бўлиши мумкин.

Даволаш. Антибиотиклар буюрилади, бемор уй режимида бўлиши лозим бўлади. Оғиз турли эритмалар билан чайилади. Витаминларга бой овқат маҳсулотлари тавсия этилади.

ЯРАЛИ – ПАРДАЛИ АНГИНА

Катта болаларда нисбатан кўп учрайди. Биринчи бўлиб, бу касалликни Н.П.Симановский, Плаут ва Винцент каби олимлар аниқлаганлар.

Хасталикни: бурамасимон таёқча (B. Fusiformis) билан оғиз бўшлиғида кўп учраб турадиган спирохета (Spirochaeta buccalis) бирга қўзғатади. Бундай беморларда организмнинг курашувчанлик қобилияти пасайган бўлиб, уларда витаминлар етишмовчилиги (ички аъзоларнинг турли хил сурункали касалликлари асосида) ёки тиш чириши касаллиги кузатилади.

Беморни кўпинча бир томонда бўладиган кучсиз оғриқ (айниқса ютинганда) безовта қиласи, гавда ҳарорати унча юқори бўлмайди.

Фарингоскопия қилиб кўрилганда кўкимтирир кулранг, баъзан сарғимтири-оқишиш караш кўринади. Касаллик ривожлана борса, унда чегараси яққол бўлмаган яра ҳосил бўлади ва оғиздан сассиқ ҳид келиб, кўп миқдорда сўлак оқа бошлайди. Жаг ости ва бўйин атрофидаги лимфа тутунлари катталашган бўлиб бир оз оғриқ сезилади.

Касалликни аниқлашда фарингоскопик ва бактериоскопик текширишлар катта ёрдам беради. Баъзан бу хасталикни бўғма касаллигидан ажратиши керак.

Даволаш. Новарсенолнинг глицериндаги қоришмаси (10 % ли), 10 % ли кумуш эритмаси ва 10 % ли йод, пенициллин буюрилади ҳамда турли дори эритмалари (калий перманганат, водород пероксид, фурациллин ёки риванол) билан оғиз чайилади. Улар билан бир қаторда, витаминлар ва иммун ҳолатни тикловчи дорилар фойдалидир.

БАЪЗИ БИР ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИДА ҲАЛҚУМНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Оқ қон (лейкоз) касаллиги болаларда кам учрайди. Касалликда оғиз бўшлиғи ва муртакларда кўп ўзгаришлар юз бериши мумкин. Даствор муртакларнинг оддий гиперплазияси, кейинчалик эса септик ҳолат заминида ярали некротик ангинан, милклар касалланиши, оғиз бўшлиғида яралар пайдо бўлиши мумкин. Ютишда қийналиш (дисфагия) бўлади, жараён бурунга, ҳиқилдоққа тарқалади, регионар лимфа безлари катталашади. Бурун ва меъда-ичакдан қон кетади, лейкоцитлар миқдори, асосан, ёш ҳужайралар ҳисобига бир неча баравар кўпайиб кетади.

Даволаш учун тоза қон қўйиш ва гормонларни кўллашга тўғри келади. Оғиз бўшлиғи антисептик дорилар билан чайқаб турилади.

Ангина юқумли мононуклеоз касаллиги натижасида ривожланиши мумкин. Кўпинча мактаб ёшигача ва мактаб ёшидаги болаларда учрайди.

Касаллик күпроқ баҳор фаслида кузатилиб, бевосита бемордан ёки ҳаво орқали ўтиши мумкин.

Касалликнинг яширин даври (1–2 ҳафта) дан кейин беморнинг ҳарорати кўтарилади ($38\text{--}39^{\circ}$), у бош оғриғи, ҳолсизланиш, томоқдаги оғриқдан шикоят қиласиди. Касаллик бошланишидаёқ бўйин атрофидаги лимфа тугунлари катталашиб, бўйинда бир оз шиш пайдо бўлади. Бир вақтнинг ўзида жигар, талоқ катталашиб кетади.

Бир неча кундан сўнг муртаклар катталашиб, усти караш билан қопланади. У узоқ муддатгача сақланиб, оғиздан қўланса ҳид келади. Ёш болаларда бурун-ютқиндаги лимфоид тўқима ҳам катталашиши мумкин, натижада бурундан нафас олиш бузилади.

Бемор қонини текшириб кўрилганда лейкоцитлар сони $20\,000$ – $30\,000$ гача кўтарилиб, асосан моноцитлар миқдори ошганлиги (60–80%) аниқланади.

Даволаш. Асосий хасталикни даволашдан ташқари, антибиотиклар бериш, турли эритмалар билан оғизни чайиш лозим.

АГРАНУЛОЦИТАР АНГИНА

Болаларда кам учрайди. Касаллик келиб чиқишида турли дорилар (бензол, амидопирин, пирамидон, сульфаниламидлар, люминал, стрептомицин ва б.) таъсири катта ўрин тутади. Касаллик гавда ҳароратининг кескин кўтарилиши, баъзан эт увишиши ва томоқда оғриқ пайдо бўлиши билан бошланади. Ҳалқумни кўздан кечирганда, унинг (жумладан, шиллиқ парданинг) жуда кучли яллиғланганини, баъзан ўлган тўқималарни кўриш мумкин. Уларнинг устини кулранг караш қоплаган бўлади. Яралар фақат муртакла бўлмасдан, ҳалқумнинг бошқа қисмларига ҳам тез тарқалади. Беморнинг умумий аҳволи оғир бўлиб, гавда ҳарорати бир кунда бир неча бор кўтарилиб, тушиб туради (қоннинг заҳарланиш ҳолати – сепсис). Бундай bemорлар қони текширилганда ҳамма вақт унда донали лейкоцитлар (гранулоцитлар) камайганлигини, баъзан эса унинг бутунлай йўқолганлигини кўрамиз. Оқ қон гавдачалари сони 500 гача ва ундан ҳам пастга тушиб кетади (нормада 6000 – 7000 бўлади).

Даволаш. Беморга қон қўйилади, суяқ кўмигини рентгенда нурлантирилади, лейкоцитларни оширувчи дорилар (тезан, пентоксил ва лейкоген) берилади. Кўп миқдорда антибиотик бериб, турли эритмалар билан оғзи чайиб турилади.

АЛИМЕНТАР-ТОКСИК АЛЕЙКИЯДА МУРТАКНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

Хасталик кўпинча қишлоқ аҳолиси орасида кўп учрайди. Қиши фаслида далада қолиб кетган, бошоқ-дон ўсимликларини (тариқ, буғдой, қора буғдой, арпа ва сули) овқатга ишлатиш натижасида пайдо бўлади.

Бундай донларни истеъмол қилганда бемор унинг аччиқ таъмидан ашқари, оғиз, томоқ, қизилўнгач ва меъдада ловуллаш пайдо бўлганини ёзади, унинг тили сезмайдиган бўлиб қолгандек бўлади. Юқорида айтиб гилган аломатлар кўпинча кўнгил айниши, қусиш ва бош оғриғи илан кечади. Бундай донларни давомли равища истеъмол эта берилса, емор унинг аввалги берган ёқимсиз сезгиларини пайқамайдиган ва рганизм эса бунга ўрганиб қолгандай бўлади.

Бемор қонида лейкоцитлар, нейтрофил ва тромбоцитлар сони амайиб боради. Муртакларда оқ ёки сарик-кўнғир тусли караш пайдо ўлиб, тўқималар ўлади ва яра пайдо бўлади. У тез-тез қонаб туради. Іралар муртакдан ташқари, танглай, ютқин, қизилўнгач шиллиқ пардаси, баъзан оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасини ҳам заралайди.

Ангина ривожлангандан сўнг бөморнинг аҳволи ёмонлашиб, ўлим илан тугаши мумкин.

Даволаши. Дастлаб заҳарловчи маҳсулотлардан тайёрланган овқатларни истеъмол қилишни тўхтатиш ва меъдани ювиш лозим. Шундан сўнг ҷакларни заҳарли моддалардан тозалаш мақсадида магний ёки натрий ульфат дорилари берилади. Бемор овқати оқсил ва витаминларга бой ўлиши шарт. Кўп микдорда суюқлик берилади. Томоқни чайиш ва ғриқ қолдирадиган дорилар суртиш керак. Яралар устига ҳар куни 2 ҷарта стрептоцид ёки сульфадимезин дориларининг кукуни сепилади. Ўенициллин ва пентоксил, тезан, витамин К ни қўллаш мақсадга یувофиқдир. Қон тўхтатиш учун қон қўйиш шарт.

ҲАЛҚУМНИНГ СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

ҲАЛҚУМ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ СУРУНКАЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ

СУРУНКАЛИ ФАРИНГИТ

Ҳалқум шиллиқ пардаси касалликлари катарал, гипертрофик ва итрофик турларга бўлинади.

Касалик умумий ва маҳаллий сабаблар таъсирида ривожланиши мумкин.

М а ҳ а л л и й с а б а б л а р г а: сурункали тумов, бурун-ёндош ўшлиқларининг йирингли касалликлари, бурун тўсиғи қийшайиши, әденойлар, сурункали тонзиллит ва бошқалар киради.

У м у м и й с а б а б л а р г а: моддалар алмашинувининг бузилиши, юрак, ўпка, жигар ва буйрак касалликлари киради. Турли иқлим шароитлари ва соҳаларда ишловчилар (цемент, чинни заводи, гамаки фабрикаларида, кўмир конида хизмат қилувчилар) да бу касаллик кўпроқ учрайди.

Демак ҳавонинг қуруқлиги, кескин ўзгариб туриши, корхонадаги чанг-тўзон ва турли кимёвий моддалар таъсири катта ўрин тутади. Буларнинг ҳаммаси ҳалқум шиллиқ қаватига заарли таъсир қиласди. Болаларда хасталикнинг кўпроқ катарал ва гипертрофик турлари учрайди.

Касаллик белгилари. Шиллиқ қават қуриши натижасида томоқда қичишиш, қирилиш ва қуриш сезилади. Бемор ҳалқумида кўп миқдорда ёпишқоқ балғам йигилиб, у тўхтовсиз йўталади ва балғамни чиқариб ташлашга ҳаракат қиласди. Йўтал, айниқса ҳар куни эрталаб зўрайди ва кўнгил айниши, баъзан қайт қилишгача олиб келади.

Фарингоскопия қилиб кўрилганда, ҳалқум шиллиқ қавати қуриган ва оқ рангда бўлиб, кўпинча ютқиннинг орқа деворида ёпишқоқ, қийинчилек билан ажралиб чиқувчи балғамни кўриш мумкин.

Касалликнинг гипертрофик турида шиллиқ парда қизарган ва қалинлашган бўлиб, баъзан шиллиқ қаватда бўртиб чиқсан юмшоқ, тез қоновчи қизил доначалар (грануляциялар), яъни янги ёш тўқималарни кўриш мумкин.

Баъзан ҳалқумнинг ён деворлари катталашиб йўғонлашган, қизарган бўлади (102-расм). Хасталикнинг атрофик турида ҳалқум орқа деворининг шиллиқ қавати қуриган, намлиги йўқ бўлиб, у ерда сарғиш, ёпишқоқ ажралма кўринади. Шиллиқ қават ялтироқ, оқиши рангда бўлади. Атрофик фарингит, кўпинча бурун бўшлиғи шиллиқ қавати атрофияси билан бирга ёки унинг давоми тарзида учрайди.

Даволаш. Касаллик келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар бартараф этилади. Шиллиқ парда ёпишқоқ шиллиқдан тозаланади. Бунинг учун томоқ ишқорли илиқ эритмалар билан тез-тез чайиб турлади, шиллиқ қаватга Люголь эритмасидан суртиш тавсия этилади.

Болаларда бурундан нафас олишни тиклаш зарур. Ҳалқум орқа ёки ён деворидаги нохуш сезгилар (ачишиш, қирилиш, йўталишлар)ни йўқотиша, 1–2% ли новокайндан 1 мл дан шиллиқ парда остига юбориш яхши натижада беради.

Хасталикнинг гипертрофик турида ҳалқумнинг орқа деворидаги грануляция тўқималарини куйдириш керак (10–30 % ёки 40 % кумуш, учхлор сирка эритмаси билан).

Ишқорли ёки ёғли ингаляция қилиш буюрилади. Кўпинча сутли ва ёғли овқатлар истеъмол қилиш, шўр, нордон, аччиқ овқатлардан ўзини тийиши тавсия этилади.

СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ

Хасталик, айниқса мактаб ёшидаги болалар ўртасида кўп учрайди. Муртаклар яллиғланишига асосий сабаблардан бири – уларнинг анатомик жиҳатдан мураккаб тузилишга эталигидир. Бундан ташқари,

ёш болалар организми турли аллергик таъсиrlарга бериuvчан бўлади (чунки улар айрим юқумли касалликларга қарши эмланади).

Бола организмининг курашувчаник қобилияти пасайиши натижасида микроблар таъсиrlанлиги ошиб кетади, бу тонзиллит ривожланишига сабаб бўлади. Бизга маълумки, соғлом муртак тўқималари ўзидан антитело (заҳарсизлантирувчи модда) ва микробларга қарши курашувчи турли моддалар ишлаб чиқаради. Сурункали тонзиллитда муртакларнинг бу иш қобилияти йўқолиб бориб, касаллик ривожланиши ва турли асоратлар келиб чиқишига олиб келади. Сурункали тонзиллитга тез-тез ангина билан оғриш, аденойдлар, қуртлаган тишлар, бурун ва унинг ёндош бўшлиғи касалликлари ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, хасталик ривожланишида организмнинг аутоиммун ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга (стрептококк, стафилококк, пневмококк ва б.).

Инфекциянинг узоқ муддатли таъсири муртаклар паренхимасини жароҳатлайди ва уларда турли ўзгаришлар кузатилади, (айнича, чандиқланиш, склероз ва б.). Кўпинча педиатрлар муртакларнинг катталашганини кўриб, уни сурункали тонзиллитга қиёс қиласилар, бу нотўғри тушунча, чунки ёш болаларда танглай муртаклари, катталарага нисбатан бир мунча катталашган бўлади. Лекин бу муртаклар кўпинча соғлом бўлиши, бунда ҳеч қандай сурункали тонзиллитга хос белгилар бўлмаслиги мумкин.

Сурункали тонзиллит ривожланиши, кечиши ва унинг берган асоратларига қараб, уни И.Б.Солдатов **компенсацияланган** ҳамда **декомпенсацияланган** шаклларга ажратади. Биринчисида яллигланиш ва ўзгариш фақат муртакларнинг ўзида бўлиб бошқа аъзоларда асоратлар кузатилмайди. Кўпинча муртакларнинг курашувчаник қобилияти бузилмайди ёки сезиларсиз даражада бўлади.

Агар сурункали тонзиллитга хос аломатлар билан бир қаторда бошқа аъзоларда ҳам ўзгариш ёки касаллик аниқланса (гавда ҳарорати доимо $37,2 - 37,3^{\circ}$, юрак, буйрак, оёқ-қўйл бўғимларида ўзгаришлар бўлганида), сурункали тонзиллитнинг иккинчи, яъни декомпенсацияланган шакли аниқланади.

Б.С. Преображенский сурункали тонзиллитни **оддий** ва **токсик-аллергик** хилларга ажратади, шунингдек, хасталикнинг токсик-аллергик хили биринчи ва иккинчи даражали бўлишини ҳам кўрсатиб ўтади. Бу таснифга кўра, сурункали тонзиллитнинг оддий ва токсико-аллергик шаклларининг барчасида йўлдош касалликлар бўлади. Фақатгина II даражали токсик-аллергик хилида шунга кўшимча равишда тонзиллит билан касалликнинг бевосита патогенетик боғланган (сопряженный) хасталиклар ҳам келиб чиқиши кўрсатилган.

Шундай беморлар ҳам борки, улар умр бўйи ангинада билан оғримайдилар, лекин уларда сурункали тонзиллитга хос барча

ўзгаришлар топилади ва бу эса сурункали тонзиллитнинг ангинасиз хили, деб аталади.

Касалликнинг аломатлари. Танглай муртаклари турли ҳажм ёки катталикда бўлиши мумкин. Беморлар ҳар йили бир неча бор ангина билан оғриб, баъзан оғиздан сассиқ ҳид келиши, гавда ҳарорати $37,2-37,3^{\circ}$ бўлиши, дармонсизланиш, иштаҳанинг бузилиши, пастки жағ ости тугунчалари катталашганлигидан, бундан ташқари, бош, оёқ ва қўл бўғимлари, буйрак ва юрак сатҳида оғриқ, тез толиқиши, ҳарсиллаш ҳамда нафас олишининг бузилишидан шикоят қиласидилар.

Фарингоскопияда муртаклар илвиллаган, олд ва орқа равоқлари билан ёпишган ва чандиқланган бўлади. Муртак олди равоғининг олдинги қисми қизарган (Гизе белгиси) ёки қалинлашиб йўғонлашган (Зак белгиси), юқори қисми қизарган ёки бутунлай йўғонлашган (Преображенский белгиси) бўлиши мумкин. Муртак чуқурчалари (лакунаси)даги патологик ўзгаришлар (суюқ йиринг, қаттиқ гуручсимон тиқилмалар чиқиши), касалликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Сурункали тонзиллитда лакуналарнинг ясси эпителийси кўчиб, бактерия ва лейкоцитлар билан бирга лакуналарда бадбўй йиринг йифилади. Яллигланишида муртак лакуналари торайиши сабабли, у ерда йиғилган йирингнинг лакуналардан ташқарига чиқиши бузилади, натижада турли ички аъзолар заҳарланиши ва асоратларнинг ривожланишига олиб келади.

Баъзан муртак лакуналарини аниқлаш қийин бўлади, чунки сурункали яллигланиши натижасида муртак юзаси чандиқлашади.

Болаларда жағ ости бези тугунчаларининг катталашганини кўриш мумкин. Сурункали тонзиллитда юрак, буйрак, жигар, қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа аъзолардаги ўзгаришлар борлиги ва бу сурункали тонзиллит билан боғлиқлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга, чунки даволаш усуслари олинган маълумотларга асосланиб белгиланади.


Сурункали тонзиллит ва унинг шаклларини аниқлашда бемор шикояти, касаллик тарихи, фарингоскопиядан олинган маълумотлар, юрак, буйрак ва бошқа ички аъзоларни текшириш натижалари муҳим аҳамият касб этади.

Даволаш – дастлаб консерватив усуlda олиб борилади.

Бу йўл билан айниқса ёш болаларни даволаш бироз қийинроқ, чунки уларда биринчидан, муртак лакуналари тор ёки қийинчилек билан аниқланади (яллигланиш туфайли), иккинчидан, ёш болалар даволаш пайтида тинч ўтирумайдилар. Болаларнинг соғлом ўсишида муртакларнинг катта ўрин эгаллашини назарда тутиб, уларда кўпроқ консерватив даволаш усули қўлланади. Биринчи навбатда, сурункали тонзиллит келиб чиқишига сабаб бўлган асосий касалликларни даволашдан бошлаш керак

(аденоид, бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари касалликларини). Консерватив даво усуллари хилма-хил бўлиб, кўпчилик мутахассислар муртак лакуналарини турли дори-дармонлар билан ювиш (фурацилин, риванол, пенициillin, стрептомишин, тетраолен, полимиксин, грамицидин, окситетрациклин, 0,1% ли хлор-йод эритмаси, минерал, ишқорли сув, йодинол ва б.) ни тавсия этадилар (103-расм).

Бундан ташқари, су-



103-расм. Танглай муртаклари лакуналарини ювишда ишлатиладиган маҳсус шприц.

рункали тонзиллитда йирингда стафилококк микроблари борлиги ва бемор организмининг аллергик ҳолатини на-

зарда тутиб, лакуналарни ювишда стафилококка қарши плазма – 0,25–1 %ли хлорофиллптиң спиртдаги эритмасидан кенг фойдаланилмоқда. Бу дорини қўллашдан олдин уни новокаинда суютирилади (1:5; 1:10 нисбатда), шундан сўнг ишлатилади. Ҳозирги вақтда лакуналарни ювишда 1 %ли диоксидин, 0,1 %ли хинозол, 1 %ли йодинолнинг спиртдаги эритмаси, лизоцим, 0,05 %ли хлоргексидин, метрогил кўп ишлатилмоқда ва ижобий натижалар олинмоқда.

Юқорида кўрсатилган даволаш усулларини йил давомида 3–4 марта олиб бориш керак.

Физиотерапевтик даво усуллари ҳам яхши натижалар бермоқда (микротўлқинлар, ультратовуш, тубус- кварш, ультрабинафша нурлар, УВЧ, лазер билан нурлантириш ва б.).

ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШ

Муртакларни жарроҳлик усулида бутунлай олиб ташлашни тавсия қилишдан олдин, ярим жарроҳлик усулларига ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай даволаш усули ҳозирда камдан-кам қўлланмоқда.

Консерватив даво яхши натижа бермаган ҳолларда касалланган муртаклар жарроҳлик йўли билан олиб ташланади ва бу тонзиллэктомия деб аталади. Бунинг учун бутун ва аниқ кўрсатмалар бўлиши шарт (айниқса ёш болаларда).

Тонзиллэктомияга қўйидагилар кўрсатма ҳисобланади:

а) сурункали тонзиллит оддий ва токсик-аллергик шакли I даражаси, (консерватив даводан наф бўлмаса);

б) сурункали тонзиллит токсик-аллергик шакли II даражаси;

в) сурункали тонзиллит паратонзилляр абсцесс ва сепсис билан асоратланса.

Жарроҳликдан олдин болаларни бир оз тайёрлаш, яъни улардаги кўркув, чўчиш ҳиссиятларини камайтириш керак. Бунинг учун жарроҳликдан бир кун олдин беморга седуксен, триоксазин берилади. Жарроҳлик амалийётидан бир соат олдин седуксен, ярим соат олдин 1 % ли димедрол эритмаси мушакка юборилади. Муртакларни олиб ташланашдан олдин беморга 0,5 %ли новокаин эритмаси муртак атрофига юборилади, сўнгра маҳсус асбоблар ёрдамида муртакларни юқоридан пастга қаратиб ажратиб, бутунлай олиб ташланади.

Жарроҳликдан кейин тезда юз бериши мумкин бўлган асоратлар – асосан қон кетишидир. Шунинг учун беморни жарроҳликдан сўнг синчиклаб кузатиш зарур.

Бундай асорат жарроҳлик пайтида муртакнинг бир қисми олинмасдан қолиши ёки муртакларни олишда қўпопликка йўл қўйилиши натижасида муртак атрофи тўқималарининг жарроҳатланиши ёки қон томирларнинг кесилиши сабабли кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда қон кетишига сабаб бўлган омилларни бартараф этиш лозим. Бундан ташқари, жарроҳлик қилингандан ерга, яъни муртаклар ўрнига губкалар ёки паҳтага шимдирилган турли дориларни қўйиш, қон кетаётган ерни куйдириш, томирга қон кетишини тўхтатувчи эритмаларни юбориш лозим (0,5 % ли новокаин – 5 мл; 5 %ли аминокапрон кислота – 5 мл; 5 %ли аскорбинат кислота – 0,5 мл; 10 %ли глюконат кальций – 0,5 мл.). Баъзан муртаклар олиб ташлангандан сўнг узоқ муддат гавда ҳарорати қўтарилиб туради, томоқда бир томонлама оғриқ бўлиши мумкин. Кўпинча ютқин ён девори йирингли яллигланади. Агар, игна билан санчилгандан йиринг чиқса, уни ёриш лозим. Жарроҳликдан сўнг дастлабки кунларда беморга нимилиқ, суюқ овқат бериш шарт.

Кўйидаги касалликларда тонзиллэктомия тавсия этилмайди: қон касалликлари, ўпка сили, қандли диабет, юрак ва буйрак касалликларининг оғир турида. Бундан ташқари, ангинা, грипп, ҳомиладорликнинг иккинчи ярми, ҳайз вақтида ва бошқаларда тонзиллэктомия вақтингчалик қилинмайди.

СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ангина профилактикаси бир вақтнинг ўзида сурункали тонзиллит-нинг ҳам профилактикаси ҳисобланади.

Бола организмини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, унинг ташқи таъсирларга курашиш қобилиятини ошириш зарур. Боланинг жисмоний ривожланишини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит тозалиги ва жисмоний тарбияга катта эътибор бериш керак. Кудза ва баҳорда ультрабинафша нурларидан баҳраманд бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга.

ҲАЛҚУМДА УЧРАЙДИГАН ЎСМАЛАР

Болаларда ўсмалар кам учрайди. Хавфсиз ўсмаларга папиллома, фиброма ва лимфангиомалар киради.

Папиллома — тери эпителийсидан ривожланадиган ўсма. У қизғиш рангда, юзаси нотекис, танглай муртаклари, унинг олдинги ва орқа ёйчалари ҳамда тилчада учрайди.

Фиброма — етилган бириктирувчи ҳужайраларидан ривожланадиган ўсма. Кўпроқ танглай муртаклари, баъзан тил илдизи ва ҳалқумнинг орқа деворида ҳам кузатилиб, ҳажми ҳийла каттароқ бўлиши мумкин. Пайпаслаганда оғриқ сезилмайди. Баъзан бемор юtingандада қийналади, у димоги билан гапиради.

Лимфангиома — лимфа томирларидан ривожланадиган ўсма, танглай муртакларида жойлашиб, баъзан ҳалқумнинг ён девори ва тил илдизида ҳам учрайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хавфсиз ўсмалар жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

БУРУН-ҲАЛҚУМДА УЧРАЙДИГАН ЎСМАЛАР

Ёш болаларда туғма сочли полиплар, катта ёшдаги болаларда эса хоанал полип кўп учрайди. Натижада нафас олиш бузилади. Ўсма кўпинча юмшоқ танглай орқа томони ёки ҳалқумнинг ён деворида кўпроқ юзага келади.

Даволаш — фақат жарроҳлик усули қўлланади.

Хоанал полип — бурун ва унинг ёндош бўшликларидан ўсиб (кўпинча фалвирсимон лабиринтнинг орқа гуруҳ ҳужайралари ва юқори жағ бўшлиғидан), хоанадан ҳалқум томонга осилиб тушади. Бунда бурундан нафас олиш бузилади. Жарроҳлик йўли билан даволанади.

БУРУН ҲАЛҚУМ ФИБРОМАСИ (ЎСМИРЛАР ФИБРОМАСИ)

Бу ўсма ўспирин болаларда (12–15 ёш) учрайди. Ҳалқум юқори пойдеворининг мускул пардасидан ривожланади, эластик (чўзилувчан), ҳамда қон томирларга бой бўлиб, қагтиқ бириктирувчи тўқимадан тузилган. У ўзининг тузилиши жиҳатидан хавфсиз ҳисобланса ҳам, клиник кечиши жиҳатидан хавфли ўсмага хос. Чунки у тўхтовсиз ўсиб, атрофдаги тўқималарни емиради. Ўсма жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан сўнг ҳам яна қайталаниши мумкин.

Аломатлари. Буруннинг бир томони битиб қолиши, илк белгиларидан ҳисобланади. Бир неча ойлардан сўнг бурундан бутунлай нафас издан чиқади, тез-тез бурундан ёки оғиздан қон кетади (агарда ўсманинг

асосида томир түқимаси бўлса). Ўсма тез ўсиши натижасида кўзга, мияга, юмшоқ ва қаттиқ танглайга тарқалиши мумкин. Кўз соққаси бўртиб чиқади, калла ичи босими ошиши, кучли бош оғриғи бўлиши, мия тўқималари эзилиши ва турли асоратлар оқибатида бу жараён ўлим билан тугаши мумкин.

Бурунни олдинги риноскопия қилинганда бурун бўшлиғида қип-қизил, юзаси силлиқ ўсманни кўриш мумкин, унга бирор нарса билан тегилса, тез қонайди. Бурун-ҳалқумни орқа риноскопия қилганда пушти рангли, уст томони силлиқ ўсманни кўрамиз.

Ўсманни жойлашишини, унинг четаралари ҳамда тарқалишини аниклашда компьютерли ва магнит-резонансли томография муҳим ўрин тутади.

Даволаш. Фақат жарроҳлик усули билан олиб борилади. Бундан олдин ўсманинг ён-атрофдаги тўқималар билан зич ёпишган-ёпишмагани, қўшни аъзоларга ўсиб кирган-кирмаганини синчиклаб текшириш лозимdir.

Бундан ташқари, жарроҳлик даврида кўп миқдорда қон кетиши хавфли бўлиши, анча тайёргарчилик кўришга мажбур қилади. Агар ўсма ҳалқумнинг ўзида ва кичик ҳажмда бўлса, уни бурун ёки оғиз томондан олиш мумкин.

Ўсма катта ҳажмга эга бўлиб, ёндош аъзоларга ўсиб кирган бўлса, жарроҳлик анча қийин бўлади. Жарроҳликдан кейинги даврда беморларга антибиотикларни қўллаш зарур бўлади.

ҲАЛҚУМДАГИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАР

Болаларда асосан лимфосаркома ва лимфоретикулосаркома учрайди.

Ўсманинг бошланиш даврида бемор бурундан нафас олиш қийинлашганидан, шиллиқ модда ёки йиринг оқишидан шикоят қилади. Кейинчалик ўсма бурун, калла ичига тарқалиши мумкин.

Калла асосига ўсиб кирганда бош мия асаб томирларини эзиб, турли фалажлар ривожланишига сабаб бўлади. Бемор қулоқдаги шовқин, эшитиш қобилиятининг пасайганидан шикоят қилади. Баъзан ўрта қулоқнинг йирингли отити ривожланиши мумкин.

Рак ўсмаларида тез-тез қон кетиши, бурундан нохуш ҳидли йирингли ажралма келиши, уйқусизлик, ютинишнинг қийинлашиши кузатилади.

Даволаш рентген билан нурлантириш ва турли кимёвий дорилар ёрдамида олиб борилади.

ХИҚИЛДОҚНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Хиқилдоқ — ынапх нафас йўлиниң бурун бўшлиғидан кейинги қисми бўлиб, овоз пайдо қилувчи аъзо ҳисобланади. Унинг тузилиши анча мураккаб бўлиб, у IV – VI бўйин умуртқалар соҳаси, бўйиннинг олдинги юзасида жойлашган бўлади. Болаларда эса ҳиқилдоқ бирмунча юқорироқда жойлашиб, III–IV бўйин умуртқа поғонаси соҳасига тўғри келади.

Аёлларда ҳиқилдоқ эркаклардагига қараганда бироз юқорироқда жойлашган бўлади.

Кекса одамларда ҳиқилдоқ пастроқда жойлашган. Уч ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларда ҳиқилдоқнинг узунлиги бир хилда, 3 ёшдан то 16 ёшгача ўғил болаларда қизларга нисбатан узунроқ бўлади.

Ҳиқилдоқни орқа томондан ҳалқум, ён томондан эса бўйиндан ўтувчи қон томирлари ўраб туради.

Ҳиқилдоқ олд томондан тери, мушаклар ва уларни ўраб турадиган пардалардан ташкил топган.

Ҳиқилдоқ юқори томондан тил ости суютига боғланиб туради, пастдан эса бир оз торайиб, кекирдаккача давом этади. У жуфт ва тоқ тогайлардан тузилиб, улар тогай бойламлари ва мушаклар ёрдамида бир-бири билан бирикиб туради (104- расм).

Ҳиқилдоқ фонация даврида, ютиниша ва чукур нафас олишда салмоқли ҳаракат қиласи (юқори ва пастга силжийди).

104- расм. Ҳиқилдоқ тогайлари. а— узуксимон тогайнинг орқа кўриниши; 1— ён қисми; 2— қалқонсимон тогай пастки шохлари бирикадиган бўғим юзаси; 3— узук қўзи — орқа қисми пластинкаси; 4— чўмичсимон тогайлар келиб туташадиган бўғим чукурчаси; б— узуксимон тогайнинг ён томондан кўриниши; в— қалқонсимон ва узуксимон тогайларнинг кўриниши; г— ўнг чўмичсимон тогайнинг олд ва ён томондан кўриниши; 1— товуш ўсиқчаси; 2— мушак ўсиқчаси; 3— чўққи; 4— дўнглик (тепалик); 5— товуш-овоz мушагининг бирикадиган жойи; д— чўмичсимон тогайнинг ташки кўриниши.



ХИҚИЛДОҚ ТОҒАЙЛАРИ

1. Узуксимон тоғай – *cartilago cricoidea* бўлиб, у асосий тоғай ҳисобланади ва худди узукка ўхшайди. Унинг тор – ингичка қисми олдинда, кенг қисми эса орқа томонда бўлади. Бу тоғай ҳиқилдоқ асосини ҳосил қилиб туради, бошқа тоғайлар унинг устида жойлашган бўлади.

Узуксимон тоғай орқа томонидаги кенг қисмининг устки қиррасига бир жуфт чўмичсимон тоғай туташган бўлади. Узуксимон тоғай пластинкасининг икки ён томонида узуксимон тоғайдан чўмичсимон тоғайга тортилган мушак чукурчалари бор (*m. cricoarytaenoideus posterior*).

Узуксимон тоғай пластинка қисмининг ҳалқа қисмига ўтадиган ерида (ҳар икки томонда) қалқонсимон тоғайнинг пастки шохлари келиб бирикадиган бўғим юзалари бор. Узуксимон тоғай билан кекирдакнинг биринчи тоғайини бириктириб турувчи бойлам (*ligamentum cricothyroacheale*) бор.

2. Қалқонсимон тоғай – *cartilago thyreoida* ҳиқилдоқ тоғайлари ичida энг йириги бўлиб, ҳиқилдоқнинг бошқа тоғайларини олди томондан (қалқонга ўхшаб) тўсиб туради. Қалқонсимон тоғай иккита яхлит пластинкандан иборат бўлиб, улар бўйиннинг ўрта чизигида бурчак ҳосил қилиб бирикади ва тери остидан бўртиб чиқиб туради. У эркакларда яхши ривожланган (аёлларга ва болаларга нисбатан) бўлиб, «Одамато олмаси» номи билан юритилади.

Қалқонсимон тоғай ён пластинкаларининг кенгайган орқа четлари юқори ва пастда ингичкалашиб, юқори шох – *cognua superius* ва пастки шох – *cognua inferius* гача давом этади. Пастки шох, юқори шохга нисбатан озгина қисқа бўлиб, учиди узуксимон тоғай билан бирлашган бўғим юзаси бор.

Юқори шох тил ости суяги билан, яъни тил ости суяги мембронаси (парда) орқали (*membrana thyroidea*) бирлашади. Қалқонсимон тоғайнинг ички юзасида товуш бурмалари жойлашган.

3. Чўмичсимон тоғай – *cartilago arytenoidea* жуфт бўлиб, катта ҳажмда эмас. Бу тоғайнинг кенгроқ пастки асос қисми, узуксимон тоғай пластинка қисмининг устки томонига келиб туташган. Чўмичсимон тоғай овоз бойламларига бевосита алоқадордир, чунки бу тоғайнинг олдинги томонида жойлашган *processus vocalis* деб аталувчи ўсиғига овоз бойлами келиб туташади. Чўмичсимон тоғайнинг яна битта ўсиғи бўлиб, бу ўсиққа мушак келиб бирлашади, шунинг учун бу ўсиқни мушак ўсиғи деб юритилади (*processus muscularis*). Пастдан узуксимон тоғай билан бирлашган бўлиб, уни *ligamentum cricothyreoideum seu conicum* деб юритилади. Беморга жуда тезлик билан нафас бериш зарур бўлганда ушбу бойлам кесилади (коникотомия).

4. Ҳиқилдоқ усти тоғайи – epiglottis гултожи барг шаклига ўшаб, тилнинг орқа томонида, ҳиқилдоққа кириш тешиги устида жойлашган. Унинг юқори қисми кенгайган бўлиб, қалқонсимон тоғайнинг юқори ички юзасига бориб бирикади, пастки қисми ингичкалашган – барг бандига ўшаш бўлади, овқат луқмаси ўтаётганда у ҳиқилдоқ тешигини беркитиб туради. Бу тоғайнинг тилга ва ҳиқилдоққа қараган иккита юзаси бор.

Ҳиқилдоқ усти тоғайи қалқонсимон тоғайнинг ички юзасидаги чуқурчасига маҳсус бойлам (ligamentum thygeoepiglotticum) билан, олдинги томондан тил ости суяги билан (ligamentum hyoepiglotticum) бирлашган.

Ҳиқилдоқ усти тоғайи ёш болаларда ингичка, тарновчага ўшаш бўлиб, ҳиқилдоқнинг пастки қисмини кўришни қийинлаштириб қўяди.

5. Понасимон тоғай – cartilago cuneiformis узунчоқ шаклга эга бўлиб, унчалик катта бўлмай, чўмичсимон ва ҳиқилдоқ усти тоғайи бурмасида жойлашган.

6. Шоҳсимон тоғай – cartilago corniculata унча катта бўлмай, бу чўмичсимон тоғайнинг устки учига жойлашган бўлиб ва шоҳга ўшаб туради.

Ҳиқилдоқ тоғайларидан – қалқонсимон, узуксимон ва чўмичсимон тоғайнинг мушак ўсиги гиалин тоғайдан; шоҳсимон, понасимон, ҳиқилдоқ усти тоғайи ва чўмичсимон тоғайнинг овоз ўсиги эластик (чўзилувчан) тоғайдан тузилган (105-расм).



105- расм. Ҳиқилдоқ.
 1–тилости суяги;
 2– қалқонсимон-узуксимон тоғайларнинг бойлами; 3–узуксимон тоғай; 4– ҳиқилдоқ усти тоғайи; 5– қалқонсимон тоғайнинг устки шохи; 6– тил ости суяги ва қалқонсимон тоғай ўртасидаги парда; 7– қалқонсимон тоғай; 8– кекирдак тоғайлари.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ БЎҒИМЛАРИ ВА БОЙЛАМЛАРИ

Ҳиқилдоқнинг тоқ ва жуфт тоғайлари бир-бири билан бўғим ҳосил қилиб бириккан ва бу бўғимлар орасида тортилган бойламлар ёрдамида мустаҳкамланган.

Ҳиқилдоқ тил ости суягига ҳиқилдоқ-қалқонсимон тоғай билан membrana thyrohyoidea ёрдамида осилиб туради. Бу парданинг қоқ ўртасида тил ости суягининг гавдасига бирикадиган тоқ бойлам – lig. thyreohyoideum medianum ва икки четида қалқонсимон тоғай юқори

шохлари билан тил ости суюгининг катта шохлари орасида тортилган жуфт бойлам – *lig. thyreohyoideum* бор.

Тил ости суюги билан ҳиқилдоқ усти тоғайи орасида – *lig. hyoepiglotticum* ва ҳиқилдоқ усти тоғайи билан қалқонсимон тоғай орасида – *lig. thyreoepiglotticum* тортилган бўлади.

Қалқонсимон тоғайнинг пастки четидан узуксимон тоғай ҳалқа қисмининг устки четига тортилган бойлам – *lig. cricothyreoideum* бўлиб, у анча пишиқ эластик (чўзилувчан) толалардан тузилган.

Қалқон-чўмичсимон бойламлар ёки овоз бойламлари – *lig. vocale* IV–V бўйин умуртқалари соҳасида жойлашган бўлиб, узунлиги эркакларда 20–24 мм, аёлларда 15–18 мм га тенг, ёш болаларда эса ундан ҳам қисқароқ бўлади. Ушбу чин овоз бойламларининг юқори соҳасида соxта овоз бойламлари ҳам бўлади.

Соxта ва чин овоз бўртмалари орасида ёриқ бўлиб, бу ёриқ бўшлиққа олиб келади ва ҳиқилдоқ қоринчаси (*ventriculus laryngis*) деб аталади.

Овознинг баланд-паст бўлиши – шу бойламларнинг узунлиги, қалинлиги ва ҳиқилдоқ қоринчасининг катта-кичиклигига боғлиқдир. Ҳиқилдоқни юқоридан пастга қирқилганда, унинг ички қисми худди кум соати шаклига ўхшайди ва уч қаватдан ташкил топади: юқори бўлим – ҳиқилдоқ даҳлизи (қоринчасидан юқори); ўрта бўлим (овоз бойламлари жойлашган жой) ва пастки – овоз бойламларининг остки бўлими.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ МУШАКЛАРИ

Ҳиқилдоқ мушаклари ташқи ва ички гуруҳга бўлинади.

Ташқи гуруҳ мушаклар ҳиқилдоқни бошқа қисмлари билан бирлаштириб туради. Бу мушаклар ёрдамида ҳиқилдоқ кўтарилади ва пастга тушади ҳамда маълум бир ҳолатни сақлаб туради.

Ички гуруҳ мушаклар ҳиқилдоқнинг ички ва ташқи юзасига ёпишган бўлиб, ундан четга чиқмайди. Бу мушаклар ҳиқилдоқнинг нафас олиш ва товуш ҳосил қилиш вазифаларини бажаради. Бу вазифалар товуш ёриқчаси кенгайгандан ёки торайгандан бажарилади. Шунинг учун ҳиқилдоқ мушаклари товуш ёриқчасини торайтирувчи ва кенгайтирувчи икки бўлимга бўлинади.

Ҳиқилдоқнинг энг муҳим вазифаси – нафас олишдир. Бу вазифанинг тўғри бажарилиши, товуш ёриқчасининг табиий кенгайишига боғлиқ. Товуш ёриқчасини кенгайтиришда узуксимон-чўмичсимон орқа (*m. cricoarytenoideus posterior seu posticus*) мушагининг хизмати каттадир. Бу мушак узуксимон тоғай қисмининг орқа юзасида жойлашган бўлиб, чўмичсимон тоғайнинг мушак ўсиқчасига ёпишади.

Товуш ёриқчаларини торайтирувчи мушаклар:

1. *M. clicoarytenoideus lateralis* – узуксимон тогайнинг ҳалқа қисмидан бошланиб, чўмичсимон тогайнинг мушак ўсиғига ёпишади.

2. *M. arythaenoideus obliquus* – жуфт мушак бўлиб, бир чўмичсимон тогайнинг мушак ўсиғига орқа юзасидан бошланиб, иккинчи чўмичсимон тогайнинг чўққисига бирикади.

3. *M. arythaenoideus transversus* – тоқ мушак бўлиб, ўнг ва чап чўмичсимон тогайнинг орқа томонидан кўндалантига тортилган ва чўмичсимон тогайнинг мушак ўсиқчасига ёпишади. Бу мушак қисқарган пайтда ўнг ва чап чўмичсимон тогайни бир-бирига яқинлаширади, бинобарин овоз ёригининг орқа қисмини торайтиради.

Бу мушаклар ҳиқилдоққа кириш тешигини торайтиради ва ҳиқилдоқ усти тогайини пастга тортади. Овоз бойламлари таранглигини ўзгартирувчи мушакларга қўйидагилар киради:


1. *M. thyreogospiglotticus* – қалқонсимон тогай билан ҳиқилдоқ усти тогайи ўртасидаги мушак бўлиб, қалқонсимон тогай ички юзасидан бошланади, ҳиқилдоқ усти тогайнинг қирғоғига ёпишади. Бу мушак қисқариши натижасида ҳиқилдоққа кириш ёриғи кенгаяди, овоз бойламлари таранглашади.


106-расм. Ҳиқилдоқнинг ички гурӯҳ мушаклари.

1 – ҳиқилдоқ усти тогай; 2 – қалқонсимон тогайнинг устки шохи; 3 – понасимон тогай; 4 – шохсимон тогай; 5 – чўмичсимон тогайнинг қийшиқ мушаклари; 6 – қалқонсимон тогайнинг пастки шохи; 7 – узуксимон ва чўмичсимон тогайлар орасидаги орқа мушак; 8 – кўндаланг мушак.

2. *M. vocalis* – овоз бурмаси – *plica vocalis* – бағрида ётади. У қалқонсимон тогай бурчагининг ички юзасидан бошланиб, *prosessus vocalis*га ёпишади. Бу мушак қисқарганда *prosessus vocalis* ни олдинги томонга тортади, натижада овоз бойламлари бўшашади (106, 107, 108- расмлар).


Ҳиқилдоқнинг шиллик пардаси ҳалқумдаги шиллик парданинг давоми бўлиб, кейинчалик кекирдакка ўтади. Чўмичсимон тогай ва улар оралиғидаги ноксимон бўшлиқда, товуш бойламлари ости оралиғида, ҳиқилдоқ қоринчасида, шиллик парда остида юмшоқ тўқима ва лимфоид тўқималар (ҳиқилдоқ миндали) йиғиндиси мавжуд.





107- расм. Ҳиқилдоқнинг ички гуруҳ мушаклари.
1 – ҳиқилдоқ усти тогайи; 2 – қалқонсимон тогай; 3 – қалқонсимон ва ҳиқилдоқ усти тогайи мушаклари; 4 – чўмичсимон ва қалқонсимон тогайлар орасидаги мушак; 5 – синуссимон пай; 6 – узуксимон-кекирдак найти; 7 – кекирдак; 8 – узуксимон ва қалқонсимон тогайларнинг бириккан жойи; 9 – узуксимон ва чўмичсимон тогайлар орасидаги орқа мушак; 10 – мушак ўсикчаси; 11 – кўндаланг мушак; 12 – чўмичсимон қўйшиқ мушак; 13 – шохсимон тогай; 14 – понасимон тогай.

Ҳиқилдоқ шиллиқ пардасида эластик толалар бор, парданнинг усти ҳилпилловчи цилиндрик эпителий билан қопланган. Ҳиқилдоқнинг чин товуш бойламлари, чўмичсимон тогайлар ва улар ўртасидаги бўшлиқлар бундан мустасно бўлиб, бу жойлар кўп қаватли яssi эпителий билан қопланган.



108-расм. Ҳиқилдоқнинг ички гуруҳ мушаклари. 1 – тил ости суяги билан қалқонсимон тогай ўртасидаги парда; 2 – тил ости суяги билан қалқонсимон тогай ўртасидаги ён пай; 3 – қалқонсимон тогайдаги тешик; 4, 5 – узуксимон ва қалқонсимон мушак; 6 – узук-қалқонсимон ўрта пай; 7 – қалқонсимон тогай.

Ҳиқилдоқни қўйидаги қон томирлари қон билан таъминлаб туради: юқори ва пастки қалқонсимон артерия (*a. thyroideae superiores et inferiores*), вена қон томирлари юқоридаги артерия қон томирлари номи билан аталади. Вена қон томирлари ички бўйинтуруқ венасига қўйилади.

ЛИМФА СИСТЕМАСИ

Ҳиқилдоқ лимфа системаси, айниқса ҳиқилдоқ усти тогайида, чин ва соҳта овоз бойламлари оралиғида, чўмичсимон ва ҳиқилдоқ усти тогайни бирлаштирувчи бурмаларда кўпроқ ривожланган. Бу ердан лимфа томирлари бўйинда чукур жойлашган лимфа томирларига қўшилиб, аксари бўйиннинг ён томонида ички бўйинтуруқ венаси билан ёнма-ён жойлашган.

Лимфа томирлари чин овоз бойламлари атрофика бойлам ости соҳасига нисбатан сийракроқ бўлади.

ХИҚИЛДОҚ НЕРВ СИСТЕМАСИ

Хиқилдоқ адашган нервнинг тармоғи (п. laryngeus superoīr) ва орқага қайтувчи хиқилдоқ нерви (п. laryngeus recurrens) билан таъминланган. Хиқилдоқнинг устки нерви (п. laryngeus superior) асосан сезувчан нерв бўлиб, унинг бутун шиллиқ пардасини сезувчанлигини таъминлаб туради. Бу нерв фақатгина узуксимон мушагига (п. cricothyreoides) битта ҳаракатлантирувчи тармоқ беради.

Хиқилдоқнинг қолган барча мушакларига ҳаракатлантирувчи нерв бўлиб унинг пастки нерви (п. laryngeus inferior ёки recurrens) хизмат қилади.

Бу нерв ўнг томонда ўмров ости артериясини, чап томонда аорта равоғини ост ва орқа томондан айланиб ўтиб, юқорига кўтарилади, у қизилўнгач ва кекирдак оралиғида жойлашиб, бу аъзоларга тармоқлар беради. Нервнинг давоми пастки хиқилдоқ нерви п. laryngeus inferior номини олади. Бу нерв жароҳатланиши ёки эзилиши натижасида овоз бойламларининг ҳаракатчанлиги бузилиши мумкин (юракнинг кўндалангига катталашиши, қизилўнгачдаги, кекирдаги хатарли ва хатарсиз ўスマлар, буқоқ операция қилингандаги жароҳат бериш (strumectomy), аорта равоғининг кентайиши, бронх олди безларининг катталашиши ва башка), натижада беморда товуш ўзгариши ёки бутунлай йўқолиши ҳам мумкин.

ХИҚИЛДОҚ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Хиқилдоқ нафас олиш, товуш чиқариш (ҳосил қилиш) ва ҳимоя (муҳофаза) вазифасини бажаради.

НАФАС ОЛИШ ФАОЛИЯТИ

Хиқилдоқ орқали нафас олиш ва чиқариш вазифаси бажарилади. Нафас олишда овоз тирқиши ёки товуш чиқарувчи оралиқ очиқ бўлади. Нафас олганда ҳаво оқими шиллиқ пардадаги нерв тармоқларини қитиқлаб, керакли маълумотни адашган нерв орқали нафас олиш марказига етказиб беради. Кейинчалик нерв толачалари орқали нафас олиш марказидан қўзгатувчи (ҳаракатга соловчи) импульслар хиқилдоқ мушакларига етиб келади. Хиқилдоқ билан қовурғаларро мушаклар ва кўкраккурсоқ пардаси ўртасида шартсиз рефлекс бўлиб, айрим ҳолларда нафас олишда улар ҳам фаол қатнашади.

ҲИМОЯ ФАОЛИЯТИ

Агар нафас олганда ҳаво билан турли чанг ёки заҳарли моддалар туписа, товуш чиқарувчи оралиқ қисилиб (бекилиб), уларни хиқилдоқдан кекирдакка ўтказмасликка ҳаракат қилади.

Демак ҳиқилдоқнинг нафас олиши ва ҳимоя қилиш фаолияти бирбири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Овқат ютиш жараёнида ҳиқилдоқ юқорига кўтарилади, тил ҳиқилдоқ усти тоғайнини босади, сўнг пастга эзилиб, ҳиқилдоққа кириш йўлини бекитиб туради, шу билан бир қаторда товуш чиқарувчи оралиқ ҳам бекилиб туради. Агар нафас йўлига ёт жисм тушиб қолса, бунда ҳиқилдоқ яна ўз ҳимоя фаолиятини бажаради, яъни bemорни йўтал тутиб, ёт жисм ташқарига чиқариб юборилади.

ТОВУШ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ

Товуш чиқариш фаолияти бола туғилиши билан бошланади. Сўзлаш (гапириш) ва унинг қобилияти доимо эшитув анализаторининг назорати остида ривожланиб боради. Ёш болаларда товуш рефлекторлари вужудга келиб, катта ёшдаги болаларда онгли равишда пайдо бўлади.

Ҳиқилдоқни ажойиб мусиқа асбоби десак бўлади. Нафас чиқариш вақтида ўпкадан қайтиб чиқаётган ҳаво ҳиқилдоқдаги тоғайлар орасида тортилган (мусиқа асбобининг торларига ўхшаш) овоз бойламларига урилиб, уларни ҳаракатга келтиради, товуш чиқаради ёки товуш пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Товушнинг баланд-пастлиги ёки йўғон-ингичкалиги ҳиқилдоқ бўшлигининг катта-кичик бўлиши ва овоз бойламларининг таранглигига боғлиқ. Товуш кучи товуш бурмаларининг тебраниш амплитудаси, яъни нафас чиқаришдаги ҳаво кучига боғлиқ.

Ўсмирларда ҳиқилдоқнинг анатомик структурасида катта ўзгаришлар юз беради. Шу билан бир қаторда, товушда ҳам бирмунча ўзгаришлар кузатилади (расталик). Қалқонсимон тоғайнинг ҳажми катталашиб (15–25 мм), пастлашиб боради. Бундай ўзгаришлар ўртача 2–3 йил давомида қайд этилади.

Товуш оҳангини ҳосил қилишда бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари, ҳалқум, кекирдак, бронхлар ва ўпка муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳар бир одамнинг товуши ўзига хос оҳангта эга бўлади.

КЕКИРДАК ВА БРОНХЛАРНИНГ КЛИНИК АНАТОМИЯСИ

Кекирдак – trachea ҳиқилдоқнинг бевосита давоми бўлиб, узунлиги 10–12 см, кенглиги 15–22 мм (эркакларда) келадиган найдан иборат. Аёлларда унинг кенглиги 13–18 мм.

Янги туғилган чақалоқларда ҳиқилдоқнинг узунлиги 4 см, кенглиги 0,5 см, 10 ёшдаги болаларда узунлиги 7 см, кенглиги 1 см бўлади.

Кекирдакнинг олдинги бўйин қисми қалқонсимон без, кўкрак тўши дастасининг орқаси – буқоқ бези билан ўралган.

Кекирдак VI бўйин умуртқаси пастки четидан V кўкрак умуртқасининг юқори четига келганда иккига: чап ва ўнг бронхларга бўлинади. Бўлинган ерни кекирдак айриси – bifurcatio tracheae дейилади.

Кекирдак девори 16–20 та ярим ҳалқа шаклидаги тоғайлардан (*cartilagines trachealis*) тузилган. Бу тоғайлар бир-бири билан фиброз бойлам – *lig. annularia* ёрдамида тулашади. Бу тоғай ҳалқаларининг орқа очиқ ерлари парда билан қопланган бўлиб – *paries membranaceus* дейилади.


Унинг парда қисмida кўндаланг йўналган силлиқ мушак толалари бор. Бу мушаклар қисқарганда кекирдак тораяди. Кекирдакнинг ички юзаси шиллиқ парда билан қопланган, тузилиши жиҳатидан ҳиқилдоқ шиллиқ қаватига ўхашаш кўп қаторли киприкли эпителий билан қопланган, у шиллиқ безларга бой. Кекирдакнинг орқасида қизилўнгач жойлашган.

БРОНХЛАР

Ўнг бронх чап бронхга нисбатан кенгроқ ва калтароқ, чап бронх эса узунроқ (деярли икки баробар) ҳамда торроқ, ўнг бронхда 6–8 та, чап бронхда эса 9–12 та тоғай ҳалқаси бор. Ўнг бронх деярли тик йўналишга эга бўлиб, кекирдакнинг давоми ҳисобланади. Чап бронх кекирдакдан чапга бурчак ҳосил қилиб чиқиб, бироз ётиқ йўналишда бўлади. Бронхлар ўз навбатида шохланиб, катта-кичик бронхларга бўлиниб кетади. Бронхлар шиллиқ қавати кекирдак шиллиқ қаватига ўхашаш тузилган (109-расм).

Нафас олишда бронхлар бирмунча чўзилиб кенгаяди, нафас чиқариш пайтида эса унинг акси бўлади.

109-расм. Ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхларнинг олд томондан кўрининши. 1 – бронхнинг вентрал қисми; 2, 15 – бронхнинг юқори улуси; 3 – ўнг бош бронх; 4 – кекирдак; 5 – узуксимон тоғай; 6 – узук-қалқонсимон ўрта пай; 7 – қалқонсимон тоғай; 8 – қалқонсимон тоғайнинг устки ўйаси; 9 – қалқонсимон тоғайнинг юқори шохи; 10 – узуксимон тоғайнинги кекирдак тоғайи билан бирлаштирувчи пай; 11 – кекирдак тоғайлараро пайлар; 12 – кекирдак тоғайлари; 13 – кекирдак айриси; 14 – чап бош бронх; 16 – бронхнинг дорзал қисми.



Кекирдак қонни – a. thyroidea inferior, a. thoracica interna ва қўкрак аортасидан чиқувчи – rami bronchiales дан олади. Веналари кекирдак атрофидаги вена чигаллари ва қалқонсимон без веналарига қўшилади. Кекирдакка n. sympatheticus ва n. vagus толалари келиб туташади.

КЕКИРДАК ВА БРОНХЛАР ФАОЛИЯТИ

Бу аъзолар асосан ҳаво ўтказиш вазифасини бажаради. Тебранувчи киприкчалар ҳиқилдоқдан ҳаво билан бирга ўтган турли майда заррачалар, шиллик қаватдаги беzlардан ажраладиган суюқликлар, яллиғланиш натижасида ҳосил бўладиган ва йиғилиб қоладиган йиринг (фасод)ни ташқарига чиқариб ташлашда муҳим аҳамиятга эга.

Кекирдак ва бронхлар шиллиқ қавати шимиш, сўриш хусусиятига эга бўлгани учун айрим касалликларни даволашда дорилар кекирдак орқали юборилади.

ҲИҚИЛДОҚНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Аввало бемор шикоятини тинглаб, уни нималар безовта қилиши сўралади (бир нарса тиқилиб қолиш каби сезги, йўтал, нафас олиш, нафас олишининг бузилиши, балғам ажралиши, товуш ўзгариши ва б.).

Ҳиқилдоқ атрофи яхшилаб кўздан кечирилади. Ҳиқилдоқнинг ташқи кўриниши ва шаклига эътибор берилади (бемор ёшини инобатта олган ҳолда), унинг тоғайлари пайпаслаб кўрилади.

Катта ёшдаги одамларда, ҳиқилдоқда учрайдиган хавфли ўсмаларда ҳиқилдоқ атрофидаги лимфа тутунлари катталашган бўлади, бу ҳам ҳисобга олинали.



110- расм. Ойнача ёрдамида (бильвосита) ҳиқилдоқни кўриш.

Хиқилдоқ бевосита ва билвосита ларингоскопия усуллари ёрдамида кўздан кечирилади. Билвосита ларингоскопияда хиқилдоқ асбоблари дастасига ўрнатилган хиқилдоқ ойначаларидан фойдаланилади. Бунинг учун бемор гавдасининг юқори қисмини бироз олдинга энгаштирилади, кейин бемордан тилини чиқариш сўралади, уни дока билан ушлаб, ойнача билан хиқилдоқ кўздан кечирилади. Ойна терламаслиги учун уни қайноқ сувга ботириб олинади ёки спиртовка (спиртли лампа) да озгина иситилади.


Хиқилдоқ ойначасининг ойнали томонини пастга қаратиб, оғизга киритилади, унинг орқа томони билан эса тилча, юмшоқ танглайни орқа ва юқорига итариб турилади. Бемор қайт қилиб юбормаслиги учун ойначани мумкин қадар ҳалқумнинг орқа деворига теккимасликка ҳаракат қилинади. Шу пайт бемордан текис нафас олиш ва «э» товушини чўзиб талаффуз этиш сўралади ва ойнача ёрдамида хиқилдоқ ичи текширилади (110, 111- а, б расмлар).

Хиқилдоқнинг ҳамма қисмлари бирма-бир кўздан кечирилади. Дастлаб, хиқилдоқ, унинг уст тоғайи, кейин товуш бойламлари, чўмичсимон тоғайлар ва улар орасидаги бўшлиқлар текширилади. Шундан сўнг тинч нафас олиш ва «а» ёки «э» товушларини чўзиб талаффуз этиш даврида товуш бойламларининг ҳаракатчанлиги, кейин, унинг пастки, яъни кекирдакнинг бошланиш қисми ҳам кўздан кечирилади (айниқса ёш болаларда). Хиқилдоқни ойнача ёрдамида текширганда унинг олд томонида жойлашган барча қисмлари ойначанинг юқорисида, орқадаги қисмлари эса ойначанинг пастида жойлашган бўлиб кўринади.

Хиқилдоқни яна бевосита усулда ҳам кўздан кечириш мумкин. Бунда врач маҳсус асбоблар (ларингоскоп)дан фойдаланади (112-расм). Ушбу усул bemор ётган ҳолатда, маҳаллий ёки умумий оғриқсизлантириш воситалари билан бажарилади. Кичик ёшдаги болалар хиқилдоғи бевосита ларингоскопия усулида текширилади.



111-расм. Ларингоскопияда хиқилдоқнинг кўриниши. а— товуш чиқариш пайтида; б— нафас олиш пайтида.



112-расм. Брюнинкс бронхозофагоскопи.

Овоз бойламлари ҳаракатини текшириш учун стробоскопия усули қўлланади. Бу усул ёрдамида овоз бойламларининг қай даражада бузилганлиги аниқланади. Бундан ташқари, микроларингоскопия (жарроҳлик микроскопияси) дан фойдаланилади. Кейинги вақтларда беморларни текшириша кўпроқ рентген ва компьютерли томография усуллари қўлланилмоқда.

КЕКИРДАК ВА БРОНХЛАРНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Кекирдакни текширишдан олдин беморнинг шикояти ўрганилади. Ёш болалар ҳақида ота-оналардан яхшилаб сўралади (уларни врачга мурожаат этишга нима мажбур қилди, нималар безовта қилмоқда). Айниқса, кекирдак ёки бронхларда ёт жисмнинг борлигига шубҳа қилинса, уни сўраб билиш (анемнез) касалликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Кекирдакнинг бошланиш қисмини оддий билвосита ларингоскопия йўли билан кўриш мумкин.

Бевосита кўриш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун маҳсус асбоблар ишлатилади. Бунда бронхоззофагоскоп ва турли қисқичлардан (113, 114, 115- расмлар) ҳам фойдаланилади.

Бронхоскоп асбоблари тўплами куйидагилардан иборат.

1. Ёритувчи қисм (даста қисмida жойлашган, ёруғлик берадиган чироқча – лампочка линза билан таъминланган бўлиб, ёруғлик нурини тўплаб, ойнача орқали металл найда ичини ёритиб беради).

2. Ҳар хил йўғонликдаги металл найдалар.

3. Қон ва шиллиқни тозалаш учун турли хил зондлар.

4. Кекирдак ва бронхга тушган ёт жисмларни оладиган, бошқа мақсадда ишлатиладиган турли узунликдаги қисқич ҳамда уларнинг учига ўрнатиладиган ҳар хил учлик (пойнак)лар.

Одатда юқори ва пастки трахеобронхоскопия усуллари тафовут қилинади.

Юқори трахеобронхоскопияда темир найда оғиз орқали, пасткисида эса кекирдакнинг ташқи тешилган (трахеотомиядан кейин) томонидан юборилади.


Кекирдак ва бронхлар кўпинча беморларнинг ўтирган ҳолатида (ёш болаларни кўпинча ётқизиб) текширилади.

Трахеобронхоскопия қилганда (айниқса ёш болаларда) овоз ўзгариши, товуш бойламлари остки шиллиқ қаватнинг шишиши каби асоратлар кузатилиши мумкин. Энг оғир асоратларга: трахеобронхоскопия вақтида ёки ундан сўнг кўп қон кетиши, ўпка пардасида ҳаво йиғилиши (пневмоторакс), бўйин ва кўкрак қисми тери остида ҳаво бўлиши (эмфизема) кабилар киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган оғир асоратлар кекирдак ва бронхлар шиллиқ қавати жароҳатланиши натижасида келиб чиқади.

Трахеобронхоскопия қилишдан олдин беморнинг ёши ва кекирдак диаметри (кенглиги)га қараб найда танланади.

Трахеобронхоскопия асосан ёт жисмларни олиш ёки турли касалликларни аниқлаш, ўсмалардан бир қисмини олиб текшириш, бундан ташқари, ўпканинг турли касалликлари – йирингли яллиғланишида ювиш ва турли дори-дармонларни юбориша ҳам кўлланади.

Кекирдак ва бронхлар рентген, томография қилиб ҳам текширилади.



114-расм. Қисқичлар.



115-расм. Қисқичлар.

ҲИҚИЛДОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ

Бу гуруҳ касалликларидан ҳиқилдоқдаги туфма нуқсонлар кўпроқ кузатилади. Туфма парда кўпроқ чин товуш бойламлари оралиғида, кулранг-оқишироқ тусда бўлади. Баъзан товуш бойламлари оралигини бутунлай беркитиб қўяди.

Болаларда йўтал, нафас олиш ва овоз бузилиши қайд этилади. Агар парда кичикроқ бўлса, кўпинча болани безовта қилмайди. Бола юргурганда ёки бирор оғир меҳнат қилганда ҳарсиллайди, нафаси қисилади.

Бола бақирганда, безовталаңганда, қаттиқ йўталганда юқорида кўрсатилиб ўтилган аломатлар зўрайиши мумкин.

Товуш бойламларидаги пардани, болаларда учрайдиган стридор ва ҳиқилдоқнинг қисилиш касаллиги билан таққослаш керак. Стридорда товуш ўзгармайди. Ҳиқилдоқ чақалоқлардан бошлаб икки ёшгача бўлган болаларда кўп қисилади. Хасталик тўсатдан бошланиб, нафас олиш шовқинли, узоқ муддатли бўлади (10–30 секунд), кейин юза нафас олиш билан тугалланади. Бу даврда бола калласи орқага эгилган, бўйин мушаклари таранглашган ҳолда бўлади.

Даволаш. Агар бемор боланинг аҳволи оғир бўлмаса, бироз кутилади, чунки бола ўсиши (балогатга етиши) билан аҳволи яхшиланиши мумкин. Парда катта ҳажмда бўлиб, bemorni kўпроқ безовталаңтирса, унда жарроҳлик йўли билан пардани қирқиб олишга тўғри келади.

Баъзан трахеотомия қилинади.

ТУФМА СТРИДОР

Хасталик түфма бўлиб, асосан кўкрак ёшидаги болаларда учрайди, яъни бола туғилгандан сўнг ёки 2–3 ҳафта давомида аниқланади. Туғилган бола шовқин билан нафас олади. Бундай ҳолат бола безовталаңганида кучайиб, ухлаганида камаяди. Боланинг овози тиник, ҳеч қандай кўкариш аломатлари сезилмайди. Бу касалликда асосан ҳиқилдоқ тоғайлари ёки мушакларида нуқсон бўлади (тоғайларнинг ҳаддан ташқари юмшоқ бўлиши сабабли). Тоғай ва мушаклардаги бундай ўзгаришлар бола улғайиши билан нормал ҳолга қайтади.

Даволаш. Ҳиқилдоқ тоғайларини мустаҳкамлаш учун, болаларга кальций хлорни 1,0–1,25 г дан бир кунда витамин Д ни балиқ мойига кўшиб бериш, ультрабионафша нурлари билан уларни нурлатиш лозим.

Түфма стридор аломатлари, ҳиқилдоқдаги түфма сариқ суюқлик билан тўлган шиш (киста) натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Кўпинча киста ҳиқилдоқ усти тоғайи яқинида бўлса у аста-секин катталашиб, ҳиқилдоқни беркитиб қўйиши мумкин.

Даволаш. Ҳиқилдоқдаги кистани игна билан санчиб, унинг ичидаги суюқликни чиқариб, сўнгра жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

КЕКИРДАКНИНГ ТҮФМА НУҚСОНЛАРИ

Кекирдакдаги түфма нуқсонлар асосан мушак ва эластик толалар, тоғайлар, суюқлик ишлаб чиқарувчи безлар, қон ҳамда нерв томирларида бўлиши мумкин.

КЕКИРДАКНИНГ ТУФМА ТОРАЙИШИ

Бунда нафас олиш бузилиб, у бироз шовқиңли бўлади. Кекирдакни асбоб орқали текширганда, унинг айрим жойларида торайиш кузатилади. Шиллиқ қаватда яллигланиш белгилари бўлмайди.

Кекирдак гипоплазиясида кекирдак ривожланмаган, ҳажми (кентлиги) торайган, ҳаракатчанлик хусусияти пасайган ёки йўқолган бўлади. Кекирдакнинг бронхларга бўлиниш қисми худди воронкага ўхшаб торайган бўлиши мумкин.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИГЛANIШЛАРИ

Ўткир яллигланиш кўпроқ ёши каттароқ болаларда қайд этилади. Бу касаллик юқори нафас йўлларининг ўткир яллигланишидан кейин ёки у билан бир вақтда ривожланади. Хасталик бутун гавда ёки унинг бирор аъзоси совуқ қотиши, ҳаводаги совуқ ёки иссиқ буғларнинг таъсири ва товуш бойламларининг ортиқча зўриқиши (узоқ вақт қаттиқ сўзлаш, бақириш) билан боғлиқ.

Касалликнинг аломатлари. Бемор боланинг товуши хириллаб ёки дўриллаб қолади, дастлаб қуруқ йўтал пайдо бўлади ва томоқ қурийди. Йўтал борган сари зўрайиб, қуюқ ва зўрға кўчадиган балғам астасекин кўпаяди, кейинчалик йирингли балғам ажрала бошлайди. Нафас олиш бузилмайди. Беморда умумий нохушлиқдан ташқари, бош оғрифи, ҳарорат кўтарилиши кузатилади.

Бемор ҳиқилдоғини текширганда шиллиқ парда қизаргани, чин товуш бўлимлари турли даражада шишганлиги, қизарганлиги ва ёпишқоқ шилимшиқ ажралмаларни кўриш мумкин. Баъзан товуш мушакларининг фалажи туфайли товуш бойламлари тўлиқ жуфтлашмайди (116-расм). Агар ҳиқилдоқ усти тоғайида шиш бўлса, bemor ютинганда нохушлик, томоқда ёт жисм бордек сезгидан шикоят қиласиди. Баъзан шишлар тарқалган ҳолда бўлиб, улар чўмичсимон тоғайлар оралиғида ҳам кузатилади.

Даволаш. Даствлаб касалликка сабаб бўлган омилларни йўқотиш зарур. Бемор болага кўп ва бақириб гапирмаслик лозим.

Кўпроқ илиқ суюқлик ичириш, каттароқ ёшдаги болаларга антибиотиклар, ишқорли ёки турли ёғлар билан ингаляция (заррачалари билан нафас олдириб даволаш) қилиш, бўйинга иситувчи компресслар кўйиш керак.

Боланинг ҳарорати кўтарилганда иситмани пасайтирадиган, йўтални қолдирадиган дори-дармонлар берилади. Ҳиқилдоққа мойли эритмалар қўйилади. Хона тез-тез шамоллатиб турилади. Шипиларни қайтариш учун гистаминга қарши ва сийдик ҳайдовчи дорилар бериш мақсадга мувофиқдир.

ҲИҚИЛДОҚ ТОВУШ БОЙЛАМЛАРИ ОСТИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ

СОХТА БҮФМА

Хасталик асосан күпроқ 3–8 ёшдаги болаларда кузатилади. Болалар ҳиқилдоғининг анатомик тузилиши катталарнидан фарқ қиласы. Уларда ҳиқилдоққа кириш қисми тор бўлиб товуш бойламлари ости қисмининг шиллик қавати тубида шишга мойил, сийрак тўқима бўлади.

Сохта бўфма, одатда ўткир тумов ва гриппдан кейин ривожланади. Бундан ташқари, бу касаллик диатез, аллергик касалликларга берилувчан, бироз тўлароқ (паратрофик) болаларда күпроқ кузатилади. Касаллик хуружи тўсатдан, аксарият кечаси, бола ухлаб ётганда бошланади. Бола кучли йўтал ва оғир нафас қисиши сабабли уйғониб кетади. Баъзан нафас олиш қийинлашганидан боланинг териси кўкаради, безовталацанди, баъзан тиришиб қолади. Нафас қисилиши хуружлари одатда бир неча минутдан тоғтиб, ярим соатгача чўзилади, камдан-кам ҳолларда 1–2 соат давом этади ва бир кечада бир неча марта тақорланиши мумкин.

Сохта бўфмада беморнинг овози ўзгармайди, чунки касаллик, яъни шиши фақат чин товуш бойламлари ости бўшлиғида бўлади. Касаллик ларингоскопия ёрдамида аниқланади, бунда товуш бойламлари ости шиллик пардаси шишган, нафас йўли турли дараҷада торайган бўлади (117-расм).

Сохта бўфмани ҳақиқий бўфмадан ажратса билиш керак. Ҳақиқий бўфмада нафас қисилиши аста-секин ривожланади, сўнgra товуш ўзгаради, товуш бойламлари кулранг- кўнғир тусдаги караш билан қопланади. Бунда умумий аҳвол борган сари оғирлашиб боради. Ҳақиқий бўфмада организм заҳарланиши туфайли жағ ости ва бўйин атрофидаги лимфатик тугунчалар катталашади, пайпаслаганда оғрийди.

Даволаш. Тез ёрдам кўрсатиш, яъни ҳиқилдоқдаги шишни қайтариш лозим. Бола ётган хона ҳавоси тоза бўлиши шарт. Боланинг оёғи иссиқ ваннага солинади ёки боддирига ханталлар қўйилади. Терлатадиган, шишни қайтарадиган дорилар берилади (кальций хлорид, глюконат кальций, димедрол, супрастин ва б.). Бундан ташқари, боланинг ёши ва вазнига қараб гидрокортизон, преднизолон, дексаметазон буюрилади. Мушакка антибиотиклар юборилади.

Юқорида кўрсатилган воситалар фойда бермаса, камдан-кам ҳолларда интубация ёки трахеотомия қилинади.

ҲИҚИЛДОҚ, КЕКИРДАК, ҲАМДА БРОНХЛАРНИНГ ТОЛАЛИ, БИРИКТИРУВЧИ ТҮҚИМАЛИ ВА ПАРДАЛИ ЎТКИР ЯЛЛИГЛANIШI

Хасталик ёш болаларда кўп учраб, асосан юқумли касалликни қўзғатувчи, микроорганизм (вируслар) таъсирила ривожланади (айниқса А, тури билан). Касалликка бошқа микроблар (стафилококк, стрептококк ва б.) ҳам сабаб бўлади. Касалликнинг бошланишиданоқ торайган нафас йўлидан кислороднинг ўпкага келиши қийинлашади, оксидлаништикланиш жараёнлари бузилади ва натижада бемор аҳволи оғирлашиб боради. Яллигланиш катарал, шиш – инфильтрат (яллигланиш маҳсулотининг тўпланиши-қотиши), толасимон-йирингли, тўқималар ўлиши, қон қўйилиши ва нафас йўлларининг торайиши каби кўринишларда кечади.

Хасталикнинг катарал тури енгил кечиб, бемор аҳволи унчалик оғир бўлмайди. Ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхлар шиллиқ қавати қизарган, унда бироз шиллиқ модда бўлиши мумкин, бемор овози ўзгаради ва у йўталади. Бунда нафас олиш йўли торайишининг I-II даражаси ривожланади.

Шиш – инфильтратли хилида бемор боланинг аҳволи оғир бўлиб, у «кув-кув» йўталади, овози ўзгаради, нафас олиши қийинлашади.

Ҳиқилдоқ, кекирдак, бронхлар шиллиқ қавати шишади.

Хасталикнинг учинчи толасимон-йирингли хилида, беморнинг аҳволи жуда оғир бўлади, бунда толасимон-йирингли парчалар бўлиб, улар нафас йўлларига тиқилади ва уни беркитиб қўяди. Натижада ҳаво ўтмай, ўпканинг бир қисмида ателектаз кузатилади. Гавда ҳарорати кўтарилади, организм кучли заҳарланади. Шу туфайли нафас йўли торайишининг III-IV даражаси ривожланади. Бемор боланинг териси, лаб шиллиқ қаватлари кўкаради. Яллигланиш кекирдакдан бронхлар ва ўпкага ўтиб, зотитжам касаллигига олиб келади.

Хасталикнинг кейинги хилида, яъни тўқималар ўлганда бемор аҳволи жуда оғир бўлади.

Кекирдак, бронхларда йиринг, пайдо бўлган ўлик тўқималар йиғилиб қолишидан нафас олиш жуда ҳам қийинлашади. Тоғайлар чирийди (нобуд бўлади). Боланинг аҳволи оғирлашиб, териси оқаради, гавда ҳарорати 40° га кўтарилади. Бундан ташқари, турли аъзолар заҳарланади (юрак, буйрак, жигар, марказий нерв системаси ва б.).

Нафас йўлларининг тиқилиши хилида ҳиқилдоқ шилимшиқ моддалар ёки қон аралаш қатқалоқлар билан тўлган (тиқилган) бўлади. Бола қийналиб нафас олади, нафас олганда қовургалар ораси ва ўмров суюги устидаги бўшлиқлар ичкарига қаттиқ тортилади. Кейинчалик бўғилиш аломатлари кўринади, бунда тери кўкариб, нафас олиш юза ва билинап-билинмас бўлади, бемор ҳушидан кетади ва ўлим юз беради.

Даволаш. Тез ёрдам бериш, яъни бўғилиш аломатларини тезроқ йўқотиш зарур. Шунда бемор ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун яллиғланишга қарши, организм заҳарланишининг олдини олиш ёки камайтириш учун турли кенг қамровли таъсирга эга антибиотиклар ва бошқа дорилар берилади.

Беморнинг қон томирига 20 мл 20 %ли глюкоза, 20–50 мл қон зардоби, 10 фоизли кальций глюконат юборилади. Витаминалардан С, В₁, В₆, 2,5 %ли супрастин, кокарбоксилаза, гидрокортизон, натрий гидрокарбонат эритмалари қўлланилади. Бундан ташқари, буруннинг пастки чиганоғига новокаин эритмасини юбориш, ишқорий-мойли (ёғли) ингаляция қилиш, баданни иситиш зарур. Гриплага қарши иммуноглобулин юбориш мумкин. Охирги йилларда антибиотиклар, кортикостероид ва диуретикларни муентазам равишда қалқонсимон ва узуксимон тоғайларнинг бирлашган соҳасидаги тери остига юбориш (лимфотроп) ижобий натижа бермоқда. Бунда касаллик асоратсиз кечади ва бемор тезда соғайиб кетади.

Бронхоскопия қилиб, кекирдак ва бронхларни патологик йигилмалардан тозалаш зарур. Бемор болага ҳар доим намланган кислород бериш ва у кислороди мўл хонада ётиши шарт.

Юқорида кўрсатилган тадбирлар ёрдам бермаса, унда бурун бўшлиғи орқали кекирдакка резина найча қўйилади (интубация).

ҲИҚИЛДОҚ ВА КЕКИРДАКНИНГ ЎТКИР ТОРАЙИШИ

Ҳиқилдоқнинг ўткир торайиши бир неча дақиқа ёки соатлар давомида тез ривожланиб, нафас олиш издан чиқиши ва бола ҳаётининг хавф остида қолишига олиб келади. Беморнинг асосий шикояти нафас олишнинг бузилиши – бўғилишдир, бунда боланинг овози ўзгариб, у калласини орқа томонта этган ҳолда, қийналиб нафас олади.

Шиллик қават яллиғланиши ва шишиши, ёт жисмлар тушиши, шиллик моддалар ва қатқалоқ билан бекилиши, шунингдек турли нарсалар билан шикастланиш ёки нерв томирлари ҳаракатчанлигининг бузилиши натижасида ҳиқилдоқ ва кекирдак бирдан тораяди.

Бўғилиш қанча тез юз берса, боланинг ҳаёти шунчалик кўпроқ хавф остида қолади. Организмда кислород етимишаслиги туфайли, унинг тўқималарида кислород алмашиниши бузилади. Натижада нафас олишни бошқарадиган марказ фаолияти издан чиқади, юрак фаолияти ҳам бузилиб, қон босими ошади ва томир уриши сусайди. Ёт жисм тушганда, ўткир шишида, чин (ҳақиқий) бўғма (дифтерия) ва бошқа касалликларда кескин бўғилиш кузатилади.

Бўғилишини 4 даврга бўлиш мумкин:

Б и р и н ч и д а в р – компенсация – жисмоний зўриқишида, нафас олишда бутун мушаклар (нафас олишда иштирок этадиган) фаол қатнашади. Нафас олиш бироз чўзилиб, чиқариш қисқа бўлади. Нафас олиш ва чиқариш ўртасидаги вақт оралиги қисқаради.

И к к и н ч и д а в р – субкомпенсация – бемор тинч ҳолатда бўлганида ҳам нафас олиши бузилади ва бунда бутун ёрдамчи мушаклар фаол қатнашади. Нафас олишда қовурғалар ораси ва ўмров суяги устидаги бўшлиқлар ичкарига қаттиқ тортилади, bemор безовта, териси оқарган бўлади.

У ч и н ч и д а в р – декомпенсация – нафас олиш юза ва тез, bemор ўтирган ҳолда нафас олади. Нафас олганда ҳиқилдоқ юқорига кўтарилиди ва пастга тушади. Юз териси оқиш-кўқимтир рангда бўлиб, bemорда кўркув, терлаш, бурун учи, лаб, тирноқлари кўкариб кетиши кузатилади.

Т ў р т и н ч и д а в р – бўғилиш – бу даврда нафас олиш фаолияти кескин ўзгариб, қисқа вақт ичиди нафас бутунлай йўқолиши ҳам мумкин. Юрак фаолияти издан чиқади, bemор хушсиз ҳолатда бўлади, физиологик чиқаришлар бузилиб, ўлим юз беради.

НАФАС ЙЎЛЛАРИДАГИ ёт ЖИСМЛАР

Ёт жисмлар оғиз бўшлиғидан ҳиқилдоққа, кекирдакка ва бронхларга тўсатдан нафас олиб юбориш, қичқариб гапириш, кулиш, овқатланиш, шунингдек, қусиши пайтларида тушади. Ёт жисмлар ниҳоятда хилмажил (кунгабоқар уруғи, тугмача, игна, сук, олча данаги ва б.) бўлиши мумкин. Улар кўпроқ болаларга хос бўлиб, турили асоратлар ва ҳаёт учун хавфли ҳолатларга сабаб бўлади. Умуман ёт жисмлар ҳиқилдоққа тушганда одатда ҳимоя рефлекси туфайли ёт жисмни товуш бойламларидан ўтказмай, йўтал орқали ташқарига чиқариб юборади. Аксари ёш болаларда бундай ҳимоя рефлекси яхши ривожланмаган бўлади.

Ҳиқилдоқ ва бронхларга ёт жисм тушганда bemор ўша заҳоти кетма-кет зўриқиб йўталади, нафаси чиқмай, кўкариб кетади, бу хуружлар дам-бадам қайталаради.

Товуш бойламларидан ўтиб кетган ёт жисм, кўпинча кекир-



118-расм. Ўнг бронхдаги ёт жисм.



119-расм. Ёт жисм – мих.

дакда түхтаб қолмай, асосий бронхлардан бирига бориб тиқилади. Барча ёт жисмларнинг учдан икки қисми ўнг бронхда кузатилади. Чунки бу бронх йўғонроқ бўлиб, кекирдакнинг тик йўналишидан сал оғган ва унинг давоми ҳисобланади. Баъзи енгил ва силлиқ ёт жисмлар ҳар сафар йўталганда ёки чукур нафас олиб, ҳаво чиқарганда сурилиб, кекирдак бўйлаб юқори ва пастга силжиб юради. У товуш бойламларининг остки қисмига урилиб, ўзига хос товуш ҳосил қиласи ва йўталга сабаб бўлади.


Баъзи ота-оналар боланинг касали тўғрисида аниқ маълумот бера олмаганликлари туфайли дастлаб ёт жисмнинг

тушганини аниқлаб олиш қийин бўлади. Одатда ёт жисм қизилўнгачга тушади, йўтал кузатилмайди, фақат беморни ғриқ, қадалиш ва ютишнинг бузилиши безовта қиласи. Катта ёки ўткир ёт жисмлар ҳиқилдоқда, аникроғи товуш ёриғи орасида тиқилиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда bemornin овози хириллаб бўғилиши, нафас олиши қийинлашиши ёки бутунлай нафас ололмаслиги мумкин.

Ёт жисмлар бош бронхлардан бирига тиқилиб қолса, баъзан узоқ вақтгача аникланмай қолиши мумкин. Бундай пайтларда ёт жисм шиллиқ

қаватни яллиғлантиради ва натижада унинг атрофида қўшимча тўқималар (гранулациялар) ўсади. Ёт жисм бронхларни беркитиб қўйса, шу томонда ўпка пучайиб, ателектазга учрайди, натижада сурункали бронхит, ўпка абсцесси ривожланиши мумкин. Бундай ҳолатни ўпка (кўкрак қафаси)ни бармоқлар билан уриб (перкуссияда) кўргандага, эшитгандага (аускультацияда) ёки рентген орқали аниклаш мумкин.

Агар ёт жисм бронхда бўлиб, ҳаво ўтиш йўлини жуда ҳам сиқиб (торайтириб) кўйган бўлса, нафас олишда бронх мушаклари бўшашиб, ҳаво ўтиш йўли билан бироз кенгаяди. Нафас чиқаришда эса бронхдаги мушаклар қисқариши сабабли, ҳаво ўтиш



120-расм. 1 – ҳиқилдоқ; 2 – кекирдак аириси; 3 – кекирдак ва чап бронхдаги ёт жисм; 4 – кекирдак.

йўли бирмунча тораяди ва ўпкадан бор ҳаво чиқа олмайди, натижада ҳаво йиғилиши – эмфизема кузатилади.

Юқори нафас йўлларидағи ёт жисмлар ота-оналар кўрсатмаси, бемор шикояти, текшириш натижасида олинган маълумотлар орқали аниқланади. Бундан ташқари, рентген, айниқса ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхлар махсус асбоб (бронхоскоп) ёрдамида текширилади. Ёт жисм борлиги аниқланса, унда махсус қисқич асбоблар ёрдамида олиб ташланади. Агар bemорда ўткир бўғилиш бўлиб, у ҳаёти учун хавф туғдирса, унда зудлик билан трахеотомия қилинади (118, 119, 120-расмлар).

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ТАРҶОҚ ЯЛЛИГЛАНИШИ

Бу касаллик болаларда катталарга нисбатан кам учрайди.

Яллигланиш ҳиқилдоқнинг парда ости қисмидаги мушакларга, ҳиқилдоқ бойламларига ва тофай устки пардасига тарқалиши мумкин. Бунда инфекциянинг аҳамияти каттадир (стрептококк, стафилококк, пневмококк ва б.). Яллигланиш асосан турли юқумли касалликлардан сўнг ривожланиши мумкин.

Аломатлари. Беморни ҳаддан ташқари кучли оғриқ безовта қиласди, оғриқ ютинганда янада зўрайди (айниқса яллигланиш ҳиқилдоқнинг тепа қисмida, чўмичсимон ва ҳиқилдоқ усти тофайларида бўлса). Нафас олиш қийинлашади, баъзан бўғилиш юз беради. Тана ҳарорати кўтарилади, пастки жағ ости ва бўйин атрофидаги безлар катталашиб, пайпаслаганда оғрийди.

Ларингоскопияда ҳиқилдоқ шиллиқ пардаси қизарган ва шишган бўлиб, йирингли яллигланиш бошланган қисми бироз катталашган, бўртиб туради ёки у ерда тўқиманинг чиригани аниқланади. Баъзан, чўмичсимон ёки ҳиқилдоқ усти тофайларида чегараланган бўртма пайдо бўлади, бу абсцесс ривожланганидан далолат беради. Бунда ҳиқилдоқ айrim қисмларининг ҳаракатчанлиги бузилади.

Даволаш. Бундай bemорларни зудлик билан тегишли бўлимга ётқизиш зарур. Беморнинг нафас олиши қийинлашиб, бўғилиш яққол сезилса, тезда трахеотомия қилиш, абсцесс бўлса, уни махсус ҳиқилдоқ пичноғи билан ёриш керак. Яллигланиш бўйиннинг юмшоқ қисмiga тарқалганида, фасодни ташқи томондан ёриш мақсадга мувофиқдир.

Беморга кўп миқдорда кучли антибиотиклар, сульфаниламидлар, қон томирига уратропин эритмаси, метрогил – 100 мл.дан ҳар 8 соатда ва бошқалар буюрилади.

ХИҚИЛДОҚ АНГИНАСИ

Хиқилдоқ ангинаси – хиқилдоқда жойлашган лимфоид түқималарининг ўткир яллигланишидир. Яллигланишга грипп, совуқ қотиш, терлаб туриб муздек нарсалар истеъмол қилиш шунингдек, турли ёт жисмлар билан хиқилдоқ шиллиқ қаватининг жароҳатланиши сабаб бўлади.

Аломатлари. Кўпроқ ҳалқум муртаклари ангинасига ўхшаш. Бемор ютинганда ва бўйини қимирлаттанида ҳам оғриқ кузатилади. Баъзан, товуш ўзгариб, нафас олиш ёмонлашади. Гавда ҳарорати одатда – 37,5 – 38° бўлади. Жағ ости ва бўйиндаги лимфа тугунлари катталашади ва пайпастлагандаги оғриқ кучаяди.

Хиқилдоқни текширганда, шиллиқ қавати қизарганини ва шишганини, баъзан хиқилдоқнинг бир томони караш бойлаганини кўриш мумкин. Хиқилдоқ ангинаси узоқ давом этганда хиқилдоқда абсцесс ривожланиши мумкин (чўмичсимон ва хиқилдоқ усти тоғайларини бириктирувчи боғлам ёки хиқилдоқ усти тоғайнининг тил томонга қараган сатҳида бўлади (121, 122-расмлар).

Хиқилдоқ ангинасини чин бўғма билан таққослаш керак. Бунинг учун бўғма касаллигининг кечиши ва уни қўзғатувчи бўғма таёқчасини аниқлаш лозим. Бундан ташқари, хиқилдоқ ангинасида яллигланиш жараёни чегараланган бўлади.

Даволаш. Кўп микдорда антибиотиклар, сульфаниламиidlар берилади. Бўйинга компресс, оёққа горчичник ванналар қилинади. Нафас олиш оғирлашганда, баъзан трахеотомия ўtkазилади.

ХИҚИЛДОҚНИНГ ЧИН БЎҒМА КАСАЛЛИГИ (ДИФТЕРИЯ)

Бу юқумли касаллик бўлиб, асосан бурун ёки ҳалқумдан бошланиб, кейин хиқилдоққа тарқалади. Баъзан, хиқилдоқнинг бирламчи бўғмаси ҳам учрайди. Касаллик ёш болаларда, ҳатто катта ёшдагиларда ҳам кузатилади. Бемор қанча ёш бўлса, чин бўғма унда шунчалик тез ривожланади.

Аломатлари. Беморнинг овози ўзгаради ва пичирлаб гапиради, йўталади, бўғилиш кузатилади.

Ларингоскопия қилиб кўрилганда оқ кул ранг, кир, қалин карашни кўриш мумкин. Хиқилдоқнинг караш билан қопламаган шиллиқ пардаси қизарган ва бироз шишган бўлади. Қисқа вақт ичидаги бўғилиш зўрайяди, bemor қийналиб нафас олади, унинг тезлиги ва чуқурлиги бузилади. Ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, бўғилиш натижасида ўлим юз бериши мумкин (123-расм).

Даволаш. Чин бүгмага шубҳа туғилса, зудлик билан унга қарши зардоб юбориш, беморни юқумли касалліктер шифохонасига жойлаштириш керак. Бүгмага қарши антитоксин зардобы юборилади. Унинг ўртача миқдори 10 000 – 40 000 АЕ, бўлиб оғир турида эса 60 000 – 80 000 АЕ миқдорда буюрилади. Юрак-қон томирлар фаолиятига қараб керакли дорилар берилади. Кўпинча нафас олишини яхшилаш учун интубация, бўғилиш кучайганда эса трахеостомия қилишга тўғри келади.

ҲИҚИЛДОҚ ВА КЕКИРДАК ТОРАЙИШЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ҮСУЛИДА ДАВОЛАШ

Ҳиқилдоқ ёки кекирдак торайиши оқибатида нафас олишда қийналиш юз берганда, тезда ларингоскопия ёки бронхоскопия ўтказиш лозим.

Кекирдак, бронхларни кўриб кўздан кечиришдан мақсад, у ерда тиқилиб қолган шиллиқ моддалар, фиброзли юпқа пардалар, қатқалоқлар ва бошқа ёт жисмларни олиб ташлашdir.

Интубация. Охирги йилларда ўткир нафас сиқилишларида интубация кенг қўлланмоқда. Ҳиқилдоқнинг ҳақиқий овоз бойламлари оралиғига маҳсус термопластик найчалар кўйилади.

Беморни тиббиёт ходимлари доимо назорат қилиб туришлари шарт.

Ҳиқилдоқ ёки кекирдакнинг юқори қисмida бемор ҳаёти учун хавфли торайиши кузатилиб нафас бузилганда, зудлик билан трахеостомия қилиш лозим.

Болаларда, айниқса гўдакларда трахеостомия бир қанча қийинчиликлар туғдириши мумкин. Буларга ҳиқилдоқ ва кекирдакнинг анатомо-топографик тузилиши, болалар бўйин қисмининг калта бўлиб, тери остида кўп миқдорда ёғ қатламининг бўлиши, кекирдак, тоғай ҳалқаларнинг мўртлиги, қалқонсимон без туташадиган жой – бўйин бўғизининг кенг бўлиши киради.

Юқорида айтиб ўтилган қийинчиликлар ёш болаларда трахеостомия қилишда эпчилик, тезкорлик ва юқори малака талаб этади. Лекин, баъзан жарроҳлик пайтида турли кутилмаган ва нохуш ҳолатлар кузатилиши ҳам мумкин.

Трахеостомиянинг турлари кўп. Жарроҳлик одатда маҳаллий ёки умумий (болаларда) оғриқни қолдириш йўли билан олиб борилади, баъзан боланинг ҳаёти хавф остида бўлса, усиз ҳам қилинаверади.

Юқориги трахеостомия – кўпроқ ёши каттароқ болалarda қўлланади. Бунда болани ётқизиб, елкаси остига бирор нарса кўйиб, бошини орқага энгаштирилади. Бўйиннинг ўрта чизигидан оғишмай қалқонсимон тоғайнинг пастки чеккасидан бошлаб, тери ва бўйиннинг юза юпқа

пардаси паст томонга тахминан 5–6 см гача узунликда кесилади. Кейин ўрта чизиқдан оғишмаган ҳолда ўтмас – тифсиз асбоб билан узуксимон тоғайнинг олдинги сатҳи, бўғиз филофи кўндалангига кесилади, шундан сўнг қалқонсимон без бўғзини пастга сурганда кекирдак ҳалқалари очилади. Қон оқиши батамом тўхтатилгач, ўткир скальпель билан кекирдакнинг ҳалқасимон тоғайларидан 2–3 таси кесилади ва трахеотомик найда қўйилади. Бемор бироз йўталиб, кўп миқдорда қон аралаш балғам чиқаргандан сўнг, тинч нафас ола бошлайди.

Найча бўйинга борич билан айлантириб боғланади, терининг ортиқча кесилган қисми эса 1–2 чок билан тикиб қўйилади.

Ҳиқилдоқ ва кекирдакдаги патологик ўзгаришлар йўқолганда ва bemor ўзи нафас ола бошлаганда найда умуман олиб ташланади.

Трахеотомия қилинган bemor ёрдам бериш ва уни парвариш қилиш катта аҳамиятга эга. Найдада ичида қотиб қолган шиллиқ ва бошқа моддаларни олиб ташлаш учун вақти-вақти билан унинг ички қисмини олиб тозалаш керак, сўнгра найдани куритиб, унга вазелин мойини суртиб, яна уни ташқи найдининг ичига жойлаштирилади.

Трахеотомия қилинган bemor ётадиган хона ҳавоси намлигини сақлаб туриш керак. Найданинг остики қисмидаги терига вазелин суртиб туриш лозим, чунки найда атрофидан чиқадиган балғам ва шиллиқ моддалар терини шилиб юборади.

Ёш болаларда кўпинча пастки трахеотомия қўлланади.

Пастки трахеотомияда узуксимон тоғайнинг пастки қисмидан пастга қараб 3–5 см узунликда терини қирқиб, қалқонсимон без бўйни (бўғзи) юқорига кўтарилади ва кекирдак ҳалқалари очилади. Илмоқ билан кекирдакни маҳкам ушлаб, IV–V кекирдак ҳалқалари кесилади ва найда қўйилади.

ТРАХЕОТОМИЯ ҚИЛИШДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ХАТОЛИКЛАР ВА УНДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР

Трахеотомия қилиш вақтида, айниқса шошилинч шароитда, баъзан хатоликларга йўл қўйиш мумкин. Буларга: терини кесишда ўрта чизиқдан ён томонга оғиб кетиш, кекирдакка эмас, балки қизилўнгач ва умуртқа поғонаси томонга ўтиб кетиш киради. Шошилинчда ёрдамчи шифокор мушакларни ён томонга тортганда кекирдакни ҳам қўшиб олиши мумкин ва жарроҳ вақтини кекирдакни топиш билан ўтказади. Баъзан томирларни кесиб юбориш мумкин. Айрим ҳолларда, трахеотомик найда кекирдак ичига эмас, тоғай билан шиллиқ парда оралиғига қўйилади ва натижада сохта йўл очилади.

Трахеотомиядан сўнг баъзан тери остига ҳаво йиғилиб (эмфизема), бўйин ва кўкрак атрофи катталашиб (шишиб) кетади. Бундай ҳолат

кекирдак катта қилиб кесилиб, ингичка найча қўйилиши натижасида кузатилади. Боланинг ёшига қараб, қўйидаги сонли найчаларни қўйиш мумкин: янги туғилган болаларга № 000; бир ёшгача бўлган болаларга № 000; бир ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга № 0-1; 8 ёшдан 12 ёшгача № 2; 13 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга № 3.

Ҳозирги пайтда кўпроқ тефлон, кумуш, пластмассадан ясалган найчалар ишилатилади. Агар трахеотомия беморнинг ҳаёт билан ўлим ўртасидаги чегара ҳолатида қилинган бўлса (терминал ҳолатда) массаж қилиш, юракка 0,1 фоизли адреналин эритмасини юбориш лозим.

Трахеостомиядан сўнг бемор бўй соҳасида бироз косметик нуқсон (чандик) бўлиб, сезиларли даражада нафас олиш физиологияси бузилади. Нафас олгандаги ҳаво тозаланмасдан, иситилмасдан туриб кекирдак ва бронхларга тушади. Бунинг оқибатида пастки нафас йўлларидан кўп микдорда шиллик ажралмалар чиқиб, қатқалоқлар ҳосил бўла бошлайди.

Бу билан бир қаторда, трахеотомик найчанинг узоқ муддат туриб қолиши натижасида, унинг атрофида кекирдак шиллик кавати ўсиб, грануляциялар ҳосил бўлади ва чандиқланиш ёки торайинш келиб чиқиши мумкин.

Трахеотомия қилинган болалар парвариш қилинса, батамом согайиб кетади. Нафас найча орқали олиниши сабабли, ҳаво доимо намланган бўлиши лозим.

Найча атрофидаги тўқималар яллиғланишининг олдини олиш мақсадида асептик боғлам қўйиш, турли хил малҳамларни маҳаллий суртиш керак. Вақти- вақти билан электр сўрғич ёрдамида найчанинг ички юзаси ва кекирдақдаги ажралмаларни сўриб тозалаш зарур бўлади.

Трахеотомик найча табиий нафас олиш етарли бўлган тақдирдагина олинади (деканюлация).

ХИҚИЛДОҚНИНГ ЖАРОҲАТЛАНИШИ

Хиқилдоқ иссиқ чой, сув, овқатдан, буғлар, кимёвий ва механик таъсирлар натижасида жароҳатланади.

Кўпинча ёш болалар иссиқлик ва кимёвий моддалардан куядилар.

Хиқилдоқнинг кўйиши. Хиқилдоқ иссиқ овқат, чой, сув истеъмол қилиш натижасида кўйиши мумкин. Бунда шиллик парда қизариб шишиади. Кўпинча кислота ва ишқорий моддалар таъсирида кимёвий кўйиш кузатилади. Айниқса ўювчи ишқор, сирка эссенцияси, олтингутурт кислоталаридан кўйиш оғир кечади.

Хиқилдоқ кўйганда дастлаб унинг устки тоғайи, сўнг чўмичсимон тоғайлар ва шу иккала тоғайларни бирлашибувчи боғлам (бурма)лар жароҳатланади. Бунда ютингаңда оғриқ бўлиб, нафас олиш қўйинлашади. Шиллик пардада кўйиш аломатлари турлича бўлади. Баъзи жойлар юза,

баъзи жойлар чуқурроқ куяди, шу билан бирга яралар пайдо бўлади. Яралар усти кул ранг караш билан қопланган бўлади, ундаги йиринг бутун гавдани заҳарлаши мумкин.

Даволаш. Бемор кислотадан куйган бўлса, ишқор билан, ишқордан куйган бўлса, кислота билан меъдаси ювилади. Бўғилиш юз бермаслиги учун ҳиқилдоқдаги шиш йўқотилади. Бунинг учун адреналин ёки эфедрин эритмалари, димедролнинг гидрокортизон билан аралашмасини ҳиқилдоқка сепиш (чанглаш) керак. Кўп антибиотиклар юбориш, юмшоқ, суюқ, илиқ овқатлар бериш (сут, қаймоқ, қатиқ, илитилган тухум, кисель ва б.) лозим. Оғир куйиш ва нафас сиқилишларида трахеостомия қилиш лозим.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ ТУРМУШДА УЧРАЙДИГАН ШИКАСТЛАНИШЛАРИ

Ёш болаларда ҳиқилдоқ тогайларининг эгилувчанлик хусусияти туфайли шикастланишлари кам учрайди. Ёши катта болаларда йиқилиш натижасида, бирорта қаттиқ нарсага урилиш сабабли, ҳиқилдоқ атрофига зарб билан уришда ҳиқилдоқ жароҳатланади. Бундай ҳолларда тогайлар синиши, дарз кетиши, кесилиши, эзилиши мумкин. Ўтмас нарса билан шикастланганда тери остига тарқалган ҳолда қон қўйилиши, бундай ҳолат мушаклар ва шиллиқ пардаларда ҳам кузатилиши мумкин. Баъзан ҳиқилдоқ тогайлари ўз ўрнидан қўзгалади.

Бемор беҳуш ҳолда бўлиб, йўтал, овоз ўзгариши, ютиниш қийинлашиши кузатилади. Айрим ҳолларда bemor қон туфлаши мумкин.

Даволаш. Агар нафас олиш бузилиб, ўткир бўғилиш юз берса, зудлик билан трахеотомия қилинади. Бундан ташқари, шиш ва яллигланишини қайтарувчи турли дори-дармонлар берилади. Баъзан тиббиёт ходимлари бола ҳиқилдоғини кўрганда ёки кекирдакни маҳсус асбоб билан текширганда ҳиқилдоқни шикастлаб қўядилар. Бунга кекирдакни ҳаддан ташқари йўғон найча билан кўриш сабаб бўлади. (найчанинг уни овоз бойламларини жароҳатлаши мумкин). Кейинги йилларда умумий наркоз бергандан сўнг ҳам ҳиқилдоқнинг шикастланиши кўп учрамоқда.

Аломатлари. Ҳиқилдоқни текширганда шиллиқ пардага қон қўйилганини, у қорамтири-қизғиши тусга кирганини кўриш мумкин. Баъзан жароҳатланган яра устини караш қоплайди (124, 125- расмлар).

Даволаш. Ҳиқилдоқни сўриб оловчи аппарат ёрдамида шиллиқ ажралмалар ва карашлардан тозалаш лозим. Бунда турли антибиотиклар эритмаси ёки адреналин эритмаси қўлланади.

Жароҳатланган bemor ҳаёти учун хавфли бўлган қон кетишини тўхтатиш, очиқ-кесилган яраларни тозалаб тикиш зарур. Нафас олишини

тиклаш бириңчи вазифа ҳисобланади. Жароҳатланган төғайларни түғрилаб жой-жойига қўйиш, төғай усти пардасини тикиш лозим.

Оғриқ ва йўтал қолдирувчи, сўлак ҳамда шилимшиқ ажралмаларни камайтирувчи дорилар бериш, бўғилишнинг оғир турида трахеотомия ўтказиш зарур.

ҲИҚИЛДОҚНИНГ СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ СУРУНКАЛИ ЛАРИНГИТ

Ҳиқилдоқнинг сурункали касалликлари 4 ёшдан 10–12 ёшгacha бўлган болаларда нисбатан кўпроқ учрайди.

Ҳиқилдоқнинг сурункали касалликлари ўткир яллиғланишларнинг кўп қайталаниши ёки уларни яхши даволамаслик туфайли келиб чиқади. Болалардаги турли юқумли касалликлар ҳиқилдоқнинг сурункали касалликларига олиб келади. Бундан ташқари, бурун-ҳалқум шиллиқ пардаси яллиғланиши, узоқ муддат давомида бурундан нафас олишнинг қийинлиги ёки нафас ололмаслик, оғиздан мунтазам равишда нафас олиш ҳалқум ва ҳиқилдоқни сурункали яллиғлантариради. Инсон яшайдиган ёки ишлайдиган мұхит, об-ҳаво ўзгаришилари, турли иқлим шароити ҳам бу борада мұхим ўрин эгаллайди. Товуш бойламларининг зўриқиб ишлаши, сурункали йўтал ва бошқа таъсирлар ҳам хасталик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ўсмирлар ва катта ёшдагиларда чекиш, баъзан касбнинг салбий таъсиридан ҳам сурункали касалликлар келиб чиқади.

Ҳиқилдоқ сурункали яллиғланишининг катарал, гипертрофик ва атрофик турлари бўлади.

СУРУНКАЛИ КАТАРАЛ ЛАРИНГИТ

Катарал ларингит – кўп учрайдиган касаллик бўлиб, енгил кечади. Кўпинча ўткир ларингитдан сўнг ривожланади.

Айрим касбларда (ўқитувчи, овоз чиқариб ўқийдиган кишиларда, артистларда) товуш бойламларининг зўриқиб ишлаши натижасида кузатилади. Бундан ташқари, баъзи бир организм учун заарли бўлган корхоналарда ишловчи шахсларда (кўмир конида, тамаки ва тўқимачилик фабрикаларида, кимёвий заводларда ишловчиларда) кўп учрайди.

Аломатлари. Беморнинг доимий шикоятларидан бири – овозининг ўзгаришидир. Унинг айтишича, овози эрталаб тиниқ, яхши, бир неча соатдан сўнг ўзгариб, ҳиқилдоқда куриш, бирор ёт жисм борлитини ҳис қилиш, йўтал кабилар бўлади.

Ларингоскопияда ҳиқилдоқ шиллик қаватининг умумий қизариши ёки бу овоз бойламларининг атрофидагина қизариши кузатилади. Шиллик қаватда ёпишқоқ шилимшиқлар бўлади.

Даволаш. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни йўқотиш, товуш бойламларини ҳаддан ташқари зўриқтирмаслик, ҳиқилдоқга гидрокортизон ва антибиотиклар аралашмасини қўйиб туриш ёки ингаляция қилиш тавсия этилади (ишқорли аралашма ёки ёғ билан).

СУРУНКАЛИ ГИПЕРПЛАСТИК ЛАРИНГИТ (ТЎҚИМА, АЪЗО ҲАЖМИНИНГ КАТТАЛАШУВИ)

Сурункали гиперпластик ларингитда ҳиқилдоқнинг айрим бўлимларида, кўпинча чин товуш бойламлари, айрим ҳолларда чўмичсимон тоғайлар оралиғида ва ҳиқилдоқ қоринчасида шиллик парданинг ҳаддан ташқари қалинлашганини кўриш мумкин. Бундай ўзгариш тарқоқ ёки чегараланган бўлиши мумкин. Бу бақироқ, кўп йиглайдиган болаларда товуш зўриқиши оқибатида ҳам келиб чиқади.

Аломатлари. Энг асосий шикоятлари – товуш ўзгариши ва овоз бўғилишидир. Бу товуш бойламларида тугунчалар бўлиши сабабли кузатилади.

Ларингоскопияда чин товуш бойламлари шиллик қаватининг қалинлашганлиги ва чўмичсимон тоғайлар оралиғидаги ўзгаришни борлигини, шунингдек, чин ва сохта товуш бойламлари оралиғидаги қоринча шиллик қаватининг катталашганлиги ва бўртиб чиққанлигини кўриш мумкин. Бундай ўзгаришлар кўпроқ ўқитувчиларда, ашула айтuvчиларда учрайди. Товуш бойламларидаги ҳосил бўлган тутунча шаклидаги ўзгаришлар «аниулачилар тутунчаси» деб юритилади (126, 127-расмлар).

Гипертрофик ларингитни ҳиқилдоқнинг бошқа касалликларидан (хавфли ва хавфсиз ўсмалар, сил) фарқлашада компьютерли томография муҳим ўрин эгаллайди.

Даволаш. Баъзан катталашган шиллик қаватнинг тутунча бўлиб қолган қисмини ляпис (кумуш) эритмаси билан кўйдирилади, антибиотик ва гормонлардан фойдаланилади. Кўпчилик мутахассислар криотерапия (совуқ азот) билан овоз бойламларининг гипертрофияланган жойларини музлатишни тавсия этадилар.

Агар юқорида кўрсатилган даволаш усуллари ёрдам бермаса, унда маҳсус жарроҳлик ўтказилади.

СУРУНКАЛИ АТРОФИК ЛАРИНГИТ

Сурункали атрофик ларингит бурун бўшлиғи, ҳалқум шиллиқ қавати атрофик ўзгаришининг давоми ҳисобланади. Бу ўзгаришлар кўпинча турли заарли, кимёвий моддаларнинг ҳиқилдоқ шиллиқ қаватини мунтазам шикастлаши оқибатида келиб чиқади. Бундан ташқари, касаллик келиб чиқишида бурундан яхши нафас ололмаслик, ички аъзолардаги хасталиклар, моддалар алмашинувининг бузилиши (айниқса қандли диабет), витаминлар етишмовчилиги, чекиш, спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Касаллик катталарда болаларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Аломатлари. Беморлар томоқ қуриши, қичишиши ва борган сари товушининг ўзгариб кетганлигидан шикоят қиласидар. Беморда овози пасайиб, тезда чарчаш, кучли йўталдан сўнг шилимшиқ қатқалоқлар ажралиб чиқиши, шундан сўнг бироз овознинг яхшиланиши кузатилади.

Ҳиқилдоқни текширганда шиллиқ қават қуриган бўлиб, чин товуш бойламлари ингичкалашган, уларнинг устида юпқа қатқалоқлар кўзга ташланади. Фонацияда чин овоз бойламларида бироз оралиқ бўлиши мумкин (ички гуруҳ мушаклари атрофияси сабабли ожизлиги оқибатида).

Даволаги. Даствлаб касалликка сабаб бўлган омишларни йўқотиш керак. Беморларга шўр, аччиқ, нордон овқатларни истеъмол қилиш тақиқланади. Кўпроқ сут, қаймоқ, асалга аралаштирилган сариёғ истеъмол қилиш, ингаляция (турли ёғлар билан) тавсия этилади. Ҳиқилдоқ шиллиқ қаватига Люголь эритмасини суртиш, маҳсус шприц билан ёғ қутиш лозим. Шиллиқ қаватдаги шилимшиқ модда ишлаб чиқарувчи безлар фаолиятини тиклаш учун 30 %ли калий йод эритмасидан 8 томчидан ҳар куни 3 маротаба ичиш тайинланади.

Булар билан бир қаторда, атрофик ларингит ривожланишига сабаб бўлган омишларни бартараф қилиш, овоз режими (кўп гапирмаслик) тавсия қилинади. Мактаб ёшидаги болалар мусиқа дарсидан озод қилинади.

ҲИҚИЛДОҚ НЕРВИ ФАОЛИЯТИНИНГ БУЗИЛИШИ

Ҳиқилдоқ сиқилиши (қисилиши – ларингоспазм). Ҳиқилдоқ барча мушакларининг чангак бўлиши натижасида, товуш ёриғи қисилиши – ларингоспазм кузатилади. Хасталик кўпинча ёш болаларда (2 ёшгача) учрайди. Бунга сабаб, бола организмидаги кальций ва Д витаминнинг етишмаслигидир. Ҳиқилдоқ қисилиши кўпинча сунъий овқатланадиган, мечкай болаларда учрайди.

Аломатлари. Ҳиқилдоқ түсатдан ёки қаттиқ йўталдан сўнг қисилади.

Олдинига шовқинли, бир текисда бўлмаган нафас олиш аниқланиб, бемор бошини орқага оғдиради, кўзини катта очади. Бўйин мушаклари тарангланган, тери қатлами оқарган ёки кўкарган ҳолда бўлади ва боланинг оғзидан кўпик келади. Оёқ-кўллар тиришиб, чамаси 15–30 секунддан сўнг нафас олиш тикланади. Баъзан нафас олишнинг бузилиши узоққа чўзилиши ва бола ҳаётига хавф туғдириши мумкин (юрак уришининг тўхташи ёки ўпкала содир бўладиган ўзгариш – ателектаз натижасида). Хуруж бир неча бор тақрорланиши мумкин (айниқса қиш фаслида). Бундай болаларда даволаш ёки енгил жарроҳлик усууларини кўллаш қийин ва хавфли, чунки бирор асорат бериши мумкин.

Даволаш. Боланинг фикрини бирор нарса билан чалғитиш, яъни лунжига аста-секин уриб қўйиш ёки чимчилаш, бурунга кириш қисмини қитиқлаш, юзига совуқ сув сепиш лозим. Баъзан трахеотомия қилишга тўғри келади. Кальций ва Д витамини бериш, ультрабинафша нури билан нурлатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ҲИҚИЛДОҚ МУШАКЛАРИ ФАЛАЖИ

Ҳиқилдоқ мушаклари фалажи 2 хил, яъни бу мушаклар фаолиятининг кескин равишда ошиб кетиши ёки унинг заифлашиши ёки бутунлай тўхташи (фалажланиши) дан иборат бўлади. Ҳиқилдоқ нерв мушак аппарати кўзгалувчанлигининг ошиши аксарият ёш болаларда аниқланади ва ларингоспазм, мечкай, кўйўтал каби умумий касалликлар аломати сифатида кўзга ташланади.

Ҳиқилдоқ мушаклари фаолиятининг заифлашиши (фалажланиши) мушаклар заарланиши ва шунингдек, улар иннервациясининг бузилишидан келиб чиқиши мумкин.

Фалажланишнинг икки тури бор: биринчиси – кўпинча товуш ёригини торайтирадиган мушаклар касалланиши билан боғлиқ бўлган функционал ва иккинчиси эса ҳиқилдоқ нервлари заарланиши натижасида пайдо бўладиган органик фалажланишлардир. Бунда товуш ёригини кенгайтирувчи мушаклар биринчи наебатда заарланаади (128, 129, 130 а, б, в- расмлар).

Ҳиқилдоқ фаолияти марказий ва периферик ҳолда бузилиши мумкин.

128-расм. Ҳиқилдоқнинг чап томонлама фалажи.



129-расм. Ҳиқилдоқ мушакларининг ним фалажи. а— ички мушаклар ним фалажи (овоз чиқариш даврида); б— кўндаланг мушакларнинг ним фалажи (овоз чиқариш даврида); в— узуксизмон ва чўмичсизмон тофайлар оралигига орқа мушакнинг икки томонлама фалажи.



130-расм. Ҳиқилдоқ мушаклари фалажи. а— ички ва кўндаланг мушакларнинг нимфалажи; б— ички, орқа, кўндаланг мушакларнинг икки томонлама фалажи; в— узук-чўмичсизмон мушакнинг чап томонлама фалажи (нафас олишдаги ҳолати).

Марказий фалажланишларга — сохта, руҳий касалликлар, мия қобиги касаллиги, узунчоқ мия, баъзан мия ўзагининг бошқа бўлимларида жойлашган ўсмалар, қон қўйилишлар сабаб бўлиши мумкин. Баъзан бош мия шикастланиши натижасида қайтувчи нерв (п. recurrens) фалажланганда, у билан унинг яқинида жойлашган бош мия нервлари (IX – X – XI – XII) ҳам биргаликда заарланиши мумкин.

Периферик фалажланишлар қайтувчи нерв заарланиши натижасида кузатилади. Бу нерв анчагина узун бўлгани учун кўкс оралигидаги ўсмалар, аортанинг кенгайиши (аневризм), буқоқ ва қизилўнгач ўсимталаrinинг нерв томирини эзиши ёки шикастлантириши, яллигланиш натижасида пайдо бўлиши мумкин. Кўпинча қайтувчи нерв буқоқни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш вақтида шикастланади.

Ҳиқилдоқни кўздан кечирганда фалажланган томондаги товуш бойламлари тинч нафас олганда ҳаракатсиз ҳолатда, товуш талаффуз этганда эса ўрта ҳолатда (бу — «мурда ҳолати» деб юритилади) бўлади. Қайтувчи нерв бир томонлама фалажланганда овоз деярли ўзгармай, фақат бироз хириллаб чиқиши мумкин, нафас олиш эса нормал бўлади.

Икки томонлама фалажланиш бемор учун жуда хавфли, чунки бунда нафас олиш бузилиб, ўткир бўғилиш юз беради ва зудлик билан трахеотомия қилишга тўғри келади.

Ҳиқилдоқнинг органик фалажланишларидан ташқари, кўпинча мушаклар фалажланиши (миопатик), яъни мушаклар фаолияти функционал бузилиши ҳам учрайди. Бу ҳиқилдоқдаги турли хил яллигланишлар ёки ҳиқилдоқ мушакларининг ортиқча ишлашидан (нотиқларда, ашулачиларда, ўқитувчиларда ва б.) келиб чиқади. Бунда кўпроқ товуш мушаклари заарланади. Иккала товуш мушаги фалажида фонация вақтида улар бир-бирига тўла яқинлашмайди, бундай ҳолларда товуш ёриғи турли шаклда (чўзинчоқ, ясси шаклда) бўлиши мумкин. Бунда товуш хириллаб, баъзида бутунлай чиқмай қолади.

Миопатик фалажланишларни невропатик фалажланишлардан ажратиш жуда қийин, чунки ларингоскопик кўриниш кўпинча бир хил бўлади.

Даволаш. Дастрлаб касалликка олиб келган асосий сабабни йўқотиш керак.

Сурункали ларингитни даволаш учун беморга турли витаминларни бериш, баъзан физиотерапевтик даволаш ҳам яхши натижалар беради.

ҲИҚИЛДОҚ ВА КЕКИРДАКНИНГ СУРУНКАЛИ ТОРАЙИШИ (СУРУНКАЛИ БЎҒИЛИШ)

Ҳиқилдоқ, кекирдак ва унинг атрофидаги аъзо ва тўқималарда турғун морфологик ўзгаришлар содир бўлиши натижасида сурункали торайиш кузатилади.

Сурункали торайишнинг сабаблари турличадир. Буларга қуйидагилар киради: кўпроқ ҳиқилдоқ тоғайларининг яллигланиши, шикастланиши, турли юқумли касалликлар (қизамиқ, қизилча, сил, чин бўғма, захм ва б.) билан оғриш, рентген нурлари таъсири, куйишлар ва бошқалар.

Булардан ташқари, узук-чўмичсимон тоғайлар бўлими ҳаракат-чанлигининг бузилиши, қайтувчи нерв фаолиятининг бузилиши, хавфсиз ва хавфли ўсмалар, буқоқ касаллиги ҳам сурункали торайишга сабаб бўлади.

Сўнгти йилларда ҳиқилдоқ ва кекирдак торайишининг кўпайиб боришига – амалиётда интубацияли оғриқсизлантиришнинг кенг кулланилиши сабаб бўлмоқда (интубация найчасининг ҳиқилдоқда узок вақт қолдирилиши).

Сурункали бўғилиш болалар учун оғир хасталик ҳисобланади. Организмнинг мунтазам равишда кислородга тўйинмаслиги натижасида

бала ақпий ва жисмоний ривожланишдан орқала қолиб, баъзан эса оғир асоратлар (сурункали сиқувчи бронхит, зотилжам) келиб чиқади.

Аломатлари. Беморлар кўпинча оғир меҳнат қилганда, юргурганда нафас олишнинг қийинлашишидан шикоят қиласидар.

Кўпинча демор организмни нафас олишнинг бузилиши ҳамда қийинлашувига аста-секин мослашиб боради. Айрим ҳолларда товуш ўзгаришларини кузатиш мумкин.

Ларингоскопия ёки бронхоскопия ҳамда рентген ёрдамида торайишнинг қанча тарқалганлигини билса бўлади.

Даволаш. Сурункали торайиш комплекс даволанади. Турли жарроҳлик усуслари ёрдамида ва маҳаллий дори-дармонларни қўллабгина торайишларни кўп ҳолларда бартараф этиш мумкин. Бу масалани ҳал қилиш жуда қийин ва у узоқ муддат талаб этади.

Жарроҳлик бир неча босқичлардан иборат бўлади: дастлаб турғун трахеостома шакллантирилди, кейин эса торайган қисм кенгайтира борилади (дилатация). Ундан кейин эса ҳиқилдоқ ёки кекирдак гавдасини тиклаш масаласи ҳал қилинади. Бу мақсадда кўп олимлар турли хил трансплантатларни тавсия қилмоқдалар (тоғай, минералсизлантирилган сүяк тўқимаси ва б.).

ҲИҚИЛДОҚ ЎСМАЛАРИ

ХАВФСИЗ ЎСМАЛАР

Ҳиқилдоқнинг хавфсиз ўスマларига фиброма, папиллома, ангиома ва кисталар киради.

Фиброма. Бу ўсма тўғноғич бошчасидек ёки нўхатдек бўлади, аксари ҳолларда чин товуш бойламларининг олд ва ўрта қисмida жойлашади. Болаларда кам учрайди. Ўсма оч-пушти ёки қизил рангли, усти силлиқ бўлади. Бу ўсма кўпинча шиллиқ парданинг сурункали қитиқланиши натижасида пайдо бўлади.

Аломатлари. Товуш ўзгариши ва ўсманинг катталигига қараб, нафас олиш бузилиши мумкин (131-*a,b,v*; 132- расмлар).

Даволаш. Фақат жарроҳлик йўли билан олиб борилади.

Папиллома. Кўпинча кичик ёшдаги (2–5 ёш) ўғил болаларда учрайди. Папиллома эпителиал ўсимта бўлиб, айрим ҳолларда нафас йўлини беркитиб қўяди.

Папиллома келиб чиқшида, асосан ҳиқилдоқнинг сурункали қитиқланиши, юқумли касалликлар (трипп, қизамиқ, чин бўғма, қизилча), турли вируслар катта ўрин тутади. Бундан ташқари, баъзи олимлар болалар организмидаги гормонал фоалиятнинг бузилиши натижасида папиллома ривожланиши тўғрисида назариялари ҳам мавжуд.



131-расм. Ҳиқилдоқ товуш бойламидаги фиброма: а— нафас олишдаги ҳолат; б, в— товуш чиқаришдаги ҳолаттар.

Ўсма кул ранг, усти маймунжонга ўқшашибади, ғадир-будур, худди тут мевасига ўхшаб кетади.

У фақат чин товуш бойламларидангина эмас, балки бутун товуш ёриқчасидан ўсиб чиқади ва жуда тез ривожланади. Шу туфайли оз вақт ичиде бутун товуш ёригини түлдиради ҳамда кекирдаккача тарқалиши мумкин.

Касаллик бошланишида товуш ўзгаради. Ўсма катталашиши билан нафас олиш қийинлашади.

Ҳиқилдоқни текшириб кўрганда чин товуш бойламларida ўрнини лаҳзада ўзgartира оладиган ўсма кўзга ташланади. Нафас олишда у товуш бойламлари оралиғи ёки ости томонга силжиб тушиши, нафас чиқаришда эса товуш бойламлари устига силжиб чиқиши мумкин. Баъзан ўсма товуш бойламлари оралигининг орқа қисмida бўлади (133-расм).

Даволаш. Жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Бунда ҳиқилдоқ шиллиқ пардасини шикастлантиришдан эҳтиёт бўлиш керак. Ўсма олиб ташлангандан сўнг, унинг ўрнини спирт, учхлорсирка кислотаси билан куйдириш (суртиш) яхши натижада беради. Подофиллин, қончўп (чистотел) шарбати (суви), проспидин ва гентамицин ўсманинг қайта ўсишини камайтиради ёки тўхтатади.

Сўнгги йилларда ультратовуш, крио билан даволаш, айниқса лазер нури билан нурлантириш яхши самара бермоқда.

Полиплар. Полип фиброманинг бир тури бўлиб, унча қаттиқ бўлмайди. Таркибида кўпроқ суюқлик сақлайди, кўпинча оёқчали бўлиб, пастга ва юқорига осонлик билан силжийди. Кўпинча товуш бойламларининг олд қисмida жойлашади.

Бемор овози ўзгаради. Даволаш фақат жарроҳлик йўли билан олиб борилади.

Ангиома. Кўкимтир-қизил туслаги, усти ғадир-будур, юмшоқ бўлган кичикроқ ўсма.

Киста. Бу ўсма шиллиқ парда безлари чиқарув йўлининг беркилиб қолиши натижасида ривожланади ва бурун шиллиқ пардасида учрайдиган полипларга ўхшаб кетади. Кўпинча ҳиқилдоқ усти тоғайида учрайди.

Даволаш. Фақат жарроҳлик усули қўлланилади.

ХАВФЛИ ЎСМАЛАР

Хавфли ўсмалар болаларда жуда кам учрайди. Ёш болаларда саркома, катта ёшлагиларда рак (саратон) учраши мумкин. Саркома жуда тез ўсади, уни даволаш жуда қийин. Рентген билан нурлантириши ҳам ёрдам бермайди.

Саратон ҳиқилдоқнинг ташқи қисмларида (хиқилдоқ усти тоғайида чўмичсимон тоғай атрофларида, узуксимон тоғайнинг орқа теварагида) баъзан ҳиқилдоқнинг ичкариоқ қисмида ҳам ўсиши мумкин (тovуш бойламларидан, қоринча бурмаларидан, ҳиқилдоқ қоринчасидан, товуш бойламларининг остки қисмидан). Товуш бойламлари атрофидаги саратон ўсмаси аста-секин ривожланади. Бошда у билинар-билинмас даражада бўлади, чунки бу ерда лимфатик томирлар яхши ривожланмаган. Шунинг учун атроф тўқималарга узоқ муддатдан сўнг тарқалиши мумкин.

Аломатлари. Ўсманинг белгилари ҳиқилдоқнинг қаерида жойлашганига ва унинг катта-кичиклигига боғлиқ.

Касаллик бошланишида бемор товуши ўзгарганидан, бўйин атрофидаги лимфа тутунлари катталашганидан шикоят қиласи. Пайласлаганда қаттиқ бўлиб оғриқ сезилмайди. Хасталик кечикириб юборилганда ҳиқилдоқнинг бир томонида қўзғалмайдиган қаттиқ шиш пайдо бўлганини кўрамиз. Бу даврда хириллаш кучаяди ёки товуш бутунлай чиқмай қолади.

Кейинчалик ўсманинг айрим қисмларида яра пайдо бўлиб, парчаланиш, тўқималар чириши кузатилади, натижада сассиқ ҳид пайдо бўлади, ютинишда қаттиқ йўтал ва оғриқ сезилади. Касалликни аниқлаш анча мушкул (айниқса касалликнинг бошланиш даврида), асосан шубҳа қилинган ҳолларда биопсия, страбоскопия, компьютерли томография қилиб текшириш катта аҳамиятга эга.

Даволаш. Касалликни даволаш учун мумкин қадар эртароқ жарроҳлик усулини қўллаш ёки рентген ва кимёвий усуллардан фойдаланиш зарур.

ЮҚОРИ НАФАС ЙҮЛЛАРИДАГИ СУРУНКАЛИ ИНФЕКЦИЯЛИ ГРАНУЛЕМАЛАР

Сурункали гранулемаларнинг юқори нафас йўлларида ривожланишига сил, захм, склерома касаллуклари сабаб бўлади.

Сил касаллиги юқори нафас йўлида асосан иккиламчи бўлиб, организизмда умумий сил касаллиги оқибати ҳисобланади. Юқори нафас йўллари, асосан контакт йўл билан, яъни бемор балғамидан, кам ҳолларда қон ва лимфа орқали шикастланади.

Юқори нафас йўлларида ривожланган сил касаллигига тўқимада ҳосил бўладиган инфильтрат ёки гранулема (дона-дона бўртма)ларнинг емирилиши оқибатида яралар ҳосил бўлади. Чегаралangan гранулема бирмунча қаттиқ-зич консистенцияга эга бўлиб, биринтирувчи тўқималардан ташкил топган ва у туберкулема деб юритилади.

Бурун бўшлиғидаги сил касаллигига (гранулемада) bemор бурнининг битиши, узоқ муддатли тумовдан шикоят қиласди.

Риноскопияда туберкулема оч пушти ёки оч қизил рангда, сатҳи текис бўлиб, кўпинча бурун тўсиғида жойлашади.

Оғиз бўшлиғида эса, кўпинча тил илдизида, ютқиннинг орқа ва ён деворида жойлашган бўлади. Бундан ташқари, туберкулемалар тантглай муртаклари ва унинг ўйчалари атрофида ҳам кузатилади.

Бемор шикояти – ютинишдаги қаттиқ оғриқ (дисфагия)дан, овқат луқмасини ютишда қийналишдан (ҳалқум мушаклари фалажланиши натижасида).

Хиқилдоқнинг сил касаллиги болаларда жуда кам учрайди.

Бемор йўтал, товуш ўзгариши, ютинишдаги оғриқ, баъзан нафас олиш қийинлашганидан шикоят қиласдилар.

Хиқилдоқ силида инфильтрат пушти рангда бўлади, кейинчалик ярага айланади, унга иккиламчи инфекция тушиб ҳиқилдоқ тогайлари ялигланиши мумкин ва натижада bemорнинг аҳволи огирашади.

Хиқилдоқ силида хиқилдоқ копқоғи, чўмичсимон тогайлар кўпроқ шикастланади ва жараён бир томонлама бўлади. Бундай пайтларда туберкулемани папиллома, захм касаллукларидан фарқлаш керак.

Даволаш. Бундай bemорлар махсус сил шифохоналарида даволанишади. ЛОР аъзолари силини даволаш умумий силни даволашдаги каби муолажалардан иборат. Айрим bemорларга оғриқни қолдирувчи блокадалар, ҳиқилдоқ атрофига новокаин юборилади.

Захм касаллиги. Юқори нафас йўлларининг захм касаллиги болаларда кам учрайди, бироқ у туғма бўлиши ҳам мумкин.

Касаллик билан бола она қорнида, туғилиш даврида, кўкрак сути ва сўлак орқали заарланиши мумкин.

Захмнинг дастлабки даврида қаттиқ шанкр аниқланиб, унинг уч қисмida юза яра пайдо бўлади. Бу захм касаллигининг дастлабки

белгиларидан ҳисобланади. Захмнинг иккинчи даврида бемор териси ва шиллиқ қаватларга тошмалар (сифилидома) тошади. Одатда бу тошмалар 6–8 ҳафтадан кейин ривожланади.

Захм касаллигининг учинчи даври гумма пайдо бўлиши билан белгиланади (2–3 йилдан сўнг).

Захм касаллиги бурун соҳасида ҳам учраб, бунда асосан бурун тўсиғи ва бурунга кириш соҳасида ўзгаришлар кузатилади. Бемор бош оғриғи, нафас олиш қийинлигидан шикоят қиласди. Кўкрак ёшидаги болаларда қаттиқ шанкр юқори лаб ёки тилнинг уч қисмида жойлашади. Кейинчалик у қаттиқ тантглай ва тантглай муртакларига тарқалиши мумкин.

Захм касаллигининг учинчи даврида бурун тўсиғининг димоғ қисми, бурун бўшлиғи туби ва буруннинг ташқи деворлари гумма билан шикастланади. Бурун тўсиғида катта ҳажмда тешик ҳосил бўлади, ташқи бурун чўқади (пучук бўлади).

Гумма даврида юмшоқ тантглай, ютқиннинг орқа деворида чандиқланиш кузатилиб, у юлдуз шаклида ярқираб туради. Бемор манқаланиб қолади, овқат луқмаси қисман бурун бўшлиғига ўтиши кузатилади.

Бундай ўзгаришлар ҳиқилдоқнинг қолқоғи ва чўмичсимон тоғайларида, чин товуш бойламларида ҳам кузатилади. Бемор овози бўғиқ, товуш бойламлари сатҳи нотекис, ғадир-будур бўлади.

Гумма даврида ҳиқилдоқ тоғайлари емирилиши, чандиқланиши оқибатида ҳиқилдоқ бўшлиғи торайиб сурункали бўғилишга олиб келиши мумкин. Баъзан чин товуш бойламлари оралиғида парда ҳосил бўлади.

Склерома. Касалликнинг яширин даври жуда узоқ бўлиб, клиник белгилари асосан яширин кечади.

Касалликни Фриш- Волкович бацилласи қўзғатиб, Украина, Белоруссия, Қизил Ўрдада кўп учрайди (асосан ботқоқлик кўп бўлган мамлакатларда). Склероманинг ривожланиши уч даврдан иборат: 1) тугунчали инфильтрат; 2) тарқоқ ўзига хос инфильтрат; 3) чандиқланиш даври.

Инфильтрат давридаги ўчоқлар фиброзли бириктирувчи тўқималардан ташкил топган бўлади. Бу тўқималарда кўп микдорда Микулич, гиалин ҳужайралари билан бир қаторда Русселя гавдача ҳужайраларини ҳам топиш мумкин. Ҳужайра вакуолаларида эса Фриш- Волкович таёқчаси аниқланади.

Касаллик дастлаб бурун, ютқин ва ҳиқилдоқда катарал ҳолда ривожланади. Шундан кейин чегаралантган даврга ўтади. Унинг таркибида бириктирувчи тўқималар ривожланиб, кейинчалик буришиш, чандиқланиш кузатилади.

Склеромада инфильтратлар симметрик шаклда юқори нафас йўлларининг физиологик торайган жойларida ривожланади (бурунга

кириш қисмida, хоанада, чин товуш бойламлари остида, кекирдакнинг бронхларга ажралиш жойида). Склерома инфильтратлари ҳеч қачон яра пайдо қилмайди, яъни емирилмайди (сил ва захмдан фарқли равишда).

Аломатлари. Бурун даҳлизи инфильтрат ҳисобига торайган бўлади. Бурун- ютқин соҳасида инфильтрат гумбазни батамом эгаллаб, эшигув найи ва хоанагача тарқалиши мумкин. Бундай ўзгариш юмшоқ танглай ва танглай муртакларининг орқа равоқларини эгаллайди. Кейинчалик чандиқланиш натижасида юмшоқ танглай шакли ўзгаради (деформацияланади), натижада бемор манқаланиб гапиради.

Ҳиқилдоқ соҳасида склерома инфильтрати, асосан чин товуш бойламлари ва унинг остки қисмida, ҳиқилдоқ қоринчалари атрофидан ривожланади. Инфильтрат буришиши натижасида кейинчалик нафас йўли торайиши мумкин.

Бемор товуш ўзгариши, ҳиқилдоқ соҳаси қуриши ва нафас олишга қийналишидан шикоят қиласди. Инфильтрат кекирдак ва бронхлар соҳасида ривожланганда, беморни қаттиқ йўтал безовта қиласди.

Касалликни аниқлашда bemor шикоятлари муҳим аҳамиятга эгадир. ЛОР аъзоларини текшириш, Борде-Жангу реакциясини қўиши, гистологик ва бактериоскопик текшириш, рентгенография ва компьютерли томография зарур бўлади. Бундан ташқари, bemor туғилиб ўслан, яшаган жойи ҳақида маълумот олиш керак.

Даволаш. Ҳозирги давргача склеромани даволашда қўлланиладиган стрептомицин, левомицетин, террамицинлар яхши самара бермоқда. Инфильтрат даврида рентген нурини маҳаллий қўллаш мумкин.

Айрим ҳолларда жарроҳлик усууллари – бужлаш, инфильтратни олиб ташлаб, унинг ўрнини электрокоагуляция қилишдан иборат.

БАЪЗИ БИР ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА БОЛАЛАРНИ ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ (НАЗОРАТ) ҚИЛИШ

Диспансеризация қилишдан асосий мақсад:

1. Ўз вақтида кўп қайталанувчи ва сурункали касалликларни аниқлаш;
2. Касаллик ривожланиши ёки кўп қайталаниши сабабини аниқлаш;
3. Аниқланган касалликларни ўз вақтида ва тўғри даволаш;
4. Олиб борилган профилактик даво усууллари самарасини аниқлаш.

Диспансеризация қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

Биринчи босқич – диспансеризация ва профилактик даволашга муҳтоҷ bemорларни танлаб олиш. Оториноларингологлар бундай bemорларни поликлиника шароитида ёки турли профилактик кўрувдан ўтказиш даврида (богчада, мактабда) танлаб оладилар. Ҳар бир диспансер назоратида бўлган bemорларга ўзига хос (индивидуал) амбулатория картаси тўлдирилади (хужжат намунаси 25), картага «Д» ва касаллик

шифри (шартли белгиси) қўйилади. Мазкур картага ўтказилган бирламчи текширув усуллари натижалари ва қайта кўрувдаги назорат хulosалари ёзиб борилади. Йил охирида касаллик ҳақидати охирги тўлиқ хulos (эпикриз) ёзилиб, унда аниқ ва тўлиқ ташҳис, олиб борилган даволаш усуллари ва уларнинг самараси баён этилади.

Ҳар бир беморга, назорат қилиб туриш (контрольная) диспансер картаси (хужжат намунаси 30) тўлдирилади.

Бу хужжат намунасида bemorda профилактик даво чора-тадбирлари ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ва қайта мурожаат қилиш куни белгилаб қўйилади. Ушбу хужжат намунаси шифокор хонасида сақланиб, зарур ҳолларда тез (оператив) маълумот олишта ёрдам беради.

Иккинчи босқич — бажариш босқичи деб юритилади. Бунда, биринчи босқичга жалб этилган bemorlar шифокор назоратила бўлиб, профилактик даволаш олиб борилади. Боланинг ота-онаси ўз вақтида шифокор хузурида бўлиб, унинг кўрсатмалари ва берган маслаҳатларини тўла бажаришлари лозим.

Учинчи босқич — диспансеризация моҳиятини тўғри баҳолаб, якун ясаш босқичи ҳисобланади.

Қўйидаги касалликлар билан оғриган bemorlar диспансер назоратига олинадилар:

1. *Бурун ва ёндош бўшлиқлари касалликлари.* Бурун ва унинг ёндош бўшлиқларининг сурункали касалликларига чалинган bemorlar (сурункали ва вазоматор тумов, сурункали синуит). Маълумки, бурундан яхши нафас ололмаслик боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, сурункали синуитлар эса калла ичи ва кўз косасига асоратлар бериши мумкин. Ушбу нуқтаи назардан мазкур хасталиклар консерватив ёки жарроҳлик усулида даволангандан сўнг, bemorlar бир йилда 2 маротаба диспансер кўрувидан ўтишлари керак.

2. *Ютқин касалликлари.* Сурункали тонзиллитли bemorlar диспансер кузатувида бўладилар. Бундай bemorlar бир йил давомида 2—3 маротаба консерватив даво оладилар. Даволашдан кейин bemorlarда сурункали тонзиллит хуружи 2 йил давомида кузатилмаса, улар диспансер кузатувидан чиқариладилар.

3. *Ҳиқилдоқ касалликлари.* Ҳиқилдоқ касалликлари туфайли диспансер кузатувига олинадиган bemorlar анчагина бўлиб, уларнинг аксарияти оғир аҳволда бўлади. Асосан қўйидаги bemorlar назоратга олинадилар:

а) трахеотомиядан кейинги трахеотомик найчали bemorlar. Булар найча олингандан кейин (деканюлация) ҳам кузатувда бўлишлари керак;

б) ҳиқилдоқ папилломатози ва бошқа ўсмалар билан оғриган bemorlar;

в) ҳиқилдоқ нерви жароҳатланган bemorlar.

Бўғилишнинг компенсация давридаги беморлар ҳар 3–4 ойда бир марта назоратдан ўтадилар, 2–3 йилдан сўнг диспансер кузатуви тутагилади.

Бўғилишнинг субкомпенсация даврида беморлар ҳар ойда назорат қилиб турилишилари лозим. Агар бўғилиш белгилари зўрайса, беморлар ЛОР бўлимларида ётиб даволанишлари керак.

4. *Кулоқ касалликлари*. Диспансер назорати остида қуийдаги беморлар бўлиши шарт:

- а) сурункали йирингли отитли беморлар;
- б) кўп қайталанувчи отит, чандиқли отитли беморлар. Эшитиш пасайиб бориши эҳтимоли мавжудлиги сабабли, улар узоқ муддатда кузатувда бўладилар;

в) ўрта кулоқ соҳасида қилинган турли жарроҳликлардан сўнг яллиғланишининг барча белгилари тутагунча бўлган беморлар. Улар назоратда бўлишлари лозим;

г) йирингли отитнинг мия асоратлари аниқланган беморлар (жарроҳликдан кейин);


д) эшитиш нерви яллиғланган ва шикастланган беморлар. Улар бир йилда 2 марта даволанишлари лозим.

5) *Қизилўнгач касалликлари*. Қизилўнгачнинг механик, термик ёки кимёвий жароҳатини ўтказган беморларда қизилўнгачнинг чандиқли торайипси кузатилади. Шу сабабли шифохонадан чиқсан беморларда профилактик бужлаш (дастлаб ҳар ҳафтада, кейинчалик ҳар ойда ва йил давомида) ўтказилиши лозим. Бундай беморлар 3–5 йил давомида диспансер кузатувида бўладилар.


ЭНДОСКОПИК (134–137-РАСМЛАР) ВА КОМПЬЮТЕРЛИ (138–150-РАСМЛАР) ТОМОГРАФИЯГА ОИД РАСМЛАР ИЛОВАСИ




134-расм. Эндоскоп ва асбобнинг бир-бирига нисбатан тўғри жойлашиши. Шу ҳолатда ўнг ёки чап бурун йўлига киритиш мумкин.




135-расм. Эндоскопия. Бурун түсигининг бўртиқ шаклда қийшайиб, ён девордаги чап ўрта чиганок, остига киргандаги кўриниши.



136-расм. Эндоскопия. Ўнг ўрта бурун йўли урта бурун чиганоги буллоз кенгайишининг кўриниши.



137-расм. Катта бўлмаган энцефаломенинг ўнг бурун ўрта чиганигидан ичкарида жойлашиши (галвирсимон лабиринт полипози).



138-расм. Ўнг юқори жағ бўйлиғидаги ёт жисм, бўшлиқ юқори деворининг емирилиши. Бўшлиқ йирингли суюқлик билан тўлган (КТ – коронар проекцияда).



139-расм. Юқори жағ бүшлигі шиллиқ қаватининг пастки леворда бүртгәнлигі (КТ – коронар проекцияда).




140-расм. Юқори жағ бүшлигі ён-орқа деворининг смирилниши (КТ – коронар проекцияда).



141-расм. Юқори жағ бүшлигіда суюқлик бор.




142-расм. Щұрта бурун йұлининң юқори қисмидан ұстап полип (КТ – коронар проекцияда).



143-расм. Фаллопиевы лабиринтные канали (КТ – аксиальная проекция).



144-расм. Фаллопиевы лабиринтные каналы (КТ – коронарная проекция).




145-расм. Фалвирсимон лабиринт ва күз косасидаги ўсма, экзофталм, мия девори ва бурун түсиги емирилиши (аксиал проекцияда).




146-расм. Фалвирсимон лабиринтнинг чегарасидан чиқмаган остеома (КТ – коронар проекцияда).




147-расм. Фалвирсимон лабиринт ва понасимон бушлиқдаги полиппли түқима.



148-расм. Иккиласынчы йириңгли сфероидит.



149-расм. Понасимон бұшлық кистаси (КТ – аксиал проекцияда).



150-расм. Құз косасига ва олдингі мия чүкүрчасига кириб борған остеома (КТ – аксиал проекцияда).

РЕЦЕПТЛАР – БЕМОРГА БҮЮРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

БУРУН ВА УНИНГ ЁНДОШ БҮПЛИҚЛАРИ КАСАЛЛИГИДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Rp. Sol. Sahorini 0,05% – 10,0

D.S. 2 – 3 томчидан 1 кунда 3 марта бурунга томизилади.

Rp. Streptocidi

Norsulfasoli

Ephedrini hydrochloridi 0,03

(Benzylpenecillinini – natrii – 200.000 ed)

M.f. pulv. subtil

D.S. кунига 2–3 марта бурунга пуркаш учун

Rp. Sol. Collargoli – 1-2 % – 10,0

D.S. 3 – 5 томчидан кунига 2 – 3 марта бурунга томизилади.

Rp. Sol. Protargoli – 1-2 % – 10,0

D.S. 3 – 5 томчидан кунига 3 марта бурунга томизилади.

Rp. Sol. Acidi Borici – 2 % – 10,0

Sol. Adrehalini hydrochloridi 0,1% gtt. X

M.D.S. Ўтқир тумовда 2 – 3 томчидан кунига 3 марта бурунга томизилади.

Rp. Laevomycetini 0,25

Erythromycinini 0,2

Norsulfasoli 2,5

Dimedroli 0,05

Ephedrini hydrochloridi 0,05

M. F. Pulv.

D.S. Кунига 3 марта бурунга пуркаш учун

Rp. Protargoli 0,15

Mentholi 0,15

Lanolini 5,0

Vaselini 15,0

M.F. Ung.

D.S. Атрофик тумовда кунига 3 марта пахта билан бурун йүлларига күйилади.

Rp. Jodi puri 0,02

Kalii jodidi 0,2

Glicerini 20,0

M.D.S. Кунига 2 – 3 марта бурунга томизиш учун.

Rp. Sol. Jodinoli 1% – 50,0

D.S. Кунига 2 – 3 марта бурун ичига пуркаш учун (озена ва атрофик тумовда).

Rp. Sol. Dimedroli 0,5% – 10,0

D.S. 3 – 5 томчидан кунига 2 – 3 марта бурунга томизилади (вазомотор тумовда).

Rp. Sol. Levamisoli 0,1% – 10,0

D.S. 3 – 5 томчидан кунига 3 марта бурунга томизилади (вазомотор тумовда).

Rp. Suprastini 0,025

S. 1/2 таб.дан кунига 2 – 3 марта ичилади.

Rp. Calcii gluconatis 0,5

S. 1 таб.дан кунига 3 марта ичилади (вазомотор тумовда).

Rp. Aciclovir 0,2 (0,4)

S. 1 таб.дан кунига 3 маҳал овқатдан кейин ичилади (ұтқир тумов, герпесда).

Rp. Telfast – 180

S. Кунига 1 таб.дан уйқудан олдин ичилади (аллергик тумовда).

Rp. Susp. Hydrocortisoni acetatis 2,5% – 5,0 ml

S. Аллергик синуитларда бурун ён бүшлиқдарига қүйилади (1,0 мл суспензияни тоза натрий хлор эритмасида аралаштириб, аллергик гайморитда юқори жағ бүшлиғига юборилади).

Rp. Prodigiosani 0,005% – 1,0

S. 0,5 мл дан 1 ҳафтада 1 марта бурунга юборилади.

Rp. Sol. Naphtyzini 0,005% – 10,0

D.S. 2 – 3 томчидан кунига 2 – 3 марта бурунга томизилади.

- Rp. Zinci oxidati 5,0
Vaselini 30,0
M.D.S. Кунига 3 маротаба бурунга суртиш учун.
- Rp. Sol. Dimexidi 30%
pro injectionibus 30,0
D.S. Бурун ёндош бўшлиқлари касалликларида бўшлиқларга юборилади (2 мл.дан).
- Rp. Sol. Dioxidi 0,5 pro injectionibus 10,0
D. t. d. N 10 in amp.
S. Бурун ёндош бўшлиқларига юборилади (2 мл.дан).
- Rp. Sol. Chlorophyllipty 0,25% – 2,0
D. t. d. N 5 in amp.
S. 1 дона ампулани 10,0 мл дистилланган сувга аралаштириб бурун ёндош бўшлиқларига юборилади.
- Rp. Ung. «Flucinari» 30,0
D.S. Ташқи бурун терисига суртиш учун.
- Rp. Sol. Halazolini 0,05% – 10,0
D.S. 2 – 3 томчидан кунига 2 марта бурунга томизилади.
- Rp. Ung. Hydrargyni albi 3-5% – 10,0
Streptocidi 0,3
D.S. Бурун чипқонида кунига 2 – 3 марта суртиш учун.
- Rp. Prednisaloni 0,1
Lanolini
01. persicorum aa 10,0
Aq. Destil 10,0
M. f. ung
DS. Бурун шиллиқ қаватига кунига 3 марта суртилади.
- Rp. Mentholi 0,15
Protargoli 0,15
Lanolini 5,0
Vaselini 10,0
M. f. ung
D.S. Атрофик тумовда кунига 3 марта бурун бўшлиғига қўйиш учун.
- Rp. IRS- 19
S. Кунига 2 – 3 маҳал бурун бўшлиғига сепиш учун (синуситлар ва тонзиллитда).

Rp. Fluditek 2% – 125,0

S. 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал бурун ва ёndoш бўшлиқлари яллиғланганда.

Rp. Nasobec

S. Кунига 1 – 2 маҳал бурунга сепиш учун (аллергик тумовда).

Rp. Levamisoli 0,1

Sol. Natrii chloridi isotonicae 100,0

M.D.S. Юқори жағ бўшлиғига юбориш учун.

Rp. Levorini – natrii 200,00 ed

D. t. d. N 10

S. Замбуруғли касалликларда 1 флакондаги дори 10,0 мл. тоза (дистилланган) сувда эритилиб бурун ёndoш бўшлиғига юборилади.

Rp. Sol. Adrenalinii hydrochloridi 0,1% – 10,0

D.S. Пахта пилик ёрдамида бурун бўшлиғига қўйилади (бурундан қон кетганда).

ЮТҚИН КАСАЛЛИКЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Rp. Sol. Kalli permaganatis 1% – 20,0

D.S. 1 стакан сувга 30 томчи томизилади (ангинада томоқни чайиш учун).

Rp. Jnf. radicis Althaeae 10,0% – 300,0

D.S. Томоқни чайиш учун.

Rp. Sol. Jodinoli 1% – 10,0

Natri tetraboratis 0,6

Glicerini 10,0

M.D.S. Сурункали тонзиллитларда муртакларга суртилади

Rp. Succi Kalanchoes 10,0

D. t. d. N 10 in amp.

S. Муртаклар лакуналарини ювиш учун.

Rp. Sol. Gramicidini 2% – 2,0

D. t. d. N 10 in amp.

S. 1 ампуладаги дорини 100 мл сувда эритиб, муртаклар кунига 2 марта ювилади.

Rp. Sol. Furacilini 1: 5000 – 200,0

D. S. Кунига 3 – 4 марта томоқни чайиш учун.

Rp. Citrali 0,2

Ol. Persicorum 10,0

M.D.S. Сурункали тонзиллитда муртакларга суртиш учун.

- Rp. Jodi puri 0,05
 Kalii iodidi 0,2
 Glycerini 10,0
 M.D.S. Атрофик фарингитда томоқقا суртиш учун.
- Rp. Sol. Dioxidini 0,5% Pro injectionibus 10,0
 D. t. d. N 10 in amp.
 S. Лакуналарни ювиш учун.
- Rp. Sol. Metrogili 100,0
 D.S. Лакуналарни ювиш учун.
- Rp. Sol. Chlorophylli 0,25% – 2,0
 D.t.d. N 5 in amp.
 S. 1 ампуладаги дори дистилланган сувга аралаштирилади.
 Лакуналарни ювиш учун.
- Rp. Sol. Jodinoli 1% – 10,0
 Natr ii tetraboratis 0,6
 Glicerini 10,0
 M.D.S. Сурункали тонзиллитда мұртакларга суртилади.
- Rp. Microcidi 100,0
 D.S. 1 стакан сувга 1 чой қошиқ солинади, томоқни чайиш учун.
- Rp. Levamisini 0,01
 Glucosae 0,3
 M.F. Pulv.
 D.t.d. N 15
 S. Куқун дорини 10 мл дистилланган сувда эритиб, лакуналар ювилади.

ХИҚИЛДОҚ КАСАЛЛИКЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

- Rp. Pertussini 100,0
 D.S. 1 чой қошиқдан 4 – 5 марта қабул қилинади.
- Rp. Codeini phosphatis 0,03
 Sir. Simplicis 10,0
 Aq. destill. 100,0
 M.D.S. 1 чой қошиқдан болаларга кунига 3 марта ичирилади (йүтәл ва сохта бүғмада).

- Rp. Jnf. Herb. Thermopsisidis 0,12% – 100,0
 Liq. Ammonii anisati 2,0
 Sir. Althaeae 10,0
 M.D.S. 1 чой қошиқдан кунига 5–6 марта ичирилади (сохта бүтмада).
- Rp. Euphylini 0,1
 Dimedroli 0,2
 Chymotri psini 0,025
 Aq. destill 20,0
 M.D.S. 1 ингаляция учун 2 мл. ишлатилади.
- Rp. Cortisoni acetatis 0,025
 D.t.d. N 20 in tab
 S. 1/2 таблеткадан кунига 2 марта қабул қилинади.
- Rp. Susp. Cortisoni acetatis 2,5% – 10,0
 D.t.d. N 20 in amp.
 S. 1 мл дан кунига 1 марта мушак орасига юборилади.
- Rp. Sol. Adrenalini hydrochloridi 0,1% – 1,0
 D.t.d. N 5 in amp
 S. Тери остига 0,5 мл юборилади (бүглишида).
- Rp. Sol. Euphyllini 2,4% – 1,0
 D.t.d. N 6 in amp
 S. Мушаклар орасига 1,0 мл юборилади бүглишида.
- Rp. Oxycort – aerosoli 75,0
 D.S. Ютқин ва ҳиқилдоқ шиллиқ қавати қуйғанды сепилади.
- Rp. Dimedroli 0,15
 Ephyllini 0,3
 Ac. ascorbinici 0,5 – 1,0
 Aq. destill 30,0
 M.D.S. Сохта бүтмада, ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхларнинг ўтқир яллиғланишида аэрозол шаклида құлланади.

ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

- Rp. Prednisoloni 0,05
 01. Jecoris Aseli 3,0
 Vaselini 6,0
 M.F. Ung
 D.S. Аллергик дерматитларда қулоқ супрасига суртилади.

- Rp. Oxycort – aerosoli 75,0
D.S. Қулоқ супрасининг яллиғланган қисмига кунига 2 марта сепилади.
- Rp. Oxucort 10,0
D.S. Қулоқ супрасининг куйган қисмига суртилади.
- Rp. Resorcini 0,5
Anaesthesini 1,0
Jchthyoli
Vaselini aa 5,0
M.F. ung
D.S. Ташқи қулоқ экземасида ишлатилади.
- Rp. Sol. Argenti nitratis 0,25 (2)% – 50,0
D.S. Ташқи эши тув йўли терисига суртилади.
- Rp. Ung Nystatini 10,0
D.S. Отомикозда кунига 2 – 3 марта ташқи эши тув йўлига суртилади.
- Rp. Ung. Levorini 30,0
D.S. Отомикозда кунига 2 марта ташқи эши тув йўлига суртилади.
- Rp. Asidi Salicylici 0,2
Spiritys aethylici 70° – 20,0
M.D.S. Йирингли отитларда 6 – 8 томчидан кунига 3 марта томизилади.
- Rp. Natrī hydrocarbonatis 0,5
Glycerini
Aq destill aa 5,0
M.D.S. Қулоқ кирини юмшатиш учун 7 – 10 томчидан кунига 3 марта томизилади.
- Rp. Sol. Zinci sulfatis 0,5% – 10,0
D.S. Қулоққа кунига 3 марта 5 томчидан томизилади.
- Rp. Susp. Hydrocortisoni acetatis 2,5% – 5,0
D.S. Аллергик отитларда кунига 2 – 3 марта 3 – 5 томчидан томизилади.
- Rp. Sol. Argenti nitratis 10 (20–30)% – 10,0
D.S. Қулоқдаги грануляцияларни күйдириши учун.
- Rp. Sofradexi 5,0
D.S. Йирингли отитларда қулоққа томизиш учун.

- Rp. Sofradexi 5,0
D.S. Ташқи отитларда қулоққа қўйиш учун.
- Rp. Dimexidi 10,0
D.S. Отомикозда қулоққа суртилади.
- Rp. Nitrofungini 20,0–30,0
D.S. Отомикозда ташқи эши тув йўлига қўйилади.
- Rp. Chinosoli 0,01
Spiritus aethylici 70° – 10,0
M.D.S. Отомикозда ташқи эши тув йўлига қўйилади.
- Rp. Ung. Nustatini 10,0
D.S. Отомикозда ташқи эши тув йўлига қўйилади.
- Rp. Sol. Dimexidi 20% – 10,0
D.S. Эши тув найчасига юбориш учун.
- Rp. Sol. Dimexidi 30%–10,0
D.S. Қулоққа кунига 2–3 марта 5 томчидан томизилади.
- Rp. Dicaini 0,2
Glicerini 10,0
M.D.S. Қулоқ оғриганда эши тув йўлига 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Novacaini 0,3
Spiritus aethylici 70° – 5,0
Glicerini 5,0
M.D.S. Қулоқ оғриганда эши тув йўлига 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Furacilini 0,01
Spiritus aethylici 50° – 10,0
M.D.S. Қулоққа кунига 3 марта 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Laevomycetini 0,5
Spiritus aethylici 50° – 20,0
M.D.S. Кунига 2–3 марта 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Sol. Dioxydini 1%–10,0
D.S. Кунига 2–3 марта 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Succi Kalanchoes 0,5
Spiritus aethylici 70° – 20,0
M.D.S. Кунига 2–3 марта 5–7 томчидан томизилади.

- Rp. Chymotrypsini crystallisati 0,005
 (seu Trypsini crystallisati)
 D. t. d. N 6 in flas.
 S. Флакондаги дорини 5 мл изотоник эритмада эритиб қунига 2 марта 3–5 томчидан томизилади.
- Rp. Abactali 0,4
 S. 1 таб.дан 2 маҳал ичирилади.
- Rp. Augmentini 0,375 (0,625)
 S. 1 таб.дан 3 маҳал.
- Rp. Diflucani 50,0
 S. Отомикозда ташқи эшиштүв йўлига пиликча ёрдамида қўйилади.
- Rp. Acidi salicylici 0,2
 Spiritus aethylici 70° – 20,0
 M.D.S. Кунига 3 марта 6 – 8 томчидан томизилади.
- Rp. Sol. Argenti nitratis 0,5% – 10,0
 D.S. Бурунга кунига 2 марта 3 – 4 томчидан томизилади.
- Rp. Sol. Argenti nitratus 1% – 10,0
 D.S. Кунига 2 марта 3 – 4 томчидан томизилади.
- Rp. Extr. Bellatonnae 0,5
 Anaesthesini 0,75
 Vaselini 15,0
 M.f. Ung.
 D.S. Ташқи қулоқ йўлида қичима бўлганда суртилади.
- Rp. Synarali 20,0
 D.S. Ташқи қулоқ терисига суртиш учун.
- Rp. Ac. Salicylici 0,2
 Spiritus aethylici 40° – 10,0
 M.D.S. Қулоққа 3 – 4 томчидан томизилади.
- Rp. Chymopsini 0,05
 D. t. d. N 5 in amp
 S. 1 флакон дори 10 мл изотоник эритмада эритилиб, қулоққа томизилади.
- Rp. Polymixinī m. Sulfatis 500.000 ed
 Aq. destill. 10,0
 M.D.S. Йирингли отитда қулоққа кунига 3 марта 5 – 6 томчидан томизилади.

- Rp. Polymixini m. sulfatis 0,1
 Siritus aethylici 40° — 10,0
 M.D.S. Қулоққа кунига 2 — 3 марта 3 — 5 томчидан томизилади.
- Rp. Microcidi 50,0
 D.S. Пиликда ташқи қулоқ йүлиға қўйиш учун.
- Rp. Sol. unithioli 5% — 5,0
 D. t. d. N 15 in amp
 S. Мушаклар орасига 1 мл дан юборилади (ҳар 10 кг оғирлик вазнига қараб).

ҚИЗИЛҮНГАЧ КАСАЛЛИКЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

- Rp. Sol. Acidi hydrochloridi 0,1% — 1000,0
 D.S. Қизилўнгач ва меъдани ювиш учун (куйганда).
- Rp. Magnesii oxydati 10,0
 Aq. destill. 100,0
 M.D.S. Кислота билан заҳарланганда ҳар 10 минутда 1 ош қошиқдан ичирилади.
- Rp. Sol. Novocaini 1% — 100,0
 D.S. Ютқин, қизилўнгач куйганда кунига 5—6 марта 1 чой қошиқдан ичирилади.

ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛИДАН ҚОН КЕТГАНДА БЕРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

- Rp. Viscosi haemostatici N 6
 D.S. Бурундан қон кетгандага ишлатилади.
- Rp. Sol. Vikasoli 1% — 1,0
 D. t. d. N 10 in amp
 S. Мунак орасига 1,0 мл дан юборилади.

БУФ ЁКИ АЭРОЗОЛ ҲОЛИДА НАФАС ЙЎЛИГА ЮБОРИЛАДИГАН ТУРЛИ ШИФОБАХШ ДОРИЛАР

- Rp. Anaesthesini 1,0
 Ol. Persicorum 3,0
 M.D.S. Нафас йўлита заррacha ҳолида юбориш учун.
- Rp. Sol. Natri hydrocarbonatis 1% — 100,0
 D.S. Нафас йўлига заррacha ҳолида юбориш учун.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Сұз боши | 3 |
| Кулоқнинг клиник анатомияси | 4 |
| Ногора парда | 7 |
| Үрта қулоқ | 8 |
| Ногора бўшлиғи | 8 |
| Үрта қулоқнинг қон ва нерв билан таъминланиши | 11 |
| Эшитув найи | 12 |
| Чакка суюги | 13 |
| Ички қулоқ | 17 |
| Суяк лабиринт | 17 |
| Ярим ҳалқасимон суяк каналлари | 18 |
| Чиганоқ | 19 |
| Парда лабиринт | 20 |
| Қулоқнинг вазифаси | 23 |
| Вестибуляр анализатори (мувозанат сақлаш) фаолияти | 26 |
| Қулоқни текшириши усуллари | 30 |
| Қулоқни рентген орқали текшириш | 34 |
| Эшитиш қобилиятини текшириш | 35 |
| Камертонлар ёрдамида текшириш | 36 |
| Вебер тажрибаси | 37 |
| Ринне тажрибаси | 38 |
| Швабах тажрибаси | 39 |
| Желе тажрибаси | 39 |
| Бинг тажрибаси | 39 |
| Федериччи тажрибаси | 39 |
| Бош ва гавда мувозанатини идора қиладиган гъзони текшириш (вестибуляр аппарат) | 40 |
| Ички қулоқ дахлиз қисмининг фаолиятини аниқлаш | 42 |
| Отолит аппаратини текшириш – Воячек тажрибаси | 42 |
| Калорик усул | 43 |
| Прессор (исканжалаш) тажрибаси | 43 |
| Ташқи қулоқнинг туғма нүқсони | 44 |
| Ташқи эшитув йўли нүқсони | 45 |
| Ташқи қулоқдаги туғма оқма | 46 |
| Үрта ва ички қулоқнинг туғма нүқсони | 46 |
| Эшитув аъзоси ривожланишининг бузилиши | 47 |
| Қулоқнинг шикастланиши | 47 |
| Ўраб олувчи ёки белбоғсимон учук | 48 |
| Қулоқ супрасида қон йигилиши (отогематома) | 48 |
| Ташқи қулоқ йўли шикастланиши | 49 |
| Қулоқ супрасини совуқ олиши | 50 |
| Қулоқ супрасининг куйиши | 50 |
| Экзема | 50 |
| Акустик шикастланиш | 51 |
| Вибро (тебраниш) шикастланиш | 51 |
| Баро шикастланиш | 52 |

| | |
|--|-----------|
| Ташқи қулоқ йўлидаги ёт жисмлар | 52 |
| Ташқи қулоқ йўлида чирк (сера)нинг йиғилиши | 54 |
| Отомикоз | 55 |
| Ташқи эшитув йўлининг тарқоқ (диффуз) яллиғланиши | 56 |
| Ташқи эшитув йўли чипқони | 56 |
| Ўрта қулоқ касалликлари | 57 |
| Ўрта қулоқнинг катарал отити | 58 |
| Ўрта қулоқнинг ўткир йириングли яллиғланиши | 59 |
| Баъзи бир юқумли касалликлар сабабли ўрта қулоқда ўткир йириングли отитнинг келиб чиқиши ва кечиши | 64 |
| Ташқи ва ўрта қулоқ шикастланиши натижасида ривожланадиган ўрта қулоқнинг ўткир йириングли яллиғланиши | 65 |
| Ўрта қулоқнинг сили | 65 |
| Эмизикли болаларда ўрта қулоқ ўткир йириングли яллиғланиши | 66 |
| Антрит | 68 |
| Мастоидит | 70 |
| Мастоидитнинг ўзига хос (алоҳида) тури | 73 |
| Юз нерви парези ва фалажи | 75 |
| Ўткир отитни даволашда қўлланадиган баъзи бир антибиотикларнинг таъсири | 75 |
| Болаларда йириングли ўрта отитнинг қайталаниши | 76 |
| Ўрта қулоқнинг сурункали йириングли ўрта отити | 78 |
| Сурункали йириングли мезотимпанит | 79 |
| Сурункали йириングли эпитетимпанит | 80 |
| Сурункали йириングли эпимезотимпанит | 81 |
| Сурункали йириングли ўрта отитни даволаш | 81 |
| Радикал жарроҳлик усули | 83 |
| Хасталикнинг олдини олиш ва асоратлар келиб чиқишига йўл қўймаслик тадбирлари | 84 |
| Ички қулоқнинг яллиғланиши (лабиринтит) | 84 |
| Тарқалган серозли лабиринтит | 85 |
| Ички қулоқнинг тарқалган йириングли яллиғланиши | 85 |
| Ички қулоқнинг чегараланган (чекланган) яллиғланиши | 86 |
| Ички қулоқ яллиғланишини даволаш | 87 |
| Йириングли отитларнинг калла суюги ичига берадиган асоратлари | 87 |
| Калла суюги ичи асоратлари | 87 |
| Экстрадурал абсцесс | 87 |
| Сигмасимон синус (бўшлиқ) да қон ивиши ва қон орқали йирингнинг организмга тарқалиши (септикопиемия) | 88 |
| Серозли менингит | 90 |
| Йириングли лепто менингит | 90 |
| Мия ва мияча ҳўпози | 91 |
| Йириングли отитда бош мия ва орқа мия тўрсимон пардасининг яллиғланиши (арахноидит) | 93 |
| Кулоқнинг йирингиз касалликлари | 93 |
| Ўрта қулоқнинг сурункали катари (ўрта қулоқнинг чандиқли отити) | 93 |

| | |
|--|-----|
| Эшитув нерви яллиғланиши (неврит) | 95 |
| Отосклероз | 96 |
| Менъер касаллиги | 97 |
| Кулоқ оғирлиги ва карлик | 98 |
| Кар-соқовлик | 99 |
| Ўрта қулоқнинг сурункали отитида эшитиш қобилиятини тикловчи жарроҳлик усули (тимпанопластика) | 99 |
| Кулоқдаги хавфсиз ўсмалар | 101 |
| Кулоқдаги хавфли ўсмалар | 101 |
| Бурун ва унинг ёндош бўшлиқларининг клиник анатомияси | 102 |
| Бурун бўшлиғи | 103 |
| Бурун бўшлиғи томирлари | 105 |
| Бурун ёндош бўшлиқлари | 106 |
| Юқори (гаймор) жағ бўшлиғи | 106 |
| Фалвирсимон бўшлиқ | 107 |
| Асосий ёки понасимон суяқ бўшлиғи | 108 |
| Пешона суяги бўшлиғи | 109 |
| Бурун ёндош бўшлиқларининг қон билан таъминланиши .. | 109 |
| Бурун физиологияси | 109 |
| Бурунни текшириш усуллари | 112 |
| Бурун атрофи бўшлиқларини текшириш | 118 |
| Буруннинг туғма нуқсонлари | 119 |
| Бурун бўшлиғидаги туғма нуқсонлар | 120 |
| Ташқи бурун касалликлари | 121 |
| Бурун чипқони | 121 |
| Бурун сарамаси | 122 |
| Бурун даҳлизи экземаси | 123 |
| Бурун жароҳати | 123 |
| Бурун тўсиги гематомаси ва абсцесси | 125 |
| Бурун бўшлиғидаги ёт жисмлар | 126 |
| Бурундан қон кетиши | 127 |
| Бурун тўсигининг қийшайиши | 131 |
| Бурун бўшлиғи синехияси ва атрезияси (бурун бўшлиғининг битиб кетиши) | 132 |
| Бурун бўшлиғининг ўткир яллиғланиши – ўткир тумов .. | 132 |
| Эмадиган болаларда ўткир тумов | 134 |
| Юқумли касалликларда ўткир тумовнинг ривожланиши | 135 |
| Бурун бўғмаси | 135 |
| Қизамиқ | 135 |
| Қизилча | 136 |
| Грипп | 136 |
| Сурункали тумов | 137 |
| Сурункали оддий (катарал) тумов | 137 |
| Сурункали гипертрофик тумов | 137 |
| Сурункали атрофик тумов | 139 |
| Сурункали атрофик сассиқ тумов | 140 |
| Вазомотор тумов | 143 |
| Аллергик тумов | 143 |

| | |
|--|------------|
| Бурун ёндош бўшлиқларининг ўткир ва сурункали касалликлари | 145 |
| Юқори жағ бўшлигининг ўткир яллигланиши | 147 |
| Юқори жағ бўшлигининг сурункали яллигланиши | 148 |
| Юқори жағ бўшлиги кистаси | 151 |
| Фалвирсимон лабиринт катакларининг ўткир яллигланиши | 151 |
| Фалвирсимон бўшлиқнинг сурункали яллигланиши | 152 |
| Пешона бўшлигининг ўткир яллигланиши | 153 |
| Пешона бўшлигининг сурункали яллигланиши | 154 |
| Асосий бўшлиқнинг яллигланиши | 156 |
| Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари хасталикларининг кўз косаси ва калла сугиги ичига берадиган асоратлари | 156 |
| Кўз косасига берадиган асоратлар | 156 |
| Буруннинг ҳид сезиш хусусиятининг бузилиши | 159 |
| Буруннинг хавфсиз ўスマлари | 159 |
| Хавфли ўスマлар | 161 |
| Ҳалкум клиник анатомияси | 161 |
| Ҳалкум физиологияси | 166 |
| Қизилўнгачнинг клиник анатомияси | 167 |
| Қизилўнгач физиологияси | 169 |
| Ҳалкумни текшириш усуллари | 170 |
| Қизилўнгачни текшириш усуллари | 172 |
| Ҳалкум касалликлари | 174 |
| Ҳалкумнинг шикастланиши | 174 |
| Қизилўнгачнинг шикастланиши | 175 |
| Қизилўнгачдаги ёт жисмлар | 177 |
| Ҳалкум ва қизилўнгачнинг куйиши | 177 |
| Ҳалкум лимфоид тўқималарининг катталашиши | 178 |
| Танглай муртакларининг катталашиши | 181 |
| Ҳалкумнинг ўткир яллигланишлари | 182 |
| Ҳалкум шиллиқ пардасининг ўткир яллигланиши – ўткир фарингит | 183 |
| Ангина ёки ўткир тонзиллит | 184 |
| Муртак атрофидаги абсцесс | 185 |
| Ҳалкум орқа бўшлиги абсцесси | 187 |
| Ҳалкумнинг баъзи бир юқумли касалликлarda яллигланиши | 189 |
| Ҳалкум бўғмаси | 189 |
| Ярали-пардали ангина | 191 |
| Баъзи бир қон касалликларида ҳалкумнинг яллигланиши .. | 191 |
| Агронулошттар ангина | 192 |
| Алиментар-токсик алейкияда муртакнинг яллигланиши .. | 192 |
| Ҳалкумнинг сурункали касалликлари | 193 |
| Ҳалкум шиллиқ қаватининг сурункали яллигланиши | 193 |
| Сурункали фарингит | 193 |
| Сурункали тонзиллит | 194 |
| Жарроҳлик усулида даволаш | 197 |
| Сурункали тонзиллит профилактикаси | 198 |
| Ҳалкумда учрайдиган ўスマлар | 198 |
| Бурун-ҳалкумда учрайдиган ўスマлар | 199 |
| Бурун-ҳалкум фибромаси (ўсмирлар фибромаси) | 199 |
| Ҳалкумдаги хавфли ўスマлар | 200 |
| Ҳиқилдоқнинг клиник анатомияси | 200 |
| Ҳиқилдоқ тофайлари | 201 |

| | |
|--|------------|
| Хиқилдоқ бүғимлари ва бойламлари | 203 |
| Хиқилдоқ мушаклари | 204 |
| Лимфа системаси | 206 |
| Хиқилдоқ нерв системаси | 207 |
| Хиқилдоқ физиологияси | 207 |
| Нафас олиш фаолияти | 207 |
| Химоя фаолияти | 207 |
| Товуш ҳосил қилиш фаолияти | 208 |
| Кекирдак ва бронхларнинг клиник анатомияси | 208 |
| Бронхлар | 209 |
| Кекирдак ва бронхлар фаолияти | 210 |
| Хиқилдоқни текшириш усуллари | 210 |
| Кекирдак ва бронхларни текшириш усуллари | 212 |
| Хиқилдоқ касалликлари | 213 |
| Түфма стридор | 214 |
| Кекирдакнинг түфма нуқсонлари | 214 |
| Кекирдакнинг түфма торайиши | 215 |
| Хиқилдоқнинг ўткир яллигланишлари | 215 |
| Хиқилдоқ товуш бойламлари ости шиллиқ қаватининг яллигланиши | 216 |
| Сохта бүғма | 216 |
| Хиқилдоқ, кекирдак ҳамда бронхларнинг толали, биринтирувчи түқимали ва пардали ўткир яллигланиши | 217 |
| Хиқилдоқ ва кекирдакнинг ўткир торайиши | 218 |
| Нафас йўлларидаги ёт жисмлар | 219 |
| Хиқилдоқнинг ўткир йирингли тарқоқ яллигланиши | 221 |
| Хиқилдоқ ангинаси | 222 |
| Хиқилдоқнинг чин бүғма касаллиги (дифтерия) | 222 |
| Хиқилдоқ ва кекирдак торайишларини жарроҳлик усулида даволаш | 223 |
| Трахеотомия қилишда йўл қўйиладиган хатоликлар ва ундан кейинги асоратлар | 224 |
| Хиқилдоқнинг жароҳатланиши | 225 |
| Хиқилдоқнинг турмушда учрайдиган шикастланишлари | 226 |
| Хиқилдоқнинг сурункали касалликлари | 227 |
| Сурункали ларингит | 227 |
| Сурункали катарал ларингит | 227 |
| Сурункали гиперпластик ларингит (тўқима, аъзо ҳажмининг катталашуви) | 228 |
| Сурункали атрофик ларингит | 229 |
| Хиқилдоқ нерви фаолиятининг бузилиши | 229 |
| Хиқилдоқ мушаклари фалажи | 230 |
| Хиқилдоқ ва кекирдакнинг сурункали торайиши (сурункали бўғилиш) | 232 |
| Хиқилдоқ ўсмалари | 233 |
| Хавфсиз ўсмалар | 233 |
| Хавфли ўсмалар | 235 |
| Юқори нафас йўлларидаги сурункали инфекцияли гранулемалар | 236 |
| Баъзи бир оториноларингологик касалликларда болаларни диспансеризация (назорат) қилиш | 238 |
| Рецептлар – беморга буюриладиган дорилар | 249 |

**Дадамуҳамедов Абдумалик,
тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**Омонов Шавкат Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор**

БОЛАЛАР ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯСИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

**Давлат илмий нашриёти,
Навоий кўчаси, 30**

**Таҳририят мудири *C. Ибрагимова*
Муҳаррирлар *Ш. Иноғомова, З. Гуломова*
Техник муҳаррир *M. Олимов*
Бадиий муҳаррир *A. Ёқубжонов***

2005 й. 3.03 да босишига рухсат этилди. Қофоз бичими 60x90 $\frac{1}{16}$.
Шартли босма табоги $16,5+0,5$ вклейка. Нашриёт ҳисоб табоги 17,0.
Нархи шартнома асосида. 73 рақамли буюртма.

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.